



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**




**К.Б. АХМЕДЖАНОВ**



**ИЧКИ АУДИТ**



**ўқув қўлланма**



Тошкент–2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**К.Б. АХМЕДЖАНОВ**

**ИЧКИ АУДИТ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши томонидан  
5A230902 - «Аудит» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
магистрлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

**УДК 658.1(07)**

**ББК 65.052**

К.Б. Ахмеджанов

Ички аудит. [Матн]: ўқув қўлланма/ К.Б. Ахмеджанов – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019. - 240 б.

**УДК 658.1(07)**

**ББК 65.052**

Мазкур ўқув қўлланмада ички аудитнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, ички аудит хизмати фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, ички аудитор хизмати фаолиятини режалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни қискартириш ва даромадни ошириш имконини берувчи ички аудит ваколатларини тақсимлаш жараёни, ички аудит асосий босқичлари мазмуни, ҳужжатлаштириш жараёнларини таҳлил қилиш ва аудиторлик далилларини тўплаш ҳамда уларни қайта ишлаш жараёни, бошқарув тизимида ички аудитни ташкил этишни шакл ва усуллари, текширув натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, ички аудиторлик текшируви натижасига хулоса ясаш ва ҳисоботларда акс этириш каби масалалар очиб берилган. У 5А230902 - «Аудит» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги магистрлари учун “Ички аудит” фанидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.

В данном учебном пособии описывается сущность, цели и задачи внутреннего аудита, организационно-экономический механизм организации службы внутреннего аудита, процесс планирования службы внутреннего аудита, процесс распределения полномочий внутреннего аудита, что позволяет снизить затраты и увеличить доходы, содержание основных этапов внутреннего аудита, анализ процессов документирования и сбора и обработки аудиторских доказательств, форм и методов организации внутреннего аудита в системе управления, подведение итогов и составление результатов проверок, составление выводов по

результатам внутреннего аудита и их отражение в отчетах. Оно рекомендовано в качестве учебного пособия по предмету «Внутренний аудит» для магистров специальности 5А230902 - «Аудит» (в отраслях и сферах).

This textbook describes the nature, goals and objectives of internal audit, the organizational and economic mechanism for organizing the internal audit service, the planning process of the internal audit service, the process of distributing the powers of internal audit, which reduces costs and increases revenues, the content of the main stages of internal audit, process analysis documenting and collecting and processing audit evidence, forms and methods of organizing internal audit in the management system, summarizing and compiling results of inspections, drawing conclusions on the results of the internal audit and their reflection in the reports. It is recommended as a textbook on the subject of “Internal Audit” for Masters of specialty 5A230902 - “Audit” (in industries and fields).

**ISBN: 978-9943-5185-4-4**

© “Иқтисодиёт” нашриёти, 2019

© К.Б. Ахмеджанов, 2019

## КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муомалалар билан бир қаторда назорат тизимини ташкил этишнинг аҳамияти катта. Зеро, самарадорлик кўрсаткичларига ахборотнинг ишончли ва етарлили бевосита таъсир кўрсатади, шу боис корхона фаолияти кўрсаткичлари маъсул шахслар томонидан молиявий ҳисоботларнинг бузиб кўрсатилишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида мулкдорлар томонидан режалаштирилган инвестицион дастурлар амалга ошмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Биз иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шarti бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирамиз. 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни самарали ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида чет эл мутахассисларини бошқарув тизимида жалб қилиш, бунинг натижасида ички назорат ва аудит тизимларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ички аудит хизмати фаолияти нисбатан янги тушунча бўлиб, у айна пайтда ўзининг эволюцион ривожланиш жараёнининг бошланғич босқичидадир. Ваҳоланки, жаҳон амалиётида ички аудит аллақачон алоҳида йўналиш сифатида ажратилган бўлиб ушбу фаолиятни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш вазифалари халқаро профессионал ассоциация, яъни Халқаро ички аудиторлар институти (The Institute of Internal Auditors, ИА) томонидан амалга оширилади. Ушбу институт 150 дан ортиқ давлатларда аудиторлик фаолияти тармоғида ва ички аудит соҳасида банд бўлган 180 000 дан ортиқ аъзоларини бирлаштиради.

Ҳозирги замон ички назорат тизими хорижий давлатлар корпоратив бошқарув тизими тажрибасида унинг тамойиллари талаблари асосида шакллантирилади ва асосий урғуни компания раҳбариятининг ишончли ички назорат тизимини шакллантириш ва унинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун жавобгарлигини оширишга қаратади. Таъкидлаш жоизки, республикамизда ҳам кўпчилик компаниялар бугунги кунда ўз таркибида ички назорат тизими фаолиятига баҳо берувчи ички аудит хизматини шакллантирмоқда. Натижада ички аудит корпоратив бошқарув ва назоратни ташкил этишда компания мулкдорлари ва Директорлар кенгашининг муҳим воситаси ва компанияда ички назоратнинг энг мукамал шаклига айланди.

Фикримизча, ички аудит – корхонанинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил, объектив кафолатлар ва маслаҳатлар бериш бўлиб, у корхонага рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ва баҳолашга тизимлаштирилган ва изчил ёндашувни кўллаган ҳолда унга қўйилган мақсадларга эришишда ёрдам беради.

Ички аудит йўналиши бухгалтерия ҳисоби технологиясини ушбу тизимнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши сифатига баҳо беришдан иборат бўлиб, ички аудит иш фаолиятининг хусусиятларидан бири бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи регистрларида хатолар ва четга чиқишларни аниқлаш йўли

билан активлар ва ҳужжатларнинг сақланишини таъминлашга қаратилгандир. Бошқача айтганда, бухгалтерия ҳисоби тизимининг ички аудити моддий, молиявий, меҳнат ва ахборот ресурсларининг талон-тарож қилиниши, фирибгарлик, сохталаштириш, бузилиш ва мақсадсиз фойдаланилишининг олдини олишга йўналтирилган.

Ички аудит хизматининг асосий вазифалари хўжалик юритувчи субъектларда йўлга қўйилган ички назорат тизими хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Унинг самарадорлиги эса иш режасининг тўғри тузилганлиги ва тегишли ҳисоботларда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий жиҳатларига қанчалик эътибор қаратилганлиги билан баҳо берилади.

Бунинг натижасида эса ички назорат тизимидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган масалалар таҳлил қилинади ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир тизимнинг вазифаларини ва ундан кутилган натижаларни аниқлашда қатта самара беради ҳамда ички аудит ва ички назорат тизимлари фаолиятини тартибга солади.

Шу билан бир қаторда ички аудит вазифалари таркибига кирувчи ва уни ташқи аудитдан чегараловчи асосий фарқланувчи хусусиятларини очиқ беради ва у томондан тайёрланган хизматлардан ташқи аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ички аудит хизмати асосий мақсадларидан бири хўжалик юритувчи субъектларни ҳар бир бўлими фаолиятига баҳо бериш ва ундаги камчиликларни бартараф этиш борасида ўз таклифларини бериб бориши лозим.

Ички аудит фаолиятини ташкил этиш асосларидан бири бу унинг меъёрий асосини шакллантириш ва уни тўғри расмийлаштиришдан иборатдир. Бунда ички аудит рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқариш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш ва оширишга тизимлашган ва изчил ёндашувни қўллаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида ёрдам беради.

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида ҳамда турли мулкчилик шаклларида бошқарув самарадорлигини ошириш, тармок

иктисодиётининг талабларини диверсификациялаш, бошқарув тизимини ислох этишда ички аудитнинг функционал аҳамияти катта. У хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда, мавжуд молиявий ресурс ва асосий капиталдан самарали фойдаланишда, барқарор ўсиш истикболларини белгилаб беришда кўпгина афзалликка эга бўлиб, ҳар қандай муаммоларни рақобат курашида ечиб беради. Бу эса ўз навбатида, республикамиз иктисодиётида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларларнинг иктисодий кўрсаткичларини оширишга, уларнинг барқарор фаолият олиб боришларини таъминловчи макроиктисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда ички аудитни такомиллаштириш кўп ҳолларда турлича эволюцион ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга оладиган иктисодиётни модернизация қилиш шароитида, бозор иктисодиёти талабларига давоб берадиган ички аудит услубиётини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бизнингча, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ички аудит Институти имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув самарадорлиги ошишига олиб келади. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланиши билан ички аудит ички назоратнинг ривожланган шакли сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив бошқарув тизимида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда жаҳон иктисодиётига жадал суръатлар билан интеграциялашаётган ҳозирги даврда халқаро молиявий ҳисоботлар ва аудит стандартларига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички аудит хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда, мавжуд молиявий ресурс ва асосий капиталдан самарали фойдаланишда, барқарор ўсиш истикболларини белгилаб беришда кўплаб афзалликларга эга бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигини таъминлайди.



Бу эса, ўз навбатида, таъкидлангандек, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш орқали мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

“Ички аудит” фани иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ички аудитининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, унинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, усуллари ҳамда ахборот-таҳлил базасини ўрганиш, ички назоратдаги ўрнига объектив баҳо бериш, халқаро илғор тажрибани эътиборга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни самарали ташкил этиш, миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати фаолиятини тартибга солувчи халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш борасида хулоса ва таклифлар беришда етарли даражада билимларни беради.

Мазкур ўқув қўлланма 8 бобдан иборат бўлиб, унда ички аудитнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, ички аудит хизмати фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, ички аудитор хизмати фаолиятини режалаштириш ва якуний аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш жараёнининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини, иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро тан олинган талабларни умумлаштириш ва миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ички аудитни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни қисқартириш ва даромадни ошириш имконини берувчи ички аудит ваколатларини тақсимлаш жараёни, ички аудит асосий босқичлари мазмуни, ҳужжатлаштириш жараёнларини таҳлил қилишни ва аудиторлик далилларини тўплаш ҳамда уларни қайта ишлаш жараёнини, бошқарув тизимида ички аудитни ташкил этишни шакл ва усуллари, текширув натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, ички аудиторлик текшируви натижасига хулоса ясаш ва ҳисоботларда акс эттириш каби масалалар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шу соҳа бўйича

МДХ давлатлари ва Республикамиз иктисодчи олимларининг ўқув-услужбий, назарий ва амалий қўлланмаларидан кенг фойдаланилди.

Ўқув қўлланма 5A230902 - «Аудит» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланмани яратишда муаллиф ўз олдига қўйган асосий мақсад – бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида етишиб келаётган янги кадрлар аудиторлик фаолияти асосларини чуқур ва самарали ўрганишларида кўмаклашишдан иборат экан, Сиз мухтарам ўқувчига ана шундай улкан режаларингизнинг амалга ошишида муваффақиятлар тилаб қоламиз!

# **1-БОБ. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ЎРНИ**

## **1.1. Корхонани бошқариш тизимида молиявий назоратнинг ўрни**

Назорат, режалаштириш, бошқариш, ҳисоб ва таҳлил билан бир қаторда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг (корхона, ташкилот, муассаса), унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолият туридан қатъий назар, бошқарув тизими функцияларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир корхонанинг энг муҳим мақсади хўжалик фаолияти самарадорлигига эришиш, максимал даражада фойда олиш ҳисобланади ва бунда молиявий назоратнинг аҳамияти ўсиб боради. Назоратнинг ушбу тури асосида молиявий тизимнинг ҳар бир бўғинида ишончли ахборотлар олинишига, унинг ишларнинг реал ҳолатига мос келишига эришилади. Молиявий назорат ёрдами билан корхона раҳбарияти самарали молиявий-хўжалик бошқарувини амалга ошириши, мулк эгалари эса уларнинг капиталларини ҳаракатини кузатиш мумкин, бу эса иктисодиётга чет эл инвестициялари жалб этилиши учун маълум қафолатлар берилишига имконият яратади.

Корхоналарда молиявий назоратни амалга ошириш моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажатлардан тежамли фойдаланишга боғлиқ. Бу эса керакли чоралар кўришга, айбдорларни жавобгарликка тортишга, келтирилган зарар учун (товон тўлови) компенсация олишга, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга имкон беради.

Шу тарика корхоналарда молиявий назоратнинг предмети бўлиб молиявий ресурсларнинг шаклланиш ва фойдаланиш жараёнлари, назорат объекти сифатида эса фаолияти ушбу жараён билан бевосита боғлиқ бошқарув органлари ҳисобланади.

Корхона молиявий назорати тизимига:

- корхонанинг ҳамма структуравий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган бошқарув-молия назорати;

- ҳисоб-молия хизматидан алоҳида, ички аудитнинг мустақил, ихтисослаштирилган бўлинмалари киради.

Ички молиявий назоратни амалга оширишнинг энг муҳим шарти бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботларда мавжуд бўлувчи молиявий ахборотлар, шунингдек, корхона хўжалик фаолиятининг турлича томонларини акс эттирувчи умумлаштирилган молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Молиявий менежер (бош бухгалтер) томонидан бошқариладиган молиявий менежмент бўлими корхонанинг пул оқимларини назорат қилади. Жумладан, бухгалтерияда хўжалик операцияларининг бутлиги ва ўз вақтида акс этиши, бухгалтерия ҳисоботларининг тўғри ва ишончли тузилганлигига ва ҳисоботларнинг солиқ органларига тақдим этилишига жавоб беради. Бўлим корхона молиявий активларининг назоратини амалга оширади, ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатда бўлади.

Корхонадаги ҳар қандай фаолият иккита тизим доирасида юз беради. Бири – қўйилган мақсадларга эришиш учун қурилган операцион (ташкилий) тизим. Бошқа тизим – операцион (ташкилий) тизимнинг ичидан ўтувчи назорат тизими. У умумий ҳолатда бошқарув қарорларидан, амаллар, коидалар, кўрсатмалар, бюджетлар, ҳисоб ва ҳисобот тизимларидан иборат бўлади. Бу тизим якуний ҳолатларда, корхона яхлит ҳолда ва корхона менежерлари қисман қўйилган мақсадларга эришишлари учун зарур фаразларни яратиш ва эҳтимолларни орттиришга йўналтирилган.

Ички назорат корхона ўз олдига қўйган мақсадига эришишига йўналтирилган ва раҳбариятнинг корхона фаолиятини умуман ва бўлимларни алоҳида режалаштириш, ташкил этиш ва мониторинг бўйича ҳаракатларининг натижалари ҳисобланувчи жараёндир. Корхона менежерлари, биринчидан, корхона ва алоҳида бўлимлар мақсадларини қўйиши ва вазифаларини белгилаши ва корхонанинг мос келувчи ташкилий тузилмасини қуриши лозим. Иккинчидан, ҳужжатлаштириш ва ҳисоботларнинг, ваколатларига ажратилишини,

самарали тизимини шаклланиши қўйилган мақсадларга эришиш ва олдинда турган вазифаларни ҳал қилиш кабиларни таъминлаш керак.

Бухгалтерия ҳисоби нуктаи назаридан ички назоратни белгилаш қуйидаги тарзда бўлади: ички назорат корхона активлари бутлигини ва бухгалтерия ёзувлари ишончлилигини таъминлаш бўйича ҳисоб сиёсати, коидаларидир, у:

- муомалаларга етарли тарзда аниқлик киритилганлигига;
- муомалалар ҳисоботларда ҳисоб стандартларига мос ҳолда ўз вақтида ва аниқ акс этишига;
- корхона активларига эришиш имкониятлари аниқлик билан амалга оширилиши;
- активларнинг ҳақиқатда мавжудлиги доимий равишда бухгалтерия ёзувлари билан таққосланишиб турилади.

Ички назорат тизимининг тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

*Ташкил этилиши:* оддий ташкилий тузилма, бўйсунувчанликка асосланади, ваколати доирасида масъулият, юқори турувчи раҳбарлар олдида ҳисобот, критик функциялари чегараланган, ички ва ташки омиллар ўзгаришида тез сезувчанлик (таъсирланиш) имконияти, ҳар бир бўлимнинг роли ва жавобгарлигини аниқ белгилаш, ходимлар фаолиятини назорат қилиш даражаси ва уларнинг иши натижаларини доимий баҳолаш.

*Сиёсати:* корхонанинг мақсадлари ва вазифаларига мос равишда раҳбарият даражасида тасдиқланади, ёзма равишда нашр қилинади, ходимларга маълум қилинади, доимий равишда қайта кўриб чиқилади ва зарурат туғилганда, янгиланади.

*Амаллари:* критик функциялар чегаралари ажратилишини таъминлайди, максимал даражада оддий ва тушунарли, бир-бирига зид эмас ва бир-бирини такрорламайди, доимий равишда қайта кўриб чиқилади ва зарурат туғилганда, янгиланади.

*Ходим(лар):* ишга қабул қилишда номзодларнинг шахсий сифатларини баҳолаш профессионал (касбий) тренинг ва курслар, вазифалар ва масъулиятнинг аниқ белгиланганлиги.

*Ҳисоб:* самарали қарор қабул қилиш учун зарур корхонанинг ташкилий бўлинмалари бўйича юритилади.

*Ҳисобот:* ҳисоботлар ўз вақтида тузилади, оддий ва изчил.

*Бюджетлар:* бўлинмалар олдига қўйилган мақсадларга эришишни таҳлил қилиш воситаси сифатида хизмат қилади ва турли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга ёрдам беради.

Ички назорат ҳақида гапирганда шуни ҳам англаш керакки, у фақат аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилгандагина фойдали ҳисобланади ва назорат натижаларини баҳолашдан аввал бу мақсадни аниқлаш зарур. Ички назоратнинг бешта асосий мақсади бор: ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги;

- ҳисоб сиёсати, бизнес режаларга, қонунчиликка мослиги;

- активларнинг бутлигини таъминлаш;

- ресурслардан тежаб ва самарали фойдаланиш;

- компания бўлинмалари томонидан қўйилган мақсадлар ва вазибаларга эришиш.

Ички назорат концепцияси ўзига бир қанча таркибий қисмларни қамраб олади:

Биринчидан, бу – корхонанинг ички муҳити, яъни этика талаблари, бошқарув услуби, қарор қабул қилиш жараёни, ваколатларнинг ўзгариши ва масъулиятни ҳис қилиш, ходимларга нисбатан сиёсат, ходимларнинг ваколатлилиги ва энг муҳими, корхона бошқарув аппаратининг ички назоратга муносабати;

Иккинчидан, корхонанинг ўз мақсадларига эришиши йўлида турган рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бошқариш;

Учинчидан, назоратнинг ҳар куни амалга оширилиши: ҳисоб ва ҳисоботлар, ваколатларнинг табақаланиши, активларга бўлган ҳуқуқ ва мониторинг;

Тўртинчидан, ахборот олишга имконият – мос келувчи ахборот ким унга эҳтиёж сезса, унга эга бўлиши ва бу унга юкланган функциялар/мажбуриятлар доирасида бўлиши лозим;

Бешинчидан, ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлаш учун зарур мониторинг.

Бутун жахон бўйича кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар турли хил ресурслардан самарасиз фойдаланишдан азият чекадилар. Бу ресурсларга инсон, молиявий, моддий, шунингдек, тўғри қарор қабул қилиш учун зарур ахборотларнинг этишмаслиги, ҳисоботларда билмасдан ва атайлабдан хатолар қилишлик, ходимлар ва бошқарувчилар томонидан тўғридан-тўғри фирибгарликлар қабилар қиради. Бундай муаммоларни корхонанинг ичида ички назоратнинг самарали тизимини тузиш йўли билан бартараф этиш мумкин. Корхона бошқарув тизимида ички назоратнинг роли ва аҳамияти қандай?

Ҳаммамизда ҳам деярли ҳар куни ўзини-ўзи назорат қилиш ёки бошқача қилиб айтганда, ички назорат юз беради. Бу, биз уйдан чиқиб кетиш олдидан эшикни ёпганимизда (хонадонда мавжуд мулкимизни сақлаш учун), ресторанда ҳисобни текширганимизда (пул маблағларини сақлаш, керагидан ортиқча пул тўламаслик ва бир вақтнинг ўзида расмийлаштирилган счёт тарзидаги ҳисоб ёзувларини текшириш), суғурта полиси сотиб олишда (келгусида активларнинг йўқотиш эҳтимолидан ўзимизни асраш истаги), ҳаракатланишнинг оптимал йўналишини танлаймиз (ресурслардан самарали фойдаланиш, ушбу ҳолатда вақт ва пулни ҳам тежаш). Бундай мисолларни давом эттириш мумкин. Айрим мисоллар эса назоратнинг етарли эмаслигидан бўлиб, энг йирик компанияларга таалуклидир.

Ҳакерлар банкнинг электрон ҳисоблашиш тизимига кириб борадилар ва бир неча юз минг долларни ўғирлайдилар. (Кўпроқ олмақчи эдилар, лекин аниқланиб, фош қилиндилар).

Автомобиллар ишлаб чиқарадиган компания тормоз тизимидаги носозликни бартараф этиш учун бир неча миллион доллар сарфлайди, ваҳоланки, автомобиллар сотилган эди (обрў пулдан қиммат туришини эсдан чиқарманг!).

Бу каби салбий ҳолатларнинг ҳаммаси, энг аввало, ички назорат тизими етарлича самарали бўлмаганлигидан ёки сифатни назорат қилиш тизими маъно жиҳатдан ана шу ички назоратга ўхшаганлиги оқибатида юз берган.

Ички назорат тушунчаси янги тушунча эмас, XVIII асрнинг бошларидаёқ тилда пайдо бўлган бу тушунча йиллар давомида эволюцияни бошдан кечирди. Корхона фаолиятини назорат қилиш тизими сифатида у XX асрнинг бошларида учта элементнинг бирикмаси сифатида шаклланди. Улар: ваколатларни тақсимлаш, ходимлар алмашиниши ва ҳисоб ёзувлари таҳлилидан иборат. Кейинроқ ички назорат функциялари кенгайиб, активларнинг бутлигини таъминлаш, ҳисоб маълумотлари ишончлигини текшириш, операциялар самарадорлигини ошириш, компаниянинг сиёсатидаги кўрсатмаларига ва муомалаларни тўғри амалга оширишга йўналтирилган ташкилот ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширувчи сифатида қайта шаклланди. Шу тариқа, янги функциялар ички назорат тушунчасини оддий бухгалтерия ҳисобига тааллуқли масалалар доирасидан ташқарига олиб чиқди. Эволюциялани бошидан кечириб ва ўз функцияси доирасини кенгайтира бориб, ички назорат XX асрнинг охирига келиб, рисклар устидан назорат қилиш воситасига айланди, бунда унинг функцияси рискларни бошқариш функцияси – менежмент rischi билан чамбарчас қўшилиб кетади.

## **1.2. Ички аудитга кириш**

“Ички аудит” термини тўғрисида бир лаҳзага ўйлаб кўринг. Ҳаёлингизга нима келади? Ушбу термин сиз учун нимани англатади? Кўп одамлар учун бу термин катта аҳамиятга эга эмас, ва баъзиларда эса бу қандайдир негатив ҳаёлларни уйғотади. Масалан, узоқ ватқ давомида кўп одамлар аудитни бухгалтериянинг қандайдир бир зерикарли тармоғи деб ҳисоблашган. Бошқалар учун эса аудит бундан ҳам салбийроқ маъно англатади-ахир, аудиторларнинг ягона қиладиган иши – бу бошқаларнинг ишини текшириш ва уларнинг қилган хатолари тўғрисида ҳисобот беришдир, худди полиция функцияси каби. Ушбу китобнинг муаллифлари сифатида биз ушбу ички аудит тўғрисидаги нотўғри тушунчаларни йўқотишга ҳаракат қиламиз.



Гап шундаки, ички аудиторлик нуфузли, юқори профилли касб ҳисобланиб, унинг обрўси ҳозиргидан юқори бўлмаган. Ички аудиторликнинг барча даражасидаги истеъдодли шахсларига бўлган талаб таклифдан анча юқори. Давлат компаниялари Бош Аудит Раҳбарлари (БАР) тез-тез директорлар кенгаши аудит кўмитасига бевосита ҳисобот бериб туришади ва юқори бошқарув раҳбарлари ўртасида тенгдошлари каби қаралади. Ички Аудиторлар Институтидаги (ИАИ) дунё бўйлаб аъзолик 2013 – йилнинг бошига келиб 175 000 дан ошди.

Шу билан бирга, гуллаб-яшнаш учун, ички аудит, ҳар қандай бошқа ташкилот ичидаги функция каби ўзини манфаатдор томонларга оклаши керак. Бошқача қилиб айтганда, мафаатдор томонлар ички аудит таклиф қилаётган хизматларни кадрлаши керак. Ушбу фактни тан олиш 2008-йилда ИАИ “ички аудитнинг таклифларинининг қисқа ва лўнда таърифларини ўрганиб чиқиш ва ишлаб чиқариш учун...” вазифа гуруҳларини яратди. “ 2010 йилда ИАИ Глобал бошқарув кенгаши, ИАИнинг бошқарув органи вазифа кучлари иш натижаларини тасдиқлаган.

Ички аудитнинг таклиф кийматининг учта таркибий қисмларига қуйида таъриф бериб ўтилган:

- Кафиллик = Бошқарув, Хавф ва Бошқарув. Ички аудит

Ички аудит ташкилот бошқарувиغا, рисклар бошқаруви, бошқарув жараёнларига ташкилотнинг стратегик, тезкор, молиявий мақсадларига эришишига қафолат беради.

- Зийраклик-катализатор, таҳлил ва баҳо бериш. Ички аудит таҳлил ва маълумотлар ва бизнес-жараён баҳоларига асосланган тушунча ва тавсиялар билан таъминлаш орқали бир ташкилотнинг самарадорлигини ва самарадорлигини ошириш учун катализатордир.

- Ҳолислик, Ҳалоллик, Масъулият ва Мустақиллик. Яхлитлиги ва ҳисоб учун садокати билан, ички аудит мустақил маслаҳат объектив манба сифатида ҳокимияти ва юқори ҳокимиятга кийматини беради.

Таклиф киймати нима учун ички аудит муҳимлигини аниқ кўрсатади. Кейинги кириш бўлимида биз ички аудитнинг таърифини

кўриб чиқамиз ва китобхонларни ички аудит жараёни билан таништирамиз. Кейин эса аудиторлик билан бухгалтерия иши ўртасидаги алоқани аниқлаштирамиз ва ички аудиторлар томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботни таъминлаш хизматларини мустақил ташқи аудиторларниқидан ажратиб берамиз. Кейин биз ички аудит ва ИАИ бўйича умумий маълумот берамиз.

Биз бўлимни ички аудит сифатида муваффақиятга эришиш учун керак бўлган афзалликларни ҳамда қизиққан ваколатли шахслар давом эттириши мумкин бўлган ички аудиторлар имкониятларни муҳокама қилиш билан тугатамиз.

ИАИ Директорлар кенгаши 1999-йилда ички аудит жорий таърифини қабул қилди:

Ички аудит бир ташкилотнинг фаолиятини яхшилаш ва қиймат кўшиш учун мўлжалланган мустақил, объектив ишонч ва консалтинг фаолияти ҳисобланади. Бу ташкилотга ўзининг олдига қўйилган.

Ушбу таърифнинг энг муҳим таркибий қисмлари қуйида келтирилган ва бирма-бир муҳокама қилинган:

- Хўжалик юритувчи субъект мақсадларига эришишда ёрдам бериш;
- Рисклар бошқарувини, назорат ва бошқарув жараёнларини баҳолаш;
- Таъминлаш ва консалтинг фаолияти операцияларни такомиллаштириш ва қиймат кўшиш учун мўлжалланган;
- Мустақиллик ва холислик;
- Тизимли ва интизомли ёндашув (айниқса, иш жараёни).

### **1.3. Ички аудит тушунчаси, мақсади ва вазифалари**

Корхонанинг мақсади ишда оғишлар, хатолар ва самара йўқлигига тўлиқ қафолат бера оладиган назорат тизимини яратиш эмас, иш самарадорлигига ёрдам бериб, камчиликларни ўз вақтида аниқлаб ва бартараф қила олишга ёрдам бера оладиган тизимни яратишдир. Чунки корхона томонидан ортиқча назоратга йўналтирилган ресурслардан бошқа мақсадлар ва вазифаларга

эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлади. Бироқ ҳатто ички назоратнинг яхши тузилган ва ташкил этилган тизими ҳам қўйилган мақсадга эришиш нуқтаи назаридан ҳам, тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам ўз фаолиятини баҳолашга муҳтож бўлади. Ана шу мақсадга эришиш учун ички аудит хизмат қилади.

Ғарб мамлакатларида ички аудит XX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва иккинчи жаҳон урушидан кейин компанияларнинг қайта марказлаштириш ҳажмининг ўсиб боришига жавоб сифатида ривожланиш учун туртки олди. 1941 йилда АҚШда ички аудиторлар институти ички аудитор касбини ривожлантириш ва оммалаштиришни, касбий фаолият стандартларини ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ички аудиторларнинг профессионал ассоциацияси барпо этилди. Ҳозир институтнинг 72 мингтага яқин аъзоси ва 120 та мамлакатда ваколатхонаси мавжуд. Жаҳон бўйича эса ички аудит билан у ёки бу даражада бир миллиондан ортик мутахассис шуғулланади.

Ички аудитни ташкил қилиш зарурати нимадан иборат? Ички аудитга талаб йирик корхоналарда, юқори раҳбарият томонидан корхона фаолиятининг кундалик назорати ва қуйи бошқарув тузилмаси билан шуғуллана олмаслигига боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Ички аудит фаолият ҳақида ахборот беради ва менежерлар ҳисоботларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Ички аудит асосан, рерурслар йўқолишининг олдини олиш ва корхона ичида зарур ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади.

Жаҳонда ички аудитга нисбатан ўсиб бораётган қизиқиш қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ички аудит ҳозирги пайтда унча кўп бўлмаган, имкониятли (еришиш имкони бор), шу билан бирга, етарлича имкониятга эга бўлмаган компания фаолияти самарадорлигини ошириш мумкин. Иккинчидан, АҚШ ва Ғарбий Европа бўйлаб кўтарилган кучли корпоратив можаролар ташки аудит институтларига жиддий панд бериб қўйиши мумкинлиги, бунинг оқибатида ҳатто энг йирик фирмалар ҳам банкротликка дуч келиши мумкин, деб ҳисоблашга асос берди. Учинчидан, корхоналарда ажралмас бўғинларидан бири – ички аудит бўлган

яхши корпоратив бошқарувнинг мавжудлиги корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширувчи потенциал инвесторлар учун ижобий чақириқдир.

Мулк эгалари ва менежментнинг бизнес жараёнлар таркибини ва уни ташкил этишни тартибга солиш истаги бўлиб корхона маблағларини жиддий иктисод қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, ички аудитнинг мавжудлиги мулк эгалари – бошқарувчилар учун муҳим аҳамият касб этади, улар бошқарувни профессионал менежерлар қўлига бериб, бевосита фирмада иш олиб боришдан холи бўладилар. Ва ниҳоят, қисқа муддатли ёки узоқ муддатли истиқболда халқаро капитал бозорига чиқиш режалари корхоналарга ички аудит хизматини тузиш зарурати ҳақида йўл-йўриқ кўрсатади. Жумладан, энг йирик фонд биржаларининг коидалари корхоналарда ички аудит хизмати мавжудлигига корхонанинг қимматли қоғозларини биржаларнинг котировка қилувчи рўйхатига киритишнинг мажбурий шарти сифатида кўзда тутадилар.

Ички аудит хўжалик юритувчи субъектда унинг мулк эгалари манфаатларини кўзлаб ташкил этилган ва унинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўрнатилган тартибига амал қилинишини ва ички назорат тизими фаолияти ишончилигини назорат қилувчи назорат тизими ҳисобланади.

Ички аудиторларнинг халқаро институти ички аудитини қуйидагича таърифлайди: “.... корхоналар фаолиятини мукаммаллаштиришга йўналтирилган мустақил ва холис кафолатлар ва масалаҳатлар бериш бўйича фаолият. Ички аудит рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларини баҳолаш ва самарадорлигини оширишга тизимлаштирилган ва изчил ёндашувдан фойдаланиб, корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишига ёрдам беради”.

Ички аудитга таниқли иктисодчи олим В.В. Бурцев янада батафсилроқ таъриф беради: бу корхонанинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган бошқарув бўғинларини ва корхонанинг махсус назорат органлари томонидан бошқарув органларига ёрдам

доирасида амалга ошириладиган назорат (акционерларнинг умумий йиғилишларига, жамият ёки кузатув кенгаши, ижро этувчи органга) бўйича фаолият.

Компанияларда ички аудитнинг роли. Ички аудит бизнесда мулк эгалари ва менежерларга қанчалик зарур?

Компанияга ички аудит кераклиги ҳақидаги қарорни улардаги мулк эгалари қабул қилади. Бу қарор кўплаб омиллар билан белгиланади, энг аввало, бизнесни бошқариш ва эғалик қилиш функциялари, компаниянинг ҳажми ва тузилмавий тармоқланиши, компания фаолиятига оид риск даражалари бўлинишига тегишлидир.

Бизнесда мулк эгалари компания менежери бўлиб, уларнинг ўзлари бизнеснинг ҳамма томонларини назорат қиладиган ҳолатларда ички аудит функцияси мавжуд бўлишига эҳтиёж бўлмаслиги мумкин. Бироқ компания бошқариш жараёни мураккаблашуви билан мулк эгаси бўлган менежерларда бизнес унчалик ўзгармаётгани ва қорхона фаолиятининг ҳамма томони назоратда деган фикр (тасаввур) пайдо бўлиб, назорат бор экан деган фикр пайдо бўлиши мумкин, аслида эса раҳбариятнинг ҳар томонлама назоратни амалга ошириши учун жисмонан имкониятлари этишмайди. Ана шунда, ички аудит ўта зарар эканлиги билинади.

Европа ва АҚШда бизнесга эғалик қилиш ва бошқариш функцияларини қўшиб олиб бориш кичик ва баъзан ўрта бизнес учун характерлидир. Йирик ва кўпгина ўрта компанияларда бу функцияларни бўлиш мавжуд, бунда мулк эгалари кундалик иш юритиш тафсилотларига аралашмай, компаниянинг ривожланиши стратегияси ва йўналиши масалаларини белгилаш билан шуғулланади, компанияни бошқариш учун эса профессионал менежер ёллайди. Бироқ менежер қанчалик профессионал бўлмасин, мулк эгалари учун компаниядаги ишларнинг аҳволи устидан назорат қилиш долзарблигича қолаверади (“ишон, лекин текшириб кўр”). Бундай ҳолларда назоратнинг амал қилувчи воситаларидан бири ички аудит бўлиши мумкин.

Ички аудит нафақат мулкдорга, шунингдек, компания менежменти учун ҳам зарур. Менежерларнинг вазифаси – кўйилган мақсадга энг самарали тарзда эришиб, бизнесни бошқариш ҳисобланади. Бу масалани муваффақиятли бажариш сезиларли даражада иккита омилга боғлиқ:

- менежер тўғри бошқарув қарори қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларга эгами?

- қабул қилинган қарор бажарилишининг назорат қилувчи самарали назорат тизими мавжудми?

Бизнесни бошқариш кундалик ишининг асосий қисми ҳисобланувчи менежерлар ҳамма вақт ҳам вазиятни ҳолис баҳолашга қодир эмаслар, ҳатто менежер ҳамма жараёни самарали бошқаряпман, деб ҳисоблаганда ҳам, унда, қоидага кўра, мос келувчи ахборотларни йиғиш ва тизимлаштириш учун вақт ва маҳсус малака бўлмайди. Ўз ишининг моҳиятига кўра, ички аудит, компания фаолиятидаги ҳамма жиҳатлар бўйича маълумотларга, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун воситаларга эга, шу боис, ички аудит билан мустаҳкам алоқада бўлиш менежмент қабул қиладиган қарорлар самарадорлигини оширади. Айнан ички аудит менежерга хўжалик жараёнларига янгича қараш ва қабул қилинган бошқарув қарорлари бажарилиши сифатини баҳолашга ёрдам берувчи ахборотларнинг ҳолис манбаси ҳисобланади.

Ички аудит мавжуд ички назоратнинг ишончлилиги ва самарадорлигининг баҳоси, ички аудитор эса – бундай баҳолашни чалғимай ва профессионал равишда ўтказадиган шахслар ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ички аудит компания фаолиятининг ҳамма томонларини унинг ичида баҳолашни амалга оширадиган ва компания менежерларида мавжуд назорат тизими ишончли ва самарадорлигига ишонч пайдо қиладиган бўлинмадир.

Таъкидлаш муҳимки, компания раҳбарлари ички аудиторлар ички назоратнинг ишончли ва самарали тизими яратилишига ҳамда унинг сақлаб қолинишига жавобгар эмасликларини билишлари лозим.

Ички аудитнинг асосий мақсади – компания менежерларига ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажаришларига ёрдам бериш, компания менежерларида компания активларидан компания ва унинг бўлиналари олдидан мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун энг самарали тарзда фойдаланилаётганлиги ҳақида ишонч уйғотишдир.

Ички аудит фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда эҳтимолий ташқи ва ички рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, риск даражасини пасайтириш ёки йўқотишлар имкониятини минималлаштиришга имкон берувчи тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ички аудиторлар, шунингдек, турли лойиҳалар ёки дастурлар бўйича молиявий маблағларнинг сарфланишининг мониторингини амалга оширадилар (масалан, капитал қурилиш лойиҳаси ёки товарни бозорга олиб чиқиш дастури), компаниянинг молиявий ва бошқарув ҳисоботларини, уларнинг ишончилиги ва ўз вақтида бажарилганини таҳлил қилади. Ички аудиторлар тузилган шартномаларга ва томонларнинг ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришларига баҳо беради. Ички аудиторлар мавжуд ва янгидан жорий қилинаётган ахборотлар тизими доирасида назорат тизимини баҳолаш учун жалб қилинадилар.

Ички аудит компания ходимларига, улар ҳамма вақт ҳам фойдаланишга тайёр бўлмаган хизматлар сифатида ўзининг зарурлиги ва фойдалилигини исботлаши зарур, чунки компанияларда ички аудиторларга муносабат ҳаммиша ҳам бир хил эмас. Фикрлар компаниянинг ички маданиятига ва менежерларнинг улар билан ҳамкорлик қилишга тайёргарликларига боғлиқ. Афсуски, ходимлар ҳамма вақт ҳам аудитор ижрочиларни эмас, иш жараёнини назорат қилиб, жараёнда, қодалар ва амалга оширилган муомалаларда мавжуд камчиликларни аниқлаб, бу билан компаниянинг энг яхши натижаларга эришишига ёрдам беришини ҳаммиша ҳам тушунавермайди.

МДХ мамлакатлари учун стандарт бўлган ички аудит моделлари ҳақида қисқача тўхталиб, у ғарб вариантларидан узоқлиги

ва иккита асосий йўналишдан иборатлигини таъкидлаш зарур. Биринчиси – тафтиш бўлиб, активларнинг бутлиги ва улардан самарали фойдаланилишини текшириш, қарзлар ва камомадларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш кабилар билан шуғулланади. Иккинчиси айнан ички аудит бўлиб, мақсади молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш, солиқ юкини минималлаштириш ва компания активлари бутлигига ёрдамлашишдир. Бу ҳолатда ички аудит амалда ташқи аудит функциясини бажаради. Бироқ, айрим компаниялар мисолининг кўрсатилишича, ички аудитнинг ғарб амалиётини тушуниб етиш ва ички аудитнинг мақсад ва методларини Ғарбга англашга яқинлашуви юз бермоқда. Ички аудит дастлабки молиявий бухгалтерия ҳисоботларини текширишга ва солиқларни минималлаштиришга мўлжалланган функциясидан компания фаолиятини ҳамма томонларини қамраб олувчи функциягача ўсди.

Ички аудитини вазифалари раҳбарият томонидан, бошқарувнинг бўлимлар шунингдек корхона бўйича ҳам талабларидан келиб чиқиб белгиланади:

- активлар ҳолатини назорат қилиш ва зарарларга йўл қўймаслик;

- тизим ичидаги назорат амалларининг бажарилишини тасдиқлаш;

- ички назорат тизими самарадорлигини таҳлил қилиш ва ахборотларга ишлов бериш;

- бошқарув ахборот тизимидан бериладиган ахборотлар сифатини баҳолаш.

Ички аудиторлар мажбуриятларига, шунингдек, қуйидагилар ҳам қўшилиши мумкин:

- назорат тизими самарадорлигини текшириш;
- корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш;
- дастурий мақсадларга эришилганлик даражасини аниқлаш.



#### 1.4. Ички аудитнинг ўзига хос хусусиятлари

Ички аудитнинг ташқи аудитдан иккита асосий фарқи мавжуд:

- ташқи аудит анъанавий равишда компанияларнинг молиявий ҳисоботлари ишончилигини тасдиқлашга ва компания ҳисоботларига жиддий таъсир эта оладиган муомала ва ҳодисаларга эътибор қаратади. Ички аудит компаниянинг мавжуд назорат тизимларини ва унинг турли хил бўлимлари маркетинг, ишлаб чиқариш, савдо, молия ва бошқалар фаолиятини баҳолашга йўналтирилган;

- ташқи аудит биринчи навбатда, компания мижозлари манфаатларига, бу ибора кенг тушунилганда – мол этказиб берувчилар, истеъмолчилар, кредиторлар, солиқ органларига хизмат қилади.

Ички аудит, биринчи навбатда, компаниядаги мулк эгалари манфаатларига хизмат қилади. Ички аудитнинг самарали тизими ташқи аудитнинг ўрнини тўлиқ боса олмаса ҳам, компания томонидан ташқи аудитга сарфланадиган ҳаражатни пасайтириш имконини беради.

Ички ва ташқи аудитнинг фарқланувчи хусусиятлари куйидаги жадвалда кўрсатилган.

#### Ички ва ташқи аудитларнинг фарқлари

Омиллар	Ташқи аудит	Ички аудит
Вазифаларнинг кўйилиши	Мустақил томонлар орасидаги шартнома билан аниқланади	Бошқарув талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг иш режаси ва кузатув кенгаши томонидан аниқланади
Объект	Корхоналарнинг ҳисоб ва ҳисобот тизимлари	Бошқарувнинг алоҳида функционал масалаларини ҳал қилиш корхонанинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва текшириш

Мақсад	Аудит бўйича қонунчилик билан аниқланади: молиявий ҳисоботлар ишончлилигини баҳолаш ва амалдаги қонунчилик меъёрларига риоя қилинганини тасдиқлаш	Қорхонанинг қузатув кенгаши томонидан аниқланади.
Фаолият тури	Тадбиркорлик фаолияти	Ижрочилик фаолияти
Ўзаро муносабатлар	Тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, мустақиллик	Қорхонанинг Қузатув кенгашига бўйсунуш, ижрочи органдан мустақиллик
Субъектлар	Тадбиркорликнинг бу тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи мос келувчи аудиторлик ташкилоти лицензияга эга мустақил экспертлар	Қузатув кенгашига бўйсунувчи ва қорхона штатида бўлган ходимлар
Ҳақ тўлаш	Кўрсатилган хизмат бўйича ҳақ тўлаш шартнома бўйича	Штат жадвалига кўра иш ҳақи ёзилади
Жавобгарлик	Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқозлар ва учинчи шахслар олдида	Қузатув кенгаши олдида мажбуриятлари бажарилиши учун
Ҳисобот	Аудиторлик ҳисоботи эълон қилиниши мумкин, аудиторнинг ҳисоботи миқозга берилади	Қорхонанинг қузатув кенгаши олдида

## **1.5. Ички аудитнинг тавсифи ва унинг функциялари**

Ички аудитнинг асосий хусусиятлари куйидагилардир.

1. Мустақиллик ва объективлик. Мустақиллик – бу ички аудит хизматининг корхонага бўйсунганини қай даражада эканлигини ифодалайди. Объективлик - ички аудиторнинг баҳолаш ва хулоса чиқаришдаги ҳолислигини ифодалайди.

2. Корхона фаолиятини ривожлантириш. Ички аудитнинг мақсади корхона фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ички аудитнинг мақсади: хатоликларни ошкор этиш, айбдорларни жазолаш, бажарилиши кийин бўлган таклифларни тақдим этиш эмас, балки, корхона фаолиятининг заиф тарафларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш, тизим ва жараёнлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

3. Кафолат ва маслаҳат бериш. Ички аудит хизматининг моҳияти шундаки, корхона раҳбарияти ва унинг бўлимларига кафолат ва маслаҳатлар беради. Сўнги йилларда кафолат ва маслаҳат бериш корхоналарда рискларни бошқариш, ички назорат, корпоратив бошқарув жараёнларида кенг қўлланилмоқда. “Кафолат бериш” термини ушбу ҳолда хўжалик тизими жараёнлари, муомалаларнинг ишончли ҳамда самарали эканлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларини объектив таҳлил этиш назарда тутилган. Кафолат беришдан маслаҳат беришнинг асосий фарқи шундаки, аудиторнинг иш ҳажми ва хусусияти корхона томонидан белгиланади.

Кузатув кенгашига, мулк эгаларига ички аудитнинг кафолат бериш билан боғлиқ фаолияти муҳимроқ ҳисобланади. Корхона раҳбарияти нуктаи назаридан, ички аудит хизмати орқали менежерлар зиммасида бўлган, бизнес жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича маслаҳатлар олишлари муҳим ҳисобланади. Корхона раҳбарияти ички аудитнинг менежмент функцияларини бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқарув тизимидаги функционал бўлимлари фаолиятининг самарадорлиги мониторингини олиб боришдан манфаатдордирлар. Чунки ички аудитнинг асосий вазифаси кафолат беришдир, лекин шуни ҳам ёдда

тутиш керакки, маслахат бериш билан боғлиқ жараёнда аудиторлар эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим.

Турли хорижий корхоналарнинг бу борадаги амалий тажрибаси бир-биридан катта фарқ қилади. Яқингача хорижий корхоналарда ички аудиторга консултант сифатида қаралиб келинган. Айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда 80% вақтни аудиторлар аудиторлик текширувида кафолатни таъминлашга қаратади, 20% маслахат бериш билан боғлиқ ишларга тўғри келади. Бирок сўнги пайтлардаги катта можаролардан сўнг, ички аудитнинг корхона учун муҳимлиги унинг кафолат беришида деган фикрлар илгари сурилаяпти.

Ички аудитнинг вазифаларига қуйидагилар қиради:

1. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини текшириш, мониторинг қилиш ва ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2. Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга, шунингдек, ҳисоб сиёсати талабларига, йўриқномаларга, раҳбариятнинг буйруқ ва қарорларига риоя қилинишини текшириш;

3. Алоҳида ҳолатларда махсус текширув ўтказиш, масалан суистеъмолликлар содир бўлганда ва бошқалар.

4. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар бериш.

Ички аудитни таснифлаш мезонлари ва шаклларини қуйидагича келтириш мумкин.

### Ички аудит шакллари.

Мезонлар	Турлари
1	2
Аудиторлик текшируви ўтказилаётган объектларга нисбатан	Корхонанинг алоҳида бўлимлари аудити
Амалга оширишнинг даврийлигига кўра	Бошланғич Чораклик Оператив

	Яқуний
Молиявий ҳисоботни шакллантиришда БҲМСларнинг қўлланиш даражасига кўра.	БҲМС бўйича молиявий ҳисоботни ташкил этган корхона аудити
Ташқи аудит билан ўзаро алоқасига кўра	Ташқи аудит ички аудит фаолиятини корхона ички назорат тизимининг бир бўғини сифатида текширади. Ички аудит хизмати кузатув кенгашига ташқи аудиторни танлашда маслаҳат беради.
Функцияларига кўра	Бошқарув тизимининг самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш; Корхона бўлимларига маслаҳат бериш; Филиаллар, бўлимлар, аудити (вазифалари, ташқи бошқарув билан алоқаси ва консолидациялашган гуруҳ иштарокчилари фаолиятини баҳолаш)

Ички аудитнинг объектга боғлиқлиғни инобатга олган ҳолда уни қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- Бошқарув тизимининг функционал аудити;
- Бошқарув тизимининг ташкилий-технологик аудити;
- Фаолият турлари аудити;
- Мувофиқлик аудити.

Бошқарув тизимининг функционал аудити турли функционал кесимларда ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини баҳолашга қаратилади. Бунга мисол қилиб бўлимларнинг ўз функциялари кесимида содир бўлган операциялари аудитини олишимиз мумкин.

Бошқарув тизимининг ташкилий-технологик аудити ички аудит хизмати томонидан бошқарувнинг турли бўғинлари ташкилий ва технологик жиҳатларининг мақсадга мувофиқлигини назорат қилишга қаратилган.

Фаолият турлари аудити хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида фаолиятнинг маълум бир турларини кўп томонлама, объектив таҳлил қилишга қаратилади.

Мувофиқлик аудити - корхона фаолияти, шу фаолиятга доир маълумотлар мавжуд қонун ҳужжатларга қанчалик мос келаётганини ёки шу қонун ҳужжатлар бузилган ҳолларни аниқлашга қаратилган текширув ҳисобланади. Ушбу турдаги аудит текширувини ўтказишнинг асосий шартлари текширилиши мумкин бўлган маълумот; юқори органлар томонидан чиқарилган қонун-қоидаларнинг мавжудлигига қаратилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Ички аудит» фани ва унинг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
2. Фаннинг қандай объектларини биласиз?
3. «Ички аудит» фанининг қандай усуллари мавжуд?
4. «Ички аудит» фанида таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усуллар қай тартибда қўлланилади?
5. «Ички аудит» фанининг «Амалий аудит», «Молиявий ҳисобот аудити», «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанлари билан қандай алоқаси мавжуд?
6. Аудиторлик фаолияти илк бора қачон юзага келган?
7. Аудитнинг қанақа турларини биласиз?
8. Ташқи аудитнинг ички аудитдан қандай фарқли хусусиятлари мавжуд?

### **ГЛОССАРИЙ**

**Ички аудит** - бу корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига; таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ақс эттирилишни тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва

таомиллари, активларининг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш тамойиллари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолиятидир.

**Ички аудит хизмати** – бу корхона кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмасидир.

**Бухгалтерия ҳисоботи** – бу ҳисобот даври натижаларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузиладиган ва ҳисобот санасида белгиланган шаклда тўлдириладиган, хўжалик субъектининг мулкӣ ва молиявий ҳолатини ҳамда унинг хўжалик фаолияти натижаларини ўзига акс эттирган кўрсаткичларнинг ягона тизимидир.

**Аудитдаги баҳолаш** – бу кўриб чиқилаётган предметнинг миқдорӣ ва сифат характеристикалари ҳақидаги аудиторнинг тасавури.

**Фаннинг хусусий методлари** – бу Аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида қўлланиладиган усуллар мажмуаси тушунилади.

**Аудиторлик текшируви** – бу молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Аудиторлик фаолияти** - бу аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

**Комплекc аудит** – хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви.

**Ташқи аудит** - бу мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини белгиланган муддат ва тартиб асосида текшириш жараёнидир.

**Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари** - аудиторларнинг ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

**Аудиторлик ташкилоти** - аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир.

## **ТЕСТЛАР**

**1. Аудит ҳақида тушунча қандай луғавий маънони англатади?**

- А. Аудит «эшитаман» деган маънони билдиради
- Б. Аудит - бу иқтисодий таҳлил яқунидир
- В. Аудит - бу молиявий таҳлил яқунидир
- Г. Аудит бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг барқарорлигини билдирадиган фойда

**2. Аудиторлик фаолияти деганда нима тушунилади?**

А. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти

Б. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш

В. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти

Г. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва молиявий ҳисоботга хулоса бериши, натижаларни юқори ташкилотга тақдим қилишига доир фаолияти

**3. «Халқаро аудит» фанининг предмети?**

А. Аудиторлик фаолиятининг халқаро тажрибаси, халқаро аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва аудиторлик фаолиятини унификациялаш масалаларини ўрганиш ҳисобланади.

Б. Аудиторлик баҳолаш соҳасидаги тизимнинг иқтисодий, ахборот ва бошқа томонларининг ҳолатини ўрганишдан иборат

В. Хўжаликнинг таъминот ишлаб чиқариш, тақсимот ва молия яқунларини қонун ва қоидалар асосида бўлишини текшириш



Г. Хўжаликнинг барча жараёни ва бошқаруви бўйича фаолиятини қонун ва қарор асосида текширишдан иборат

**4. «Халқаро аудит» фанида қўлланиладиган аналогия методининг мазмуни қайси жавобда тўғрироқ ифодаланган?**

А. Ҳисобот моддаларини таққослаш

Б. Аввал ҳисобот моддаларига, кейин жами ҳисоботга нисбатан хатони белгилаш

В. Аввал жами ҳисоботга, кейин ҳисобот моддаларига нисбатан хатони белгилаш

Г. Ҳисоботнинг унчалик аҳамиятга молик бўлмаган моддаларини ўқиш

**5. Халқаро аудитда текширувнинг мамлакат қонунларига тўғри келиш-келмаслиги аудитнинг қайси турида кўриб ўтилади?**

А. Мос келувчанлик аудити

Б. Операцион аудит

В. Молиявий ҳисоботлар аудити

Г. Мажбурий аудит

**6. Халқаро аудитнинг ривожланишига қараб аудитнинг қандай турлари мавжуд?**

А. Тасдиқловчи, мақсадли тизимли, рискка асосланган аудит

Б. Тасдиқловчи, операцион аудит

В. Мос келмаслик ёки таваккал аудити

Г. Операцион ёки тизимга солинган аудит

**7. Халқаро аудитда унинг қандай шакллари мавжуд?**

А. Операцион аудит, мос келувчанлик аудити, молиявий ҳисобот аудити

Б. Хўжалик субъектларини иш юритиш шаклларига қараб бўлиниши

В. Нодавлат ва давлат, аралаш аудити

Г. Нодавлат, хусусий, жамоа, аралаш

**8. Аудитнинг дастлабки ривожланиш босқичи?**

А. Тасдиқловчи аудит

Б. Тизимли аудит

В. Рискка асосланган аудит

Г. Аралаш аудит

**9. Аудитнинг сўнгги ривожланиш босқичи?**

А. Рискка асосланган аудит

Б. Тасдиқловчи аудит

В. Тизимли аудит

Г. Аралаш аудит

**10. Ҳисоботнинг унчалик аҳамиятга эга бўлмаган  
моддаларини ўқиш?**

А. Сканерлашдир

Б. Далиллашдир

В. Кўздан кечиришдир

Г. Тестлашдир

## 2-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУКУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 2.1. Ички назоратни ташкил қилишга халқаро талаблар

Ички назорат тизими (ИНТ) ҳар қандай компанияни бошқаришнинг ажралмас қисми бўлса ҳам, уни ташкил этишга меъёрий талаблар XX асрнинг охирларигача мавжуд бўлмаган.

Ташки аудитнинг виждонан ишламаслиги туфайли, банкрот бўлган компаниялар ҳисоботлари ҳақида берган ёлгон хулосалари кабилар кетма-кет чиққан можоролар ички аудит ва назоратнинг бошқа шакллари ташкил этиш муаммолари ички аудитнинг долзарблигининг ортишига олиб келди.

Блумберг ўтказган тадқиқотлар маълумотларига кўра, 1996 йилдан 2002 йилга қадар Ғарбда 673 та йирик банкротлик ҳолати юз берди ва шундан уларнинг 54% молиявий жиҳатдан ўта оғир аҳволда эди. Мазкур компанияларнинг аҳволи ҳақида аудиторлар ҳатто касодга учрагунларига (банкрот бўлгунга) қадар ҳам ижобий хулоса бердилар. Кейинги вақтлардаги эгтита банкротликдан бештаси, Enron, Global Crossing Ltd. ва Kmart Corp. ни ҳам кўшган ҳолда, аудиторлар томонидан компанияларнинг ижобий баҳоланган йиллик ҳисоботлари эълон қилинганидан, кейин банкротга учраганини маълум қилди. Дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчи System Software Associates Inc. компаниясига нисбатан АҚШнинг қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (Securities and Exchange Commissions - SEC) йирик молиявий сохталаштиришлар бўйича гумон билан суриштирув ишлари олиб бораётган бир пайтда аудиторлик компаниясининг (KPMG) ижобий хулосасини олди.

1998-2002 йилларда юз берган ўнлаб энг йирик банкротликлар оқибатида акционерлар умумий миқдорда 119,8 млрд. АҚШ долларини йўқотдилар.

Шундай қилиб, Sarbeyns – Oksli қонуни талабларига ва АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси ҳамда компаниялар ҳисоботларини назорат қилувчи Кенгаш томонидан чиқарилган бошқа меъёрий ҳужжатларга мос ҳолда компаниялар раҳбарлари ҳар

йили молиявий ҳисоботлар тузиш жараёни учун ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш, баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботлар беришлари ва уларнинг аудитини ўтказиш учун мустақил аудиторларни жалб этишлари керак эди. Бу талаблар 1934 йилда қабул қилинган “Фонд биржалари, Америка фонд биржаларида савдо қилинадиган акциялар” ҳақидаги қонунга мос равишда АҚШнинг қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссиясида рўйхатдан ўтган акциялари ва мажбуриятни ифодаловчи қимматли қоғозлари бўлган компанияларга нисбатан таълуқли эди.

Шунга ўхшаш талаблар агар компания ўз акцияларини Лондон биржасига жойлаштирганда ҳам қўйилади. Эмиссия қилиш ва Лондон фонд биржаси листингига қўшилиш учун эмитент компания корпоратив бошқарув ва ички назорат соҳасидаги қатор талабларга жавоб бериши лозим.

Бу талаблар корпоратив бошқарувнинг Бирлашган кодексда (Combined Code of Corporate Governance), компанияни қониктириши керак бўлган энг яхши ҳолат сифатида шакллантирилган. Ҳар йили эмитент компания ўзининг йиллик ҳисоботи таркибида Кодекс талабларига мос келишни, шу жумладан, алоҳида талабларни бажариш қобилиятини ёки бундай талаблар бажарилмаганлиги сабабларини очиб бериши керак эди.

XX асрнинг охирида корпоратив молиявий активларга қўйилмаларни амалга оширувчи инвесторларнинг рискни пасайтиришга тааллуқли талаблари шунга олиб келдики, 1985 йилда АҚШ бешта ўзини-ўзи бошқарувчи профессионал ташкилотлар иштирокида ва уларнинг маблағи билан:

- Сертификатланган жамоатчилик бухгалтерлари Америка институтини;
- Ҳисоб ва ҳисоботлар бўйича Америка ассоциацияси;
- Молиявий бошқарувчилар институти;
- Ички аудиторлар институти;
- Бошқарув ҳисоби институти, яъни ишончсиз молиявий ҳисоботлар тузишга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси

тузилди ва мазкур комиссия ўзининг биринчи раиси Жеймс С.Тредуе номи билан Тредуе Комиссияси сифатида фаолиятини бошлади.

Бу комиссия ишининг натижалари 1992 йилда «Назоратнинг интеграллашган концепцияси» (Integral Control – Integrated Framework) номи билан жамоатчиликка тақдим қилинди ва уни ташкилотчи комитет – Тредуе комиссияси хомийлик ташкилотлари Комитети деб номлаш қабул қилинган.

COSO модели корхона раҳбариятининг ички назорат ҳолати учун масъулиятига урғу берилганди. COSO га мувофиқ, ички назорат – бу корхонанинг олий органи томонидан амалга ошириладиган, унинг сиёсатини (масалан, компания эгаларини билдирувчи директорлар кенгаши томонидан), унинг юқори даражадаги бошқарув ходими (менежмент) ва корхонанинг қуйидаги мақсадларга эришишини етарлича ва мақулланган ҳолда таъминловчи жараёндир:

- фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ва молиявий самарадорлиги (активларнинг бутлигини ҳам қўшганда);
- молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги;
- қонунчилик ва бошқарувчи органлар талабларига амал қилиш.

COSO нинг асосий постулатларидан бири бу - рискига йўналтирилган ички назоратни яратиш ва самарали амалга ошириш учун директорлар кенгашининг ҳам, менежментнинг ҳам бевосита жавобгарлиги ҳисобланади.

Аввал менежмент олдида корпорациядаги мулк эгаларининг қўйилган мақсадга эришишга ишонтиришни таъминлаш масаласи турар эди, шу билан бирга ички назоратга алоҳида талаблар мавжуд эмас эди. Компания қуйидаги учта асосий мақсад бажарилишини таъминлаши лозим эди:

- муомалаларнинг тежамлилиги ва самарадорлиги;
- молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги;
- фаолиятнинг қонунчилик ва бошқарув талабларига мослиги.

Эндиликда ички назорат тизимини –ишлаб чиқишда компаниялар асосий талаблари қуйидаги асосий фикрларга тўғри келадиган COSO услубиятидан фойдаланишлари лозим:

- ИНТ аудиторга тушунарли холатда хужжатлаштирилиши керак;

- ИНТ самарали функцияланиши зарур;

- ИНТ самарадорлигини баҳолаш амаллари компанияда мунтазам асосда амал қилиши шарт.

ИНТ эпизодик тарзда эмас, мунтазам амал қилади, тафтиш комиссияси эса йилда бир марта мажбурий тарзда текширувлар ўтказади. Шунингдек, жамиятнинг тафтиш комиссияси ташаббуси, акционерлик жамияти директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ташаббуси билан ёки жамиятнинг камида 10 фоиз овозлик қилувчи жамият таъсисчилари (акционерлари) талаби билан ҳар қандай вақтда ҳам текширув ўтказишлари мумкин. Тўлақонли ички назорат тизимининг йўқлиги фаолият текшируви ё аудит доирасида ёки тафтиш комиссияси томонидан бир йилда бир марта жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолиятини йиллик текшируви доирасида ўтказилишига олиб келади. Мулк эгалари учун вақти-вақти билан компаниядаги ишларнинг ахволи ҳақида ахборот олиш камлик қилади. Қўйилган мақсадлардан оғишлар ҳақида тезкор маълумотларга эга бўлиш ва уларга ўз вақтида эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун конунчилик талабларидан мустақил равишда кўпчилик компаниялар ўзининг ИНТни тузадилар.

COSO принциплари 2001 йилдан кейин пайдо бўлган аудитнинг халқаро стандартлари – (АХС)нинг янги таҳририда ҳам мавжуд. Гап шундаки, ғарб аудиторларининг уларга қўйиладиган талаблар кучайтирилишига бўлган дастлабки фикрлари туфайли аудиторлик хизматлари ҳақининг ошишига олиб келди. Стандартларга ўзгартиришлар киритиш аудиторлар иши самарадорлигини ошириш ва ўз навбатида иш сифатини пасайтирмай туриб, уларнинг иш харажатларини бирмунча пасайтиришни кўзда тутган эди, бу эса аудиторлар иш ҳақининг кескин ошиб кетишининг олдини олар эди.

АХС доирасида бундай чораларни амалга ошириш хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобида жиддий хато

(чалкашлик)лар рискени баҳолашни таъминлаши зарур бўлган стандартларни ишлаб чиқишда ифодаланди. 330-сонли «Баҳоланган рискларга жавобан бажарилган аудиторлик процедуралари» деб номланувчи АХС аудиторлик рискени баҳолаш ва баҳоланган рисклар бўйича аудит қилинаётган субъектнинг ИНТни молиявий ҳисоботдаги эҳтимолий нуктаи назаридан ишончлилик таҳлили билан аудиторлик амалларини боғлайди. Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси бу АХСни 2004 йилда 15 декабрдан кейин бошланадиган ҳисобот даврларининг қўллаш учун аудиторлик текшируви учун амалга киритди. Ушбу стандартнинг қабул қилиниши деярли ҳамма АХСга қўшимча ва тузатишлар киритилишига олиб келди.

Халқаро 400 стандарт асосида 12 ва 9- АФМСлар тайёрланганлиги ва уларнинг 315-АХСга боғлиқ жиҳатига тўхталиб ўтамыз.

Ишонч билан айтиш керакки, агар «эски» стандартларда ИНТ биринчи галда, иқтисодий субъектнинг ўзи манфаатдор бўлган тадбирлар бирикмаси сифатида белгиланган бўлса, янги таҳрирда эса жараённинг узлуксизлигига, шунингдек, мижоз томонидан тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлигига, қўлланиладиган конун ва меъёрларига мослигига ҳамда корхона раҳбарларининг ИНТ ёрдамида бизнес-рискени пасайтириш имкониятларига урғу берилган.

**Ички назорат тизимлининг таркибий қисмларини таққослаш**

Стандарт нинг номи	АХС 400 «Рискларни баҳолаш ва ички аудит» (2005 йилдан буён қўлланилмайди)	АФМС №12 «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»	АХС 315 «Хўжалик юритувчи субъект ва унинг мухитини тушуниш ва муҳим хатолар рискени баҳолаш»
--------------------------	---	--	---

1	2	3	4
<p>Ички назорат тизими (ИНТ)га таъриф белгилаш</p>	<p>ИНТ раҳбарият мақсадларининг булар қанчалик бажарилиши, тартибга солинганлиги ва бизнеснинг самарали юритилишини, раҳбарият сиёсатини ҳам қўшиб амалга ошириш ёрдам бериш учун ҳамма сиёсат ва процедураларни (ИНТ воситаларини), активлар бутлигини таъминлашни, фирибгарлик ва хатоликлар ҳолатларининг олдини олиш ва топишни, бухгалтерия ёзувларининг тўғри ва тўлиқлигини, шунингдек, ишончли молиявий</p>	<p>«ИНТ» ибораси хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молия хўжалик фаолиятини юритишни ва назоратини самарали юритиш, активлар ва ҳисоб хужжатларининг бутлигини таъминлаш, фирибгарлик ва хатоликлар ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, бухгалтерия ёзувларининг аниқлиги ва ўз вақтидалиги, ишончли молиявий маълумотларни ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадларида</p>	<p>Ички назорат раҳбарлик ваколатига эга шахс раҳбарият ёки бошқа ходим молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини, муомалаларнинг самарадорлиги натижавийлиги ва уларнинг қабул қилинган меъёрларига мослигига ишончни таъминлаш нуктаи назаридан шакллантирилади ган ва ҳаракатлантирила диган жараён. Шу тарика, ички назорат шакллантирилади , бу мақсадлар ҳар қайсисига эришишига таҳдид солувчи бизнес-рискни олдини олиш учун қўлланши.</p>



	ахборотларни ўз вақтида тайёрланиши таъминлайди.	қабул қилинган чоралар, методика ва процедуралар (ички назорат воситалари)нинг ташкилий жамланмасини билдиради.	
ИНТнинг таркибий қисмлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Назорат муҳити</li> <li>2. Назорат амаллари</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бухгалтерия ҳисоби тизими</li> <li>2. Назорат муҳити</li> <li>3. Назоратнинг алоҳида воситалари</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Назоратнинг амаллари билан боғлиқ ахборот тизимлари.</li> <li>2. Назорат муҳити</li> <li>3. Назорат ҳаракатлари</li> <li>4. Аудит қилаётган шахс томонидан рискни баҳолаш жараёни</li> <li>5. Назорат воситалари мониторинги</li> </ol>

Янги ИНТ бешта ИНТни ташкил этувчи таркибий қисмни ўз ичига олади; аввал мавжуд бўлган таркибий қисмлар номлари ҳам ўзгарди. Таснифларнинг бундай ўзгариши ХАС ривожланишига АҚШда қабул қилинган аудит тизими меъёрий ҳужжатларнинг таъсир қилаётгани билан боғлиқ; айнан Америка аудиторлик стандартларида ИНТнинг таркибий қисмларини ана шундай таснифлаш кўзда тутилган.

ИНТ таркибий қисмларини 315-сонли АХС да эслатиб ўтилган тартибда ва стандартларнинг охириги таҳриридаги янги ҳолатини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Назорат муҳити 315-сонли АХС ва ундаги 2-илованинг 2-К бандига мос равишда раҳбариятнинг ва хўжалик юригувчи субъектнинг ички назоратига, унинг субъект учун раҳбарлик ваколати берилган шахс ҳамда раҳбариятнинг хабардорлиги ва ҳаракатларига тутган ўз ўрнини ичига олади.

Шунингдек, назорат муҳити ҳам, раҳбарлик ва бошқарув функцияларини ўз ичига олади ва ходимларнинг назоратга нисбатан онгига таъсир этиб, корхонанинг ички маданиятини шакллантиради (оригиналда – сонтрол сенсенсус). Назорат муҳити самарали ички назорат учун асос бўлиб ҳисобланади, у интизомни ва таркибийликни таъминлайди.

Аудит қилаётган шахс томонидан рискни баҳолаш жараёни бизнес-рискни, уларнинг эҳтимолий оқибатларини аниқлаш ҳамда уларга эътибор қаратиш жараёни сифатида тушунилади (315-сонли АХСга 2-илова 5-банд). Молиявий ҳисобот мақсадлари учун рискни баҳолаш жараёни қуйдагиларни ўз ичига олади:

- тўғри ва ишончли молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган тамойилларига мослиги билан боғлиқ рискларни (яъни мамлакатда ўрнатилган стандартлар, ёндошувлар билан, бизнинг ҳолатда – бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари) ва бу рискларга раҳбариятнинг муносабатини аниқлаш;

- рискларнинг муҳимлиги ҳақида фаразлар;

- мос келувчи ноқулай оқибатлар келиб чиқиши эҳтимолини баҳолаш;

- рискларни бошқариш учун керак бўладиган чоралар ҳақида қарорлар қабул қилиш.

Шунга эътиборни қаратамизки, янги АХСда аудит қилинаётган шахс раҳбариятига ўз корхонаси иши билан боғлиқ рискларини мустақил баҳолаш талаби пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш ва қўллаш мумкин.

*Ахборот тизимлари.* 315 АХС 2-илованинг 8-9-бандларига мос ҳолда бу тизимлар корхона маълумотларини киритиш, ишлов бериш ва умумлаштириш учун ўрнатилган амаллар ва ёзувлардан иборат. Ахборот тизими қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади:

- молиявий ҳисоботлар учун мавжуд бўлган муомала турлари (БХМСда улар бир турдаги муомалалар гуруҳлари деб аталади);

- Компютерда ва қўлда бажариладиган амаллар уларнинг ёрдамида бу операцияларга ишлов берилади ва молиявий ҳисоботда умумлаштирилади;

- кўрсатилган операциялар билан боғлиқ ҳисоб ёзувларига (ахборотларни тасдиқловчи ҳам электрон, ҳам қоғозда) ва тегишли маълумотларга ишлов бериш ва умумлаштириш;

- ахборот тизими молиявий ҳисоботларга оид бўлган операциялар синфлари билан бир қаторда ходиса ва шартларни қандай сақлаши ҳақида ахборот (оригиналда “capture” – тутмоқ, ушламоқ сўзи ишлатилади; яхши ҳисоб тизимда акс этган нафақат аниқ муаммолар – пул маблағларини олиш ёки тўлаш, моддий бойликларни олиш ёки юклаб туширишни, шунингдек, унчалик аниқ бўлмаган ҳолатларни – нархни камайтириш (баҳолаш)), қайта баҳолаш аффилиланган шахслар билан ҳаракатлар, хўжалик фаолиятининг шартли воқеалари, ҳисобот санасидан кейинги ходисалар ва бошқаларни ҳам кўзда тутиши керак);

- Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёни баҳолаш киймати бўйича тайёргарликлар ва зарур ахборотларни очиш бўйича жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

*Назорат ҳаракатлари* – бу раҳбарият кўрсатмаларининг бажарилаётганлигига ишонишида ёрдам берувчи амаллар. Назорат ҳаракатлари (бухгалтерия ҳисобининг қўлда ёки компьютерлаштирилган тизимидан фойдаланилган ҳолда) турли хил мақсадларга эга ва турли ташкилий ҳамда функционал даражаларда қўлланилади.

Амалиётда назорат ҳаракатларига аудит қилинаётган шахс томонидан ўтказиладиган ва бевосита ҳисоб юритиш, ҳисоботга тайёргарлик чегарасидан ташқаридаги кўплаб амаллар ҳамда

тадбирлар киради: текшириб кўриш, қайта текшириш, инвентаризация, ҳужжатларга рухсат берувчи визалар, баённома расмийлаштириш, далолатнома тузиш, ҳужжатларни рисола қилиш (брошюра), муҳрлаб қўйиш, тамғалаш ва бошқалар.

*Назорат воситаларининг мониторинги.* Назорат воситаларининг мониторингги деганда ўтган вақт бўйича ИНТнинг функцияланишини баҳолаш жараёни тушунилади, бу назорат воситаларининг ишга яроқлиги ва хусусиятларини ўз вақтида баҳолаш ва уларга, зарурат бўлганда, ўзгаришлар киритишни кўзда тутади. Назорат воситаларининг мониторинги доимий кузатув, воситаларнинг ишончлилигини алоҳида баҳолаш ёхуд у ёки бу ёндошувнинг қўшилиши билан бажарилади ҳамда назорат воситалари самарали функцияланишда давом этаётганига ишонишга имкон беради.

Корхонани бошқаришнинг ҳар қандай мақбул тизими раҳбар нафақат буйруқ беради, шунингдек, у қандай бажарилаётганини текширади деб фараз қилади. Агар нормал ишлаб чиқариш фаолиятининг бориши давомида хатолар, камомадлар ва суистеъмолчиликлар очилиб қолса, яхши раҳбар айбдор шахсларни аниқлаш ва жазолаш билан чегараланиб қолмайди, балки бу хатоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлашга, шунингдек, хатоларни ўз вақтида олдини олиши шарт бўлган, лекин бундай қилмаган механизмлар функцияланишининг ўзига ҳослигини аниқлашга уринади. Шундан кейин, ҳамма тизим ишончли функцияланиши учун ходимларнинг мажбуриятларига тузатишлар киритиш мантикли бўларди.

## **2.2. Ўзбекистон Республикасида ички аудитни тартибга солиш**

Ўзбекистон Республикасида ички аудит институти давлат ташаббуси билан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва давлат корхоналарида корпоратив бошқарув даражасининг самарадорлигини ошириш мақсадларида шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-475-Қарорига мос равишда 2007 йилнинг 1-январидан активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда кузатув кенгашлари томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари тузила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги, «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №215-Қарори билан корхоналарда ички аудит ҳақидаги низом тасдиқланди. У ички аудит ва ички аудиторлар хизмати фаолиятларини тартибга солувчи (бошқарувчи) дастлабки меъерий ҳужжат ҳисобланади. Ислохотлар иктисодиётнинг нодавлат секторларини ҳам қамраб олди. Шу аснода Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларига мос келувчи ўзгартиришлар киритилди. Натижада ички аудит хизматни шакллантириш зарурати ҳақидаги меъерий талаблар, нафақат устав капиталида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, республикадаги бошқа энг йирик нодавлат корхоналар учун ҳам тааллуқли бўлиб қолди.

Ички аудит институти фаолиятини меъерий-ҳуқуқий бошқаришни мукамаллаштиришдаги қўшимча туртки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда Республика Молия-Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги № ПҚ - -1438 – Қарори бўлди. Қарор билан республиканинг 2011-2015 йиллардаги микромолиялаштириш ва банкдан ташқари молиявий секторлари соҳаларининг келгусида ривожланиши бўйича тадбирлар тасдиқланган бўлиб, ички аудиторга малака талаблари ўрнатилиши билан ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизимини жорий этишга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида”ги № 258-Қарори республикада ички аудит институтини меъёрий бошқаришни мукаммалаштириш бўйича ислохотларнинг манткий давоми бўлди.

Қарорга мос ҳолда корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомнинг матнига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, унга мувофиқ, ички аудит хизматида ишловчи талабгорларга малакавий талаблар қайта кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сон буйруғига асосан “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Бунда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилик бирлашмаси томонидан белгиланади.

Ички аудит қуйидаги ташкилотларда ташкил этилиши мажбурийдир:

- кредит ташкилотлари;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;
- нотариал идоралар;
- суғурта ташкилотлари ва лизинг компаниялари;
- инвестиция фондларини бошқаришни амалга оширувчи ташкилотлар.

Ички назорат корхоналарда улар томонидан қайта ишланган ахборотларни хужжатлаштириш тартибини, молиявий ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш тартибини, мос келувчи кадрларни тайёрлашга малакавий талаблар ва асосийси, ноодатий битимларнинг мезонларини аниқлаш ҳамда белгиларини ўз ичига олувчи қоидалар асосида амалга оширилади.

Битимларнинг чалкаш ва ноодатий, аниқ иқтисодий маънога ёки аниқ қонуний кучга эга бўлмаслиги; битимларнинг ушбу ташкилот таъсис ҳужжатларида белгиланган ташкилот фаолияти мақсадларига мос келмаслиги; характери уларни амалга ошириш мақсадлари мажбурий назорат тадбирларидан оғиш, деб ҳисоблашга асос берувчи муаммолар ёки битимларнинг бир неча марта бажарилганини аниқлаш кабилар бунга гувоҳлик бериши мумкин.

“Ички назорат тизими” ибораси хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молия-хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва назорати, активлар ҳисоб ҳужжатларининг бутлигини таъминлаш, фирибгарлик ва хатолар ҳолатлар олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқлиги ва тўлиқлиги хусусида ишончли молиявий ахборотларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадларида қабул қилинган ташкилий чоралар, услублар ҳамда амаллар (ички назорат воситалари) бирикмасини англатади.

Ички назорат тизими бевосита бухгалтерия ҳисоби тизимига кирувчи масалалар доирасидан чиқиб назорат муҳитини ўз ичига олади. Назорат муҳити деганда, корхона раҳбарларининг ички назорат тизимини белгилаш ва қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, бундай тизимнинг муҳимлигини англаб етишларидан хабардорлиги ва муносабати тушунилади. Назорат муҳити назорат воситалари самарадорлигига таъсир этади ва қуйидаги таркибий қисмларини ўз ичига олади:

- корхонани бошқаришнинг услуги ва асосий тамойиллари;
- корхонанинг ташкилий тузилмаси;
- масъулият ва жавобгарликларни тақсимлаш;
- амалга оширилаётган кадрлар сиёсати;
- ташки фойдаланувчидар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тартиби;
- бошқарув ҳисобини амалга ошириш ва ички мақсадларда ҳисоботлар тайёрлаш тартиблари;
- корхонанинг хўжалик фаолиятини қонунчилик талабларига мослигини таъминлаш;

-корхонани бошқарув органи таркибида тафтиш комиссияси, ички аудит хизматлари мавжудлигини ишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан.

Корхона раҳбарияти томонидан қабул қилинган назорат амалларига қуйидагилар киради:

- бир ходим иккинчисига ҳисобот бериши ҳолатларини аниқлаш;

- молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича маълумотларни ички текширишлар ва солиштиришлар;

- инвентаризация натижасида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва товар-моддий заҳиралар ҳисоби натижаларини бухгалтерия ёзувлари билан таққослаш;

- ички манбалардан олинган маълумотларни ахборотларнинг ташқи манбалар маълумотлари билан таққослаш;

- аналитик счётлар ва айланма қайдномаларидаги ёзувларнинг арифметик аниқлиги;

- амалий дастурлар ва компьютерлаштирилган ахборот тизимлари устидан, шу жумладан, компьютер дастурлари ўзгаришлари устидан назорат ўрнатиш ва ахборотларни киритиш ва чиқариш ҳуқуқи имкониятлари устидан назоратни амалга ошириш;

- активлар ва ёзувларга кириш имкониятларини чеклаш;

- режа кўрсаткичлари билан молиявий натижаларни қиёслаш ва таҳлил қилиш.

Ички аудит хизмати функциялари ички назорат тизимининг бир хил мониторинги ва самарадорлигини ўз ичига олади. Таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳолатда ички аудитнинг ҳажми ва мақсадлари турличадир. Корхонанинг ўлчами, тузилмаларига ва кузатув кенгаши сифатида унинг мулк эгалари талабларига боғлиқ. Одатда, ички аудит хизмати функциялари қуйидаги элементларнинг бирини ёки бир нечтасини ўз ичига олади:

- ички назорат амалларининг самарадорлиги мониторинги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат зарур тизимининг қўйилиши раҳбарият мажбуриятларига киради ва бунга доимо мос тарзда эътибор қаратиш зарур. Ички аудит хизматиға эса, бу тизимни



текшириш, уларнинг самарадорлиги мониторинги, шунингдек, уларни мукамаллаштириш бўйича тавсияномалар тақдим этиш киради;

- молиявий ва бошқарув ахборотларини тадқиқ этиш (бу ахборотларни йиғиш учун фойдаланиладиган восита ва усулларнинг изоҳли текширувини, бу ахборотларни ўлчаш ва таснифлаш ҳамда унинг асосида ҳисобот тузишни, шунингдек, муаммоларни тафсилотлари бўйича тест олиш, бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича қолдиқлар ва бошқаларга нисбатан ўзига хос сўровларни ўз ичига олади).

- Корхонанинг номолиявий маблағларини ҳам қўшган ҳолда тежамкорлик, самарадорлик ва натижавийликнинг назорати;

- Республика конунчилиги меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ташқи талаблар, шунингдек, раҳбариятнинг сиёсати, кўрсатмалари ва бошқа ички талабларига амал қилиниши устидан назорат.

Ички аудит хизматининг роли корхона кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Ички аудит хизмати корхонанинг тузилмавий бўлинмаси ҳисобланади. Ички аудит хизматининг фаолияти унинг мустақиллик ва холислик даражасидан қатъий назар, мустақилликнинг ташқи аудитордан молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларининг ишончилиги ҳақида фикрларини ифодалашда талаб қилинадиган даражасига инкор эта олмайди. Ташқи аудит билдирилган аудиторлик фикри учун алоҳида жавобгарликка эга, бу жавобгарлик ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланишда қамаймайди. Аудит қилинаётган молиявий ҳисоботларга нисбатан ҳамма фикрлар ташқи аудитор томонидан киритилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Аудитнинг моҳияти нимада?
2. Ички аудит деганда нимани тушунасиз?
3. Ички аудитнинг қандай моделлари мавжуд?
4. Ички аудит стандартларини қайси ташкилот ишлаб чиқади?
5. Халқаро стандартлар хорижий давлатларда қай тарзда қўлланилади?

## ГЛОССАРИЙ

**Ички аудит** - бу корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига; таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишни тўлиқчилиги ва ишончилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларининг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш тамойиллари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолиятидир.

**Ички аудит хизмати** – бу корхона кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмасидир.

**Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари** - аудиторларнинг ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир.

**Ташаббус тарзидаги аудит** - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, инвесторлар, таъсисчилар, акционерлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари -прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ конунчилигини бузилишига қарши курашиш депортаментлари буюртмалари асосида ўтказилади.

**Тематик аудит** – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу жараёнлар ва операцияларни, ҳисобот кўрсаткичлари ёки моддаларини, айрим олинган бўлимлар фаолияти, ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишдир.

**Аудиторлик фаолияти** - бу аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

**Аудиторнинг малака сертификати** - аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**Аудитор** - аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

**Аудиторнинг ёрдамчиси** - аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик ҳулосасида аудиторнинг эксперт ҳулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир.

**Аудиторлик ташкилоти** - аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир.

**Аудиторлик текшируви** - молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Мажбурий аудиторлик текшируви** - Хўжалик юритувчи субъектларда амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган қатъий муддат ва тартиб асосида махсус малака сертификати ва лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган текширув тушунилади.

## ТЕСТЛАР

**1. Нидерландия, Буюк Британия ва Ирландияда бухгалтерия ҳисоби ва аудит маълумотлари асосан кимларга мўлжалланади?**

- А. Инвесторларга
- Б. Банк муассасаларига
- В. Давлатга
- Г. Солик идораларига

**2. Германия, Люксембург ва Белгияда аудит маълумотлари асосан кимларга мўлжалланади?**

А. Банк муассасаларига

Б. Инвесторларга

В. Давлатга

Г. Солик идораларига

**3. Францияда аудит маълумотлари асосан кимларга мўлжалланади?**

А. Давлатга

Б. Банк муассасаларига

В. Инвесторларга

Г. Солик идораларига

**4. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Британ-Америка моделига киради?**

А. Исроил

Б. Хитой

В. Италия

Г. Франция

**5. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Жанубий Америка моделига кирмайди?**

А. Панама

Б. Уругвай

В. Эквадор

Г. Чили

**6. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Жанубий Америка моделига кирмайди?**

А. Колумбия

Б. Перу

В. Боливия

Г. Гаяна

**7. Қуйидаги давлатлардан қайси бирида халқаро аудит стандартлари фақат маълумот учун ишлатилади?**

А. Канада

Б. Австралия

В. Бразилия

Г. Нидерландия

**8. Қуйидаги давлатлардан қайси бирида халқаро аудит стандартлари миллий стандартларни ишлаб чиқишда қўлланилади?**

- А. Бразилия
- Б. АҚШ
- В. Канада
- Г. Буюк Британия

**9. Қуйидаги давлатлардан қайси бирида халқаро аудит стандартлари миллий стандартларни ишлаб чиқишда қўлланилади?**

- А. Нидерландия
- Б. Нигерия
- В. Малайзия
- Г. Буюк Британия

**10. Қуйидаги давлатлардан қайси бирида миллий аудит стандартлари мавжуд эмас?**

- А. Нигерия
- Б. Бразилия
- В. Канада
- Г. Буюк Британия

**11. Замонавий аудиторлик фаолиятининг ривожланишга асосий туртки бўлган омилни кўрсатинг?**

- А. 1929-1933 йиллардаги иқтисодий инкироз
- Б. Иккинчи Жаҳон уруши
- В. Жаҳон мамлакатларидаги жадал иқтисодий ривожланиш
- Г. Биринчи Жаҳон уруши

**12. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Континентал моделга кирмайди?**

- А. Филиппин
- Б. Дания
- В. Греция
- Г. Австрия

**13. Лотин Америкасидаги мамлакатларнинг миллий ҳисоб ва аудит тизимларини стандартлаштириш мақсадида тузилган**

**Америка мамлакатлари бухгалтерлари ассоциацияси таркибига нечта давлат киради?**

- А. 21
- Б. 13
- В. 10
- Г. 23

**14. Жаҳон мамлакатларида бухгалтерия хисоби ва аудит тизимининг қандай моделлари мавжуд?**

А. Британ-Америка модели, Континентал модел, Жанубий Америка модели

Б. Британия модели, Континентал модел, Жанубий Америка модели

В. Америка модели, Континентал модел, Жанубий Америка модели

Г. Британия модели, Континентал модел, Америка модели

**15. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Британ-Америка моделига кирмайди?**

А. Швейцария

Б. Кения

В. Доминикан Республикаси

Г. АҚШ

**16. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Британ-Америка моделига кирмайди?**

А. Бразилия

Б. Замбия

В. Малайзия

Г. Панама

**17. Қуйидаги давлатлардан қайси бирида миллий аудит стандартлари мавжуд эмас?**

А. Малайзия

Б. Австралия

В. АҚШ

Г. Нидерландия

## **3-БОБ. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **3.1. Ички назорат тизими ва ички аудитга қўйилган талаблар**

Ички назорат тизими ва ички аудитнинг фарқи қуйидагича: ички назорат корхонанинг ўз мақсадига эришишида доимий равишда фаолият олиб боради. Ички аудит эса, ички назоратнинг бир элементи ҳисобланади. Ички аудит корхонанинг ички назоратини кучайтириш мақсадида ташкил этилади. Шу жиҳат билан ички аудит хизмати ва ички назорат тизими бир-биридан фарқланади.

Биринчи навбатда ички назорат тизимига қўйилган асосий талабларни кўриб ўтамиз:

**1. Ҳар бир субъектнинг назорат остида бўлиши.** Корхонада фаолият кўрсатиб келаётган ҳар бир субъект назорат остида бўлиши керак. Ҳар бир субъектнинг бириктирилган ишни бажариши бошқа субъектлар томонидан текширилиши, лавозим мажбуриятида қайд этилиши лозим. Бир қатор субъектлар томондан ички назоратнинг қандай даражада олиб борилаётганлигини ва ҳолати, аввало корхона раҳбари қизиқиши лозим. Шунинг учун ҳам бу каби субъектлар фаолиятининг назорати, корхона раҳбари ҳар хил турдаги экспертлар ёки ташқи аудит хизматидан фойдаланиш мумкин.

**2. Биринчи даражали назоратни бир кишига юклагаслик.** Бу ҳолат, яъни назоратни бир кишига юклаш, ўз фаолиятини суистеъмол қилиш ёки бошқа нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

**3. Маъмуриятни манфаатдор бўлиши.** Ички назорат тизимининг амал қилиши бошқарувнинг мансабдор шахсларини ҳалоллигисиз, етарли тартибдаги манфаатдорлигисиз ва қатнашишисиз самарали бўла олмайди.

**4. Ички назорат субъектларининг ваколатлилиги, виждонли эканлиги ва ҳалоллиги.** Агар хизмат қилиш функцияларига назорат қилишни амалга оширадиган қиладиган корхона ходимлари, ушбу санаб ўтилган тавсифларга эга бўлмаса, унда ички назорат тизимида ҳатто идеал равишда ташкил этилган ҳам самарали бўла олмайди.

**5. Ички назорат услубиятининг қабул қила олинадиган даражалиги** (қўлланиш мумкинлиги). Текширув мақсади, вазифаси ва оқилона бўлиши лозим. Назорат функциясининг тақсимланиши, ички назорат тизими ва қўлланиладиган методлар мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

**6. Устуворлик.** Оддий (жорий равишда амалга ошириладиган) катта аҳамиятга эга бўлмаган муомалалар (масалан, миқдори маҳаллий низомлар билан тасдиқланганмайдиган харажатлар) устидан мутлақ назоратни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас ва у фақатгина энг муҳим бўлмаган масалалардан кучни чалғитишга олиб келади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларда эса, гарчанд ушбу соҳа “харажатлар-натижа” тамойили бўйича ўлчаниши жуда қийин бўлсада, бу соҳа устидан назорат ўрнатилиши лозим деб ҳисобланади.

**7. Оптимал марказлаштириш** (ташқилӣ тузилманинг адекватлиги, мос келиши). Ички назорат доимий ҳаракатда бўлиши, барқарорлик, узлуксизлик талаблари асосида ташкил этилиши бу корхона таркибий тузилишини оптимал даражада ташкил этилганлигини ҳамда ички назорат тизими корхонанинг ҳажми ва мураккаблик даражасига жавоб бериши лозим. Ҳар бир тизимда ўзига хос камчиликлар мавжуд. Масалан, маълумотнинг секин ҳаракати, қарорнинг кеч қабул қилиниши ёки юқори ва қуйи ўриндагиларнинг эътиборининг бир бирига мос келмаслиги. Ҳар бир вариантнинг кучли ва кучсиз томонларини баҳолаш лозим.

**8. Ягоналашган жавобгарлик.** Ҳар бир назорат фақатгина битта жавобгарлик маркази учун бириктирилиши лозим. Маъсулиятсизликдан кечиш мақсадида алоҳида бир функцияни иккита ёки бир нечта жавобгарлик марказларига бириктириб қўймаслик керак. Аммо бир нечта назорат қилиш функцияларини битта жавобгарлик марказига бириктириб қўшимча руҳсат этилади.

Бош бухгалтернинг алоҳида назорат функцияси бўлиб амалга оширилган хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республика қонунчилиги талабларига мос келишини назорат қилиш ҳисобланади. Бош бухгалтер қонунчилик ҳолатлари бузилиши



тўғрисидаги маълумотларни рахбариятга етказмаганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим. Ички аудиторнинг назорат функцияси эса бундай ҳолларда, бухгалтер томонидан ўз назорат функцияларининг сифатли бажарилиши устидан текширишларни амалга ошириб бориш ҳисобланади. Аудитор акс эттирилган хўжалик муомаларини баҳолайди, бироқ у бухгалтерия ҳисобида қонун бузилишини аниқламаганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

**9. Функционал ўрин алмашиш.** Ички назоратнинг алоҳида субъектларнинг ва вақтинчалик чиқиб кетиши назорат қилиш амалларининг узилиб қолишига олиб келмаслиги зарур. Бунинг учун, ўз навбатида, ҳар бир ходим (ички назорат субъектга) ўзидан юқори турувчи, ўзидан қуйи турувчи ва ўз даражасидаги бир ёки иккита ходимнинг назорат қилиш ишларини бажара олиши лозим, бу эса уларнинг чиқиб кетиши даврида назорат қилиш объекти билан мос бўлган алоқа йўқотмаслигининг олдини олишга имконият яратади.

**10. Катъий белгиланганлик.** Ички назорат тизимининг амал қилиш самарадорлиги корхонада назорат тизимининг катъий белгиланган қоидага қай даражада бўйсунушига боғлиқ. Албатта, ҳамма нарсани назоратга олиш қийин, бу вазиятда назоратни ўрнатиш учун катъий қарор қабул қилишга тўғри келади.

**11. Ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш.** Назорат ташкил этилиши жараёнида, корхонанинг барча бўлимларининг аниқ ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши лозим.

**12. Файл ва активларга рухсатсиз киришга йўл қўйилмаслик.** Маълумотларга рухсатсиз киришга тўсқинлик қилиш ва назоратни ўрнатиш учун қуйидаги чораларни кўриш лозим:

-бинога рухсатсиз кирмаслик (қўриқлаш, рухсат бериш режими, сигнализация, кузатув тизимини йўлга қўйиш);

-компьютер ва бошқа маълумотлар базасига рухсатсиз кирилишига (компьютер тизимини пароллаш) ҳамда техник воситалар орқали маълумотларнинг четга чиқишига йўл қўймаслик

(эшитиш ва кузатув мосламаларини ҳамда фотоапаратнинг рухсатсиз олиб кирилиши);

-корхонанинг хўжалик сирларини ходимлар томонидан олиннишида белгиланган тартибда рухсатнома олиш орқали берилишини йўлга қўйиш. Бунда корхонанинг тижорат сирларининг четга чиқишини олди олинади.

**14. Файл ва активларнинг хавфсизлиги.** Табиий офат ходисалари рўй бериши мумкин бўлган ҳолларда энг муҳимроқ бўлган ҳужжатларни ёнмайдиган сейфларда сақлаш, ўт ўчириш мосламаларига эга бўлиши, ёнғин пайтида ҳаракатланиш тартибини аниқлаб берадиган керакли қўлланмалар бўлиши керак. Электр тизимининг узилиши ёки техника тизимининг ишдан чиқишини ҳисобга олган ҳолатда, керакли маълумотлар ва файлларни кўшимча хотирада сақлаб бориш ва захира электр таъминоти билан таъминлаш лозим.

**15. Хўжалик муомалаларини кетма-кетлиги махсус схемалар асосида фаолиятни қатъий белгилаб бериш.** Бу каби схемалар бўлимларнинг жавобгарлиги, рухсат этилган фаолиятлар бўйича, назорат жараёнини ҳамда ҳар бир фаолиятнинг коидалари бўйича маълумотни ўз ичига олган бўлиши лозим. Схемадаги маълумотлар тушунарли ҳолатда бўлиши лозим ва бу ҳолатда маълумотни ходимларга ўз вақтида етказиб бериб туриш зарур ҳисобланади.

**16. Ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимига янги ахборот технологияларини жалб қилиш.** Корпоратив турдаги йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган йирик корхоналар, янги ва сифатли дастурлар билан таъминланган технологияларга босқичма-босқич ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат куйидагиларга ёрдам беради:

-мижозлар талабларини бажариш қувватидаги муаммоларни ҳал этиш;

-ходимларнинг фаолият тизимидаги салоҳиятини оширади;

-корхонанинг бошқариш режимини реал масштабдаги вақтда амалга оширишини таъминлайди;

-тармоқлар ўртасидаги ўзаро алоқадаги фаолиятни амалга оширилиш самарасини оширади;

-маълумотларни компьютер тизимига қўл билан киритилишида йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этади.

**17. Назорат фаолиятини амалга оширилишининг ҳужжат билан тасдикланиши.** Муҳим назорат фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир масъул шахс назоратни амалга оширилаётганлигини тасдиқлаш мақсадида мунтазам равишда ёзма шаклда имзо билан тасдиқлаган ҳолатда ҳисобот бериб бориши лозим. Бу каби ҳисобот белгиланган мувофиқлаштирувчи марказга тақдим этилиши лозим. Ҳисоботни текширган шахс томонидан ушбу ҳисобот текширилганлигини тасдиқлаш мақсадида имзо қўйилиши лозим. Бу қонданинг амалга оширилиши ички назоратнинг ҳар бир поғонаси назоратини текшириб бориш имконини беради.

**18. Ички назоратчиларнинг мажбуриятларини доимий равишда қайта тақсимлаш** Назоратнинг самарадорлигини ошириш ҳамда ўз вазифаларини суистеъмол қилинишини олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасидаги мажбуриятлар қайта тақсимланиб борилиши лозим.

Бухгалтер мажбуриятларининг доимий равишда қайта тақсимланиши куйидагиларга ёрдам беради:

-бухгалтер томонидан ҳар бир фаолиятнинг ўзаро назорати туфайли камчиликларнинг юзага келиши эҳтимоли камаяди;

-битта участкада ишлаш орқали бир хил ишдан толиқишни олдини олади ва бухгалтер ишининг самарасини оширади;

-бухгалтерия ходимларининг уддабуронлигини оширади.

Бухгалтериянинг бир-бирига тенг бўладиган ходимларининг мажбуриятларини ҳар йили қайта тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар хил участкаларга ишга ўтказиш бухгалтернинг ўз малакасини юқори даражада ушлаб туришига ёрдам беради. Агар бухгалтерга янги участкада қўшимча билимни ўрганиш тўғри келса, бунда арзимаган харажат билан бу ходимлар ўзаро алоқадор ва хўжалик ишларини амалга оширишда янада эпчилроқ ходимга айланади.

**19. Ҳар томонлама ошириладиган назорат.** Корхонанинг бошқаруви ва унинг ривожини учун ҳар бир тармоқнинг ҳар томонлама назорати муҳимдир. Текширув тадбирини режалаштиришда,

иктисодий, юридик, илмий-техникавий ҳамда ижтимоий бўлимларини ҳар томонлама ўрганиш лозим. Йўриқномани нотўғри тушуниш, муҳокамаларда хатолик, шахснинг бепарволиги, жавобгар шахснинг паришонхотирлиги ёки чарчаганлиги, жамоа ўртасида келишмовчиликлар, ўз лавозимини суистеъмол қилиш ва одобсизлик қилиш ҳаммаси ички аудит менежери ёки ходимлар бўлими эътиборида бўлиши лозим.

Бухгалтерия бирор-бир ходимнинг иш фаолият сифатини текшириш қутилмаганда текширганида ўтказиш, ўша ходимга психологик томондан ёмон таъсир кўрсатади ва ўзаро келишмовчилик юзага келишига асос бўлади. Ҳар бир ходимнинг ўзига хос характерга эгаллиги туфайли, иш жараёнида низонинг юзага келиши ходимнинг асабийлашишига олиб келади, натижада эса ходимнинг ишга бўлган эътиборини кучсизлантиради ва ишда юз берадиган хатоликларнинг ошишига сабаб бўлади.

**20. Назорат қилиш объектларнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниш.** Агар бирор-бир объектнинг назоратида оксоқлик юзага келса, бевосита муаммони юзага келтирган вазият билан иш олиб бориш лозим. Бундай ёндашиш оксоқликнинг юзага келиши сабабини аниқлаш ҳамда келгусида такрорланмаслигини таъминлайди.

Текширув жараёнида ички аудит томонидан, компьютер хотираларига саклаб қўйилган бухгалтерия муомалалар пул харакатлари нотўғри ҳисоб рақамларда акс эттирилганлиги аниқланса, бу ҳолатда қуйидаги чоралар амалга оширилади:

- а) бухгалтерия ҳисоби шакли бўйича йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;
- б) амалий бухгалтерия дастурининг сифати ёки ҳажми, дастур-техника комплексига баҳо бериш;
- в) хатони эътибордан четда қолдирган бухгалтернинг профессионал билимига баҳо бериш.

**21. Олдиндан ўтказиладиган назоратнинг устуворлиги.** Бошқарилаётган объектнинг аҳволининг ёмонлашуви ёки оксоқланиши борасида текширувнинг бошланғич босқичларида

огоҳлантириши лозим. Бу ҳолат назоратдаги объектнинг талаб қилинган ахволга олиб келишда юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ва харажатларнинг олдини олишда ёрдам беради.

**22. Олдинги текширувда камчиликлар бўйича аниқланган маълумотлардан фойдаланиш.** Ҳар бир назорат жараёнида олдинги текширувда аниқланган камчиликлардан фойдаланиш, ушбу камчиликларнинг қайтарилмаслигини таъминлайди.

**23. Ривожланиш ва тақомиллаштиришнинг узлуксизлиги.** Вақт ўтиши билан хаттоки бошқарувнинг илғор усуллари ҳам эскириб боради. Ички назорат тизимини шундай ташкил этиши керакки, у корхона фаолиятининг ички ва ташқи ўзгаришлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган янги муаммоларни ҳал этишда мослашувчан бўлиши керак ҳамда корхонанинг кенгайишида замонавийлашишини таъминлаб бериши керак.

Корхонада ички аудит тизимининг муваффақиятли фаолиятини таъминлашнинг асосий йўли қуйида келтирилган тамойилларга риоя қилишдадир:

**1. Масъулиятлилиқ тамойили:** Корхонада фаолият олиб боровчи ҳар бир ички аудит ходими ўз фаолиятини олиб боришда иқтисодий, маъмурий ва интизомий масъулиятни ҳис қилиши керак. Агар ходим томонидан масъулият ҳис қилинмаса, назорат талаб даражасида олиб борилмайди.

**2. Мувозанатни ушлаб туриш тамойили.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхонанинг назорат функцияси қандай тарзда олиб борилиши, ресурслар билан таъминланиши ва бажарилиши бўйича аудитор томонидан буйруқ берилмаслиги лозим. Назорат субъектлари томонидан мажбуриятлар корхонанинг иш ҳажми ва имкониятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

**3. Юзага келган камчиликлар бўйича ўз вақтида маълумот бериш.** Юзага келган камчиликлар бўйича маълумот, ушбу камчиликлар бўйича қисқа вақт ичида қарор қабул қилиш ваколатига эга кишига ўз вақтида этказилиши лозим. Агар маълумот кечиктирилса, салбий оқибатларга олиб келади. Дастлабки назоратда

оқибатларнинг юзага келиш эҳтимоли бўйича малумот ўз вақтида етказилмаса, бу назоратни амалга оширилишидан маъно қолмайди.

**4. Назоратга олувчи ва назоратга олинган тизимнинг мутаносиблиги:** Ички аудит тизимининг мураккаблик даражаси назоратдаги тизимнинг мураккаблик даражасига мутаносиб бўлиши керак, яъни объект бўйича текширувни муваффақиятли олиб бориш учун ички аудит шу даражада мураккаб бўлиши лозим.

**5. Буглик тамойили:** Ҳар хил турдаги объектлар бир-бирига алоқадор бўлган ички аудитни ўзига камраб олган бўлиши керак, яъни аудит тор доирадаги объектлар билангина чегараланмаслиги керак.

**6. Жавобгарликнинг тақсимланиш тамойили:** Ходимлар ўртасида вазифалар шундай тақсимланиши керакки, бир ходимга бир вақтнинг ўзида қуйидаги вазифалар юклатилмаслиги керак: белгиланган активлар бўйича операцияларга рухсат бериш, берилган операцияларни рўйхатга олиш, операциялар бўлганлигини таъминлаш ҳамда уларни инвентаризациядан ўтказиш. Салбий оқибатлар юзага келмаслигини олдини олиш мақсадида бу функцияларни бир неча ходимлар ўртасида тақсимлаш лозим.

**7. Рухсат бериш ҳамда маъқуллаш тамойили:** Ҳар бир хўжалик операцияларининг амалга оширилишида ваколатли шахс томонидан рухсат берилиши расмий равишда таъминланган бўлиши керак. Расмий рухсат бу умумий турдаги хўжалик операциялар ёки аниқ бир операция бўйича расмий қарор ҳисобланади. Расмий маъқуллаш бу бошқарув томонидан берилган рухсатидир. Юқорида қайд этилган тамойилларнинг барчаси бир-бирига боғлиқдир, уларнинг бирикиши аниқ бир вазиятдан келиб чиқади.

### **3.2. Ички назоратнинг турлари**

Ички назорат тизими қуйидаги омиллар таъсири остида бўлади:

- Бошқарувнинг ички назоратга бўлган муносабати;
- Корхона фаолиятининг ички шароитлари, унинг ҳажми, қўлами ва фаолият тури;

- Унинг сони ва ҳудудий жихатдан ҳар хил жойлашганлиги, унинг бир қисми ёки шўъба корхоналарига эга бўлиши;
- Мақсад ва вазифаларининг стратегик ўрнатилганлиги;
- Фаолиятнинг механизациялашганлиги ва компьютерлашганлиги даражаси;

- Ресурс билан таъминланганлиги;
- Ходимлар таркибининг билим даражаси;

Ички назорат қуйидагича ташкил этилиши мумкин:

- йиллик ҳисоботни тасдиқлаш мақсадида йиғилган акциядорлар йиғилишида сайланган тафтиш комиссияси шаклида;
- бевосита раҳбарга буйсунувчи ички аудит бўлими шаклида
- назорат гуруҳи шаклида
- инвентаризация бўлими шаклида;
- ички аудит текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти билан шартнома шаклида бўлиши мумкин.

Савол: корхона раҳбарига ёки бошқарувига ички аудит керакми? Корхоналарда ҳозирда анъанага кўра фаолият кўрсатаётган ички назорат хизмати ва назорат-тафтиш хизмати фойдалироқми? (шунини таъкидлаш кераки ҳозирда Ғарб мамлакатлари корхоналарнинг амалиётида ички аудит хизмати кўпроқ тарқалган; ички назорат хизмати кам қўлланилади ва назорат-тафтиш хизмати эса умуман қўлланилмайди.

Корхонага нечта назорат органи кераклиги ва қайси бири муҳимроқ эканлигини корхона раҳбари ва менежери аниқлайди. Қарор қабул қилишда корхонанинг назорат бўлими муҳим аҳамиятга эгадир, агар ички назорат ёки рискларни бошқариш тизими тўғри йўлга қўйилмаган ёки самарасиз ишлаётган бўлса, ички аудит фаолиятининг майдони кескин торайиб боради, чунки унинг вазифаси ички назорат тизимининг самарани баҳолашдан иборатдир. Бу ҳолатда корхона менежерининг асосий вазифаси корхонада назорат тизимини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тафтиш. Корхонада ички назорат тизимини ишлаб чиқиш жараёни мураккаб ва узоқ вақтни олади ҳамда корхонада назорат тафтиш бўлими ташкил этилиши зарурияти туғилади, бу ҳолатда

назорат-тафтиш хизмати хатоликларни ёки лавозимни суистеъмол қилиниши ҳолатлари юзага келишини аниқлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, тафтиш фаолияти амалга ошириб бўлинган фаолият устидан ўтказилади. Ички аудит эса корхонанинг умумий истиқболини кўра олади ва келгусида бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни таҳлил қилади. Бошқача қилиб айтганда, тафтиш ишлари бўлиб ўтган камчиликлар бўйича хулоса беради, ички аудит эса имкониятни баҳолайди ҳамда юзага келиши мумкин бўлган рискни камайтиришга ҳамда салбий оқибатларга олиб келмасликни олдини олиш бўйича таклифлар беради. Юқоридагилардан хулоса қилиб шунини таъкидлаш жоизки, корхонада ички тафтиш тизимининг мавжудлиги ички аудитнинг кераги йўқ деган фикрни инкор этади.

Штат бўйича ички аудит хизмати. Ички аудит хизматининг корхона раҳбарларига бўйсунушига ҳар хил ёндашилади. Энг яхши йўл ички аудит хизмати бошлиғининг кузатув кенгаши бўйсунушидир. Айнан шундай ёндашиш замонавий корпоратив бошқарув тамойилларига тўғри келади. Бу вазиятда ички аудит тизимининг ижро бошқарувидан мустақиллиги анча ошади. Бу ҳолатда ички аудит хизмати салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш имконини беради. Ҳар хил сабабларга кўра бу вариантни амалга ошириш имкони бўлмаса, ички аудит хизмати директорлар кенгашига бўйсунунади.

Ички аудит хизматининг таркибий тузилиши ва ходимлари сонига аниқ бир чеклов берилмаган, бу куйидаги омилларга кўра ҳар хил бўлади: биринчи омил бу корхонанинг ички аудит олдига қўйган вазифаси. Иккинчи омил бу ички аудит хизматининг тузилишига таъсир этувчи омиллар, корхонанинг ҳар хил турдаги рискларга дуч келганлиги. Учинчи омил корхонада назорат тизимининг етуқлиги. Тўртинчидан, корхона шохобчаларининг кўплиги ва ҳар хил жойда жойлашганлиги.

Ички аудит хизмати тизимини ишлаб чиқишдан олдин, аввало ички аудит хизматининг объективлигини ҳамда эркинлигини таъминлаш лозим. Шўъбалари кўп ва ҳар хил жойда жойлашган холдинг компаниялари учун марказлашган ички аудит хизмати тўғри



келади. Унинг ходимлари ҳудудий ҳолатда корxonанинг бош офисида ёки шўъба корxonаларида жойлашиши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам улар функционал равишда корxonанинг раҳбарига бўйсунди. Ички аудит хизмати ишчиларнинг марказлашган структураси корxonанинг қайси бир филиал ёки шўъбасида жойлашмасин, корxonанинг ички аудит хизмати бошлиғига ёки корхона раҳбарига бўйсунди. Бу турдаги корxonаларга бошқарув кучсизланиш эҳтимоли юзага келади ҳамда ички аудит хизматининг эркинлиги ва объективлигида юзага келиш мумкин бўлган рискни камайтиради.

Аутсорсинг ва косорсинг. Ички аудит текширувидан ташқари текширувчи, четдан аудит текшируви бўйича шуғуланувчи корxonани жалб қилган ҳолда ёки ташқи маслаҳатчи жалб қилиш орқали амалга ошириш ҳам мумкин. Бу аутсорсинг вариантдир, аммо корxonанинг ички аудит масалаларини ташқи аудит ҳал этишига тавсия этилмайди. Яна косорсинг варианты ҳам мавжуд бўлиб бунда корхона ички аудит хизмати тизимини ташкил этиши ва баъзи ҳолларда ташқи эксперт корxonаларини ёки ташқи маслаҳатчиларни жалб қилиш мумкин. Аутсорсинг ва косорсингдан фойдаланишнинг афзаллиги қуйидагича:

- Ҳар хил доирадаги экспертлар хизматидан фойдаланиш;
- Юқори малакали аудит ходимлари хизматидан фойдаланиш;
- Аудит ресурсларини жалб қилишда танлай олиш.

Аутсорсинг ва косорсингдан фойдаланиш кўпгина корxonаларга маъқул келади, чунки кўпгина йирик ва кичик корxonалар ўзининг шахсий аудит хизмати тизимини ташкил эта олмайди Ички аудит тизимини ташкил этиш қўшимча ходимларини жалб этиш, уларга шароитлар яратишни талаб этади. Бу эса корхонага молиявий зарар келтиради.

### **3.3. Корхонада ички аудитни ташкил қилиш босқичлари**

Корxonаларда самарали фаолият юритувчи ички аудит хизматини ташкил қилиш – мураккаб, кўп босқичли жараён дир ва унинг қуйидаги босқичларини келтириб ўтиш мумкин:

1. Танқидий фикрлаш ва корхона фаолияти турлари бўйича унинг олдига қўйган мақсадлари, стратегияси, тактикаси, унинг имкониятлари ва ташкилий тузилиши билан танишиб чиқиш;

2. Корхонанинг янгича ишлаш концепсиясини яратиш ва уни корхона ички қонунлари билан меёрий ҳужжатларни тасдиқлаш. Ушбу янгича ишлаш услуби корхонанинг мақсадларидан, фаолият кўрсатиш соҳаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда унинг янада ривожланиши, тараққий этиши, белгиланган мақсадларга эришиши, бозорда янада мустаҳкам ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши лозим. Бу концепсиялар ташкилотнинг молиявий, технологик, инновацион, инвестицион, ҳисоб ва кадрлар сиёсатида акс этиши лозим. Бу каби қоидалар чуқур таҳлилий амаллар, етарли даражада ҳисоб-китоблар ўтказилгандан сўнг, кўриб чиқилган вариантлар ичида энг мақбули танланган ҳолда амалга киритилиши лозим бўлади. Ушбу концепсиянинг корхона ички қоидалари билан мустаҳкамланиши корхона молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган омиллар асосида жорий ва келажакдаги фаолиятини назорат қилишга асос бўлади.

3. Мавжуд бошқарув тизимининг самарадорлигини аниқлаш ва уни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Бошқарув тузилмаси бўйича низом ишлаб чиқиш ва унда ҳар бир бўғим бўйича бошқарув, функционал, услубий бўйсунуш қоидаларини яратиш, ким кимга бўйсунуш кераклигини аниқ кўрсатиш, уларнинг бир-бирлари олдадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиланиши талаб этилади. Худди шу талабларга корхонанинг бошқа филиаллари (бўлимлари, гуруҳлари) ҳам ходимлар иш тақсимооти жараёнида амал қилиши керак бўлади. Ҳар бир ходим ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиловчи лавозим кўрсатмаларини ишлаб чиқиш, штатлар рўйхати, ҳужжатлаштириш режалари ва ҳужжатлар айланиши аниқ қонун қоидаларини ишлаб чиқиш лозим. Бундай жиддий қоидаларсиз графигини корхона барча бўлимларида етарли даражада ички назоратни ўрнатиш жуда мушкул.

4. Корхонада маълум бир молиявий ва хўжалик муомалалари бўйича аниқ ички назорат услубини яратиш. Бу ходимларнинг ўзаро

ички назорат тизимида қатнашиши, ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишида ахборотнинг ҳаққонийлигини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

5. Ички аудит бўлимини ташкил этиш.

Умумий тарзда ички аудит бўлимини ташкил этишда қуйидаги асосий босқичлардан фойдаланиш таклиф этилади:

1) ички аудит бўлимини ташкил этишдан мақсадни ва у амалга ошириши лозим бўлган ишларни корхона олдига қўйган мақсаддан четга чиқмаган ҳолда аниқ қилиб белгилаб қўйиш лозим;

2) белгиланган мақсадга эришиш учун асосий функцияларини аниқлаб олиш;

3) бир хил турдаги функцияларни гуруҳларга ажратиш ва у асосида ушбу функцияларни бажаришга қаратилган бўлим бирликларини шакллантириш;

4) ҳар бир ташкилий тузилма ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ўзаро алоқалар схемасини яратиш ҳамда буни лавозим кўрсатмалари ва ички аудит хизмати йўриқномасида қонунийлаштириб қўйиш;

5) юқорида кўрсатилган таркибий бирликларни бир жойга жамлаш – ички аудит бўлими, корхона мақсадларидан, вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда унинг мақомини белгилаш ва ички аудит бўлими йўриқномасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

6) ички аудит бўлимини корхонанинг бошқа маъмурий бўлинмалари билан интеграциялаштириш;

7) ички аудит бўлимининг ички стандартларини ва ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш;

8) ички аудит бўлимининг стратегик режаларини ишлаб чиқиш;

9) ҳисобот топшириш тизимини ташкил этиш;

10) мустақил аудит хизмати билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида йўриқномани қабул қилиш.

Ички аудит бўлимини ташкил этишда ички аудит ходимлар таркибини аниқлаш зарур бўлади.

Филиаллари кўп ва узоқда жойлашган бўлимлари мавжуд йирик корхона ички аудит бўлими ходимлари қуйидаги таркибдан иборат бўлиши лозим:

1. Бўлим мудирини. Бу лавозимга юқори малакали, иқтисодий ёки юридик олий маълумотга эга, малакали аудитор ёки малакали бухгалтер сертификатига эга шахсларни тайинлаш мақсадга мувофиқ;

2. Бош корхона билан ҳисоб-китоблар бўйича мутахассис;

3. Филиаллар ҳисоботларини хужжатли текшириш бўйича мутахассис;

4. Худудий бухгалтер-услублиётчилар;

5. Солиқ бўйича мутахассис;

6. Ҳуқуқшунос;

7. Молиявий таҳлил бўйича мутахассис.

Ички аудит ходимлари ўз соҳаларига мос равишда маълумотга эга бўлишлари лозим. Ички аудит хизмати лозим пайтда эксперт хизматидан фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

### **3.4. Ички аудит бўлимининг ташкилий тузилмаси тўғрисида низом**

1. Умумий қоидалар:

1.1. Ички аудит хизмати тўғрисидаги мазкур Низом (кейинги ўринларда - Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Компания Низомига, Директорлар кенгаши тўғрисидаги Низомга (кейинги ўринларда - Директорлар кенгаши деб аталади), Кузатувчи кенгаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ва шунингдек, корпоратив бошқарувнинг илғор тажрибасига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Компаниянинг ички аудит хизматининг (кейинги ўринларда - ИАХ деб аталади) ролини ва вазифаларини, унинг ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатларини ҳамда шунингдек, ИАХнинг бўйсунушини белгилаб беради.

1.3. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниядаги ва унинг шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг ички назорати тизими ва

рисklarни бошқаришнинг самарадорлигини оширишга имконият туғдириш учун мўлжалланган.

1.4. Ички аудит хизмати Компаниянинг бўлинмаларида ҳамда унинг шўба ва қарам жамиятларида ички аудиторлик текширувларини амалга оширади ва бошқа аудиторлик топшириқларини бажаради.

1.5. Ички аудит хизмати Компаниянинг таркибий жиҳатдан бўлинмаси бўлиб ҳисобланади. Ички аудит хизмати Компания филиалларида, шўба ва қарам хўжалик жамиятларида бўлинмаларини шакллантириши мумкин. Бундай ҳолатда филиаллар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларидаги ички аудит хизмати бўлинмалари функционал жиҳатдан Компаниянинг ички аудит хизмати Раҳбарига ҳисобот берувчи ҳисобланади ҳамда унга бўйсунди.

1.6. Кузатувчи кенгаш ИАХнинг ташкилий тузилмасини, бюджетини, фаолияти режасини тасдиқлаб беради.

1.7. Ўзининг фаолиятида ИАХ мустақиллик, ҳаққонийлик, тегишли ваколатга эгалик ва ишга нисбатан профессионал ёндашув каби тамойиллар ва шунингдек, Ички аудитнинг халқаро профессионал стандартлари ҳамда Ички аудиторлар профессионал ташкилотларининг ахлоқ Кодексларига амал қилади.

## 2. Ички аудит хизматининг функциялари

2.1. ИАХ Компаниянинг на унинг шўба ва қарам жамиятларнинг ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолашни ўтказди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича тегишли равишдаги тавсияларни ишлаб чиқади. Мазкур баҳолаш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- молиявий - хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва натижавийлиги;

- активларнинг сақланиши;

- ҳисоботнинг (ташқи ва ички) ҳаққонийлиги;

- фаолиятнинг қонунчилик меъёрларига, ички ташкилий - фармойиш ҳужжатлари ва стандартларга мувофиқлиги.

2.2. ИАХ Компаниянинг ва унинг шўъба ва қарам жамиятларнинг рисклар бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича тегишли равишда, тавсиялар ишлаб чиқади.

2.3. ИАХ Компаниянинг ва унинг шўъба ва қарам жамиятларнинг ахборот тизимларининг (кейинги ўринларда - АТ - ахборот тизимлари деб аталади) хавфсизлиги ва самарадорлиги баҳоланишини ўтказди.

2.4. ИАХ Компаниянинг ва унинг шўъба ва қарам жамиятларнинг менежментига ўтказилган аудит текширувлари натижалари бўйича чора-тадбирлар (тузатувчи ҳатти-ҳаракатлар) режасини ишлаб чиқишда маслаҳатлар беради, шунингдек, чора-тадбирлар бажарилишининг назоратини амалга оширади.

2.5. ИАХ Компаниянинг ва унинг шўъба ва қарам жамиятларнинг менежментига мазкур Низомда белгиланганидек, ИАХнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича (шу жумладан, ички назорат тизимини ҳамда рискларни бошқариш тизимини ташкил этиш масалалари бўйича) маслаҳатлар беради.

2.6. ИАХ Кузатувчи кенгаш, Компаниянинг ва унинг шўъба ва қарам жамиятларнинг ижро этувчи органлари талабномаси бўйича махсус лойиҳаларни бажаради, шу жумладан, суистеъмолликларнинг ва Компаниянинг иш хулқи-атвори Кодекс бузилишининг тергов қилинишида қатнашади.

2.7. ИАХ Кузатувчи кенгашининг топшириғи бўйича бошқа вазифаларни ҳам бажаради ва бошқа лойиҳаларда ҳам қатнашади.

### 3. Бўйсунуши ва мустақилликнинг таъминланиши

3.1. Ички аудит хизматини ички аудит хизмати бошлиғи бошқариб боради.

3.2. ИАХнинг мустақиллиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ички аудит хизматининг бошлиғи Кузатувчи кенгашининг раисига бўйсунди. ИАХнинг директори ИАХнинг ишини ташкил этиш ва қўйилган масалаларни бажариш учун Кузатувчи кенгаш олдида жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.3. Компаниянинг Кузатувчи кенгаши ички аудит хизматининг бошлиғини ишга тайинлаш/ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорлар, меҳнат шартномасининг шартларини аниқлаш, меҳнат хақи, мукофотлар (бонуслар), ундириб олишларнинг даражасини аниқлаш масалалари бўйича Директорлар кенгашига тавсияларини ишлаб чиқади ва унга этказди.

3.4. Ички аудит хизмати бошлиғи ҳар йили аудит бўйича Қўмита эътиборига ИАХнинг ташкилий тузилмаси ва бюджети ҳамда ИАХнинг фаолият режаси бўйича таклифларни киритиб туради.

3.5. Ички аудит хизмати бошлиғи Кузатувчи кенгашга қуйидаги маълумотларга эга бўлган ИАХ ишининг натижалари бўйича ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисоботларини тақдим этиб туради:

-ИАХ фаолиятининг тасдиқланган режаси бажарилиши тўғрисида;

-ички назорат рискларни бошқариш тизимининг муҳим даражадаги рисклари, камчиликлари ҳамда менежментнинг уларни бартараф этиш бўйича тегишли режалари тўғрисида;

-ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар (кузатувчи амаллар)нинг менежмент томонидан бажарилиши натижалари тўғрисида;

-ички аудит хизматининг олдига қўйилган вазифаларини самарали бажарилишида тўсқинлик қиладиган аҳамиятли даражадаги чекловлар тўғрисида.

#### 4. Ваколатлар

4.1. Ички аудит хизматининг бошлиғи қуйидаги ваколатларга эга:

-Кузатувчи кенгашнинг Раисига бевосита мурожаат қилишига;

-Компания ва унинг ШҚЖларининг мансабдор шахсларидан ўз лавозим мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган ҳар қандай маълумотлар ва материалларни талаб қилиб олишга;

-Компания ва унинг ШҚЖларининг ижро этувчи органлари қарорлари ва лойиҳалари, фаолиятнинг жорий ҳамда истиқболли режалари билан танишиб олишга;

-Кузатувчи кенгаш ва Бош директор эътиборига амал қилаётган тизимлар, жараёнлар, стандартлар, фаолиятини юритиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар, шунингдек, ИАХнинг ваколатига кирувчи ҳар қандай саволлар бўйича шарҳларни етказиб беришга;

-Кузатувчи кенгашнинг раиси билан келишилган ҳолда аудиторлик топшириқларни бажаришда қатнашишга Компания бўлинмалари ходимлари, шунингдек, бошқа ташқи экспертларни жалб этиш.

4.2. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Компаниянинг, унинг ШҚЖларининг мансабдор шахсларидан Компания ва унинг ШҚЖларининг ҳар қандай активлари, ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ҳамда фаолият тўғрисида бошқа маълумотларни сўрашга ва улардан тўсқинликсиз фойдаланишга, ҳужжатлардан нусхалар олишга;

- аудиторлик топшириқларни бажариш доирасида Компания ва унинг ШҚЖларининг мансабдор шахслари ва ходимлари билан жонли мулоқот ўтказишга;

- аудиторлик топшириқларини бажариш жараёнида сўраладиган ҳар қандай ҳужжатларни ўрганиш ҳамда баҳолаш, ушбу ҳужжатлар нусхаларини ва/ёки тегишли бўлган маълумотни ички аудит хизмати бошлиғига йўналтиришга;

- ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича корхона менежменти томонидан амалга ошириладиган чоратadbирлар (тузатувчи амаллар) бажарилишининг мониторингини амалга оширишга;

- Ички аудит хизматининг бошлиғи эътиборига амал қилаётган тизимлар, жараёнлар, стандарт (андоза)лар, фаолиятни юритиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар, шунингдек, мазкур Низомда белгиланганидек, ИАХнинг ваколатига кирувчи ҳар қандай саволлар бўйича шарҳларни етказиб беришга.

5. Сифатнинг таъминланиши ва фаолиятнинг бажарилиши

Компаниянинг Кузатувчи кенгаши ички аудит хизмати фаолиятининг ҳар йиллик баҳоланишини ўтказиши.



5.1. Ички аудит хизматининг бошлиғи ички аудит хизмати иш сифатини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва татбиқ этади. Бундай дастур ўз навбатида, жорий мониторингни, шунингдек, ички аудит сифатининг даврий ички ва ташқи баҳоланишини ўтказишни ўз ичига олади.

5.2. Ички аудитнинг сифатини ташқи баҳолаш мустақил ташқи экспертларни жалб этиб, беш йилда бир мартабадан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Ички аудит хизмати бошлиғи баҳолашнинг натижаларини Кузатувчи кенгаш эътиборига тақдим этади.

#### 6. Яқуний коидалар

6.1. Ички аудит хизмати бошлиғи мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш зарурияти тўғрисидаги масалаларни ҳар йили кўриб чиқади.

6.2. Низомни, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни Кузатувчи кенгаш тасдиқлайди.

6.3. Агар мазкур Низомнинг меъёрлари Низомнинг талаблари билан зид келадиган ҳолатда Низомдаги меъёрлар устунликка эга ҳисобланади.

### **3.5. Ички аудит бўлимининг корхонанинг бошқа бўлиmlари билан ўзаро алоқадорлиги**

Ҳозирги замон шароитида ички аудитга тегишли баъзи вазифалар турли хил бўлиmlар ва раҳбарларга юклатиб қўйилган. Аммо бу бўлиmlар назорат функциясини қоникарли ва тўлалигича бажара олмайдилар. Бу эса корхонанинг юқори риск билан ишлаётганлигидан далолат беради. Солиқ органлари корхона молиявий-ҳўжалик фаолиятидан камчиликлар топган ва санкция қўлланган ҳолда, корхона жуда катта зарар кўради ва бу нарса унинг келажакда ҳамкорлари билан ишлашида салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Ички аудит бўлими тизимли тарзда бошқарувнинг барча объектларини назорат қилиб боради ва стандартлардан, шу жумладан корхона олдига қўйган мақсадлардан оғишишлар кузатилган тақдирда, уларни бошқарувга маълум килади ва тезкор тарзда бу хатоликлар олди олинади.

**Ички аудит бўлимининг корхонанинг бошқа бўлимлари  
билан ўзаро алоқадорлиги**

<b>Бўлим номланиши</b>	<b>Ўзаро алоқадорлиги элементлари</b>
1	2
Раҳбарият	Ички аудит бўлими раҳбариятдан буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар, режалар олади ва шу билан бирга уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботлар топширади, корхона фаолиятга баҳо, таклиф ва хулосалар беради.
Таъминот ва саклаш бўлими	Ички аудит бўлими моддий-техник ҳолатини текширади, ТМЗ сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар самарадорлиги билан танишиб чиқади, ишлаб чиқаришга берилган материаллар ҳисоботларини ўрганиб чиқади, қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш далолатномаларини текширади, ТМЗ қабул қилиниши қонунийлигини назорат қилади.
Омборхона	Ички аудит бўлими ТМЗ ҳаракатини, кириш ва чиқим ўз вақтида ҳисобда акс этирилганлигини, материал ҳисоботларни, юк хатларини, ҳисоб-фактураларни, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг тузилганлиги, саклаш меъёрларига риоя қилинганлигини назорат қилиб боради
Ишлаб чиқариш цехлари	Ички аудит бўлими ишлаб чиқариш ҳисоботларини, хом ашёни ишлаб чиқаришга берилганлигини тасдиқловчи юк хатлари, режа ва ҳақиқатда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот миқдорини назорат қилади. Харажатларни маҳсулот таннархига тўғри олиб борилаётганлигини, техник кўрик ва сифат қайд қилиш журналлари тўлдирилишини текширади ва ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо беради.

Режалаштириш бўлими	Ички аудит бўлими меъёрлар ўрнатилганлигини, ишлаб чиқариш, молиявий ва тижорат фаолиятида режадаги ишлар бажарилаётганлигини тўғрисидаги ҳисоботларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича сотиш нархининг режалаштирилганлиги, штатлар жадвалининг мавжудлигини назорат қилади.
Бухгалтерия ҳисоби бўлими	Ички аудит бўлими бухгалтерия, молиявий ва статистика ҳисоботларидаги маълумотлар ҳаққонийлигини текширади, дебитор ва кредиторлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ҳисоботларини текширади ва бошқалар. Таҳлил ва инвентаризация материалларини тақдим этади. Солиқ қонунчилигида бухгалтерия соҳасига тааллуқли ўзгаришлар, янгиликлар билан таништириб боради.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ички аудит деганда нимани тушунасиз?
2. Бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг ўзоро боғлиқ томонлари нималардан иборат?
3. Ички аудит таркибига нималар қиради?
4. Ички аудит ва ички назорат тушунчаси?

### **ГЛОССАРИЙ**

**Меъёрий-ҳуқуқий асос** - Аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, ўтказиш ва яқунлаш босқичлари акс эттирилган ва республиканинг барча ҳудудларида амал қилувчи давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

**Аудит тамойиллари** Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган асосий қоидалар, ёндашувлар ва услублар мажмуи.

**Аудиторнинг малака сертификати** - аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**Аудиторлик фаолияти стандартлари** аудиторлик текширувини ўтказиш, профессионал хизматлар кўрсатиш ва аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш тартибини белгиловчи ва мазкур фаолиятни амалга ошириш бўйича ягона талаблар акс эттирилган меъёрий ҳужжатлар.

**Аудитнинг халқаро стандартлари** - Халқаро амалиётда аудиторлик текширувини ўтказиш, профессионал хизматлар кўрсатиш ва аудит иш сифатини назорат қилиш тартибини белгиловчи ва халқаро амалиётда мазкур фаолиятни амалга ошириш бўйича ягона талаблар акс эттирилган меъёрий ҳужжатлар.

**Аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари** - Аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг аудиторлик фаолиятини амалга оширишда текшириладиган субъект ёки бошқа субъектлардан талаб қилиши мумкин бўлган жиҳатлари.

**Аудиторлик текшируви** - молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги** - Аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри яқундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида юзага келадиган жавобгарлик муносабатлари.

**Мажбурий аудиторлик текшируви** - Хўжалик юритувчи субъектларда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган қатъий муддат ва тартиб асосида махсус малака сертификати ва лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган

текширув тушунилади.

**Аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловлар** - Аудиторлик текширувини ташкил этиш, ўтказиш ва яқунлаш босқичларидаги чекловлар ёки таъқиқлар.

## ТЕСТЛАР

**1. «PricewaterhouseCoopers» аудиторлик компанияси қачон шу номга эга бўлган?**

- А. 1998
- Б. 1978
- В. 1987
- Г. 1960

**2. Миллий ҳисоб ва аудит тизимларини халқаро миқёсда уйғунлаштириш мақсадида Халқаро тадқиқот гуруҳи қачон тузилган эди?**

- А. 1966 йилда
- Б. 1968 йилда
- В. 1978 йилда
- Г. 1988 йилда

**3. Миллий ҳисоб ва аудит тизимларини халқаро миқёсда уйғуништириш мақсадида тузилган Халқаро тадқиқот гуруҳига қуйидаги давлатлардан қайси бири киритилган?**

- А. Уелс
- Б. Норвегия
- В. Исландия
- Г. Македония

**4. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини стандартлаштириш муаммолари билан БМТнинг қайси ташкилоти шуғулланади?**

- А. ISAR
- Б. IAPC
- В. IFAC
- Г. IASC

**5. Қайси ташкилот Африка китъаси мамлакатларида мавжуд миллий ҳисоб ва аудит тизимларини бир хил асосга келтиришга хизмат қилади?**

- А. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Африка Кенгаши
- Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Африка Комиссияси
- В. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Африка Конфедерацияси
- Г. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Африка Иттифоқи

**6. Қайси ташкилот Осиё ва Тинч океани мамлакатларида мавжуд миллий аудит тизимларини бир хил асосга келтиришга хизмат қилади?**

- А. Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бухгалтерлари Конфедерацияси
- Б. Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бухгалтерлари Иттифоқи
- В. Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бухгалтерлари Комиссияси
- Г. Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бухгалтерлари Кенгаши

**7. Жаҳон мамлакатларида ҳисоб ва аудит соҳасида стандартларни мувофиқлаштириш ва татбиқ этиш билан қайси ташкилот шуғулланади?**

- А. IAPS
- Б. UNESCO
- В. GAAP
- Г. OECD

**8. OECD нинг халқаро аудиторлик фаолияти бўйича асосий вазифаси нима?**

- А. Халқаро стандартларнинг лойиҳасини кўриб чиқишда иштирок этади
- Б. Халқаро стандартларни ишлаб чиқади
- В. Халқаро стандартларни ишлаб чиқишда билвосита қатнашади
- Г. Халқаро стандартларни тартибга солиб туради

**9. АICPАнинг «Қасбий этика асослари» кодексининг 4 қисмини кўрсатинг?**

- А. Концепция, ўзини тутиш қоидалари, тушунтиришлар ва этик меъёрлар

Б. Асосий коидалар, ўзини тутиш коидалари, тушунтиришлар ва этик меъёрлар

В. Концепция, изоҳлар, тушунтиришлар ва этик меъёрлар

Г. Концепция, ўзини тутиш коидалари, тушунтиришлар ва изоҳлар

**10. «Катта тўртлик» таркибига кирувчи аудиторлик компанияларининг йиллик даромадининг минимал миқдори қанча бўлиши керак?**

А. 500 млн. АҚШ доллари

Б. 300 млн. АҚШ доллари

В. 800 млн. АҚШ доллари

Г. 750 млн. АҚШ доллари

**11. Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар аудиторларига қўйиладиган малакавий талаблар қайси ҳужжатда белгиланган?**

А. 8-директивада

Б. 6-директивада

В. 3-директивада

Г. 2-директивада

## **4-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

### **4.1. Ички аудитни ўтказиш босқичлари**

Ички аудитнинг асосий жараёнлари режалаштириш, далил тўплаш, натижаларни умумлаштириш, берилган тавсияларнинг бажарилиши устидан назорат ва пайдо бўлган номувофик ҳолатларни тўғрилаш ҳисобланади. Ички аудитнинг асосий хусусиятидан бири унинг олдиндан пухта тузилган режа асосида олиб борилишидир. Бунинг учун корхона - ташкилотнинг ички аудитга бўлган заруриятларини ўрганиш ва қуйидаги босқичларни амалга ошириш керак бўлади:

1. Ички аудитни режалаштириш. Бу босқичда қуйидаги ишлар тартиб билан бажарилиши лозим:

- текширувга тайёргарлик;
- текширувни ўтказиш режаси ва дастурини тузиш.

2. Ички аудитни ўтказиш. Текширув жараёнига ички аудиторларнинг иштироки шундай режалаштирилиши керакки, у

- ишни жойида ташкил қилиш;
- кутилмаган инвентаризацияни ўтказиш;
- текширилаётган объектни текшириш;
- хўжалик муомалаларини ҳужжатли текшириш (зарур ҳолларда экспертларни жалб қилиш);
- текширувнинг бошқа жараёнларини амалга ошириш.

3. Ички аудит ҳисоботи – текширувнинг якуний босқичи ва у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- текширув материалларини бир тизимга келтириш;
- текширилаётган объектнинг масъул шахслари розилиги ва имзоси билан тасдиқланган текширув ҳисоботи ҳужжатларини тузиш;
- кузатув кенгашига гайинланган масъул шахсларнинг текширув натижалари ҳақидаги ахбороти.

4. Кейинги аудиторлик текширувини ўтказиш – бу келгуси ҳисобот даври учун амалга ошириладиган жараён бўлиб, у қуйидагиларни таъминлаши зарур:



- Хатоларни, камчиликларни, ноаникликларни бартараф этиш;
- Бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар юзасидан назоратни амалга ошириш.

Ички аудитнинг босқичма-босқич режалаштирилиши ички аудит хизмати ишининг қай даражада олиб борилишига боғлиқ.

Ички аудит текширувининг икки хил моделини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: *горизонтал* ва *вертикал*. Биринчи модел фаолиятнинг алоҳида турини, талаб қилинган менежмент тизими билан қай даражада мувофиқлигини ва унинг натижалари самарасини баҳолашда фойдаланилади. Вертикал кўринишдаги модел компаниянинг алоҳида бўлимлари фаолияти мувофиқлигини текшириш учун ишлатилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, ҳар иккала модел орасида горизонтал модел кўп меҳнат талаб қиладиган ва узок давом этадиган жараён ва шу билан бирга муҳим аҳамият касб этади. У талаб қилинган текширув объектида турли хил бўлимларнинг ва ундаги масъул шахсларнинг фаолияти биргаликда қамраб олиб текширади. Бундан ташқари, горизонтал текширув бўлимлараро алоқалардаги тўсиқларни чеклаб, менежмент тизими иштирокчиларини бир-бирига таъсирини кенгайтиради.

#### **4.2. Ички аудит хизмати ишларини режалаштириш**

Ички аудитни ўтказишда энг муҳим босқич режалаштириш ҳисобланади. Режалаштириш аудитнинг ҳар бир босқичи каби ҳужжатлаштирилади. Режалаштириш босқичида фойданиладиган ва корхонада ишлаб чиқилиши мумкин бўлган ҳужжатларни кўриб чиқамиз.

Ички аудит хизматининг раҳбари фойдаланадиган асосий ҳужжат кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган йиллик режа ҳисобланади. Ушбу режа фаолият турлари аҳамияти ва жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Мазкур режада биринчи даражали эътибор компаниянинг максадларига эришишида туртки бўлувчи, шунингдек, компания учун хавф туғдириши мумкин бўлган фаолият турлари ва жараёнларга қаратилиши зарур.

Асосий жараёнлар куйидагилар ҳисобланади:

- истеъмолчиларнинг кутилаётган талабларини ўрганиш;
- харидларни бошқариш;
- истеъмолчилар билан ўзаро ҳаракатлар ва махсулотлар сотилишини ўрганиш;

- ходимларни тайёрлаш ва уларнинг ваколатлилигини баҳолаш.

Асосий жараёнларни бир тартибда қўйиш ва алоҳида жараёнларнинг корхона якуний натижаларига қай даражада таъсири даражаси ёки экспертчилар томонидан баҳолашлар натижасида бажарилади.

Критик жараёнлар деб ташкилотга тааллуқли бўлмаган ёки фаолият самарадорлиги учун ҳақиқий ёки салмоқли хавф келтириши мумкин бўлган талабларга риоя қилмаслик жараёнларига айтилади. Бу жараёнлар тузатувчи ёки огоҳлантирувчи ҳаракатлар сифатида зудлик билан аралашувни талаб қилади ва алоҳида назорат остида турмиши зарур. Аудитнинг йиллик режаси асосида алоҳида соҳа ёки комплекс аудиторлик текширувининг календар графиги тузилади. Аудитнинг йиллик режаси асосида ҳар бир текшириш учун ички аудит режаси ишлаб чиқилади.

#### **“Ички аудит текшируви режаси” ҳужжатининг шакли**

Аудиторлар	Режалаштириш	Аудиторлик амаллари	Ҳисоботларни шакллантириш	Жами (соат)
Ички аудит хизмати бўлимнинг раҳбари				
Бош аудитор				
Аудитор				
Аудиторнинг ёрдамчиси				
Бошқа мутахассислар				

ушбу режа аудит объектига нисбатан ташкилий жиҳатдан ҳам (бўлим, бўлим гуруҳлари ва бошқалар), функционал жиҳатдан ҳам

ўзига хосликка эга бўлиши лозим. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизматини ривожлантириш режасини ҳам ишлаб чиқиши зарур. Аудит режаси ва ички аудит хизматини ривожлантириш режасини ҳисобга олган ҳолда ички аудит хизмати бюджети ишлаб чиқилади. У аудит режаси ва ривожлантириш режасини ҳам бажарилишини таъминлаш учун зарур бўладиган харажатлар рўйхатини ўз ичига олади. Бюджет, шунингдек, режадан ташқари текширувлар ўтказишни ва текширув ўтказиш учун ташқаридан зарур мутахассисларни жалб этиш харажатларини ҳам кўзда тутиши керак.

аудит режасида қуйидагиларни кўзда тутиш тавсия қилинади:

- аудиторлик гуруҳи ва унинг таркибини шакллантириш (уларнинг сони, аудит ўтказиш учун бошқа бўлинмалардан жалб этилган мутахассисларни ҳам қўшган ҳолда);

- текширувчиларни профессионал сифатлари ва лавозим даражаларига мос ҳолда аниқ объектларга тақсимлаш;

- гуруҳнинг ҳамма аъзоларига уларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳамда текшириладиган объект ҳақида ахборотларга эга бўлиш борасида йўл-йўриқлар бериш;

- ишчи ҳужжатларини юритиш;

- бажарилган ишларни ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва уни текшириладиган объектнинг мансабдор шахслари билан келишиш тартиблари.

агар филиаллар мавжуд бўлса, ушбу филиалларнинг текшириш режа графиги алоҳида тузилади.

текширув ўтказишдан олдин аудиторлик танлаш ҳажмини аниқлаш, шунингдек, текшириладиган бўлинмада (филиалда) мавжуд бўлган аудиторлик ҳужжатлари билан танишиш зарур.

### 4.3. Аудит текширувини ўтказиш кетма-кетлиги

Ички аудит текширувини ўтказишга тайёргарлик:

1. Гуруҳ қатнашчилари: режа билан тўлиқ танишиш, текширув чегараларини аниқлаб олиш, ўзига тегишли бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар билан танишиш орқали энг муҳим саволларга жавоб топиш;

2. Бош аудитор қуйидаги вазифаларни бажаради: режада белгиланган ва текширув объектига алоқадор бўлган барча ҳужжатларни тўплаш, чунончи, ташкилий-бошқарув ва лавозим йўриқномаларини, жараён хариталари, уларнинг батафсил баёни, ҳуқуқ ва мажбуриятлар таксимооти жадвали ва ҳоказо. Бундан ташқари, аудиторлик гуруҳини тайинлаши, текширув жадвалини тузиши, савол варақасини тайёрлаши ва аудиторларни ишчи материаллар билан, яъни назорат саволномаси, аудитор журнали, номувофикликларни расмийлаштирувчи ҳужжат бланкалари ва шунга ўхшаш материаллар билан таъминлаши зарур.

Савол варақаси бу – текшириладиган бўлинма ходимларига бериладиган махсус саволлар тўплами бўлиб, уларнинг жавоби аудит объектининг дастлабки баҳосини белгилаб беради. Саволномадаги саволлар аудиторлик текшируви мезонларидан келиб чиқиб тузилган бўлиши ва текширув жараёнининг эътиборга молик қисмини қамраб олиши, аниқ ифодаланиши, иккиёклама маъно англатмаслиги лозим.

Нazorat саволномаси – олдиндан тайёрланиб, маълум тизимга келтирилган саволлар рўйхати бўлиб, унинг жавоблари аудиторга текширув объектида белгиланган талабларга қай даражада амал қилинаётгани ҳақида маълумот беради. Саволлар шундай тузилиши керакки, жавоблар текширувчига текширув объекти ҳақида тўлиқ ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши зарур.

Аудитор журнали бу - журнал ёки бланка шаклида бўлиб, унда аудитор текширув жараёнида тўплаган барча далилларини, маълумотларини, суҳбат натижаларини қайд этиб боради.

## Ички аудитор журнали

Сана	Номи	Объекти	Чегараси	Мезон - лар	Саволлар	Ҳақиқатдаги ҳолати	Таклиф- лар

Ички аудиторлик текшируви олдиндан белгиланган амаллар орқали амалга оширилади. Уларнинг алгоритми куйидагича бўлиши мумкин:

1. Кириш йиғилиши;
2. Маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш;
3. Якуний йиғилиш;
4. Аудиторлик текшируви ҳақида ҳисоботни тузиш;
5. Ҳисоботни тасдиқлаш учун тақдим этиш;
6. Ҳисоботни корхонанинг манфаатдор шахсларига юбориш;
7. Камчиликларни бартараф этиш;
8. Тузатув ва огоҳлантирув амалларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш;
9. Инспекцион назорат;
10. Текшириш натижаларини рўйхатга олиш;
11. Камчиликлар бартараф этилиши ҳақида ахборот бериш;
12. Ички аудитор файлини шакллантириш.

Кириш йиғилишини ўтказишдан асосий мақсад текширувни ўтказиётган ҳар бир ходимни текширув режаси ва методи билан таништиришдан иборат.

Маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашдан кўзланган мақсад эса, ички аудит натижалари бўйича хулоса қилишга тайёргарликдир.

Текширув жараёнида аудитор учун бошланғич маълумотлар бўлиб, корхонанинг фаолияти ва унинг тузилиши ҳақидаги ҳужжатлар, бўлинмалар тўғрисидаги Низом, лавозим йўриқномалари, штат жадваллари, жамоа шартномаси, буйруқлар, далолатномалар ва бошқа шу каби ҳужжатлар хизмат қилади.

Маълумотлар аудиторлар томонидан шундай йиғилиши лозимки, бу маълумотлар корхонанинг умумий фаолияти ҳақида тўлароқ маълумот бера олиши керак. Аудитор бу ҳужжатларни тўплар экан, ҳужжатларда белгиланган талабларга қай даражада амал қилинаётганлигини баҳолайди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, дастлабки режалаштириш яхши бўлмаслиги аудитнинг натижасига салбий таъсир этади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш корхона раҳбари томонидан кузатув кенгаши тасдиқлаган аудит режаси асосида тайинланади. Бу буйруқда текширувнинг методи, яъни ҳужжатли ёки комплекслиги, қанча муддат текширилиши, аудиторлар гуруҳининг аъзолари, уларнинг исм-шарифлари ва лавозимлари кўрсатиб ўтилади.

#### 4.4. Корхонада ички аудитни ўтказиш тартиби

Корхонада ички аудит хизматини ташкил этишда “Ички аудитни ўтказиш тартиби” ишчи ҳужжатни тайёрлаш ва тасдиқлаш жуда муҳим. Тасдиқланган бу ҳужжат кейинги текширувларда муҳим аҳамият касб этади. Ҳужжатни тайёрлашда йиллик режа ва ички аудиторлик текширувларининг режа-графикларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

#### Корхоналарда ички аудит ўтказиш тартиби

Ишларнинг босқичлари	Мазмуни	Ахборот манбалари	Чиқариладиган ҳужжатлар
1	2	3	4
Аудиторлик текширувини ўтказишга тайёргарлик	Аудит қилинадиган объектнинг ҳолати ва фаолиятининг асосий параметрларини аниқлаш. Риск омилларини сифатли	Раҳбар ва мутахассисларнинг ахбороти, “Асосий ишлаб чиқариш ва участкаларнинг ҳолати (ТМЗларнинг	Объект ва унинг тузилиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текширувнинг мақсади ва вазифалари. Аудит объектларини риск зоналари бўйича тақсимлаш ҳақида гувоҳнома. Ҳисобнинг

	баҳолаш “Ички назорат тизимларини” баҳолаш	бўтлигини таъминлаш), текширув ҳисоботлари ва натижалари”	қўйилиши, иқтисодий ишлар ва хўжалик фаолиятининг бошқа йўналишларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва регламентларга мослиги (мос эмаслиги)
Ахборот таъминоти	Ҳуқуқий, иқтисодий ташкилий-технологик ва ташкилий таъминот ҳужжатлари таркибини аниқлаш	Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар. Тавсиялар. Хўжалик ичидаги регламентациялар	Бошқарув ҳужжатларини аниқ масалалари бўйича таснифлаш. Иш режалари ва ўтказиш тартиби бўйича таклифларни шакллантириш
Ишларни ўтказиш режасини тузиш	Текшириш масалалари бўйича зарур ахборотларни олиш. Ишларнинг календар графигини тузишлар ва мажбуриятларни тақсимлаш. Ишчи ҳужжатлар таркибини аниқлаш (иш дафтари, тест бланкалари, саволнома)	Ҳужжатлар таркиби. Ҳисоботлар ҳолати. Ҳисоби сиёсати. Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик ичидаги назоратнинг қўйилиши ҳақида ахборот	Босқичнинг ҳар бир масаласи бўйича уни бажариш учун етарли аудиторлик далиллари

<p>Ишларни бажариш жараёни</p>	<p>Ҳар бир масала бўйича ишларни бажариш методларини аниқлаш зарур ахборотларни олиш ва уни тизимлаштириш</p>	<p>Дастлабки ҳужжатлашг ириш. Ҳисоб регистрлари. Бош китоб. Молиявий ҳисобот</p>	<p>Аудиторлик далилларини олиш амаллари рўйхати. Олдиндан дастлабки хулосани шакллантириш</p>
<p>Аудиторнинг ҳисоботида келтирилган таклифларни корхона раҳбарияти билан муҳокама қилиш</p>	<p>Дастлабки таклифларни бериш, аудитор хулосасини (таклифни) асослаш учун маълумотларга зарурат туғилса, қўшимча ахборотлар олиш</p>	<p>Текширув давомида олинган аудиторлик далиллари. Аудитор хулосасининг тўғрилиги исботи. Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари</p>	<p>Қўшимча ахборотлар талаб қиладиган аудиторлик далиллари. Ишнинг бориши тузатиш. Таклиф ва тавсияларни асослаш</p>
<p>Аудиторнинг ҳисоботини ва таклифларини тайёрлаш</p>	<p>Масалалар бўйича аудиторлик хулосаларини тизимлаштириш, умумлаштирувчи хулосаларни расмийлаштириш, умумий ва хусусий хулосаларнинг асосий ишончлилик даражаларига ажратиш</p>	<p>Текшириш амаллари бўйича аудиторлик далиллари. Дастлабки хулосани муҳокама қилиш баённомаси. Аудиторнинг таклифлари ва оғохлантиришлари алмашади</p>	<p>Аудит иши натижалари ҳақида ҳисобот. Аудитор ва аудит қилинган объектнинг мансабдор шахси имзолаган хулосага маълумотнома, хизматлар (бўлимлар) бўйича аудиторлик исботлари</p>



Аудиторлик текширувлар и натижалари бўйича қарорлар ва таклифларни жорий этиш	Берилган параметрлардан бузилишлар ва оғишларни дастурий бартараф этиш билан мос ҳолда буйруқ ва кўрсатмалар лойиҳаларини тайёрлаш	Аудиторнинг текширув натижалари ҳақида хисоботи. Маълумотно малар. Аудиторнинг таклифлари	Раҳбариятнинг мажбуриятларни қайта тақсимлаш, хўжалик ичидаги регламентлар ва бузилишларнинг олдини олиш ва хўжалик иш назоратини кучайтириш ҳақида буйруқ ва кўрсатмалари
---	--	---	--

Шу билан бирга юқоридаги ҳужжатга куйидаги ҳолларда ўзгартиришлар киритилади:

- қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиш ҳолларида;
- қайта ташкил этиш ҳолларида;
- таъсисчилар ўзгарганда;
- фаолият турининг ўзгаришида;
- ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда;
- ички назоратнинг самарасиз фаолияти жараёнида;

#### **4.5. Ички аудитни ўтказиш босқичлари ва ички аудит хизмати ишларини режалаштиришнинг хориж тажрибаси**

Ички аудит босқичлари. Ички аудит бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини, у хоҳ кафолат хоҳ консалтинг бўлсин, 3 та босқичга бўлиш мумкин. Ушбу ўзаро ҳаракат фазалари 2-7 кўргазмаларида кўрсатиб ўтилган. Куйидаги Ижро Стандартлари бўлимлари тўғридан-тўғри ўзаро ҳаракат жараёнларига таалукли:

2200- Ўзаро ҳаракат режалаштирилиши 2300 -- Ўзаро ҳаракатнинг ижро этилиши 2400- Мулоқот Натижалари 2500 – Мониторинг Ўсиши

Охириги иккита бўлимлар 2-7 кўргазмаларида кўрсатиб ўтилган Ўзаро ҳаракат “Алоқа ” фазасида уйғунлашган. Ўзаро ҳаракат жараёнига таалукли бўлган стандартлар ички аудитнинг

мажбуриятлари характерларини мослаштириш учун атайдан умумий характерга эга.

Стандарт 2200: Ўзаро ҳаракат Режалаштирилишига қараганда, "Ички аудиторлар ҳар бир ўзаро ҳаракат учун режа ишлаб чиқариши ва ҳужжатлаштириши шарт, бунинг ичига ўзаро ҳаракат мақсадлари, вақт тақсимланиши ва манбаларнинг тақсимланиши ҳам қиради "

Ўзаро ҳаракат режалаштирилишида ички аудит функцияси қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- Фаолиятнинг кўриб чиқилаётган мақсадлари ва фаолиятнинг ўз ижросини назорат қилиш усуллари;

- Фаолиятга нисбатан бўлган аҳамиятли риск, унинг мақсадлари, захиралари, шунингдек, операциялар, ва рискнинг салоҳиятли таъсирини мақбул даражасида ушлаб туриш усуллари;

- Тегишли доирасида ёки моделга нисбатан фаолиятини бошқариш, хатарларни бошқариш ва назорат қилиш жараёнлари малакаси ва самарадорлиги

- Фаолиятни бошқариш , рискни бошқариш ва жараёнлар назорати учун муҳим яхшилашлар киритиш имкониятлари (Стандарт 2201: Режалаштириш Мулоҳазалари)

Қуйидаги стандартлар ўзаро ҳаракат ички аудитини режалаштирганда қўлланилади:

- "Ҳар бир ички ҳаракат учун мақсадлар ўрнатилган бўлиши керак" (Стандарт 2210: Ички Ҳаракат Мақсадлари)

- "Ўрнатилган қўлам ички ҳаракат мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши шарт " (Стандарт 2220: Ўрнатилган қўлам ички ҳаракати)

- "Ички аудиторлар ҳар бир ўзаро ҳаракатнинг мураккаблиги ва табиати, вақт чекланишларини ва мавжуд ресурсларни баҳолаш асосида иш мақсадларига эришиш учун тегишли ва етарли ресурсларини аниқлаш керак".(Стандарт 2230: Ўзаро Ҳаракат ресурслари Тақсимланиши)

- "Ички аудиторлар ўзаро ҳаракат мақсадларига эришадиган иш дастурларини ишлаб чиқариши ва ҳужжатлаштириши зарур "(Стандарт 2240: Ўзаро ҳаракат Иш Дастури)

Ўзаро ҳаракатни бажаришда, ички аудит куйидагиларни бажариши шарт:

- “Ўзаро ҳаракат мақсадларига эришиш учун етарли, ишончли, тегишли ва фойдали маълумотларни аниқлаш” (Стандарт 2310: Маълумотни Аниқлаштириш)
- “хулоса ва ўзаро ҳаракат натижаларини тўғри таҳлил ва баҳолаш асосида кулинг ”(Стандарт 2320: Таҳлил ва Баҳолаш)
- “хулосалар ва ўзаро ҳаракат натижаларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли маълумотларни хужжатлаштириш ”(Стандарт 2330: Маълумотни Хужжатлаштириш)
- Ўзаро ҳаракатнинг “мақсадларга эришиш керакли равишда назорат қилинаётганига, сифатга кафолат берилаётганига, ва ходимлар ишлаб чиқилаётганига ишонч ҳосил қилиш” (Стандарт 2340: Ўзаро Ҳаракат Назорати)

Ички аудитнинг қийматга эга бўлиши учун, унинг натижалари тегишли фойдаланувчига вақтида етказиб берилиши керак. Бироқ,бу фойдаланувчиларнинг ҳисобот қабул қилиши учун етарли эмас. Алоқа ногўғри изоҳларнинг хавфини камайтириш шаклида бўлиши керак.

Стандарт 2420: Алоқа сифати таъкидлайдики, “Алоқа аниқ, холис, қисқа, тўлиқ, конструктив ва оз вақтида бўлиши керак”. Бундан ташқари, Стандарт 2421: Ҳато ва Камчиликлар таъкидлашича, “Агар финал алоқа катта хатоларга ёки камчиликларга эга бўлса, ички аудит бошқарувчиси барча оригинал маълумотни олганларга тўғриланган маълумот тўғрисида хабар бериши керак”.

Ички аудит функциялари “уларнинг мажбуриятлари Ички аудит Халқаро Стандартларига асосан ўтказилиши тўғрисида хабар бериши мумкин”, фақатгина агар сифат назорати натижалари ва яхшилаш дастурлари баёнотни қўллаб-қувватласа. (Стандарт 2430: Ички аудит профессионал амалиёт учун халқаро стандартлар билан Мувофиқлик амалга оширилаётган фойдаланиш).

Ички аудит таърифи, Этика Кодекси, ёки Стандартлар билан бўлган номувофиқлик маълум бир ўзаро ҳаракатга таъсир қилса, натижалар алоқаси куйидагиларни очиб бериши керак:

• Тўлиқ мувофиқлик эришилмаган Этика ёки стандарт(лар) кодексини ўтказиш принципи ёки қоидаси

• Номувофиқликлар сабаблари; ва

• Номувофиқликларнинг ўзаро ҳаракатга бўлган таъсири ва билдирилган ўзаро ҳаракат алоқа натижалари (Стандарт 2431: Номувофиқликнинг ўзаро ҳаракат иши ошқораси )

АХР лари тегишли шахсларга ички аудит иш натижалари тўғрисида хабар бериш учун масъулдир (Стандарт 2440: Натижаларнинг тарқатилиши) ва ташкилотнинг бошқаруви, риск бошқаруви ва/ёки маълум бир мажбуриятлар натижалари асосида ги бошқариш жараёнлари бўйича умумий фикр-мулоҳаза бериши мумкин.

Бундай фикр-мулоҳазалар берилганидан сўнг, у катта бошқарувнинг, директорлар маҳкамасининг, шунингдек, бошқа манфаатдор томонларнинг умидини ҳисобга олиши керак, ва етарлича, ишончли, ва керакли маълумот билан қўллаб-қувватланиши керак. (Стандарт 2450: Умумий фикр-мулоҳазалар)

АХР, шунингдек, ўзаро ҳаракатнинг натижаларини назорат қилиш учун системанинг яратилиши ва тизимни таъминлаш учун жавобгардир. (Стандарт 2500: Прогресснинг Назорати)

Мажбуриятларнинг (Ўзаро ҳаракат) таъминоти учун БАР (Бош Аудитор Раҳбар)лари «бошқарув иши жараёнлари самарали амалга оширилди ёки юқори бошқарув ҳеч қандай чора кўрмасликка қарор қабул қилганлигига»ишонч ҳосил қилиши керак. (Стандарт 2500.А1) Ўзаро ҳаракат консалтинги учун, ички функция аудити “фойдаланувчи билан келишилган даражада натижаларнинг жойлашишини назорат қилиши керак” (Стандарт 2500.С1)

**Режалаштириш.** Илгари эслатиб ўтилганидек, БАР ҳар йиллик ички аудит режасини бажариш учун заҳираларни тақсимлаш ва операция бюджетнинг яратилиши учун жавобгардир. Энг асосий риск бу ташкилотнинг ўзининг бизнес мақсадларига эришиш учун ҳалакит берувчи рисклардир.

Ушбу рисклар юқори бошқарув томонидан белгиланган бўлиб, мустақил ички аудит функцияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Асосий рисклар аниқланганидан сўнг, АХР қайси бизнес-бирликлар ва жараёнлар рискнинг юмшатилиши учун жавобгарлигини аниқлайди. Кейин олинган маълумот приоритетларни (устуворликларни) аниқлайди ва рискни ҳамда у билан боғлиқ бўлган бизнес-бирликларни ёки жараёнларни таснифлайди.

АХР барча бу маълумотларни кўриб чиқади ва устувор аудит коинотнинг тегишли аудит қамровини таъминлаш учун зарур инсон ва молиявий ресурсларни белгилайди.

Натижа эса – бу мураккаб ички аудит режаси бўлиб, у ўз ичига таъминот хизматлари ва консалтинг хизматларини олиб, улар ташкилотнинг ўз бизнес мақсадларига таҳдид қилаётган рискларни канчалик самарали бошқараётганини баҳолаш учун керакдир.

Аудит режаси кейинг молиявий йил мобайнида маълум бир индивидуал мажбуриятларга маълум бир ходимни белгилаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Иски аудит функцияси молиявий йил мобайнида бажарилиши керак бўлган заҳираларни белгилаш йўли билан амалга оширилиши мумкин, ва кўплар ички аудит режасини йилига бир мартадан кўпроқ ўзгартириб ва янгилаб боради (масалан, ҳар уч ойда ёки ҳар ойда).

Ички аудитнинг тузилиши ҳақида кўплаб назариялар мавжуд. Кўпчилик ички аудит вазифалари олий даражадаги бошқарув ва ички аудит вазифаси тегишли ташкилот томонидан бошқарилади, у орқали

Қандай жараён ишлатилишидан қатъий назар, максимал самарадорликка риск баҳолаш жараёни молиявий йилнинг бошланмасидан, ёки унинг бошида тугаганида эришилади. Бу АХРга заҳиралар аудитининг келаётган йилда маъмурият томонидан рискни баҳолаш жараёнида келиб чиққан хулосалар билан текислаши имконини беради.

Устувор хавфлар билан боғлиқ аудит субъектлари аниқ рўйхати билан БАР таъминловчи тепа-пастга, рискка асосланган ёндашув ёрдамида ички аудит режаси яратиш учун имкон беради. Шунга карамай, кўп ташкилотлар ва уларнинг функциялари ҳозиргача ушбу

ёндашувдан фойдаланишмайди. Бунинг ўрнига улар ташкилотнинг ҳар бир майдонини (бўлимини) тез-тез аудит қилиб турувчи ички аудит режаларини яратишда давом этишади. Ушбу ташкилотлар одатда юқори приоритетли бизнес –бирликларга эга бўлади.

ИАИ Стандарт 2010 га боғлиқ бўлган кафиллик хизматлари ва консалтинг хизматлари ўртасидаги фарқларга мурожаат қилади: Стандартлар билан режалаштириш 2010. А1 ва 2010. С1:

Кафиллик хизматлари. Ички аудит фаолиятининг мажбуриятлари режаси ҳеч бўлмаганда йилида бир марта хужжатлаштирилган риск баҳосига асосланган бўлиши керак. Катта бошқарув ва Кенгаш ҳиссаси ушбу жараёнда ҳисобга олиниши керак. (Стандарт 2010. А1)

Консалтинг хизматлари. Ички аудит Ижрочиси таклиф қилинаётган консалтинг мажбуриятлари бўйича саволларни кўриб чиқиши керак. Ушбу мажбуриятлар ўзаро ҳаракат потенциалига асосланган бўлиб, у рискни бошқариш яхшиланиши, қиймат кўшилиши, ва ташкилотнинг опреацияларини яхшилаш учун керак. Қабул қилинган мажбуриятлар режага киритилиши шарт (Стандарт 2010. С1)

Режалаштириш жараёни ўз ичига мақсадлар ўрнатилиши, мажбуриятлар (иш) жадвали, кадрлар жадвали, ва молиявий бюджетларни олади. Шунингдек, самарали режалаштириш ички аудит низомини акс эттириши керак ва ташкилотнинг мақсадлари билан мос келиши керак.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ички аудитни ўтказиш босқичлари нималардан иборат?
2. Ички аудит хизмати ишларини режалаштириш тартиби қандай?
3. Аудит текширувини ўтказиш кетма-кетлиги нималардан иборат?
4. Корхонада ички аудитни ўтказиш тартиби қандай?
5. Ички аудитни ўтказиш босқичлари ва Ички аудит хизмати ишларини режалаштиришнинг хориж тажрибаси нималардан иборат?

## ГЛОССАРИЙ

**Аудитор этикаси** - Аудиторнинг текшириш жараёнида ўзини тута билиши, текширилаётган корхонага муносабати, муомала маданияти ва аудиторнинг этик-эстетик қиёфасига қўйилган талаблар тушунилади.

**Махфийлик тамойили** - Аудиторни текширув жараёнида олинган мижоз-корхона фаолияти тўғрисидаги барча ахборотларни, унинг билан алоқа тўхтатилган ёки давом этаётганлигидан қатъий назар, чекланмаган вақт давомида махфий саклаши лозимлиги тушунилади.

**Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси** - Ўзбекистон аудиторлик фаолиятида фаолият кўрсатувчи аудитор ва аудиторлик ташкилоти ходимларининг текширув жараёнидаги этик-эстетик қиёфасига қўйилган талаблар акс эттирилган меъёрий-хукукий ҳужжат.

**Профессионал компетентлилик** - Аудит ўтказиш ёки профессионал хизмат кўрсатиш бўйича мажбурият олган аудитор мазкур соҳада ўзининг компетентлилигига ишонч ҳосил қилиши, ўз мажбуриятини виждонан бажариши, аудиторлик хизматларини кафолатлай олиши учун замонавий методикага асосланган ва барча амалдаги меъёрий ҳужжатлар қоидалари ҳисобга олинган, етарли даражадаги билим ва тажрибага эга бўлиши лозимлиги тушунилади.

**Аудиторнинг мустақиллиги** - Аудиторнинг текширув жараёнида текширилаётган субъектга ҳолис ва бетарафлик асосида муносабатда бўлиши, шунингдек, ундан ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлмасдан текширувни ташкил этиши тушунилади.

**Объектив ёндашув** - Аудиторнинг текширув жараёнида текширилаётган субъект фаолиятини реал, яъни, қандай бўлса шундайлигича, қўшимча ва ўзгартиришлар киритмасдан ёки ҳақиқий ҳолатини ифодалаши ёки баҳолаши тушунилади.

**Аудитор иш сифати** - Аудиторнинг мижоз-корхона фаолиятини давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-хукукий

хужжатлар, ички стандартлар, ахлоқ Кодекси талаблари ва тузилган аудиторлик шартномаси талаблари доирасида текширувни ўтказганлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич.

**Аудитор иш сифати назорати** - Аудиторнинг мижоз-корхона фаолиятини давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, ички стандартлар, ахлоқ Кодекси талаблари ва тузилган аудиторлик шартномаси талаблари доирасида текширувни ўтказганлигини баҳолаш мақсадида ташкил этилган назорат.

**Товламачилик** - Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш ёки алдов ҳамда ишонччи суъистеъмол қилиш орқали бировлар мулкига эгаллик қилиш ҳуқуқини олиш, мулкчиликка қарши йўналган иқтисодий жиноятдир.

**Аудитор маҳорати** - Номзодга аудитор аттестатини олиш учун даъвогарлик қилиш ҳуқуқини берадиган ва талаб қилинган вақт мобайнида маълум лавозимларда ишлаш натижасида олинган амалий малакалар мажмуи.

## ТЕСТЛАР

1. Аудитор ўзининг ишчи хужжатида гудвилл бўйича ҳисобдан чиқарилиш суммасини қайси счёт кредитида акс эттиради?

- А. Гудвиллнинг эскириши.
- Б. Бошқа номоддий активларнинг эскириши.
- В. Гудвилл.
- Г. Ташкилий харажатлар аудити.
- Д. Ишлаб чиқариш харажатлари.

2. Текширув жараёнида баланс қиймати 200000 сўм, эскириш қиймати 150000 сўм бўлган номоддий активнинг сотилганлиги аниқланди. Номоддий активнинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижа қанчага тенг бўлади?

- А. 30000;
- Б. 32000;
- В. 34000;
- Г. 36000;
- Д. 38000.



3. Номоддий активлар амортизацияси бўйича маълумотларни текширишда аудитор қайси меъёрий ҳужжатдан фойдаланади?

- А. №2 НМА;
- Б. №1 НМА;
- В. №6 НМА;
- Г. №7 НМА;
- Д. №3 НМА.

4. Текшириш мобайнида аудитор номоддий активларга рухсат этилмаган усулдан фойдаланилганлигини аниқлади. Бу қайси усул бўлиши мумкин?

- А. Тўғри чиқиқли.
- Б. Ишлаб чиқариш.
- В. Қолдикли камайиб бориш.
- Г. Кумулятив усул.
- Д. А ва С.

5. Агар номоддий актив келгусида корхонага самара келтириши ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, номоддий актив...

- А. Актив сифатида акс эттирилади.
- Б. Харажат сифатида акс эттирилади.
- В. Келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилади.
- Г. Келгуси давр даромадлари сифатида акс эттирилади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

6. Текширув жараёнида баланс қиймати 200000 сўм, эскириш қиймати 150000 сўм бўлган номоддий активнинг сотилганлиги аниқланди. Номоддий активнинг сотиш қиймати 40000 сўм. Ушбу ҳолатда қанча зарар кўрилган?

- А. 10000;
- Б. 12000;
- В. 14000;
- Г. 16000;
- Д. 18000.

7. Молиявий ҳисоботга бериладиган тушунтиришларда номоддий активлар бўйича қандай ахборотларнинг моҳияти баён қилиниши лозим?

А. Номоддий активлар фойдали хизмат муддатлари тўғрисидаги.  
Б. Қиймати қопланмайдиган (ескириш ҳисобланмайдиган) номоддий активлар тўғрисидаги.

В. Амортизация ажратмалари ҳисоблаш усуллари тўғрисидаги.

Г. Тўғри жавоб берилмаган.

Д. Барча жавоблар тўғри.

8. Номоддий активлар инвентаризациясини ўтказишда аудитор қайси стандартга асосланади?

А. БҲМС №19;

Б. БҲМС №1;

В. БҲМС №4;

Г. БҲМС №5;

Д. БҲМС №9.

9. Амортизация ҳисобланадиган номоддий активлар бўйича аудитор нималарни текшириши муҳим ҳисобланади?

А. Номоддий активларнинг фойдалилик самарасини.

Б. Қўлланилаётган амортизация ҳисоблаш усуллари корхона ҳисоб сиёсатига мос келиши.

В. Танланган амортизация ҳисоблаш усули номоддий активлар субъектлари қийматини қолган фойдали хизмат килиш муддати давомида ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга оладиган счётларга тўғри ўтказилишини.

Г. А ва С.

Д. Б ва С.

10. Устав капиталига улуш сифатида ёки обуна бўлинган акция қийматини тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларни кирим килиш қайси ҳужжатда расмийлаштирилади?

А. Таъсис шартномаси, қабул килиш топшириш далолатномаси.

Б. Олди-соғди шартномаси қабул қилиш-бериш далолатномаси.

В. Текинга бериш тўғрисида шартнома.

Г. Номоддий активларни қайта баҳолаш далолатномаси.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

## **5-БОБ. ИЧКИ АУДИТ УСУЛЛАРИ**

### **5.1. Ички аудит методикаси хусусиятлари**

Расмий характерга эга ва молиявий ҳисобга асосан ўтказилган ташки аудитдан фаркли ўлароқ, ички аудит ташкилот учун ҳам режалаштирилган, ҳам тўсатдан ўтказилиш характерига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ички аудит учун назоратнинг уч босқичи характерлидир: тахминий — хўжалик муомалалари содир этилгунча; жорий — хўжалик муомалалари содир этилаётган пайтда ва кейинги — хўжалик муомалалари содир этилгандан сўнг.

Ташкилот ички аудити жараёнлари (ўз-ўзини назорат қилиш) учун умумийлик уларнинг икки ёклама ёзув, баланс умумлашганлиги, назорат, таҳлил ва бошқалар каби бухгалтерия ҳисоби функциялари ва тамойилларига асосланганлиги ҳисобланади.

Ички аудитда аудиторлик далилларини тўплаш учун турли усуллардан кенг фойдаланилади. Уларни қуйидаги йўсинда таснифлаш мумкин:

1) Назоратнинг умумий методик усуллари (таҳлил, синтез, индукция, дедукция, таққослаш, моделлаштириш, мавҳумлаштириш, тажриба ва бошқалар.);

2) Назоратнинг эмпирик методик усуллари (инвентаризация, ишларнинг назорат ўлчови, ускуналарнинг ишга туширилиши, формал ва арифметик текширув, икки томонлама текширув, тесқари ҳисоблаш усули, бир турдаги фактларни солиштириш методи, хизмат текшируви, турли кўринишдаги текширувлар, сканерлаш, мантиқий текширув, ёзув ва оғзаки сўровлар ва бошқалар.);

3) Иқтисодий фанларга яқин фанларнинг махсус усуллари (иқтисодий таҳлил усуллари, иқтисодий-математик усуллар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари).

### **5.2. Мулк ва мажбуриятлар инвентаризацияси**

Ички аудитни ўтказишда аудитор томонидан моддий активларни (ишлаб чиқариш заҳиралари, пул маблағлари, асосий воситалар ва бошқаларни), бойликлар инвентаризациясини ўтказиш,

кўрик ва қайта ҳисобдан ўтказиш, шунингдек ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар инвентаризацияси ҳамда баланснинг бошқа моддалари қайта ҳисоб-китоби кабилардан кенг фойдаланилади.

Инвентаризация ўтказишни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади: “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун; “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли 19-сон БҲМС.

Инвентаризация ўтказиш кўрсатмаларига биноан инвентаризация бир нечта босқичларда ўтказилади. Ҳар бир босқичда тегишли бирламчи ҳужжатлар тузилади. Бунда биринчи бўлиб инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар (қарор, фармойиш) бажарилиши устидан назорат журналида рўйхатга олинadиган Инвентаризация ўтказиш тўғрисида буйруқ (қарор, фармойиш) чиқарилади. Кейин эса ҳақиқатда мавжуд мулклар ва молиявий мажбуриятлар ҳисоби тўғрисида маълумотлар берувчи инвентаризация рўйхати ва далолатнома тўлдирилади. Инвентаризациянинг кейинги босқичида эса бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақларида акс эттирилган натижалар текширув натижалари билан такқосланади. Асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликлар, тайёр маҳсулот ва бошқа бойликлар натижаларини акс эттириш учун такқослама қайдномалар тузилади. Асосий воситалар тугалланмаган таъмирлаш, келгуси давр харажатлари; пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланклар мавжудлиги инвентаризациясини расмийлаштириш учун такқослама қайднома ва инвентаризация рўйхатлари кўрсаткичлари бирлаштирилган ягона регистрлардан фойдаланилиши мумкин. Инвентаризация якунида унинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва инвентаризация тўғри ўтказилганлиги назорат текшируви ҳисоби журналида рўйхатдан ўтказилади. Сўнги босқичда ҳисобот йилида ўтказилган инвентаризация натижалари аниқланган инвентаризация натижалари қайднома бирлаштирилади (№ ИНВ-26 шакл).

Ички аудит мутахассисларнинг инвентаризация комиссияси таркибида ташкилот бошқарув вакиллари, бухгалтерия, муҳандислик, технологик ва бошқа хизмат вакиллари қаторида мулк ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясида иштирок этиши кўзда тутилган.

Ички аудит мутахассиси инвентаризация жараёни бошланишидан олдин, корхонанинг ҳисоб сиевати таркибида инвентаризация ўтказиш тартиби мавжудлигини ҳамда бу тартибнинг таркиби услубий кўрсатма талабларига мос келишини текшириши шарт.

Бу кўрсатмаларга мос равишда корхонада раҳбар буйруғи ёки фармойишига асосан ишчи ва доимий фаолият юритувчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади. Ишчи инвентаризация комиссиясининг вазифалари қуйидагилардир:

- корхонанинг мулк ва пул маблағлари инвентаризациясини ўтказиш;

- инвентаризация натижаларини аниқлаштиришда қатнашиш;

- товар-моддий қийматликлар ва пул маблағлари сақлашни ташкил қилиш бўйича берилган таклифларни ишлаб чиқиш;

- инвентаризация ўтказилаётган объект, инвентаризация рўйхати ва инвентаризация ўтказилаётган объектни ўрганиш натижалари баённомасини расмийлаштириш.

Инвентаризация бошлангунга қадар ички аудит мутахассиси қуйидагиларни аниқлаши зарур:

- ушбу объектда қандай вақт оралиғида инвентаризация ўтказилганлигини аниқлаш;

- ушбу объектда аввал ўтказилган инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳужжатларини текшириш;

- товар-моддий бойликларнинг номенклатураси ва ҳажми билан танишиб чиқиш;

- қимматбаҳо товар-моддий бойликларни аниқлаш;

- товар-моддий бойликларни ҳисобга олишнинг мавжуд бўлган тизимини таҳлил қилиш;

-бойликларни ҳисобга олиш тизимидаги кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш.

Инвентаризация ўтказилаётганда кузатиш ёки методик раҳбарлик қилиш ҳолатида (қомиссия таркибида иштирок этмасдан) аудитор назорат воситаларининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилиши лозим:

-назорат ўлчовларида иштирок этиш (ўлчаб кўриш, қайта ҳисоблаш ва бошқалар);

-эскирган, ишлатилмайдиган ёки кам ишлатиладиган товар-моддий бойликлар бор ёки йўқ эканлигини аниқлаш;

-омборда бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бойликлар алоҳида сақланаётганлиги ва уларнинг алоҳида омбор ҳисоби ҳамда бухгалтерияда баланسدан ташқари ҳисобварақларда юритилаётганлигини текшириш.

Аудитор ноқонуний муомалалар, хаттоки, тўғри тузилган ташқи ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини ёдда сақлаши лозим. Шунинг учун текширув давомида пул ва товар-моддий бойликларни қабул қилишдаги имзоларнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш учун имзо эгаларини чақириши тавсия этилади. Ҳужжатларни яхши ёруғлик шароитида (кундуз кун) кўздан кечириш тавсия этилади. Кўздан кечиришда ҳужжатнинг олд ҳамда орқа томонлари эътиборга олинади.

Инвентаризация натижалари инвентаризация яқунланган ойда ва йиллик ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

Мулkning мавжудлиги ва сақланиш тартибининг узлуксиз назоратини таъминлаш мақсадида корхоналарда инвентаризация даври ораликларида танланма инвентаризация ўтказилиши мумкин. Уларнинг ўтказилиши ялпи инвентаризация ўтказишдан фарқ қилмайди, аммо текширув бойликларнинг алоҳида номлари бўйича ўтказилади.

Танланма кузатувнинг бир кўриниши бўлган назорат текшируви ялпи инвентаризациядан сўнг унинг сифатини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Режалаштирилмаган инвентаризация корхона рахбари фармойишига биноан фавқулодда ўтказилади.

Инвентаризациялар ўтказиш ва инвентаризация матераилларини текширишда қуйидаги хатоликларга йўл қўйилиши мумкин:

- инвентаризациянинг ноқонуний ўтказилиши (инвентаризация комиссияси тўғрисидаги буйруқларнинг мавжуд бўлмаслиги, комиссия таркибида моддий жавобгар шахсларнинг мавжуд эмаслиги);

- инвентаризация ўтказилаётганда алоҳида комиссия аъзоларининг алмаштирилиши;

- инвентаризация комиссияси раисининг моддий жавобгар шахсдан белгиланган шаклдаги тилхатни олмасдан инвентаризацияни ўтказиш;

- инвентаризация ўтказилгунга қадар моддий жавобгар шахсдан товар-пул ҳисоботнинг олинмаганлиги;

- комиссия аъзолари томонидан ҳисоботга илова қилинган қирувчи ҳамда чиқувчи ҳужжатларга виза қўйилмаганлиги;

- инвентаризация ўтказилгунга қадар товарлар мавжуд бўлган, алоҳида кириш эшигига эга ёрдамчи ва алоҳида хоналарнинг тамғаланмаганлиги;

- инвентаризация ўтказишнинг даврийлигига амал қилмаслик — инвентаризация ўтказиш узоқроқ даврга кўчирилади;

- инвентаризация товар-моддий бойликларнинг қолдиклари рўйхатини тўлдириш тартибининг бузилиши билан ўтказилади;

- инвентаризация товар-моддий бойликларининг дастлабки ҳисоби ва ўлчаб кўрилишисиз ўтказилади (маълумотлар рўйхатга моддий жавобгар шахс сўзлари ёки омбор ҳисобидан олинади);

- инвентаризация нархларнинг ҳақиқийлиги текширилмасдан ўтказилади;

- инвентаризация ўтказиш аниқ меъёрий ҳужжатга асосланмаслиги.

Ҳисоб-китоблар инвентаризациясини ўтказиш ички аудит мутахассисларидан асосий профессионал тайёргарликни талаб этади.

Бу жараёнга банклар ва бошқа кредит муассасалари билан ҳисоб-китоблар, бюджет билан ҳисоб-китоблар, харидор ва мол етказиб берувчилар, ҳисобдор шахслар, ходимлар, бошқа дебиторлар ва кредиторларга тааллуқли ҳисоб-китоблар текширилади.

Баланс бўлинмалари бўйича қарздорлик қолдиғи тўғри кўрсатилганлигини текшириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун ҳисоб китобни кўрсатувчи аналитик ҳисоб текширилаётган вақтдаги қолдиқ ҳолати ва баланс моддалари қолдиқларга ажратилади, сўнг эса ҳисоб-китобнинг ҳар бир тури текширилади. Ички аудит мутахассиси қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- қарздорликнинг сабаблари ва унинг айбдорларини унинг вужудга келиши даври ва қайтарилиши эҳтимоллиги;

- даъво муддатининг ўтиб кетмаганлиги;

- қарздорликни сўндириш бўйича қандай чоралар кўрилганлиги;

- қарама-қарши текширувлар ўтказилганми;

- ўзаро ҳисоб-китоб бўйича далолатномалар тузилганлик ҳолати дебиторлар ўз қарзларини тан олган қарздорликни сўндириш графиги мавжудлиги;

- шартномавий келишувларнинг амалда бажарилиши устидан назорат олиб борилганлик ҳолатини;

- даъво ишлари олиб борилганлиги.

Ҳали талаб қилинмаётган кредиторлик қарзлари ҳам текширилиши керак. Бунга бухгалтерия балансида дебиторлик қарзлари кредиторлик йўли орқали беркитилмаётганлигини аниқлаш жоиз.

Бошқа дебиторик қарздорлиги таҳлилида қуйидагиларни текшириш муҳим ҳисобланади:

- ташкилот ёки фирма ишчиларининг асосий восита ва инвентарлардан фойдаланишдаги қарзлари;

- олдиндан тўловни амалга оширмасдан туриб, моддий бойликни чиқарилганлиги;

- бўшатиладиган сўнг махсус иш кийимининг қайтарилмаганлиги ва бошқалар.



Ички назоратчиларнинг асосий эътибори инвентаризация натижаларига қаратилиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобида инвентаризация натижалари у яқунланган ойда акс эттирилади.

Йиллик инвентаризация натижалари (хулосалари) йиллик ҳисоботга киритилади. Бухгалтерия ҳисобида инвентаризация натижаларини акс эттириш куйидагича амалга оширилади:

- мол-мулкнинг ортиқ қисми инвентаризация амалга оширилган санадаги бозор нархларида ҳисобга олиниб, молиявий натижаларда баён этилади;

- мол-мулк камомати ва унинг табиий бузилиш меъёрларидан ортиқча қисми харажатларга киритилади. Мол-мулкнинг табиий меъёр ҳолатидан ошган даражасидаги камомат айбдор шахсларга юклатилади. Агар айбдор шахслар аниқланмаган бўлса ёки суд улардан камоматни талаб қилишдан бош торца, камомат мол-мулк камоматларидан молиявий натижаларга ўтказилади. Ўзaro ҳисоб-китобларни амалга оширишда умумий шартлар ва бир турдаги товарни белгиланган вақтда белгиланган шахс олиб боради. Камомат аниқланган вақтда ушбу камчилик айбдор шахсларга юклатилади.

### **5.3. Кўрик, текширув, назорат ўлчаш**

Ҳужжатлари кўрсатиб ўтилган хўжалик маблағларининг ҳақиқатдаги ҳолатининг текшируви маълум бир объектларни кўриқдан ўтказиш ва текшириш йўли орқали амалга оширилади.

Кўрик тегишли мутахассис томонидан хўжалик тизимида қандайдир аниқ бир функцияларни бажарувчи маълум бир объектларни ўрганиб чиқиш ва агар зарур бўлса, кўриб чиқилган объектлар тўғрисида маълумотларни қайд этишдан иборатдир.

Текширув ҳам кўрик каби маъсул ходимлар томонидан хўжалик тизимининг маълум объектларини билвосита ўрганиб чиқишдир. Бирок, текширувда кўпроқ объектларнинг аниқланган кўшимча хусусиятлари тўғрисидаги муҳим маълумотларни

хужжатлаштириш амалга оширилади. Булар, далолатнома, баённома ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлардир.

Кўриқдан турли хилдаги объектлар ўтказилиши мумкин: ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналар, худудлар, омборлар, маҳсулот ва бошқалар. Кўрик ёки текширувга, керак бўлса, текширилаётган объект раҳбарлари (якка тадбиркорлар) ёки керакли маълумот бера олувчи маълум бир соҳа ёки йўналишга жавобгар шахслар жалб қилиниши мумкин.

Савдо ташкилотларида кўп сонли хўжалик муомалаларини текшириш учун маркировка, товар белгилари, акциз маркалари мавжудлиги, товарларнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари синчиклаб кўриқдан ўтказиш талаб қилинади. Кўрик давомида олинган маълумотлар бухгалтерия ҳужжатлари билан солиштирилади. Ҳужжатларни текшириш учун кўриб чиқилаётган товарларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиш, зарур бўлган ҳолларда кўриққа товаршунос мутахассис жалб қилиниши мумкин.

Юк хўжалигини кўриқдан ўтказишда қуйидаги камчиликлар аниқланиши мумкин:

- юк ўлчаш асбобларида тамғанинг йўқлиги;
- енгиллаштирилган вазн тошлари;
- ўлчаш паллаларининг оғирлаштирилганлиги;
- мувозанати бузилган тарози ва ҳоказо.

Ўз навбатида, савдо-сотик хоналарини кўздан кечириш касса-назорат машиналари фойдаланишидаги қонунбузарликларни аниқлашга имкон беради.

Агар янада чуқурроқ текширув ўтказиш ва ҳисоб ҳолати ҳамда технологик жараёнга амал қилишни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, текширувчи шахс томонидан корхонанинг алоҳида бўлимларини текшириб чиқиш амалга оширилади. Ушбу фаолият давомида қуйидагилар аниқланиши мумкин: маҳсулот сақлаш қоидалари бузилиш ҳолатлари; назорат ўтказиш тизимининг қониқарсиз ташкил этилганлиги ва ҳоказолар.

Назорат ўлчаш ички назоратнинг методик услубидир. Унинг ёрдамида хўжалик ёки пудрат асосида ҳақиқатда амалга оширилган

қурилиш ёки қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва улар бўйича тўловнинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Одатда ўлчаш қурувчи мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширилади. Ўлчашга тайёрланишда текширилиши лозим бўлган объектлар, қурилма элементлари ва иш турлари аниқланади. Шундан сўнг, текшириладиган наряд ва бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари бўйича тўланган ва қурилиш бошидан бери амалга оширилган ишлар миқдори ва қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бу маълумотлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан солиштирилади ва амалга оширилган ишлар хусусияти, сони ва қиймати бўйича тафовут топилади. Зарурат туғилганда ҳисобдан чиқарилган материаллар сони ва тури ҳисоблаб текширилади.

Ўлчашда қатнашишга мутасадди раҳбар ходимлар, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси, наряд ва материалларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатларига имзо қўйган ва қурилиш ёки таъмирлаш ишларига жавобгар ижро этувчи шахслар жалб қилинади. Булар одатда прораблар ва йўналиш бошлиқлари бўлади. Бундан ташқари, ўлчашга буюртмачининг, смета-лойиҳа ташкилотининг вакили, текшириладиган ишларнинг нарядларида бажарувчи бўлиб кўрсатилган ишчилар, жамоатчилик вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Нисбатан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган алоҳида олинган объектларнинг назорат ўлчашини ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Объектларнинг кўплигида назорат ўлчаш, биринчидан, кўшиб ёзиш ва ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашда кам самарали бўлса, иккинчидан, кўпроқ вақт сарф қилишни талаб қилади.

Қурилиш ишлари асоси ўлчаш асбоблари ёрдамида ўлчанади (рулетка, метр, геодезик ускуна ва ҳоказо). Ўлчаш зарур бўлмаган ёки қийин бўлган қурилмалар бўйича иш ҳажмини ўлчаш иш чизмалари ва таснифлари ёрдамида лойиҳада назарда тутилган конструкциянинг мавжудлиги ва чизмалар бўйича тегишли ишлар амалга оширилганидан сўнг ўтказилади.

Ўлчашни амалга оширишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади: бажарилган ишлар далолатномалари, журналлари ҳар бир объект бўйича, қурилиш материаллари сарфи журналлари, ишлар наряди, геодезик ўлчашлар далолатномалари, биноларни техник кўриқдан ўтказиш далолатномалари, смета-лойиҳа ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобининг материалларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлари ва бошқалар. Ўлчаш ёрдамида қуйидагилар текширилади:

- лойиҳа, смета, қабул қилиш далолатномалари ва нарядларда кўрсатилган бажарилган ишлар қиймати, характери ва ҳажмининг мослиги; бажарилган ишларнинг нархи смета меъёрлари бўйича ўрнатилган ва ҳисоблаб чиқилган нархларга мослиги;

- объектлар, конструктив элементлар, ишлар тури ва босқичлари ёки уларнинг қисмларининг (текширув учун зарур бўлган ҳолларда) тугатилганлиги.

Ишларнинг қиймати ва ҳажмини ошириб кўрсатишнинг кенг тарқалган усуллари қуйидагича: далолатнома ва нарядларга амалда бажарилмаган ишларни қўшиш; лойиҳадан четга чиққан ҳолатда ишларни бажариш; қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган кам ҳажмда бажарилган ишларни топшириш; илгари амалга оширилган ишларни далолатномаларга киритиш ва бошқалар.

Ўлчашни бошлашдан аввал назоратчи ва иштирок этувчи мутахассисда иккита жадвал бўлиши шарт. Биринчиси – смета нархларида (КС-6 шакл бажарилган ишлар ҳисоби журнали), иккинчиси – нарядлар бўйича. Жадвалнинг чап қисмида алоҳида ҳужжатлар бўйича ишлар номи ва ҳажми акс эттирилса, ўнг қисмида ўлчаш жараёнида аниқланадиган барча маълумотлар киритилади. Агар қурилиш материалларини ҳисобдан чиқариш тўғрилигини текшириш керак бўлса, иш бажарувчиларнинг материаллар тўғрисидаги ҳисоботлари асосида схема ишлаб чиқилади.

Бажарилган ишлар бўйича ўлчашнинг натижалари текширувчи билан бирга мутахассис-қурувчи тузган ва барча қатнашувчилар имзолаган ўлчаш далолатномасида акс эттирилади. Агар улардан бирортаси имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақда тегишли белгилаш

киритилади. Ўлчашга жалб қилинган шахслар ўлчаш натижаларидан норози бўлсалар, ўз қаршилиқ ва кузатувларини далолатномада акс эттирилишини талаб қилишлари мумкин.

Назорат ўлчаш далолатномаси №12

Мен, муҳандис-қурувчи Ҳасанов А.И. томонидан, буюртмачи “Янгиқурилишмонтаж” корхонаси вакили бош муҳандис Бердиев А.С. иштирокида 1 январ 2012 йилдан то 1 июл 2013 йилгача бўлган муддатда тўланган(ёки тўлови талаб қилинган) қурилиш ишларининг ушбу назорат ўлчаш далолатномаси тузилди.

Қурилиш объекти - АЖ “Янгиқурилишмонтаж” гаражини кўздан кечириш натижасида аниқланди:

Пойдевор (ФБС-24-3-5 блоклари) – 2,4 м;

Тўсиш плиталари ПК 42х12 – 16 дона, ПК 63ч12 – 10 дона;

Боғлар 5ПБ-30-27 – 8 дона, 3ПБ-13-37 – 15 дона;

Ғишт девор (М-100 ғишт) – ўлчами: баландлиги 6м, периметр бўйича узунлиги 48м, эни 0,52м;

Ички тўсиқлар: узунлиги 22м, эни 0,25м.

Ушбу назорат ўлчаш ёрдамида 962 минг. сўмлик иш ҳажми текширилди.

Ўлчаш натижалари билан барча ҳозир бўлган шахслар таништирилди.

Арз ва эътирозлар билдирилмади.

Текширувчи \_\_\_\_\_ А.И. Ҳасанов

Буюртмачи вакили \_\_\_\_\_ А.С.Бердиев

Пудратчи вакили \_\_\_\_\_ Н.Н. Бўриев

10 июл 2019 йил

Далолатномада фақат амалда аниқланган ишлар ҳажми ёки ўлчашлар маълумоти кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик ушбу маълумотлар бухгалтерия ҳужжатлари билан солиштирилади ва ишлар ҳажми ва қиймати, материаллар сарфи ва уларнинг ошириб кўрсатишлар аниқланади. Камчиликлар аниқланган ҳолатда ишлар қийматининг қайта ҳисоблаш қайдномаси тузилиши мумкин.

#### **5.4. Алоҳида олинган ҳужжатларни ва уларнинг жамланмаларини бир турдаги ва ўзаро боғлиқ муомалалар ёрдамида текшириш усули**

Иқтисодий субъектларнинг барча хўжалик муомалалари ва хўжалик муомалалари ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт.

Ҳужжатлар ишонарли ёки ишонарсиз бўлиши мумкин ва ички аудитнинг хусусий вазифаларидан бири ишонарсиз ҳужжатларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Ҳужжатларни сифат жиҳатидан таснифлаш мақсадида уч хусусият асос қилиб олинади:

1. Шакл хусусиятлари. Ҳар қандай ишонарли ҳужжат маълум бир шаклда тўлдирилган бўлиши лозим. Амалиётда бирламчи ҳужжатларнинг турли хилдаги шаклларида фойдаланилади.

Мисол

Кўп ҳолларда ҳужжатларнинг унификациялашган шакллари ўзгартирилганда корхона илгари катта ҳажмларда харид қилинган бланклардан фойдаланиб келади.

Баъзи кенг қўламда қўлланилувчи шакллар қонунан тасдиқланмаган. Шунга қарамай, ташкилотлар уларни ички меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқламай қўллашда давом этадилар. Бундай шакллардан энг кенг тарқалганининг мисоли сифатида бажарилган иш-хизматлар далолатномасини келтириш мумкин.

2. Қонунийлик хусусиятлари. Ҳужжатда акс эттирилган хўжалик операцияси ўз мазмунига кўра қонуний бўлиши шарт.

Мисол. Текширувда илова қилинган ҳужжатлари билан (юкхат, ҳисоб-китоб фактураси, чеклар) 60000 сўмдан ортиқ бўлган бир мол этказиб берувчи билан тузилган шартнома бўйича бўнак ҳисоботлари аниқланди. Ҳаттоки, бўнак ҳисоботи ва унинг илова ҳужжатлари тўғри тўлдирилганда ҳам қонун нуқтаи-назаридан уларни ҳаққоний деб бўлмайди.

Баъзан ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслигини ҳам ноқонуний деб топиш мумкин. Масалан, агар товар-моддий бойликлари учун счёт ёки ҳисоб-китоб фактураси ёзиб берилган бўлса, товар-транспорт юкхати йўқ бўлса, бухгалтерия ҳисоби қодаларига

мувофик товарни омборга кирим қилиш ноқонуний асосга эга бўлади.

3. Амал қилиш хусусияти. Ҳужжат унинг тузилишига асос бўлган хўжалик операциясини ўзида акс эттириши лозим, бунда у муомала ҳажми, санаси, қатнашувчи томон ва шахслар ҳақидаги маълумотларни ўзида бузмай акс эттириши керак.

Товар етказиб берувчи ҚҚС, фойда солиғининг солиққа тортиш базасини камайтириш мақсадида ҳисоб-китоб фактураси ва товар-транспорт юкхатининг асл нусхаларини йўқ қилиб, уларнинг ўрнига пасайтирилган нархлардага янги нусхаларни ёзиб бериши мумкин.

Текширувчилар учун қарама-қарши текширув (харидордан ташқи тасдиқланган маълумотни олиш) маълум бир даражада муаммоларни туғдиради, чунки харидор бошқа ҳудудда жойлашган бўлиши, тугатилганлиги бўлиши, номини ўзгартирган бўлиши ва хоказо бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан бирига жавоб бермайдиган ҳужжат ишончсиз бўлади.

Ишонарсиз ҳужжатлар ўз навбатида икки катта гуруҳга ажратилади.

1. Шақлига кўра ишонарсиз ҳужжатлар. Улар ҳақиқий хўжалик муомалаларини бузилмаган шакл ва ҳажмда акс эттиради. Бироқ, мазкур ҳужжатлар алоҳида эътибор беришни талаб қилади, чунки улар орасида қуйидагилар бўлиши мумкин:

А) нотўғри тўлдирилган, масалан, ўрнатилмаган шаклда тўлдирилган ҳужжатлар;


Б) тўлдирилмаган ёки тўлиқ тўлдирилмаган, масалан, маълум бир ҳужжатлар учун зарурий бўлган қандайдир реквизитлари кўрсатилмай қолган ҳужжатлар.

2. Мазмунига кўра ишонарсиз ҳужжатлар. Улар орасида қуйидагилар бўлиши мумкин:

А) тасодиғий хатолар ва ҳатто ноқонуний муомалаларни акс эттирувчи ҳужжатлар (масалан, иқтисодий субъект томонидан у ёки бу йўриқнома, низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмунини билмаганлиги учун амалга оширилган);

Б) қасддан амалга оширилган ҳатти-ҳаракат белгиларига эга (мазкур ҳатти-ҳаракат жиноий иш қўзғатилганда моддий ёки интеллектуал асос бўлиб хизмат қилади).

Ички аудитда ҳужжатларни текширишда фойдаланиладиган методик усуллар таснифланиши қуйида келтирилган.



Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини навбатли қўздан кечириш – сканерлашдир. Сканерлаш натижасида аудитор ностандарт ҳужжатларга эътибор қаратади, масалан:

1) Ўрнатилмаган шаклдаги бланкалардан фойдаланилганлик ёки уларни тўлдириш тартиби бузилганлиги (масалан, бухгалтерия ҳисобининг умумий комплекс автоматлаштирилгани ҳолда уларнинг қўлда тўлдирилиши);

2) Баъзи керакли реквизитларнинг тўлдирилмай қолганлиги – тез-тез учраб турадиган маъсул раҳбар шахсларнинг имзоси йўқлигидан тортиб, то кам учрайдиган инвентар ҳисобдан қолдиқларни чиқариш санаси йўқлигигача;

3) Одатдаги шаклда қўзда тутилмаган қўшимча реквизитлардан фойдаланиш. Масалан, агар товар-моддий бойликларни олишга



берилган юкхат тамғали муҳр билан тасдиқланган бўлса, у ҳолда бу текширувчининг эъгиборини ўзига тортади. Чунки, тегишли шахслар амалга оширилган исрофгарчиликларни беркитиш мақсадида ҳаддан ташқари ҳаракат қилиб юборган бўлишлари мумкин;

4) Ўрнатилган шаклда кўзда тутилмаган кераксиз реквизитлардан фойдаланиш, масалан, маълум бир ойда касса чиқим ордерларини сканерлашда (гартибли кўздан кечиришда) аудитор улардан бир қисми директор томонидан эмас, балки, на таъсис ҳужжатлари, на махсус ишончнома, на буйруқ асосида бундай ҳуқуққа эга бўлмаган реклама бўйича менежер томонидан имзоланганини аниқлади.

Юқорида келтирилган усуллар натижасида аудиторда ҳужжатларнинг ишонарлилигида шубҳа туғдириши мумкин бўлган кўплаб ҳолатлар мавжуд, бироқ бундай шубҳалар сўзсиз исбот бўла олмайди. Бундай ҳолларда, масалан, ҳужжатда акс эттирилган муомаланинг ҳаққоний ёки нотўғрилигини аниқлашга ёрдам берувчи кўшимча маълумотларни тўплаш зарур. Бунинг учун аудитор бир турдаги ёки ўзаро боғлиқ хўжалик муомалалари акс эттирилган ҳужжатларни текшириш усулларида фойдаланиши мумкин. Бу тоифадаги энг кўп фойдаланиладиган усуллар қаторига расмий сўров ва ташқи тасдиқни олиш, ўзаро солиштириш, хронологик текширув ва ҳоказолар қиради.

Расмий сўров ва ташқи тасдиқлаш. Аудиторлик далилларининг ишончлилиги қайси манбадан олинганига боғлиқ. Ташқи манбалардан олинган аудиторлик далиллари ички манбалардан олинган далилларга нисбатан ишонарлироқ ҳисобланади.

Ташқи манбадан олинган ва расмий сўровга жавоблар берилган тасдиқловчи маълумотдан фойдаланишнинг ягона талабларини ўрнатади. Булар куйидагиларни тасдиқлаш учун зарур:

- Банк ҳисобрақамларидаги пул қолдиқлари;
- Дебитор ва кредитор қарздорликларни ва шу жумладан олинган қарзлар миқдорини;

- Қайта ишлаш ёки комиссияга берилган моддий-ишлаб чиқариш захиралари миқдорини;
- Ҳисобот санасигача харид қилинган бироқ ташкилотга этказиб берилмаган молиявий инструментларни;
- Текширилаётган ташкилот учинчи шахс билан бирга юритган хўжалик муомалалари ва келишувлар шартларини.

Текширилаётган ташкилотнинг сўровларига жавобан учинчи шахслардан олинган аудиторлик далилларини олиш ва таҳлил қилиш жараёни ташки тасдиқлаш дейилади.

Аудитор учинчи томондан олмақчи бўлган маълумот хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ёки салбий тасдиқлашга сўровнома тайёрлаши мумкин.

Ижобий тасдиқлаш сўровга учинчи шахс ҳар қандай вазиятда жавоб бериши кераклигини назарда тутса, салбий тасдиқ фақат сўровда кўрсатилган маълумот билан учинчи шахснинг норозилиги ҳолатида жавоб берилишини кўзда тутади. Ижобий сўровнома сўралаётган маълумот тўлдирилиши керак бўлган ёки учинчи шахс тасдиқлаши, рад этиши керак бўлган зарур маълумот кўрсатилган бланк сифатида тузилиши мумкин. Ҳар бир сўровда сўровга жавоб ички аудиторга бевосита юборилиши кераклиги ва текширилаётган ташкилот раҳбарияти сўралаётган маълумотнинг очиқ берилишига розилиги кўрсатиб ўтилиши зарур.

Аудитор сўров юбориладиган ташки ташкилотнинг маъсул шахсларини тўғри танлай била олиши зарур. Бунда маъсул шахснинг лаёқатлилиги, унинг хабардорлиги, мотивацияси, жавоб бера олиш имконияти ва ҳошишини инобатга олиши лозим.

Салбий тасдиқлаш нисбатан ишонарсизроқ аудиторлик далили бўлганлиги сабабли ундан фақат маълум бир шароитларда фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳисобрақамлар бўйича кўп сонли аҳамиятсиз қолдиқларни текшириш зарур бўлади.

Ташки тасдиқлаш жараёни тўлиқ ички аудитор назорати остида бўлиши керак. У шахсан контрагентларни танлаб олиши, сўровномаларни тайёрлаши ва уларни корхона раҳбариятига имзо қўйдирилиши, контрагент манзилени аниқлаши ва сўровномаларни

юбориши лозим. Олинган жавобларни аудитор уларнинг ишонарлилиги нуктаи-назаридан кўриб чиқиш, ва зарур бўлган ҳолларда олинган жавобларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига доир шубҳаларни бартараф қилиш учун зарурий амалларни бажариши керак (масалан, олинган жавобни телефон орқали оғзаки тасдиқлаш).

Агар ижобий ташқи тасдиқлаш ҳақидаги сўровга жавоб келмаса, у ҳолда аудитор ҳисобот тайёрлашнинг сабабларига нисбатан муқобил амалларни бажаради. Учинчи шахслар томонидан кўп маротаба норозиликлар билдирилиши текширилаётган корхона бухгалтерия ҳисобида бузилиш ва хатоликлар мавжудлигидан далолат беради.

Ташқи муассасадан ташқари молиявий назорат амалиётида (масалан солиқ идоралари томонидан) мазкур амаллар қарама-қарши текширув сифатида ўтказилади. Қарама-қарши текширувни ўтказиш иккала томон амалга оширган хўжалик муомалаларини уларнинг бухгалтерия ҳисобида фарқли равишда акс эттиришдаги турли хил камчиликларни аниқлашга хизмат қилади.

Ташқи тасдиқларни олишнинг усуллари қуйидаги хато ва камчиликларни аниқлашда аскотиши мумкин:

1) Хўжалик операциясида қатнашган бир томоннинг бошқасидан олинган товар-моддий бойликлари ва пул маблағларининг тўла ёки қисман қирим қилинмаганлиги;

2) Товар, иш ва хизматлар реализациясидан тушумни (шу қаторда банкка топшириладиган қисмига ҳам) ўзлаштириш;

3) Тўлик ёки қисман товарсиз муомалалар мавжудлиги;

4) Товар-моддий бойликлар ва пул маблағларининг ортикча ҳисобдан чиқарилиши ва ҳоказолар.

Ўзаро солиштириш. Ўзаро солиштиришда бир ёки бир нечта ўзаро боғлиқ муомалаларнинг турли жиҳатлари акс эттирилган ўз номи ва моҳиятига кўра фарқланувчи ҳужжатлар солиштирилади.

Турли ҳужжатларни солиштириш имкониятлари жуда хилма-хилдир. Ҳар бир иктисодий субъектда улар мазкур корхонанинг тармоқ бўйича ихтисослашуви ҳамда ички хўжалик назорат

тизимига боғлиқ. Масалан, ички аудиторлар куйидаги ҳужжатлар бўйича ўзаро солиштиришни амалга оширишлари мумкин:

1. Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари, шунингдек товар маҳсулотларини жўнатишни (ёки иктисодий субъектнинг ҳисоб сиёсатиға мувофиқ пул келиб тушишиға боғлиқ реализация ҳажмларини) акс эттирувчи оператив ҳисоб ҳужжатлари, товар жўнатиш ва реализация қилиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлардаги (рухсатнома, йўл хатлари ва бошқалар) маълумотлар билан;

2. Бирламчи ҳужжатлардаги товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар уларни олиб қилиш билан боғлиқ харажатларға нисбатан солиштирилади. Маълумотлар нафақат алоҳида олинган кирим, балки йил давомида олинган товар-моддий бойликлар ҳажми бўйича таҳлилий амалларни қўллаш ёрдамида таҳлил қилиниши мумкин.

3. Товар-моддий бойликларнинг чикими ва юклаб юборилиши ҳақидаги маълумотлар ушбу товар-моддий бойликлари жўнатилган идишлар ҳақидаги маълумотлар билан.

“Nestle” қўшма корхонасида идишларнинг ҳисобға олинмаган катта захиралари борлиги аниқланди ва шу асосда аудитор олдига ушбу ҳисобға олинмаган мазкур “ортиқча идишлар”нинг “реализацияси”ни тасдиқловчи далилларни аниқлаш муаммоси кўйилди. Ҳужжатларни ўзаро солиштириш бўйича маълум бир ишлар амалға оширилди ва унинг натижасида бир қатор моддалар бўйича идишларни қабул қилишға доир юкхатларнинг сохталаштирилганлиги аниқланди: ушбу идишларнинг “Nestle” қўшма корхонасига олиб қелиниши юк машинаси ёрдамида қалаштирилган ҳолда, бироқ қутиға солинмай амалға оширилганлиги аниқланди. Амалда бу ҳисобға олинмаган ортиқча идишларнинг “нақдлаштирилиши” эди.

4. Ишлаб чикаришда ҳисобланган иш ҳақининг (шунингдек бюджетдан ташқари фондларға турли ажратмалар ҳақидаги маълумотлар) ҳақиқатда омборға қабул қилинган тайёр маҳсулот ҳажмлари билан (бир муомаланинг турли жиҳатлари

солиштирилади, сўнгра ҳисобда аниқланган қарама-қаршиликлар мантиқан текширилади);

5. Ҳисоб регистрлари бўйича ўтган маълумот бирламчи ҳужжатлар билан солиштирилади.

Текширувчи регистрлар бўйича сохта бухгалтерия проводкалари амалга оширилганини аниқлаши мумкин, яъни ҳисобда ҳеч қандай ҳужжатлар билан асосланмаган хўжалик муомалалари акс эттирилган (ёки проводкалар амалга оширилгани ҳолда, ушбу проводкаларнинг мазмуни бирламчи ҳужжатлардаги маълумотни тубдан бузиб кўрсатади).

Ҳужжатларни ўзаро солиштиришда хўжалик муомалалари мазмунига аниқлик киритишни талаб қилувчи бухгалтерия ёзувлари орасида кўпроқ пул маблағлари ҳисобварақлари билан алоқадор бўлган харажатлар ҳисобварақларидир. Масалан, “9420 ҳисобварақ дебети, 5010 ҳисобварақ кредити” ёзуви ёрдамида автомобилни йўлда таъмирлаш учун маблағларнинг эчилиши расмийлаштирилган. Мазкур ҳолатда, таъмирлаш устахонасининг бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси ёки ҳисоби бўлганида ҳам бўнак ҳисоботи этишмайди, яъни ўзаро солиштириш усули билан касса амалиётларини юритиш тартиби бузилганлиги аниқланди.

6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар уларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар билан, шунингдек, қурилиш материаллари ва қурилмалар, асбоб-ускуна ва машиналарга эҳтиёт қисмларни қабул қилиш далолатномалари, металллом топшириш ҳужжатлари ва хоказолар билан солиштирилади. Амалиётда, мулк солиғининг сезиларли хажмларини ҳисобга олган ҳолда, аудиторлар баъзан бино ва иншоотлар, заводнинг ишлаб чиқариш корпусларини сохта ҳисобдан чиқариш ҳолатларига дуч келадилар.

7. Турли товар-моддий бойликларини бузилиш, лом ва яроксиз ҳолга келиш сабабли ҳисобдан чиқариш ҳақидаги маълумот уларни йўқ қилиш ва тегишли қайтма материалларни қабул қилишга боғлиқ хўжалик муомалаларни акс эттирувчи ҳужжатлар билан солиштирилади.

Ўзаро боғлиқ муомалаларнинг турли жиҳатлари акс эттирилган ҳужжатларни ўзаро солиштириш ички аудиторларга хатолар ва маъмурият ёки персоналнинг қасддан қилинган ҳаракатлари белгиларига эга ҳолатлар ҳақида керакли далилларни йиғишга имкон беради. Хусусан, ўзаро солиштирув қуйидагиларни аниқлашга имкон беради:

- 1) Қисман ёки тўлиқ товарсиз ёки пулсиз муомалаларни;
- 2) Савдо-хўжалик фаолиятида ҳисобга олинмаган товарларнинг иштирокини;
- 3) Турли материаллар, хом ашё, товарлар ва идишлар ҳамда бошқа қимматликлар ҳисобга олинмаган қолдиқларини, уларнинг сотилиши ёки қабул қилиниши ҳақидаги сохта ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида яратишни;
- 4) Ҳисобга олинмаган тайёр маҳсулот қолдиқларини яратиш ёки асоссиз иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш ҳолатларини;
- 5) Сохта бухгалтерия провoдкаларини ёки тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларсиз ўтказилган провoдкаларни тузишни.

Товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг хронологик текшируви. Товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатини текшириш уларнинг қолдиқларини нафақат инвентаризация ўтказиш санаси, балки, исталган инвентаризация даврининг ҳар бир санаси (кун охирига) учун ҳужжат бўйича қолдиқларини солиштириш тамойили асосида текширишдан иборат. Шунингдек, қолдиқларни ҳар бир ўтказилган хўжалик операцияси сўнгида ҳам аниқлаш имкони мавжуд.

Мазкур усулдан фойдаланиш ички аудиторга эҳтимолли конунбузарликлар, ҳисоб маълумотларидаги карама-қаршилиқлар, шунингдек, ҳисобга олинмаган қолдиқлар ҳақида далиллар тўплашга имкон беради. Ушбу карама-қаршилиқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) Берилган товар-моддий бойликларнинг қолдиғи уларнинг бўлиши мумкин бўлган максимал қолдиғидан ортик;

б) Амалда бўлиши мумкин бўлмаган хужжатли расмийлаштирилган товар-моддий бойликларининг сарфи қайд қилинган ва бошқалар.

Ички аудитор томонидан улгуржи омбордаги ҳисоботларни текшириш натижасида инвентаризация даври тахта материалларнинг ҳаракати тўғрисида қуйидаги маълумотлар олинди:

01.10 ҳолатига – 1000 куб.м;

10.10 ҳолатига – 2500 куб.м;

Товар этказиб берувчилардан тушган – 11000 куб.м;

Сотувга қўйилган – 9500 куб.м.

Аввалига, 2910 ҳисобварак (“Товарлар”) бўйича давр охирига қолдиқ тўғри ҳисоблангандек кўринади. Бирок юкхатларнинг хронологик текшируви аудиторга қуйидагиларни аниқлашга имкон берди (куб.м):

Сана	Кун бошига қолдиқ	Кирим	Чиқим	Кун охирига қолдиқ
01.10	1000	-	500	500
02.10	500	-	2500	-2000
04.10	-2000	8000	1000	5000
07.10	5000	-	5000	-
09.10	-	-	500	-500
10.10	-500	3000	-	2500

Жадвалдан кўриниб турибдики, 02.10 ва 09.10 сананинг кун охиридаги қолдиқ тахта материалларининг манфий қолдиқлари бўлиб, бу хўжалик операцияси моҳиятига кўра иложсиздир: кун давомида омборда мавжуд бўлган қолдиқдан ортиқ миқдорда чиқим қилинган. Мазкур ҳолатда омборда ҳисобга олинмаган 2000 куб.м. тахта материаллари бўлганлиги эҳтимоли ҳақиқатга яқинроқдир.

Бундай қолдиқларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш (мол етказувчининг қирим қилиш пайтидаги ҳужжатларидаги тасодифий хатоси ёки материаллар, тушум ва ҳоказоларни ўзлаштиришга қаратилган қасддан қилинган ҳаракат) аудиторнинг кейинги вазифасидир.

### **5.5. Таҳлилий амаллар**

Ички аудит давомида аудиторлик далилларини олишда асосий ролни бажарувчи таҳлилий амаллар моҳиятига кўра корхона фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари орасидаги муносабатларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва текшириш ҳамда уларнинг ўзаро таъсир алоқаларини аниқлашдан иборатдир.

Таҳлилий амалларнинг асосий мақсади – хўжалик фаолияти натижалари ва эҳтимолий риск ҳудудини аниқлаштирувчи ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолиятининг фактларининг мавжуд ёки йўқлигини қидириш ва юзага чиқаришдир. Бу фактлар корхонанинг узлуксиз фаолиятининг бош тамойилини ҳисобга олган ҳолда стратегия ва тактикани белгилашда катта аҳамият касб этади.

Таҳлилий амалларнинг қўлланилиши ички аудитнинг сифатини оширишга ва белгиланган дастур доирасида аудиторлик чоратadbирлари сонини камайтириш ёрдамида текширув вақтни қисқартиришга хизмат қилади.

Таҳлилий амаллар, қоидада, бутун аудиторлик жараёни давомида амалга оширилади, уларнинг турлари ички аудитнинг режасига мувофиқ босқичлар бўйича белгиланади.

Аудиторлик текширувлари вақтида таҳлилий амалларни қўллаш зарур ҳисобланади. Айнан таҳлилий амаллар аудиторлик далилларини тўплашнинг энг ишончли ва кўп қўлланиладиган усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини амалга оширишда таҳлилий амалларни бажаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августда 64-сон билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон



Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда 814-сон билан рўйхатга олинган “Тахлилий амаллар” номли 13-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, тахлилий амалларнинг энг кўп қўлланиладиган тури ҳақиқатдаги маълумотларни ўтган йилги маълумотлар билан таққослаш ҳисобланади. Тахлилий амалларни қўллашда корхоналар фаолиятида жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришлар бўлганлиги инобатга олинishi лозим. Агарда корхонада шу давр мобайнида молиявий ёки ташкилий жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар содир бўлмаса, олинган натижалар ҳаққоний ҳисобланади. Молиявий жиҳатдан ўзгаришга қуйидагича мисол келтирамиз: корхонага инвестиция киритиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортади, шу билан биргаликда бошқа кўрсаткичлар ҳам ўзгаради. Ташкилий жиҳатдан ўзгаришга таркибий қайта қуриш ёки ишлаб чиқариш тусини ўзгартириш мисол бўлади. Шунга мувофиқ равишда жорий йилнинг натижаларини ўтган йилги натижалар билан таққослаб бўлмайди.

Тахлилий амалларни бажаришнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари давомида миждоз корхона маълумотларини тармоқдаги ўртача корхона ёки турдош корхона маълумотлари билан таққослашни амалга оширади. Ушбу амаллар, ўз навбатида, корхонанинг бозордаги улушини ва ракобатбардошлилигини аниқлаш имконини беради. Тармоқдаги турдош ёки ўртача корхона маълумотини таққослаш учун нафакат молиявий ҳисобот маълумотлари, балки уларга қўшимча равишда бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллар баёнини ҳам илова қилиш тавсия этилади. Чунки тармоқдаги турли корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг турли усуллари қўлланилаётган бўлиши мумкин.



Тахлилий амалларнинг қўлланилишида асосий эътибор ноодатий четланишлар ва уларнинг сабабларини ўрганишга қаратилади. Одатда муҳим бўлган четланишлар ўрганилади. Ушбу

четланиш сабаблари ва таъсир қилувчи омиллар таҳлилий йўл билан эмас, балки кенг камровли текшириш йўли билан ўрганилади.

Умуман олганда таҳлилий амаллар аудиторлик текширувининг сифати ва самарадорлигини оширишга кенг хизмат қилади. Ушбу амалларни аудитда қўллашнинг ижобий жиҳатлари сафига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Алоҳида ҳисобварақлар ёки ҳисобварақлар гуруҳи маълумотларининг ишончлилигини исботлайди;

2. Муайян санада, ёки ўтган давр бўйича ликвидлик, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

3. Аудитор диққат-эътиборини текширувнинг муҳим жабҳаларига қаратади, шунингдек, текшириш ҳажми ва вақтини қисқартиришга хизмат қилади.

4. Кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлигини текшириш имконини беради.

Корхона ҳисоботининг амалдаги кўрсаткичларини бизнес-режа билан солиштиришда аудитор режалаштириш услубиятини баҳолаши зарур. Агар, аудитор фикрича, режали кўрсаткичлар бажарилиши имконияти ҳақиқатда бўлмаса, аудитор улардан аудиторлик далилларини тўплашда фойдаланмаслиги лозим. Буни ишчи ҳужжатларда қайд қилиш керак.

Таҳлилий амалларни ўтказиш тартиби уларнинг аниқ бир муаммога ойдинлик киритишни танлашга асосланади. Қуйидаги босқичлардан келиб чиққан ҳолда таҳлилий амалларни шакллантиришнинг умумий тамойиллари мавжуд:

- Амалнинг мақсадини аниқлаштириш;
- Амал турини танлаш;
- Амални ўтказиш;
- Амални ўтказишдан олинган натижаларни таҳлил қилиш.

Таҳлилий амалларнинг тури уларни ўтказишдан мақсад, маълумотнинг эркинлиги ва солиштириш хусусиятлари ҳамда аудиторнинг профессионал фикрлаш даражасига боғлиқ.

Тахлилий амалларнинг нисбатан афзаллиги шундаки, уларни ҳам йиғма бухгалтерия ҳисоботи, ҳам шўъба корхоналар (филиаллар ва бўлимлар) ҳисоботларига қўллаш мумкинлигидадир.

Гайриоддий четланишлар тахлили натижаларини аудитор ишчи ҳужжатларда акс эттириши, ва уларни корхона раҳбариятига ёзма маълумот тайёрлашида фойдаланиши лозим.

Тахлил ҳисоботнинг ҳаққоний эмаслиги ҳолатларини аниқлашга, ташкилотнинг молиявий аҳволига баҳо беришга, хўжалик юритувчи субъектнинг ички захираларини аниқлашга имкон беради. Унинг ёрдамида ташкилотнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш захиралари сафарбар этилади. Шуниси ойдинки, тўғри ташкил қилинган иқтисодий тахлил бюджетлаштириш тизими кўрсаткичларини режалаштириш ва бажариш учун илмий база бўлиб хизмат қилади.

Таннарх таркибининг тахлилида йўл қўйилган хатони аниқлаш, харажатларнинг у ёки бу калкуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш сарфларининг оширилиши ҳамда бюджет кўрсаткичларидан четга чиқишлар аниқланади. Моддалар кесимида таннарх тахлили ҳар бир модда бўйича амалдаги харажатларнинг бюджет харажатларидан фарқланишини топишдан бошланади. Маҳсулот таннархи ҳақидаги ҳисобот кўрсаткичлари моддалар бўйича қандай бажарилганини кўрсатиб беради.

Харажатларнинг калькуляция моддалари бўйича фарқлари ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Бошқа ўхшаш шароитларда ижобий фарқлар ташкилот ресурсларидан рационал фойдаланилганлик ҳақида, салбий фарқлар эса – амалдаги таннархнинг режадагидан ортиб кетганлигидан далолат беради.

Маҳсулот таннархининг ички назорати тахлилий амалларини ҳар бир модда кўрсаткичининг бюджет кўрсаткичидан фарқланишига таъсир қилган омилларни аниқлаш учун ҳам қўллаш зарур. Бунда содир бўлган объектив омилларни ҳисобга олиш керак. Масалан, техник-иқтисодий омилларнинг калкуляция моддалари бўйича харажатлар даражасига таъсири.

Контрагентлар билан солиштирма далолатномаларни тузиш ички назоратга боғлиқ фаолият бўлиб, у амалда мавжуд бўлган дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлигини оширишга хизмат қилади.

Хўжалик шартномаларини тузиш шартларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва объективлигини аниқлаштириш зарур.

Нақд ҳисоб-китоб асосида маҳсулот чиқариш амалга ошириладиган бўлинмаларда (турли хилдаги қўшимча ишлаб чиқариш) кассир-операционистлар томонидан бажариладиган касса амалиётлари ички назорати бўйича тахлилий амаллар ўтказиш лозим.

### **5.6. Аудиторлик танлаш**

Танлаш – бу статистик усул бўлиб, маълум бир интервал, белги ва тасодифий характерлар жамланмаси асосида маълумотларни танлаб олишдан иборат.

Аудиторлик танлаш – аудиторлик амаллари ички аудитор ихтиёридаги элементларнинг деярли барчасига нисбатан қўлланиладиган балансни ёки ташкилотнинг муомалалари синфини текшириш усулидир.

Амалда бошланғич мажмуининг катта ҳажмда бўлган ҳолатда аудитор текшириладиган тўпламнинг фақатгина 5-10%ини текшириши мумкин ва шунинг ўзида у бу тўпланда хатоларнинг пайдо бўлиш такрорийлиги ёхуд (мухимроқ бўлган) хатолар суммасининг кутиладиган ошиши ҳақида очиқ тушунчага эга бўлади.

Аудиторлик танлаш ташқи аудитда доимий равишда қўлланилади, чунки текшириладиган маълумот ҳажми жуда катта ва у қисқа муддатларда бажарилиши керак бўлганлигидадир.

Танлашнинг ички аудитда қўлланилиши фақатгина мазкур ҳолат текширувнинг мақсад ва вазифаларига мос келган ҳолдагина асосга эга бўлади.

Аудиторлик амалларини ишлаб чиқишда аудитор текширувдан ўтказиш учун элементларни танлашнинг тегишли усулларини белгилаб олиши зарур. Аудитор куйидаги имкониятларга эга:

- Барча элементларни танлаб олиши (ёппасига текширув);
- Махсус элементларни танлаб олиши;
- Айрим элементларни танлаб олиши (аудиторлик танлашни шакллантириш).

Аудитор бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақ бўйича айланмаларни ёки бир турдаги муомалалар гуруҳини ташкил қилувчи элементларнинг умумий мажмуини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ деган қарорга келиши мумкин.

Аудитор умумий тўпламдан специфик (аниқ) элементларни танлаб олиши мумкин. Танлаб олинмаган специфик моддалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а)Юқори қийматга эга элементлар ёки бошқачасига айтганда танлашнинг муҳим элементлари. Аудитор умумий тўпламнинг маълум бир элементларини уларнинг қандайдир хусусиятга эга эканлиги ёки катта аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда текшириш учун танлаб олиши мумкин, масалан, шубҳали, ғайриоддий, илгари хатолар билан боғлиқ бўлган ёки кенг ўлчамда рискка мойил элементлар.

б)Маълум бир катталиқдан ортиб кетадиган элементлар. Аудитор қиймати маълум бир катталиқдан ошиб кетадиган элементларни бир турдаги муомалалар гуруҳи ёки бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар бўйича умумий айланмалар суммаларини текшириш мақсадида танлаб олиши мумкин;

в)Маълумот олиш учун элементлар. Аудитор маълум бир элементларни текширилувчи шахс фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, хўжалиқ муомалалари характери, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг айрим хусусиятлари бўйича маълумот олиш мақсадида текшириши мумкин;

г)Тадбирларни текшириш учун элементлар. Аудитор айрим элементларни танлаш ва текширишда, текширилаётган шахс томонидан аниқ бир тадбир амалга оширилаётганини аниқлаштириш мақсадида, ўз фикрларига таяниши мумкин.

Аудитор бир турдаги муомалалар гуруҳи ёки бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақ бўйича айланмалар доирасида оралик

текширувни ўтказишга қарор қилиши мумкин. Оралиқ текширув статистик ва ностатистик ёндошувдан фойдаланиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Оралиқ текширувга статистик ёндошув (статистик танлаш) – куйидаги хусусиятларга эга танланмага исталган ёндошувни қўллашни назарда тутади:

- Тасодифий (ёки бошланғич нуқта тасодифий белгиланган ҳолда тизимли) текширилаётган тўпламни танлаш;

- Танлаш натижаларини баҳолашда эҳтимоллар назариясини, аудиторлик танлашдан фойдаланишнинг рискини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда қўллаш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан исталган бирига мос келмайдиган танлашга ёндошув ностатистик ҳисобланади (ностатистик танлаш).

Аудитни ўтказишда қайсидир усулни танлаш бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тўғрилиги, ички назорат тизимининг ҳолати ҳамда ички аудиторлик текшируви олдига қўйилган вазифаларга боғлиқ.

Танлашни ўтказишга таъсир қилувчи омиллар:

1. Хатоларнинг кўпчилиги қаердалиги ҳақидаги мулоҳазалар;
2. Тўпламнинг (ўлчами) ҳажми;
3. Тўпламнинг аҳамияти;
4. Текширувнинг бошқа усулларида фойдаланиш;
5. Танлашдан талаб қилинадиган натижаларнинг аниқлик даражаси;
6. Кутилаётган хато;
7. Тўпламнинг бошқа хусусиятлари.

1. Хатоларнинг кўпчилиги қаердалиги ҳақидаги мулоҳазалар.

Аудитор қайси ҳужжатларда эҳтимолли хатолар бўлишини тахмин қилади. Аудитор қанчалик бўлиши мумкин хатолар ҳақида кам билса, шунчалик статистик танлашни қўллаши асоссиздир.

2. Тўпламнинг (ўлчами) ҳажми.

Қоидада номатематик ёндошувни катта бўлмаган тўпламларга қўллаш осонроқдир. Катта бўлмаган тўпламда аудитор ихтиёрий

танлашни хатолар бўлиш хавфи юкори бўлган элементларга нисбатан қаратади. Кичик тўплам учун статистик ва математик ёндошувлар самарасиз бўлиши мумкин, чунки бу ҳолатда тўпламнинг ҳажмига боғлиқ бўлмаган энг кичик ўлчам талаблари мавжуддир.

### 3. Тўпламнинг аҳамияти.

Аҳамиятга молик (бухгалтерия ҳисоботи ишонарлилига сезиларли таъсир қилувчи) тўпламни текширганда аудиторлар танлашда хатонинг юзага келиш хавфига кўпроқ эътибор қаратадилар. Бу ҳолатда статистик танлаш афзалроқдир.

### 4. Текширувнинг бошқа усулларида фойдаланиш.

Статистик танлашда аудитор тўпламни текшириш учун бошқа усуллардан камроқ фойдаланади. Номатематик ёндошув фақат танлаш натижалари қўшимча текширув усуллари билан тасдиқлангандагина қўлланилиши мумкин.

5. Танлашдан талаб қилинадиган натижаларнинг аниқлик даражаси.

Номатематик ёндошув аудитор тўпламдаги эҳтимолли хатоларнинг асосий қисмини қамраб олувчи танлашни ўткази олганда мумкиндир. Тафовутларнинг аниқ баҳоланиши репрезентатив танлаш амалга оширилганда ва унинг натижалари экстраполяция қилинганда амалга оширилиши мумкин.

### 6. Кутилаётган хато.

Одатда ихтиёрий танлаш тафовутлар ёки хатолар сони нисбатан катта бўлмаганда ёки улар маълум бир жойларда тўпланганида самарали бўлади. Хатолар қанчалик кўп бўлса, шунчалик ихтиёрий танлаш мақсадга мувофиқ эмас.

### 7. Тўпламнинг бошқа хусусиятлари.

Тўпламнинг бошқа хусусиятлари бўлиб, назоратнинг марказлашуви, бухгалтерия ёзувлари характери, текширувнинг дастурий таъминлангани ҳисобланади. Шунингдек, улар танлаш ўтказиш усулини белгилашга таъсир қилади.



## 5.7 Ички аудитнинг бошқа усуллари

Кирим-чиқим ҳужжатлари ва инвентаризация материалларида кайд қилинган қимматликларнинг амалда мавжудлигини текшириш.

Ҳужжатларда кўрсатилган қийматликларни қайта тортиш, ўлчаш, ҳисоблашни ўзига олса ҳам, мазкур усулни инвентаризация билан адаштириш керак эмас.

Назорат қайта тортиш ва ўлчаш фақат ярокли ўлчаш асбоблари билан ўтказилиши лозим.

Мазкур тадбир бош корхонадан узоқда жойлашган савдо нукталарини ички назоратини амалга оширишда жуда самаралидир. Тадбирнинг мақсади сифатида савдо қоидалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини, тушумнинг тўлиқ кирим қилинишига ўрнатиш бўлиши мумкин.

Агар ўлчаш асбоблари бузук ёки умуман яроқсиз бўлса, улар муомаладан чиқарилади ва ўлчашлар назорат тарозиларида ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда ўлчаш асбобларини текшириш учун метролог чақирилиши мумкин.

Қайта тортиш далолатномаси

Тошкент ш.

20 июль 2019 йил

Мен, “Korzinka.uz” МЧЖ уюшмаси ички аудитори Бозоров Т.Н. томонидан 5-сон дўконни текшириш жараёнида назорат қайта тофтиш қуйидагилар иштирокида ўтказилди: тижорат директори Маматов А.А., бўлим сотувчиси Солиева О.А., дўкон юкчиси Баратов П.Н.

2019 йил 12 июлдаги 2198 сон юкхат бўйича 5-сон дўкон томонидан 1кг.га 3580 сўмдан 500 кг кум-шакар олинган ва у кейинчалик ўз-ўзига хизмат кўрсатиш зали реализация қилиш учун 1 кггли полиетилен пакетларга қадокланган.

Текширув №895 рақамли циферблат туридаги, 2 даража аниқликка эга, ҳар бир кўрсаткич 5г бўлган назорат тарозисида ўтказилди. 1 кгдан бўлган 10 пакет шакар қайта тортилди ва уларнинг ўртача оғирлиги далолатномада кўрсатилган шахслар гувоҳлигида ўрнатилди.

Назорат тортиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

- 10 та қум-шакар пакетининг оғирлиги 9 кг 750гр;

- Назорат тўпلامда вазн камомади 250 гр.

Кўрсатилган вазн билан рози бўлганлар:

(назорат тортишда иштирок этган шахслар имзолари)

Текширув давомида маъмурият ва гувоҳ шахслар томонидан арз ва эътирозлар гушмади.

Ички аудитор \_\_\_\_\_

Т.Н. Бозоров

Қатнашувчилар \_\_\_\_\_

А.А. Маматов

\_\_\_\_\_ О.А. Солиева

\_\_\_\_\_ П.Н. Баратов

Усулнинг самарадорлиги кўпинча ўз вақтида қўлланилишга боғлиқ. Қирим-чиқим ҳужжатларининг текширувида у хўжалик операциясини бажариш пайтида ишлаб кетади. Шу орқали аудитор транспортировка ёки харидорнинг омбурига товарнинг келиб тушиши пайтида юкнинг амалдаги ҳажми ва юкхатдаги кўрсаткичларни солиштириши мумкин.

Текширув операция тугагандан сўнг ҳам ўтказилиши мумкин, бироқ дарҳол, товарсиз қирим товарсиз харажат билан беркитилишидан аввал амалга оширилиши керак.

Ушбу усул, қайдноманинг шубҳали бандлари қолдиқларни қайта ечиш билан назорат қилинганда, материалларни инвентаризация қилишда ҳам қўлланилади.

Хом-ашё (материаллар)ни ишлаб чиқаришга киритиш назорати.

Бу усул қуйидагилар зарур бўлганда қўлланилади:

- текширилаётган даврда корхонада амалда бўлган ёки илгари қўлланилган хомашё ва материаллар сарфи ўрнатилган миқдорларини текшириш керак бўлганда;

- амалдаги харажатлар, чиқиндилар сони, тайёр маҳсулот чиқарилишини ўрнатиш зарур бўлганда;

- технологик жараён, ускуналар ишлаб чиқариш имкониятларини текшириш керак бўлганда.

Бунинг учун тегишли тажрибавий ишлар амалга оширилади, масалан, матоларни бичиш, гўшт маҳсулотларини чиқариш, нон ёпиш ва бошқалар.

Хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришга назоратли киритиш ишлаб чиқариш технологияси ва ўрнатилган сарфлар қийматидаги бузилишлар ва камчиликларни аниқлашга, талон-ғарож ва ўрнатилган сарф миқдоридан ошиқча асоссиз ҳисобдан чиқариш, харажат меъёрларини юқори ўрнатиш, технологик режимни ўзгартириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш орқали ҳисобга олинмаган моддий бойликлар қолдиқларини яратиш билан боғлиқ бошқа хилдаги қонунбузарликларни очишда ёрдам беради.

Шуни эътиборга олиш лозимки, маҳсулот ишлаб чиқариш илгари қандай амалга оширилган бўлса, айнан шу тартибда амалга оширилиши керак. Фақат шу шарт бажарилгандагина ўтказилаётган назорат операцияси натижалари маҳсулот чиқаришда хомашё ва материаллар сарфининг амалдаги ҳажмини аниқлашда, талон-ғарож ва бошқалар ҳақида қўшимча маълумот олишда фойдаланилиши мумкин.

Илгари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш жараёни ва ҳолати ҳақидаги маълумотларни текширувчи тегишли ҳужжатларни ўрганиш орқали билиб олади. Булар: ўрнатилган меъёрлар, техник шартлар, технологик хариталар, ишлаб чиқариш журналлари, хомашё ва материаллар сарфи, маҳсулот чиқарилиши, лаборатория таҳлиллари бўйича ҳисоб ҳужжатлари ва ҳоказолар.

Илгари қорхонада ишлаган маъсул шахслар ва ходимларнинг тушунтиришлари муҳим аҳамиятга эга. Уларни ўрганиб чиқиш натижасида ишлаб чиқариш характери ва шароитлари ўзгармаганлигини билиб олиш мумкин. Бундай ҳолатларда назорат сифатида ихтиёрий хомашё ва материалларни чиқим қилишни олиш мумкин. Агар маълумотлар ўзгарган ва бузилган бўлса, тадбир мазкур ўзгаришларни инобатга олган ҳолда илгариги шароитларни қайта яратиш орқали амалга оширилади. Хомашёнинг назоратли ишлаб чиқаришга киритишнинг иштирокчилари бўлиб, қоидада шу

корхонада ишлаб келган ишчилар, шу жумладан, фаолияти текширилаётган маъсул шахслар бўлади.

Назорат киритишни амалга ошириш ва ташкил этишда камомад ва қонунбузарликларни яшириш мақсадида текширилаётган шахслар кўп ҳолларда ишчилар билан аввалдан келишиб олишлари ёки ўзлари кингир йўллар билан тажрибанинг у ёки бу ахамиятли шартларини ўзгартириш ва шу билан натижаларни бузишга ҳаракат қилишларини ҳисобга олиш керак. Шу муносабат билан тажриба шартлари бажарилиши устидан назорат ва кузатишни яхшилаш учун манфаатдор бўлмаган шахсларни жалб қилиш ёки тажрибани ички назоратчилар гуруҳи қатнашувида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тадбирнинг бориши бошдан охиригача керакли тафсилотлари билан унинг иштирокчилари томонидан имзоланувчи бир ёки бир нечта далолатномаларда қайд қилиб борилади. Далолатномада мустаҳкамланган натижалар кейинги текширувда ишлатилади ва ички аудит умумий ҳисоботида акс эттирилади.

Хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулот сифатининг таҳлили сифациз хомашёдан фойдаланиш, бир материалларни бошқа арзонроқлари билан алмаштириш, маҳсулотга етарли сарфлар қилинмаслиги, қабул қилинаётган ва чиқарилаётган маҳсулот сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашга имкон беради. Бундай ҳолатлар нафақат ишлаб чиқариш технологияси, ўрнатилган қоида, меъёр, стандарт ва техник шартларнинг бузилиши ҳақида, балки, ҳисобга олинмаган моддий бойликлар қолдикларини яратиш билан боғлиқ бузилишлар ҳақида далолат беради.

Ушбу усул кўпроқ текширилаётган ташкилотнинг у ёки бу фаолият соҳасидаги ишлар аҳволини ўрганиб чиқишда қўлланилади. Бунда таҳлилга текширувгача чиқарилган маҳсулот ёки ишлаб чиқаришга киритилган хомашёни олиш зарур. Акс ҳолда текширув самара бермайди.

Агар сифат текширувини махсус лаборатория ускуналарисиз амалга ошириш ва маҳсулот жойлашган эрда ўтказиш имкони бўлса, у ҳолда ушбу ҳудудга жавобгар шахслар ва текширилаётган шахслар текширувда қатнашишлари шарт. Шу билан бирга намуналарни

олиш усуллари ва техникасига доир ўрнатилган қоидаларга амал қилиш лозим.

Текширув, агар унинг натижалари аудиторлик текшируви учун аҳамиятга эга бўлса, тегишли далолатнома билан расмийлаштирилиши керак. Таҳлил лабораторияда ўтказилиши зарур бўлган ҳолларда, ички аудитор хомашё ва материалларнинг тегишли намуналарини олишни ташкил этади. Бу ҳатти-ҳаракат барча иштирок этганлар имзолари қўйилган далолатнома билан расмийлаштирилади. Лаборатория таҳлили натижалари тегишли ҳужжат сифатида ички аудит далолатномасига (ҳисоботи) илова қилинади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ички аудит методикаси хусусиятлари нималардан иборат?
2. Мулк ва мажбуриятлар инвентаризацияси тартиби қандай?
3. Кўрик, текширув, назорат ўлчаш?
4. Алоҳида олинган ҳужжатларни ва уларнинг жамланмаларини бир турдаги ва ўзаро боғлиқ муомалалар ёрдамида текшириш усули қандай?
5. Таҳлилий амаллар деганда нимани тушунасиз?
6. Аудиторлик танлаш тартиби?
7. Ички аудитнинг бошқа усуллари?

### **ГЛОССАРИЙ**

**Аудиторлик рисқи** – бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив аниқла-надиган, молиявий ҳисоботда, унинг ишончлилиги тасдиқланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлган-да, унда камчиликлар мавжуд деб тан олиниш эҳтимолидир.

**Аудитнинг муҳимлик даражаси** - Муҳимлик тушунчаси аудитор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатонинг ҳажмини ва ўтказиладиган аудиторлик текширувининг кўламини аниқлаш ҳамда тузиладиган аудиторлик ҳулосасининг шаклини белгилаш

(ижобий ёки салбий) учун бирламчи ва асос бўлувчи манба ҳисобланади.

**Ички хўжалик rischi** – бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлангунга қадар ёки ички хўжалик назорати умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади.

**Аниқланмаслик rischi** - бу хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик (кўзга ташланмаслик) rischi тушунилиб, бу аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки биргалиқда жиддий ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир.

**Назорат rischi** – бу корхонанинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргалиқда жиддий аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичдир.

**Тахлилий амаллар** - Аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

**Аудиторлик riskларининг мақбул тўплами** - Ўтказилган аудиторлик текширувлари натижасида янглиш мулоҳазага келиш ва натижада нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш эҳтимоли(хавфи) тушунилади

**Аудиторлик текширувининг ҳажми** - Тўлақонли аудиторлик текширувини ўтказиш ва аудиторнинг асосли хулосасини тайёрлаш учун зарур бўлган аудиторлик текширувлари миқдори ва уларни ўтказиш кўлами аудиторлик текширувини ўтказиш учун сарфланадиган вақт, унда иштирок этадиган мутахассислар таркиби ва сонининг аудитор (аудиторлик фирмаси) томонидан баҳоланишдир.

**Бухгалтерия ҳисобидаги товламачилик** - Ҳисоб ёзувларидаги арифметик ёки мантикий хатоликлар ҳисоб маълумотларига эътиборсизлик ёки хўжалик фаолияти фактларини, мулкнинг ҳолати ва мавжудлигини мажбуриятлар ва ҳисоблаш ишларини нотўғри тасаввур этиш орқали ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг кўзда тутилмаган ҳолатдаги бузилиши.

**Аҳамиятлилик** - Потенциал ҳамкорнинг қарорларига таъсир қиладиган ва қилиш мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятининг мулкдор ўлчови ёки сифат баҳоси.

**Бухгалтерия ҳисоботининг жиддий равишда бузиб кўрсатилиши** - Бухгалтерия ҳисоботининг ишончлигига сезарли даражада таъсир кўрсатувчи жиддий характердаги бухгалтерия ҳисоботини бузилиши.

**Махсус аудиторлик топшириғи** - Аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномада назарда тутилган расмий бухгалтерия ҳисоботидан фарқли бўлган махсус ҳисоботнинг текшириш ёки буюртмачи билан келишилган бошқа текширишларни амалга ошириш.

## ТЕСТЛАР

### 1. Мажбуриятлар аудити куйидаги тартибда ўтказилади:

А. Бирламчи ҳужжатлар ўрганилади ва улардаги маълумотларни тўғри қайд этилганлиги аниқланади.

Б. Синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари бўйича ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар билан ҳисоб-китоб ишлари текширилади, сўнг қарзларни ҳаққонийлиги инвентаризация қилинади.

В. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар, сўнг бюджет билан ҳисоб-китоблар текширилади.

Г. А ва Б жавоблар тўғри.

Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас

**2. Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари бўйича ҳисоб-китоблар қайдномаси шаклини кўрсатинг.**

А. F-2ISJ

Б. F-3ISJ

В. F-4ISJ

Г. F-5ISJ

Д. F-6ISJ.

**3. Жорий мажбуриятлар аудитида камчиликлар сабабларини суриштириш аудиторлик далилларини олишнинг қайси турига мансуб?**

А. Назорат;

Б. Сўров;

В. Ҳисоблаш;

Г. Аналитик амаллар;

Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

**4. Ҳисобдор шахснинг ортиқча сарфлаган пули меҳнат ҳақидан ушлаб қолинган. Бухгалтерияда ушбу операция бўйича қайси бухгалтерия проводкаси берилса аудитор буни тўғри, деб ҳисоблайди?**

А. Дебет 6710-“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар”;

Кредит 4410-“Солиқ бўйича бўнақ тўловлар”.

Б. Дебет 6710-“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар”;

Кредит 5010-“Миллий валутадаги пул маблағлари”.

В. Дебет 6710-“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар”;

Кредит 6410-“ Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)”;

Г. Дебет 4410-“Солиқ бўйича бўнақ тўловлар”.



Кредит 6710-“Ходимлар билан иш хақи бўйича ҳисоблашишлар”.

Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

**5. Қуйидаги счётлардан қайсилари ички ҳисоб-китоб муомалалари аудитида фойдаланилади?**

1. 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти.

2. 4210-“Меҳнатга ҳақ тўлаш учун берилган бўнақлар” счёти.

3. 4220-“Хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар” счёти.

4. 6010-“Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар” счёти.

5. 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти.

6. 6710-“Ходимлар билан иш хақи бўйича ҳисоблашишлар” счёти.

7. 6720-“Депонентлаштирилган иш хақи” счёти.

А. 1, 2, 3;

Б. 1, 4, 5, 6, 7;

В. 2, 3, 6, 7;

Г. 4, 5, 6, 7;

Д. 1, 5, 6, 7;

**6. Аудит жараёнида битта компьютернинг камлиги аниқланди, бошланғич қиймати 700000 сўм, эскириши 245000 сўм, чакана баҳоси 1000000 сўм. Моддий жавобгар шахс ҳисобига неча сўмлик мулк олиб борилади?**

А. 455 минг.

Б. 1000 минг.

В. 650 минг.

Г. 1700 минг.

Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

**7. Ташқи ҳисоб-китоб муомалалари аудитида қайси счётлардан фойдаланилади?**

1. 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти.

2. 4210-“Меҳнатга ҳақ тўлаш учун берилган бўнақлар” счёти.

3. 4220-“Хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар” счёти.
4. 6010-“Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар” счёти.
5. 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти.

6. 6710-“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар” счёти.
7. 6720-“Депонирлаштирилган иш ҳақи” счёти.

- А. 1,2,3;
- Б. 1,4,5;
- В. 2,3,6,7;
- Г. 4,5,6,7;
- Д. 1,5,6,7.

**8. Аудиторлик текширувида корхона фойда ва бошқа солиққа тортиладиган объектларни яширганлиги ёки камайтириб кўрсатганлиги аниқланди. Бу ҳолат амалдаги қонунчиликка биноан қандай маъмурий жазога тортилади?**

- А. Даромад солиғи фоиз ставкаси миқдорида жарима тўлайди.
- Б. Яширилган сумманинг 25% и жаримага тортилади.
- В. Яширилган сумманинг ярми жаримага тортилади.
- Г. Яширилган сумма жаримага тортилади.
- Д. Тўғри жавоб берилмаган.

**9. МЕНБ ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?**

- А. Амортизация ҳисоби бўйича, товар муомалалари бўйича.
- Б. Солиқ мажбурияти бўйича, молиявий мажбуриятлар бўйича.
- В. Инвестиция бўйича, солиқ мажбурияти бўйича.
- Г. Товар муомалалари бўйича, молиявий мажбуриятлар бўйича.
- Д. Товар муомалалари, солиқ мажбурияти бўйича.

**10. Қуйидагилардан қайси бири ички ҳисоб-китоб муомалалари аудитининг маълумот манбаи ҳисобланади?**

- А. МЕНБлар билан ҳисоб китоблар.
- Б. Бюджет билан ҳисоб китоблар.
- В. Аудиторлик ташкилоти билан ҳисоб китоблар.
- Г. Ёлланган шахслар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб китоблар.
- Д. Тўғри жавоб берилмаган.

## **6-МАВЗУ. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ**

### **6.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини баҳолаш**

Корхоналарда ички аудит объекти бўлиб одатда, ҳисоб сиёсатида тасдиқланган, танланган бухгалтерия ҳисоби тизими бўлади.

Ички аудит мутахассиси текширувнинг режалаштириш босқичидаёқ, корхонада қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тизимини тушуна билиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби тизими билан танишиш куйидагиларга тааллуқли бўлган маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборатдир:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий тамойилларини;
- бухгалтерия ҳисобини юритувчи ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашга масъул бўлган ташкилий бўлинмалар тузилишини;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тайёрлашда бевосита иштирок этувчи ходимлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиш ҳолатини;
- хўжалик муомалаларини ҳужжатларда акс эттирилиши, уларнинг айланиши ва сақланишини ташкиллаштириш ҳолатини;
- хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш тартиби, бу регистрларнинг шакли ва ундаги маълумотларни умумлаштириш усулларини;
- мавжуд бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида оралик бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш тартибини;
- ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни тайёрлашда ҳисоблаш техника воситаларининг аҳамиятини;
- бухгалтерия ҳисоботидаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган рискларнинг жиддий соҳаларини;
- ҳисоб тизимидаги алоҳида соҳаларни текшириш воситаларини;

Ички аудиторлик текширувини ўтказишда ташкилотдаги бухгалтерия ҳисоби тизими амалдаги меъёрий ҳужжатларга қай даражада мос келиши баҳоланади ва мувофиқликнинг бузилган ҳолатлари аниқланади.

Ички аудиторлик текшируви жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ҳолатини баҳолашда шуни эътиборга олиш керакки, бухгалтерия ҳисоби тизимидаги хўжалик муомалалари қуйидаги ҳолларда самарали ҳисобланади, яъни:

- ҳисобда хўжалик муомалалари ўз вақтида акс этса;
- ҳисобда муомалалар тўғри рақамларда кўрсатилса;
- хўжалик муомалалари амалдаги меъёрлар ва ҳисоб сиёсатида белгиланган тамойилларга мувофиқ акс эттирилган бўлса;
- хўжалик муомалалари, унинг амалга оширилиш вақти, операцияларнинг суммалари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар учун муҳим бўлганда;
- ноконуний ишлар содир этилиши имкониятлари чекланган бўлса.

Текширишлар жараёнида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилади:

- корхонага тааллуқли ички ҳужжатлари, яъни қарорлар, бухгалтерия ҳисобини юритишга доир ҳужжатлари билан танишиш;
- ишларнинг юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар билан ҳақиқатда қай даражада мослигини аниқлаш;
- ҳисобдаги алоҳида рақамларнинг дастлабки ҳужжатлардан то ҳисобот ва йиғма ҳужжатларигача бўлган ҳаракатини кузатиш.

Кўп ҳолларда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида қўйилган баъзи чекловлар улардан кўзланган мақсадга тўла-тўқис эришиш имкониятини бермайди.

Булар қуйидагилар бўлиши мумкин:

А) Раҳбарият талабига кўра ички назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар кўзланган фойдадан юқори бўлмаслиги керак;

Б) Ички назоратда асосий эътиборни фавқулодда ҳолатларга эмас, кундалик ишларга қаратиш;

В) Инсон омили, яъни паршонхотирлик, фикрлашдаги хатоликлар, йўриқномаларни ногўтри тушуниш натижасида хатолар келиб чиқиш ҳоллари;

Г) Текширилувчининг раҳбарият вакили ёки текширувчи билан келишган ҳолда ички назорат амалларини четлаб ўтиши;

Д) Ички назоратни амалга оширувчининг ўз ҳуқуқини суистеъмол қилиши;

Е) Молия-хўжалик фаолияти шароитлари ўзгариши натижасида ички назорат амалларининг тўғри келмаслиги ва бунинг оқибатида кўзланган натижалар пасайиши мумкин.

Ички аудит текширувини ўтказиш шундай тузилган бўлиши керакки, бунда фақат хатолар аниқланиб қолмасдан, балки уларни баргараф этиш чоралари ишлаб чиқиши ҳамда суистеъмол қилиш ҳоллари, чалкашликларга йўл қўйиш ҳолларининг олди олинishi керак.

шу мақсадда хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат ва ҳисоб тизимини ҳамда суистеъмол қилинишга мойил бўлган томонлари атрофлича ўрганилиши лозим.

қасдан қилинган ноқонуний ҳаракатлар бу - корхона вакиллари билан бири ёки бир нечтасининг, раҳбарият билан ёки учинчи шахслар билан тил бириктириб ноқонуний фойда олиш учун олдиндан режалаштирган ҳаракатидир.

Бундай ҳаракатлар натижасида келиб чиқувчи хатоликлар ички аудит жараёнида икки турга бўлинади.

- молиявий ҳисоботни тузишда виждонсизлик билан содир этилган ҳатти-ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган камчиликлар;

- активларни ўзлаштириш натижасида келиб чиқадиган камчиликлар.

Молиявий ҳисоботни тузишдаги виждонсизлик ҳаракатлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалкаштириш мақсадида молиявий ҳисоботдаги маълумотларни акс эттирмаслик ёки рақам кўрсаткичларини акс эттирмаслик сабабли юзага келади.

Куйидаги ҳаракатлар молиявий ҳисоботни тузишдаги виждонсизлик ҳаракатлари ҳисобланади:

- қалбакилаштириш, молиявий ҳисоботни тайёрлашда асос бўлувчи ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларини ўзгартириш;

- молиявий ҳисоботда ҳодисаларни, хўжалик муомалаларини ёки бошқа муҳим маълумотларни атайлаб нотўғри кўрсатиш ёки уларни ҳисоботдан ўчириб ташлаш;

- бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган тамойилларни атайин бузиш.

Активларни ўзлаштириш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин, масалан пул маблағлари, моддий ёки номоддий активларни ўзлаштириш мақсадида мавжуд бўлмаган товар ва хизматларнинг тўлови билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш.

Одатда, бундай ҳаракатлар активлар етишмовчилигини яшириш мақсадида содир этилиб, бухгалтерия ёзувлари ёки ҳужжатлар чалкашликларига олиб келади.

Далиллар тўплангунга қадар аудитор миждонсизлик ҳужжатлари ва ёзувларини ҳақиқий ҳужжат сифатида қабул қилишга ҳақли.

Молиявий (бухгалтерия) ҳисоботни қасдан нотўғри тузиш натижасида куйидаги таваккалчиллик билан боғлиқ омиллар юзага келиши мумкин:

1. Ташкилотнинг бошқаруви ва раҳбариятининг ўзига хос томонларига тегишли бўлган риск омили, ташкилот қўлланмалари ва унинг бошқариш муҳити хусусиятларига таъсир кўрсатувчи хавф омиллари, молиявий ҳисобот тузиш жараёни ва ички назорат воситалари муносабатлари ва бошқариш услуги, томонлар ўртасидаги таъсир ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлади:

- Молиявий (бухгалтерия) ҳисоботни виждонсизлик билан тузишдан раҳбарият манфаатдор бўлганда;

- Молиявий ҳисобот тузиш жараёнининг ҳаққонийлиги ва ички назорат воситаларининг ишончлилигига раҳбарият панжа ортидан қараган ҳолларда;

- Бошқарувдаги ходимлар молиявий саволларга тааллуқли бўлмаган масалалар устида ҳаддан ортик фаол ҳаракат қиладилар,

ҳисоб сиёсатини танлаш ёки молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аниқ баҳолашга қаратилган фаолият билан шуғулланганларида;

- Ходимлар кўнимсизлигининг асосий қисми бошқарув ва раҳбариятда ишловчилар орасида кузатилганда;

- Раҳбарият ва аудитор ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда;

- Ўтган даврларда ташкилот номига ёки унинг раҳбариятига йўналтирилган шикоятлар бўлган, улар қимматли қоғозлар савдоси конунчилиги бузилишлари омиллари ва виждонсизлик билан амалга оширилган ҳаракатлари натижаси бўлган ҳолларда;

- Корпоратив бошқарув амалиёти камчиликларга эга ёки самарасиз бўлганда, раҳбариятга боғлиқ бўлмаган, мулкдорларнинг бошқарувда фаолият юритмаслиги бунинг исботидир;

- Ички назорат ва молиявий ҳисобот тизимида, молиявий ҳисобот тузиш саволларига мулкдорлар томонидан етарлича эътибор кўрсатилмаган ҳолларда.

2. Ташкилотнинг фаолият соҳасига оид рискларига таъсир этувчи омиллар:

- ташкилотнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар

- рақобат даражаси ёки бозорнинг тўйиниши фойданинг меъёрдан камайиши билан боради;

- ташкилотлар банкротлиги ҳолатлари миқдорининг ортиши ва харидорлар талаби миқдори камайиши тармоқ молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади;

- тармоқларда ташкилот фаолияти шароитларининг тез ва сезиларли ўзгариши ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатади (масалан, тез ўзгарувчи технологиялар ёки тез эскирувчи маҳсулотлар)

3. Ташкилотнинг молиявий барқарорлиги ва хўжалик фаолиятига тааллуқли хавф омиллари:

- хўжалик фаолияти натижасидаги тушум ҳажми ва ўсишини ифодалашда пул окимларини ҳисоблаш ишларини амалга ошира олмаслик;

-рақобат кураши ўйинларида қўшимча капитал олиш қийинчиликлари, текшириш ва қайта ишлашга асосий харажатларни молиялаштириш учун воситаларнинг етишмаслиги ҳамда капитал қўйилмаларни молиялаштириш;

Шубҳали ёки субъектив равишда аниқланган асосий баҳоланувчи кўрсаткичларни қайта кўриб чиқиш лозим, агар ушбу иш амалга оширилмаса, келажакда корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигига ёмон таъсир этиши мумкин.

Бир қанча субъектив фикрларни ёки ноаниқликларни ўз ичига олган, шунингдек яқин келажакда ўзгартирилиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган корхонанинг молиявий аҳволини кескин ёмонлаштирадиган муҳим аҳамиятга эга бўлган баҳолаш кўрсаткичлари (масалан, дебитор қарзларни максимал даражада қичқартириш, фойдани тан олиш муддати, таъминотни ўта субъектив баҳолаш ёки баҳолаш қийин бўлган тўлов манбаи асосида молиявий воситаларнинг реализацияси, шунингдек сарф харажатларнинг сезиларди кечиктирилиши);

- одатдаги хўжалик фаолиятини юритишга тааллуқли бўлмаган аффилиланган шахслар билан муомалалар;

- ноодатий ёки мураккаб хўжалик муомалалари (асосан ҳисобот даври яқунланаётганда), муаммоли нуктаи назардан шакл талаб даражасида бўлиши керак;

- хўжалик фаолияти нуктаи назаридан етарли маълумотлар йўқлиги офшор мамлакатлар ёки ҳудудларда жойлашган ташкилот ёки филиалларда, банк ҳисоб рақамларидаги йирик операциялар;

- тармоқдаги ўхшаш ташкилотлар кўрсаткичларидан кескин фарк килувчи ноодатий фойда ўсиши;

- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгаришига, қарз мажбуриятларига ҳар томонлама қарамлик, мавжуд шартномалар ва қарз мажбуриятлари тўланиши юзасидан бўладиган талабномаларни қондиришга қодир эмаслик, яъни тўлаш мушкул бўлган ҳолатлар;

- мажбурий қарздорлик билан юқори боғлиқлик, мажбуриятлар ошишида талабларни бажариш хусусияти етишмаслиги ёки бажарилиши қийин бўлган шартномаларнинг кўплиги;



- фойдалиликни стимуллаштириш дастури ёки сотув ҳажмининг ноодатий агрессив характерлиги;

- банкротлик таҳдиди, мулкнинг мусодара бўлиши;

- агар хўжалик фаолиятида молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари коникарли бўлмаса, йирик хўжалик операцияларини амалга оширишнинг имконияти йўқлиги натижасида (масалан ташкилотларни бирлашиши ёки шартномалар тузиш), салбий оқибатларни келтириб чиқариши;

- йирик қарздорлик мажбуриятларини раҳбарият томонидан кафолатланиши натижасида молиявий ҳолатнинг тобора ёмонлашиши;

Активларни ноқонуний ўзлаштириш билан боғлиқ виждонсиз хатти-ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф омиллари:

1. Активларни ўзлаштириш билан боғлиқ хавф омиллари:

- йирик суммаларда нақд пул муомаласи;

- моддий захиралар хусусиятлари (масалан катта бўлмаган ўлчамни юқори кийматда ёки юқори талаб билан биргаликда амалга ошириш);

- осон айланувчан активларнинг мавжудлиги (масалан, пул ҳужжатларини қимматбаҳо тошларга);

- катта бўлмаган ўлчамдаги бозорбоп мавжуд асосий воситалар бўйича муқдорларни аниқлаш белгилари йўқлиги.

2. Назорат воситалари билан боғлиқ хавф омиллари:

- раҳбарият томонидан назоратнинг йўқлиги (масалан узок ҳудуддаги фаолияти юритувчиларнинг кам текширилишини оқлаб бўлмайд)

- ўзлаштирилишга мойил бўлган активларнинг ҳисоб тизимида тартиб йўқлиги;

- масъул ходимлар орасида мажбуриятларнинг тақсимланиши йўқлиги ёки мунтазам мустақил текширишлар ўтказилиши;

- раҳбарият томонидан хўжалик операцияларида мос руҳсат ва тасдиқлаш тизими йўқлиги (масалан харидни амалга ошириш);

- муомалаларни ҳужжатлаштиришни ўз вақтида амалга оширмаслик;

-асосий назорат функцияларини бажарувчи ишчиларнинг навбатдаги меҳнат таътили ҳуқуқидан фойдаланмаслиги.

## **6.2. Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш**

Ички аудиторлик текшируви моҳиятан ҳужжатлар ёрдамида амалга ошириладиган текширув бўлиб, жараён бошидан охиригача ҳужжатлаштириб борилади. Шу нуқтаи назардан, олинган маълумотларни ҳужжатларда акс эттириш қуйидагиларга асосланади:

- аудит ўтказиш режаси ва дастури;
- текшириш жараёнида келиб чиққан саволларга бўлим ходимлари томонидан берилган тушинтиришлар, аризалар, аниқлик киритувчи хатлар;

- бўлимнинг бошланғич ҳужжатлари нусхалари: объектлар фотосуратлари, далолатномалар, маълумотлар, баённомалар, инвентаризация ёзувлари ва бошқа ҳужжатлар, хўжалик муомалаларидан далолат берувчи ҳужжатлар, бўлим ишчилари ва бошқа ишчилар билан биргаликда тузилган текширишга алоқадор бўлган текшириш далолатномасини исботловчи ёзувлар;

- бухгалтерия ҳисоби регистрлари;
- инвентаризация натижалари;
- бухгалтерия ҳисоботи;
- оператив тизим ва омбор ҳисобини баҳолашни ўрганиш тўғрисидаги ёзувлар, саволлар, ҳужжатлар айланиш схемаси ва бошқалар;

- ҳақиқатда ишлаб чиқариш-молиявий кўрсаткичлар таҳлили;
- аудитор томонидан эмас балки унинг назорати остида амалга оширилган ишлардан далолат берувчи материаллар;

- карама-қарши текширув ҳужжатлари ва бўлим ишчилари бўлмаган шахсларнинг тушунтиришлари;

- бухгалтерия, оператив ички хўжалик ҳисоботи нусхалари.

Текширишни ўтказаяётган аудитор текшириш далолатномасига қўшимча ички аудит ишчи ҳужжатларини рўйхатини ўзи

белгилайди. Бу ҳужжатларнинг асосий шарти - текшириш материалларидан келиб чиқиб, хулоса ва таклифларнинг ишончлилиги. Шунинг учун далилларни тўплашда чегараланишга йўл қўйилмайди.

Хўжалик операцияларини таққик қилиш натижасида ички аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллари энг юқори баҳоланади.

Аудитор шахсан ўзи бирламчи ҳужжатларни яратади ва далиллар билан тўлдиради, масалан жадвал кўринишида, ҳисоб-китоблар ва бошқалар. Бу махсус маълумотга эга бўлмаган мансабдор шахслар ва корхона таъсисчиларига тўпланган ахборотни тушунишга ёрдам беради.

Ички ҳужжатларга далил сифатида қуйидаги ҳужжатлар нусхаларини олиш мумкин:

- филиаллар, бўлимлар тузилиши, лавозим йўриқномалари, бўлимлар ишчиларининг меҳнат шартномалари тўғрисидаги қоидалар;

- директорлар кенгаши ва ташкилотнинг бошқа шунга тенглаштирилган бошқарув органларининг баённомалари;

- филиал ва ташкилотнинг шартномалари ҳамда топшириқларни бажарганлиги ҳақидаги оператив маълумотлари ва ички фирма, статистика, бухгалтерия ҳисоботлари;

- ички фирма йўриқномалари, методик қўлланмалар ҳужжат айланиши графиги ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмаси фаолияти, филиал ва бўлимлар ишлаб чиқариш фаолиятини кўрсатувчи ҳужжатлар;

- хизмат текширув материаллари, реклама ҳужжатлари, суд ва арбитраж суд ҳужжатлари, корхона бўлим ва филиаллар биноларини визуал кўздан кечириш далолатномалари.

Агар ички аудиторга ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мос тузилма бўлимлари томонидан тақдим қилиниши керак бўлган бирламчи ҳужжатлар тақдим қилинмаса, у буларни ҳисобот ҳужжатларида кўрсатиши ва баҳолаши лозим, чунки бундай ҳолат

корхона ва бўлимлар фаолияти ҳамда ички текширувларига таъсир кўрсатади.

Ички аудит томонидан ички ҳисобот ёки бухгалтерия ҳужжатларида камчиликлар аниқланса, у камчилик тури ва аниқланган камчилик хавф омилларини кўрсатиб ўтиши керак. Авваламбор, солиқ нуктаи назаридан шу камчиликлар, унинг сабаблари бартараф қилинмаслиги натижасида қандай оқибатлар келиб чиқиши (корхонанинг ўрнатилган қоидалари ва бухгалтерия ҳисоби юритишдаги бузилишларида; шартнома муносабатларини ўзгариши ва уларни бўлимларгача етиб бормаслиги; арифметик ва мантикий хатолар, ҳисоботни тўла кўриб чиқмаслик; атайлаб ёки атайлаб қилинмаган ноодатий шарномалар). Бухгалтерия ҳисоботида камчиликларга йўл қўйган жавобгар ходимлар айбдорлиги тўғрисида ҳулоса қилиш текширувни тайинлаган шахснинг вазифаси ҳисобланади. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан, унга масъул бўлган шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисида қарор чиқариш аудиторнинг вазифасига кирмайди.

Текшириш якунланган вақтда барча ишчи ҳужжатлар тайёрланган ва расмийлаштирилган бўлиши керак. Бу ахборотларни электрон ёки бошқа ахборот тизимларига киритилиши, маълумотлар ва унинг таркиби сақланиши кафолатланиши керак ҳамда маълум муддатгача ишчи ҳужжатлар архивда сақланиши лозим. Ишчи ҳужжатларда унга киритилган маълумотлар манбалари кўрсатилиши керак. Агар уларда шартли белгилар (символлар) бўлса, уларга изоҳ берилиши керак. Ҳар бир ҳужжат идентификацион рақамга эга бўлиши керак. Иденфикацион рақамни тузиш тизими ва ўзлаштирилишини аудиторлик ташкилоти белгилайди.

Аниқланган камчиликлар «Ички аудит хизматининг йиғма ҳисоботи»да кўрсатилади. Бунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги аниқланган барча камчиликлар ва бузилишлар ҳам кўрсатилиши керак. У икки нусхада тузилади. Бир нусхаси кузатув кенгашига тақдим этилади. Кузатув кенгаши тасдиқлагач, тасдиқланган нусхадан кўчирма бошқарувчи ва бош бухгалтерга, мумкин бўлган қарама-қаршиликлар, баҳсли вазиятлар учун

танишиш мақсадида тақдим этилади. Иккинчи нусхаси ички аудиторнинг ишчи ҳужжати сифатида фойдаланилади.

Ишчи ҳужжатларда сақланувчи маълумотлар конфиденциал бўлиб, ошкора қилишга йўл қўйилмайди. Бу ҳужжатларнинг сақланиш тартиби ва муддати аудиторлик текширувини белгилаган мансабдор шахс томонидан тузилади.

### **6.3 Аудит далилларни олиш учун аудиторлик амаллар кетма кетлиги**

#### ***Аудиторлик далиллар ва аудит амаллари***

Аудит далиллар аудиторлик хулосасини тасдиқлаш учун аудитор томонидан олинган маълумот. Хулосани шакллантиришда Аудиторлик фаолиятининг энг кўп иши аудит далилларни олиш баҳолашдан иборат. Бу аудит амалларида амалга оширилади ва уч тоифага бўлинади:

- **Рискларни баҳолаш жараёнлари.** Аудитор томонидан молиявий ҳисоботлардаги хато ёки фирибгарлик бўйича рискларни аниқлаш ва баҳолаш учун маълумот олинади. Аудит хулосасини тузишда етарли далиллар олинмаганда, аудитор ўзи рискларни баҳолаш жараёнини амалга оширади ва бу аудитни режалаштириш мақсадлари учун фойдаланилади.

- **Назорат тестлари.** Аудит жараёнларининг одатда тасдиқлаш босқичида, жиддийлик даражасини олдини олиш, ёки аниқлаш ва тузатишда назорат фаолият самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган.

- **Мустақил жараёнлар.** счётлардаги жиддийлик даражасини аниқлаштирадиган аудит жараёни бўлиб, қайсики батафсил тест ва мустақил тахлилий жараёнини ўз ичига олган.

Аудитор аудиторлик хулосасини тақдим қилишда етарли даражада тегишли аудит далилларни олиш учун аудит тартибларини амалга ошириш учун масъулдир. Аудиторлар аудит амалини бажариш учун аудиторлик тартиб табиати, вақти ва узайтириш ҳақида қарор қабул қилади. Аудит амалининг яна бир табиати, аудитнинг мақсад ва унинг турини кўрсатади. Аудит амалини

аниқлашнинг мақсади бу рискни баҳолаш тартиби, назорат тест, ёки мустақил жараёнларидир. Аудит амалларининг турлари ҳужжатларни текшириш, активларни текшириш, кузатиш, ташқи тасдиқ, қайта ҳисоблаб чиқиш, солиштирма ҳисоб, таҳлилий жараёнлар, кўриш ва талаб этишни ўз ичига олади. 6.1 Жадвалда ҳар бир жараён турлари изоҳланган. Умуман олганда, ҳар бир амал тури бу аудитор томонидан қайси нуктаи назардан қарашига қараб, рискни баҳолаш тартиби, назорат тести, ёки мустақил жараёнларда фойдаланиш мумкин.

### 6.1 Жадвал

#### Аудит амалларининг турлари

Аудит амалларининг турлари	Мисол
Ҳужжатларни текшириш	Далилларни тасдиқлаш учун миждоз ҳужжатини ўрганиш
Активларни текшириш	Мижоз активларни жисмоний мавжудлигини текшириш
Кузатиш	Жараён ёки тарибни кузатиш, хусусан миждоз чекланган ҳудудлардан фойдаланган томонларни
Ташқи тасдиқ	Аудитор учун тўғридан-тўғри ёзилган, миждознинг харидори томонидан қарз миқдорини тасдиқловчи, учинчи шахснинг тасдиғни олиш
Қайта ҳисоблаб чиқиш	Қайдлар ва ҳужжатлардаги математик аниқликни текшириш, мисол учун инвенторларни ҳисоблашдаги
Солиштирма ҳисоб	Мижоз томонидан ҳақиқий бажарилган ишни мустақил равишда тариб ва назоратни бажариш, мисол учун банк билан солиштирма ҳисоб
Таҳлилий жараёнлар	Молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги боғлиқликни ақлан таҳлил қилиш

Кўриш	Тахлилий жараённинг тури, бунда одатда бухгалтерия маълумотлари муҳим ёки муҳим эмаслигини аниқлаштириш учун кўриб чиқилади, мисол учун счётнинг кредит баланси дебет баланси билан текширилади
Талаб этиш	Мижоз ташкилотнинг ички ёки ташқи шахслари маълумотлари кидирилади, мисол учун ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар ҳақида молиявий директор ёки бош директор билан алоқадорлик

Аудит амали вақти бу аудиторлик далиллар амал қиладиган давр ёки санада бажарилишни англатади. Мисол учун, амал мижознинг йил охиригача мижознинг йил охирида ёки оралиқ санада амалга оширилиши мумкин. Аудит амали кўлами миқдорда амалга оширилиши назарда тулади (масалан, назорат фаолиятинининг кузатувлар сони ёки танлов кўлами). Аудит амаллари бажарилиш давомида аудит дастури деб аталадиган ҳужжатда йиғилади. 6-бобда биз аудит амаллари ва аудит далиллар ҳақида кўпроқ маълумот берамиз.

Далилларга мисол: Менежмент томонидан тасдиқланган далилларни олиш -мустақил аудиторлик амали

Аудиторлик танлашда аудит амали ва далиллари бу муайян счётлар ва тасдиқланган тестдир. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботида асосий воситалар ва қуйидаги баҳолашни назарда тутагучи аудитини кўриб чиқайлик:

Молиявий ҳисоботда кўрсатилган ускуналар амортизация учун тўғри қийматда баҳоланади.

Бу тасдиқлаш тўрт асосий унсурни ўз ичига олади:

- бу йил қўшилган янги активларни баҳолаш
- олдинги йилларда сотиб олинган активларни баҳолаш
- амортизацияни тўғри қайд қилиш

- мавжуд активларнинг қиймат пастлиги салоҳияти

Буларга мисол учун, биз жорий йилда қўшилган ускуналарни тўғри баҳоланганига эътибор қаратамиз. Аудит амаллари бунда қуйидагилардан ташкил топади:

- **АВга қўшилишни ҳужжатларда текшириш орқали аудит қилиш** – АВга барча қўшимчаларни танлаш, счёт фактура орқали таннархни аниқлаш, ва тўғри ҳисобда қайд этилганини аниқлаш. Агар баҳолашда ҳатолик юқори rischi бўлса, аудитор танлаш кўламини кенгайтириши мумкин.

- **Менежмент талаби ва активларни текширув орқали АВга қўшимчаларнинг қиймат пастлиги салоҳиятини баҳолаш**– Ушбу амаллар паст баҳода ҳисобдан чиқариш керак бўлганда аудиторга аниқлашга ёрдам беради. Жорий иқтисодий маълумот ва мустақил далилларни активларни жорий бозор нархи сифатида менежментнинг ҳисоботини тасдиқламоқ учун фойдаланиш мумкин.

Бу аудит амалларининг муҳим элементлари қуйидагилар:

- Тест учун кўламини танлаш. Аудитор намуна нусхасини олиши керак, чунки кўпинча АВга барча қўшимчалар кўриб чиқиш жуда қиммат. Танлаш кўламини агар юқори ҳатолик rischi мавжуд бўлганда оширилиши мумкин. Танлаш кейинги 8 бобда муҳокама қилинади.

- Қийматли ҳужжат далилларни текшириш. Аудитор тўлов миқдори ва сотиб олинган ускуналар ҳолатига доир ташқи, объектив далилларни текширади, масалан счёт фактура.

- Бошқа амаллар билан талаб қилиш ва тасдиқлаш. Аудитор эҳтимол айрим аудит далилларни олиш учун менежментдан талаб этса, менежмент айтган қўшимча далилларни аудитор тасдиқлаши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, масалан ҳужжатларни текшириш ёки кузатиш

### **Аудит ҳужжатлари**

Аудитор аудит стандартларига мувофиқ аудит режалаштирган ва амалга оширганини далиллар асосида аудит ҳужжатларини тайёрлаш керак. Иш қоғозлари ёки ишчи қоғозлар атамалари баъзан аудит



хужжатларига мурожаат қилинганда ишлатилади. Аудитор аудит амалларини ҳужжатлар асосида амалга ошириб, аудит далиллар текширилади ва молиявий ҳисоботларга тегишли хулосалаштирилади. Аудит стандартлари бу аудит ҳужжатларидан бошқа мақсадларга хизмат қилади, жумладан:

- Аудитни режалаштириш ва амалга оширишда ишчи гуруҳга кўмаклашиш

- Аудит ишида ишчи гуруҳ аъзолари маъсул бўлган назорат ва кузатиш учун кўмаклашиш

- Шу каби ташкилотнинг келажақдаги аудити давомида ахамиятга молик масалаларни қайд қилиш

- Тўлиғича аудитда ички ёки ташки текширувларни ўтказиш

- Жорий ишларни бажариш ва режалашитиш каби олдинги йилдаги бажарилган ишларни тушунишда аудиторга кўмаклашиш

Аудит ҳужжатларига мисоллар қуйидагилар:

- Аудит дастурлари

- Мижоз ёки аудиторлар томонидан тайёрланган таҳлиллар

- Меморандумлар

- Мухим топилмалар ёки масалаларни қисқача баёни

- Тасдиқлаш ва баёнли ёзувлар

- Назорат қоғози

- Мухим топилмалар ёки масалаларига доир (шу жумладан э-маил) ёзишмалар

- Ёзишмалар

#### **6.4. Кичик бизнес ташкилотларда ички аудити хусусиятлари**

Кичик иқтисодий субъектлар учун характерли ички назорат ўтказиш тартибига таъсир қилувчи бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Бу хусусиятлар қуйидаги омиллар таъсирида келиб чиқади:

А) ҳисоботни тайёрлаш ва ҳисобни юритишга жавобгар тармок ишчиларининг йўқлиги ёки чекланганлиги;

Б) бундай иктисодий субъект фаолиятига якка бошқарув ёки мулкдорнинг ҳар томонлама таъсири бўлади.

Кичик иктисодий субъектлар аудити вақтида асосий эътиборни қуйидаги омилларга қаратиш мумкин:

А) ҳисоб ёзувларининг мунтазам юритилмаслиги, формал талабларга риоя қилинмаслиги, бухгалтерия ҳисоботида камчиликлар пайдо бўлиш хавфини оширади.

Б) иктисодий субъект раҳбарлари аудит вақтида аудиторлик хулосасини берувчиларни, ҳисобни қайта тиклаш, йўл қўйилган хатоликларни тўғрилаш, бухгалтерия ҳисоботини тайёрлаш каби ишларни аудиторлик ташкилоти қўшимча хизмат тарикасида қилиб беради, деб нотўғри фикрлашади.

В) бошқа иктисодий субъектларга қараганда ишчилар ҳисобдаги таркиби, миқдори объектив сабабларга кўра жавобгарликни таъминлай олмайди.

Г) кичик иктисодий субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритувчи ходимлар бир вақтнинг ўзида осон яшириш, мусодара қилиш, сотиш мумкин бўлган қимматликлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар ва бу суистеъмолликлар келиб чиқишига имкон яратади;

Д) агар кичик иктисодий субъектлар нақд пулга кўп миқдорда операциялар бажарса, шундай ҳолат бўлиши мумкинки, бунда тушум акс этмайди (солиқ қонунчилиги шартларини бузиш мақсадида), харажатлар эса оширилади (ишлаб чиқариш воситалари харажатларини шахсан бошқарувчи ишчилар томонидан ўзлаштириш мақсадида);

Е) бухгалтерия ҳисобини юритувчи ишчилар сони чегараланган бўлса, ҳисоб маълумотларини мунтазам текшириб бориш қийин ёки мумкин эмас, бу бухгалтерия ҳисоботида камчиликлар ва хатоликлар келиб чиқиш хавфини оширади.

Кичик иктисодий субъект фаолиятига мулкдор ва бошқарувчининг ҳар томонлама таъсири шу корхонадаги бухгалтерия ҳисоботи ишончлилигига ва ички назорат тартибига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир томондан баъзи ҳолларда раҳбарнинг назорати остида иқтисодий субъект ҳисоботи ишончилиги ошиши мумкин.

Объектив сабабларга кўра кўшимча (муқобил) ички назорат воситалари қийин ёки мумкин бўлмаса, бошқа томондан бошқарувчининг кўп томонлама таъсирида умумқўлланиладиган назорат ишлари бузилиши мумкин. Қонунчилик бузилиш ҳоллари кўпайиши бухгалтерия ҳисоботида атайлаб уюштирилган камчиликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Йирик хўжалик субъектлари муносабатларида қўлланиладиган кўпчилик ички назорат воситаларини (ташкilot бўлимлари сифатида ички аудит хизматини ташкил қилиш) кичик бизнес субъектларга қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, кичик ишлаб чиқариш субъектларида бухгалтерия ҳисоби жараёни кам сонли одамлар ёрдамида амалга оширилади, улар бухгалтерия ҳужжатларини тайёрлаш билан бирга уларни сақлаш мажбуриятини ҳам бажаришади. Бундан кўринадики, мажбуриятларни тақсимлаш имкони бўлмайди ёки чегараланган бўлади.

Баъзи ҳолларда текшириладиган корхона ходимлари орасида мажбуриятларнинг етарлича тақсимланмаганлиги жиддий бошқарув назорати остида сезилмай кетиши мумкин, бу назорат мулкдор ва бошқарувчи бир киши бўлган ҳолларда кузатилади. Яъни, мулкдор бир вақтнинг ўзида бошқарувчи бўлади, у операцияларда ўзи иштирок этади ва хўжалик субъекти фаолиятига тааллуқли билимларга эга бўлади.

Кичик ва катта бизнес ташкилотлари штат жадвалига ички аудитор лавозимини киритиши ёки аўсорсинг шароитида аудитор-консултантларни жалб қилиши яхши самара беради.

Назоратнинг бундай воситалари хусусий ташкилотлар (акционерлар, пайчилар) учун айниқса қулайдир. Булар капитал қўйишда иштирок этмайдиган ёки унда кичик пайга эга бўлган бошқарувчи томонидан бошқариладиган ташкилотлардир.

## **6.5. Компьютер муҳити тизимида ички аудитни ўтказиш**

Ички аудит ташқи аудитдан фарқли равишда корхона ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади. Ички аудит ички хўжалик назорати учун корхона молиявий ҳолати, харажатлар манбаи, захираларни аниқлаш, бошқариш тизимини ташхислашга қаратилган бўлиб, у раҳбариятни корхона иктисодининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар билан таъминлайди.

Ички аудит хизмати корхонанинг ҳисоботини таҳлил этади, келгусидаги ривожланиш йўналишини аниқлайди ва раҳбариятга қарор қабул қилишда ёрдам беради. Назоратнинг алоҳида корхона микёсида режалаштирилиши, ҳисоб, маркетинг, маҳсулотни яратиш ишларини умумлашган ҳолда қарашга ёрдам беради.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш замонавий ахборот технологияларига асосланган бўлиб, у нафақат аудитни амалга ошириш учун вақтни ва воситаларни тежашга, балки қўлда ҳисоблаб топиш мураккаб бўлган ахборотни ҳам олиш имконини беради. Бу ахборотлар авваламбор корхона стратегияси, молия-хўжалик ҳолатини яхшилаш йўллари ва воситаларига тегишлидир. Компьютерлашнинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш ўтган давр ахборотларига асосланиб, ҳисобот даврида раҳбарият қандай йўл тутиши кераклиги, ҳисобот даври ахборотига асосланиб эса келгусида қандай ҳаракат қилиш кераклигини аниқлаш имкони беради. Бу ахборот корхона ва ташкилотлар раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган қарорга объектив баҳо бериш учун асос бўлади.

Ҳисоб тизимини ва ҳисоботни ташкил этишни назорат қилиш аудитордан турли кўрсаткичларни ҳисоблашни, солиқ ставкаларини, коэффициентларини, қонуний ҳужжатларни ва турли меъёрий ҳужжатларни билишни талаб этади. Шунингдек, ҳисоб юритишда турли кўрсаткичларни ҳисоблаш амалларини билишни талаб этади. Аудит жараёнини автоматлаштириш эса аудитор ишининг самарасини оширади. Кўплаб меъёрий-маълумотнома ахборотларини компьютер хотирасида саклаш бир томондан аудиторнинг имкониятларини оширади, иккинчи томондан эса назорат маслаҳат тизимини яратиш имконини беради.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш тизими қуйидаги компонентлардан ташкил топган бўлади:

- аудит жараёнини ақс эгтирувчи иқтисодий математик, иқтисодий-ташкилий ва ахборот моделларидан;
- моделларни амалга оширувчи техник дастур, ахборот ва бошқа воситалардан.

Компьютер тизими функционал ва таъминот қисмларидан иборат бўлади. Функционал қисми аудитни бажаришда ишлатиладиган ахборотлар ва математик моделларда, стандартларда, меъёрларда ва бошқаларда ақс этган усуллардан, услубиятлардан ва кўрсатмалардан ташкил топган.

Таъминот қисми эса аудит функциясини амалга оширишга қаратилган ахборот, дастур, техник ва бошқа таъминотлардан иборат бўлади.

Компьютер тизимининг функционал қисмини кенгрок қарайдиган бўлсак, у функционал қуйи тизимлардан ва маълум белгилар бўйича ажратилган комплекс масалалардан иборат бўлади, масалан:

- аудит тури бўйича (ташки, ички);
- аудит функцияси бўйича (назорат-тафтиш, баҳолаш-маслаҳат, маслаҳат-прогнозлаш ва ҳоказо);
- аудит участкаси бўйича (ҳисоб ходимлари, ҳисоб тизими, ҳисобот ҳужжатлари, маъмурият ва ҳоказо).

Ички аудит хизмати қуйидаги иккита комплексга бўлинади:

- «Ҳужжатлар» (ҳисоб тизимини ва ҳужжатларни баҳолаш);
- «Маслаҳат бериш» (корхонани ташхислаш ва кейинги даврдаги ҳаракати учун кўрсатмалар бериш).

«Ҳужжатлар» комплекси молиявий-хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларида тўғри ақс эгтирилганлигини текширишга мўлжалланган. Бу комплекс «Персонал» ва «Ҳисобот» комплекси масалаларини ҳам ўз ичига олади.

«Персонал» комплекси корхонадаги молиявий-хўжалик ҳисоби тизимини баҳолаш учун, шунингдек, ҳисоб ходимларининг қасддан

ёки тасодифий қилган хатоларини аниқлашга қаратилган. Комплексга икки турдаги масалалар киради. Биринчиси, корхона балансининг у ёки бу моддасига тегишли бўлган бухгалтерия ҳужжатларини текширишга қаратилган. Шунинг учун аудитор хоҳишига кўра ҳисобдаги маълум бир йўналиш танлаб олинади. Маълум модда бўйича ҳисоб операцияларини тўғри ақс эттирадиган ҳужжатларининг таҳлили масала деб юритилади. Ҳар бир масала ечими ҳужжатларини қуйидаги тартибда текшириш имконини беради:

- бирламчи ҳужжатлар;
- журнал-ордер ва йиғма қайдномалар;
- бош китоб;
- корхона баланси.

Комплекснинг иккинчи қисми молиявий муомалалар аудити учун мўлжалланган бўлиб, улар қуйидагича таснифланган;

- асосий воситалар аудити;
- валюта маблағлари ҳисоби ва ҳисоб-китоб муомалалар аудити;
- корхона маблағлари манбалари аудити;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи калькуляцияси аудити;
- меҳнат ҳисоби ва иш ҳақи аудити.

Агар хато аниқланган бўлса, унинг сабабини аниқлаш лозим (қасдданми, тасодифийми ёки ҳисоб тизими сабаблими). Хатонинг сабабини мутлақ аниқ таъкидлаш кийин. Шунинг учун ишонч коэффициентларидан ёки ноаниқ мантиқ назариясининг ишонч ўлчовларидан фойдаланиш мумкин.

Бу коэффициентлар хатоликларни 0 дан 1 гача бўлган шкалада баҳолаш имконини беради.

Текширув натижалари махсус файлларда сақланади ва тизим иши охирида аудиторлик ҳулосаси учун фойдаланилади.

Комплекснинг ишлаши назорат-маслаҳат тизими тамойилига асосланган бўлиб, бу киритиладиган ахборот ҳажмини кескин камайтириш имконини беради ва демак, ишнинг нархини камайтиради, аммо иккинчи томондан эса ҳисоб тизимида хатога йўл

қўйиш хавфини вужудга келтиради. Бунинг сабаби ҳисоб персонали ҳаракатини тўлиқ эмас, танлаб текшириш эканлигидир.

“Ҳисобот” комплекси корхона ҳисоботининг тўғри тузилганлиги ва ҳаққонийлигини текшириш масалаларни ўз ичига олади.

Унга асосан қуйидаги масалалар қиради;

- ҳисобот ҳужжатлари кўрсаткичлари мослигини текшириш;
- ҳисоб-китобнинг тўғрилигини текшириш.

Сўнгги масала ўз навбатида аудиторни қизиқтирадиган бир нечта қуйидаги масалаларга бўлиниши мумкин.

Биринчи масала махсус тест жадваллари, текшириш қодалари, стандартлар ва меъёрлар ёрдамида ечилади.

Жадваллар, кўрсаткичлар, проводкалар, ҳисоб регистрлари ёзувлари орасидаги арифметик ва мантикий боғлиқликларни ўз ичига олади.

Қодалар экспертнинг билими асосида тузилади ва ҳисоб персонали ҳаракатини текширишдаги аудитор бажарадиган ишлар кетма-кетлигини ақс эттиради. Стандарт ва меъёрлар аудит қилинадиган кўрсаткичларнинг чегаравий қийматларини (солик ставкалари, кредит фойзалари ва хоказо) ифодалайди. Хатоликлар сабаблари турлича бўлиши мумкин: ҳисоб операцияларни бажаришда етарлича эътибор берилмаганлиги, қасдан фактларни ўзгартириш, ёки ҳисобнинг ноўғри қўйилганлиги.

Ички аудитда ахборот базаси корхонада тадбиқ этилган ҳисоб қуйи тизимларига тегишли бўлганлиги учун нафақат назорат-маслаҳат тизимини ишлатиш, балки барча бухгалтерия ҳужжатларини тўлиқ текшириш мумкин.

Ички аудитда асосий вазифа иккинчи комплексга – “Маслаҳат бериш”га юкланади.

Комплекс қуйидаги масалалардан таркиб топган бўлади:

- молиявий ҳолатини комплекс ташхислаш;
- рентабелликни ташхислаш;
- молиявий-мулкый ҳолатни ташхислаш.

Ҳар бир масала ташхиси икки босқичда, яъни локал ва умумий босқичларда бажарилади. Локал ташхислаш айрим “тор” доирадаги камчиликларни аниқлаш имконини берса, умумийси бутун корхона учун кўрсатма беради. Иккала ҳолда ҳам кўрсатмалар қисқа ёки батафсил тарзда бўлиши мумкин.

Локал ташхислаш иктисодий ҳолатини ёмонлаштирадиган алоҳида омилларни аниқлаш имконини беради ва уларни тузатиш йўллари кўрсатади. Бу босқичнинг афзаллиги бир томондан тизимнинг ишлашидаги нисбатан оддийлик бўлса, иккинчи томондан натижаларининг аниқлигидир.

Умумий ташхислаш локал ташхислашда аниқлаш мумкин бўлмаганларнинг билвосита сабабларини ёки умумий қабул қилинадиган меъёрларни қаноатлантирадиган, аммо бошқа меъёрлар билан биргаликда амал қилганда корхона ҳолатини ёмонлашувига олиб келадиган сабабларни аниқлашдан иборат. Бунда ҳам локал ташхислаш каби тизим томонидан бу босқичда бериладиган кўрсатмалар қисқа ёки батафсил характерга эга бўлади. Берилган шакл фойдаланувчининг хоҳишига кўра, шунингдек ҳисоб талабига кўра бўлиши мумкин.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ташқи аудитни компьютерлаштириш тизими ички аудит тизимидан функциялари ҳамда ахборот манбалари билан ва энг асосийси фойдаланувчилари билан фарқ қилади. Ташқи аудитга мўлжалланган тизим текшириладиган корхонанинг умумий стандартлари ва қоидаларини ҳисобга олиши керак. Булар корхонага ташқаридан келади ва маълум умумий хусусиятга эга бўлади. Бундаги муаммо ташқи аудитни бажарадиган компьютер тизимининг корхонада мавжуд бўлган дастурлар воситаси муҳитига (операцион тизими, сервис воситалари ва ҳоказо) мос келишидир.

Ички аудитни компьютерлаштириш тизими эса, аксинча, у айнан ушбу корхона учунгина яратилган бўлиб, унинг ҳисоб хусусиятларини, молиявий ва бошқа кўрсаткичларини ҳисоблашни ақс эттиради. Масалан, рентабеллик турлича усуллар билан ҳисобланади, аммо, бу корхонада аниқ бир усул қўлланилиши



мумкин. Ташхислаш ва кўрсатмаларни бериш ҳам махсус тарзда амалга оширилши мумкин. Булар корхонанинг раҳбарияти қўйган мақсад ва масалаларни ифодалайди.

Мақсад ва масалалар эса корхона раҳбарияти ва белгиланган экспертлар томонидан шакллантирилган ҳамда улар билан келишилган ҳолда қўлланилиши мумкин. Шунинг учун бу тизимни турли корхоналарга мослаштириш бир мунча мураккаб ва муаммоли бўлади.

Аудиторлик фаолиятини компьютер технологиялари асосида ташкил этиш фақатгина маблағ ва вақтни тежамасдан, қўлда олиниши қийин бўлган ахборотларни ҳам тезкорлик билан олишга ёрдам беради. Бу ахборотлар асосан хўжалик юритувчи субъектнинг бутун стратегиясини, молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш йўллари аниқлашга тааллуқлидир. Компьютернинг ҳисоблаш қувватидан фойдаланиш натижасида ўтган ҳисобот даври маълумотлари асосида ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти қандай йўл тутиши лозим, ҳамда ҳисобот даврдан кейинги даврда раҳбарият қандай йўл тутиши кераклиги ҳақида айтиб бериш мумкин.

Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланиши билан бирга ҳисоб маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, жамлама ва тахлилий ҳисоб регистрларини тузиш, ҳисобот шакллари тўлдириш, аудиторлик ишчи ҳужжатларини юритиш, аудиторлик хулосалари ва ҳисоботларини тўлғазиш ва бошқа бир қанча ишларни бажаришда кенг қўлланилмоқда. Амалиётда компьютерлардан кенг фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил қилишнинг янги шакллари вужудга келтиради.

Ҳисоб тизими ва ҳисоботни шакллантиришни ташкил этилишини назорат қилишда аудитор турли кўрсаткичларни методик ҳисоблаш тартибларини, жумладан, солиқ ставкаларини, коэффициентларни, қонунчиликни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билишни талаб этади. Яна ҳисобнинг турли томонларида ҳисобланадиган кўрсаткичлар тизимини билиши лозим. Назорат

муолажаларининг типик шакллари мавжудлиги аудит жараёнини автоматлаштириш имкониятини юзага келтиради, бу эса албатта аудиторлик ташкилотларининг иш сифати самарадорлигини оширишга имкон туғдиради. Компьютернинг хотирасида қўлаб меъёрий-хужжатларни сақлаб қолиши, бир тарафдан аудитор имкониятларини кенгайтирса, бошқа тарафдан аудитор қўлида кучли дастак бўлувчи маслаҳат-назорат тизимини яратади.

Жаҳон амалиётида аудиторлик фаолиятини автоматлаштиришда дастурлар куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

- аудит жараёнида акс этувчи иқтисодий-математик, иқтисодий-ташкилий ва ахборий моделлардан;
- моделларни шакллантиришни таъминловчи техник, дастурий, ахборот ва бошқа воситалар.

Юқоридаги таркиблардан келиб чиқиб, компьютерлашган тизим икки қисмдан функционал ва таъминловчи қисмдан иборат бўлади, дейишимиз мумкин. Функционал қисмида аудит ўтказиш жараёнининг ахборот ва математик моделларининг методикалари ва йўллари методик жамланмасидан ташкил топади. Таъминловчи қисми эса аудит функцияларини амалга оширишда зарур бўлувчи, дастурий, ахборий, техник ва бошқа тўлдирувчи қисмлардан иборат бўлиши лозим.

Компьютер тизимининг функционал қисмини тўлиқроқ ёритадиган бўлсак, у бир қанча вазифалар комплексидан ташкил топади, масалан:

- аудит тури (ички, ташки);
- аудит функцияси (назорат, баҳолаш, маслаҳат, прогнозлаш ва хоказо.);
- аудит участкаси (ҳисоб тизими, хужжатлаштириш, назорат тизими ва ҳ.к).

Аудитнинг компьютерлашган тизимини ташкил этиш уни нима мақсадга эришиш учун мўлжалланганидан келиб чиқади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда маълумотлар базаси яратилади.

Маълумотлар базаси куйидагича ташкил этилиши мумкин:

- стандарт операцион тизимлар ва қўшимча дастурлар таҳлил кила оладиган бир типдаги ҳужжатлар ва файлларни йиғиш;
- махсус мезонларга жавоб берувчи бирламчи ҳужжатлар ахборотлар базаси сифатида;
- мантиқий дастурлар воситалари ёрдамида ёки бошқа дастурий тизимлар ёрдамида қайта ишланувчи эксперт-аудитор билимларини қоидавий шакли, қондалар базаси.

Шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳозирги вақтда ахборот технологиялари бозорида кўпгина аудит дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда, жумладан “IT-Audit”, “AuditNet”, “AuditPro”, “AuditSystem/2™”

Аудитни ахборот технологиялари асосида ўтказиш жараёнида аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим, яъни операциялар компьютер томонидан тўғри бажарилаётганлигини, операцияларнинг йўқотилмагани, қўшилмаганлиги, ўзгартирилмаганлиги, хатолар ўз вақтида тузатилганлиги, бажарилиш натижалари аниқлиги, ахборотга бегона шахсларнинг кириши чекланганлигига.

Бизнингча, аудитнинг автоматлаштирилган тизимларини ва дастурларини ишлаб чиқишда мавжуд аудит институтлари фаол иштирок этиши лозим. Уларнинг асосий фаолияти аудитни дастурий таъминот тизими бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилиши лозим.

Иктисодий ахборотни қайта ишлаш анчайин кийин жараён бўлиб, у турли хил ҳисоб-китоблар, баҳолашлар, маълумотларнинг график ва жадвал шаклидаги талқинини талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таҳлилий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш зарурий талаб ҳисобланади.

Таҳлилий ҳисоб-китобларни автоматлаштиришнинг муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиз:

1. Таҳлилий изланишлар, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга чуқурроқ ва кенгроқ ёндашиш имконияти;
2. Таҳлилий изланишларни реал вақт режимида, тезкор амалга ошириш имконияти;


3. Таҳлил сифати, олинаётган натижалар ҳамда таҳлилий хулосалар аниқлиги ва ишончлилиги ортиши;

4. Самарали бошқарув қарорини қабул қилиш мақсадида ўтказиладиган комплекс молиявий таҳлилни амалга ошириш қулайлиги;

5. Бошқарув қарорларининг илмий асосланиши ҳамда уларни ўз вақтида қабул қилиш имкониятининг туғилиши;

6. Иқтисодчи-таҳлилчиларнинг иш салоҳияти ортиши ва бошқалар.

Аудитни автоматлаштирилган тизимлари, объектнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларни таҳлил қилишни ва баҳолашни амалга ошириш билан бир қаторда уларнинг ўзгариш истикболларини аниқлаш, кўрсаткичларни статистик ва динамик солиштириш имкониятини ҳам беради.



Аудит ахборот тизимини ташкил этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, унинг техник таъминоти ҳисобланади. Тизимнинг техник таъминоти унинг ишлашини таъминлаб берувчи техник воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг таркибига ахборотларни тўплаш, қайд этиш, узатиш, қайта ишлаш, акс эттириш, қўпайтириш ишларини амалга оширувчи ҳисоблаш-техника воситалари киради.

Тармоқ, сервер, ишчи станциялар ва бошқа техник воситалар ҳар қандай дастурий воситанинг тизим талаблари қаторига киради. Корхонанинг ҳисоб-таҳлил бўлимини автоматлаштиришнинг тизим талабларини қуйидаги чизмада техник параметрлар билан кўрсатиб ўтиш мумкин.

Автоматлаштирилган аудит тизимининг техник воситалари бевосита дастурий таъминот орқали бошқарилади. Аудит ахборот тизимининг дастурий таъминоти – бу ахборот тизимидаги ҳисоблаш жараёнларини самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган дастурлар мажмуаси.

Аудитнинг автоматлаштирилган тизимлари алоҳида, мустақил дастур шаклида, ёки ҳисоб маълумотларини қайта ишловчи дастурий воситалар ичига киритилган бўлиши мумкин.

Аудитнинг автоматлаштирилган бошқариш тизими асосида амалга ошириш қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- аниқ мақсадга эга эканлик;
- тизимлилиқ;
- комплекслилик;
- ихчамлашганлилиқ;
- узлуксизлик ва мунтазамлилиқ;
- таққосланиш имкониятининг кенглиги;
- ечим лойиҳаси аниқ ва ихчамлилиги.

Автоматлаштирилган аудитда осон, тез ҳамда аниқ ҳолда зарурий маълумотларни олиш, таҳлилий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ҳулосалар бериш кабиларни амалга ошириш мумкин. Автоматлаштирилган бошқариш системаси шароитида корхона молиявий ҳолатини таҳлил этиш қуйидаги шароитда бажарилади:


- қайд этиш;
- бошланғич маълумотларни йиғиш ва узатиш;
- умумий маълумотлар базасини ташкил этиш;
- кўрсаткичлар алгоритми бўйича маълумотларни қайта ишлаш;
- фойдаланувчилар учун керакли маълумотларни тайёрлаш.

Компьютер дастурларидан “Audit-Expert” бошқаларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга десак муболаға бўлмайди. Мазкур дастурнинг яратувчилари уни корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш учун таҳлилий тизим сифатида ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, мазкур дастур ёрдамида корхона бошқарувида ички молиявий таҳлил ўтказиш имкониятини яратиб, назорат қилувчи ташкилотлар, акциядорлар ва кредиторлар нуктаи назаридан корхона ҳолатини кўриш имконияти мавжуд. Таҳлил ўтказиш учун базавий ахборот бўлиб бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар (фойда ва зарарлар) тўғрисидаги ҳисоботлар ҳисобланади. Янада чуқурроқ таҳлил ўтказиш учун “Audit-Expert” дастурида қўшимча маълумотлардан: фойдани тақсимлаш, мол-мулк ва қарздорликлар тўғрисидаги маълумотлардан, шунингдек молиявий ва бошқарув ҳисобининг бошқа ҳисоботларидан фойдаланиш имкони мавжуд бўлиб, уларни фойдаланувчининг ўзи мустақил белгилаши мумкин.

“Audit-Expert” тизими фаолияти негизда бир нечта давр бухгалтерия ҳисоботларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос келувчи ягона таққослама кўрсаткичларга олиб келиш тизими ётади. Бу каби ёндашув дастур фаолияти натижаларини бутун дунёда тушунарли қилиб, олинган натижалар асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш имкониятини туғдиради.

“Audit-Expert” киритилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг маълумотларини таҳлилий жадвалларга туширади.

“Audit-Expert” дастурида маълумотларни тахлилий қайта ишлаш схемаси



Тизимнинг балансга актив ва пассив тараф моддаларини қайта баҳолаш ва уларни янада барқарор бўлган валютага ўтказиш имконияти мавжуд. Қуйидаги чизмада “Audit-Expert” дастурида маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш схемаси келтирилган.

Сўнги йилларда миллий дастурлар яратиш бозорида ҳам амалдаги қонунчилик, ҳисоб сиёсатини эътиборга олган ҳолда ҳисоб-таҳлилий дастурлар яратиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Аммо уларнинг қўлланилиш доирасини кенгайтириш ва бозорини йўлга қўйиш ечимини кутаётган масалалардан биридир.

Аудитнинг ахборот технологияларини қўллаган ҳолда тараққий этиши ахборотни автоматлаштирилган қайта ишлаш воситалари ва дастурларининг ривожланиши, методологик таҳлилий таъминот, фойдаланувчиларнинг аудит доирасидаги тайёргарлик даражасининг ортиши билан боғлиқдир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аудитнинг комплекс компьютерлаштирилиши унинг бир бутунлигини таъминлашга ёрдам беради, ахборотни қайта ишлаш жараёнини қарор қабул қилиш жараёни билан мувофиқлаштиради, таҳлилий масалаларни ечишнинг оптималлаштирилган методларини қўллашни кенгайтиради ҳамда унинг асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда қўл келади.

Ички бошқарувнинг таснифлаш тури ҳам катта аҳамият касб этади:

- автоматлаштирилмаган;
- тўлиқ автоматлаштирилган;
- тўлиқ автоматлаштирилмаган.

Автоматлаштирилмаган ички бошқарув унинг субъектлари томонидан автомат воситаларини қўллагасдан амалга оширади. Тўлиқ автоматлаштирилмаган ички назоратда унинг субъектлари томонидан автоматлаштирилган рўйхатни олиш, қайта ишлаш, ўлчаш воситалари орқали амалга оширилади. Тўлиқ автоматлаштирилган ички назорат субъектларининг ички назоратининг бошқарувида автомат режимда тўла амалга



оширилади. Қуйидагилар тўлик автоматлаштирилган ички назоратга мисол бўла олади:

- ўрнатилган мезонга мос келмайдиган пунктларни белгилаш ёки ўтказиш билан таъминлаб берувчи дастурларнинг ишлаши;
- антивирус дастурининг ишлаши;
- умумий суммалар ҳисоб-китобининг тўғрилигини текширувчи дастурлар;
- корпоратив тизим модуллари назоратининг ишлаши.

### 6.6. Алоҳида филиалларни текширувдан ўтказиш

Катта корхоналарда ички аудитни йўлга қўйиш тобора оммалашиб бормоқда. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- суғурта, инвестиция, банк динамикасининг ошиши;
- энг муҳим омиллардан бири корxonанинг динамик тарзда алмашиб турувчи бозор шароитида унинг рақобатбардошлилиги.

Филиалларда ички аудитни ташкил қилиш керакми ёки йўқми? – деган саволга жавоб қуйида келтирилган.

#### Филиалларни назорат қилишда риск омили

Мезонлар	Назорат рискинни камайтирувчи омиллар	Назорат рискинни оширувчи омиллар
Ташкилотларда корпоратив маданиятининг ривожланиш даражаси ва унинг филиалларга кириб бориш поғонаси	Сиёсий: -кадрларни тўғри танлаш; -қарор қабул қилишда бош офис билан маслаҳатлашиш; -регионда малакали кадрларнинг мавжудлиги; -филиал ва унинг менежерлари	Бизнес қарорларни қабул қилишда ва кадрлар масаласида регионларда юқори ташкилотларнинг боғлиқлиги; -кадрлар таркибининг ўзгарувчанлиги; -филиал фаолияти ва менежерларни баҳолашда бош

	<p>фаолиятига баҳо беришда аниқ принципларга риоя қилишлик ва мавжудлиги;  - корпоратив ахлоқ кодекслари мавжудлиги ва риоя қилишлик;  - филиалларда ички бошқарувнинг баъзи функцияларини амалга оширадиган ажратилган ходимларнинг мавжудлиги;  - филиал ходимлари томонидан ривожланган амалиёт бўйича малакани ошириш</p>	<p>офиснинг субъективлиги;  - филиал натижаларини баҳолашда қисқа муддатли кўрсаткичларни кўлга киритиш;  - филиалларга нисбатан доимий камчиликларга аудиторлар тавсияномалари.</p>
<p>Филиалларда қарор қабул қилишдаги мустақиллик даражаси</p>	<p>Бош офис бўлимлари томонидан рискларга олиб келувчи қелишувларни олдиндан маъқулланиши;  - амалга оширилаётган қелишувлар шартларнинг қатъий бўлиши</p>	<p>Бошқарув қарорларининг мустақил қабул қилиш имкониятларининг филиалларда мавжудлиги;  - қелишувларнинг амалга оширилишида кенг, мустақил имкониятларининг мавжудлиги, асосан молия бозорида</p>

		қимматли қоғозлар бозорида.
Филиал тармоғида ахборотлашган интеграция даражаси	Ҳамма операциялар бўйича ягона ахборот тизимининг мавжудлиги; -маълумотлар базасига филиал мижозлари ва операциялар ҳақида ахборотларнинг тезкор киритилиши (терминал режимда) -компьютер мониторинги имкониятларининг мавжудлиги; -Бош офис ички аудит таркиби ва бўлинмалар томонидан Онлине режимда операциялар бажариш.	Филиалларда ўрнатилган турли ахборот тизимларининг узоқдалиги боис аудит имконияти пастлиги.
Филиалларнинг сони ўлчами, ҳудудий узоқлиги	Операциялар бўйича нисбатан барқарор ҳажмли, ихчам филиал; - нисбатан кам сонли ходимга эга филиал.	- ҳудуди жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган филиаллар сони; - улар ривожланишнинг турлича эканлиги;

Шуни таъкидлаш жоизки, бу келтирилган омиллар филиалларда ички аудитни ташкил қилиш керак дегани эмас. Айни

вақтда бу қарор қабул қилиш учун қўшимча аргументдир. Ҳақиқатдан ҳам, қуйидаги санаб ўтилган жиҳатларни бош офис ходимлари томонидан текширувлар билан назорат қилиш ҳам мумкин. Лекин бундай ички аудит ташкилоти барча бош офисларда ҳам мавжуд эмас.

Филиаллар рискнинг характери ва даражаси ҳақида аниқ тафсилотлар натижасиз бўлиши мумкин;

- Ички аудитга сарфланадиган маблағ ва олинган натижанинг rischi.

- Технология томонидан ташки текширувлар характерига эга бўлиб, улар йўл қўйилган, хатоларни белгилаб, ички назорат мониторингида акс эттириб боради.

Кадрлар масаласи ички аудит филиалларида 2 та жабҳани ўз ичига олади:

1. Ички аудит филиал бўлимларида кимларнинг фаолият юритгани маъқулроқ - шу филиалда ишлаб тажриба орттирган ишчиларнингми ёки четдан, бош офис тайинлаган ходимларнингми?

2. Фаолият юритаётган ходимларни қандай қабул қилиш керак, филиалнинг ажралмас бир бўлаги – филиал ходими сифатидами ёки узоқ муддатга бош офисдан юборилган текширувчи сифатидами?

Шундан келиб чиққан ҳолда кадрлар масаласида оптимал қарор қабул қилинади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини баҳолаш тартиби?
2. Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш тартиби?
3. Аудит далилларни олиш учун аудиторлик амаллар кетма кетлиги қандай?
4. Кичик бизнес ташкилотларда ички аудити хусусиятлари қандай?
5. Компьютер муҳити тизимида ички аудитни ўтказиш қандай?
6. Алоҳида филиалларни текширувдан ўтказиш қандай?

## ГЛОССАРИЙ

**Ички назорат тизими** - Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини таъминлашга қаратилган ҳамда корхона ресурсларидан мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланишга имкон яратадиган доимий, кундалик ишлар мажмуидир.

**Бухгалтерия ҳисоби тизими** - Тегишли хўжалик муомалаларини ёзишга тааллуқли ҳисоб сиёсати ва амаллардир.

**Назорат амаллари** - Текширилаётган корхона ходимлари томонидан бажариладиган махсус текширувлар.

**Назорат муҳити** - Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади.

**Ички назорат тизимини баҳолаш** - Текширилаётган корхона ички назорат тизими билан таниши, унинг ишончлилигини аниклаш ва тасдиқлаш амалларининг йиғиндисидир.

**Шартли мажбуриятлар** - Текширилаётган хўжалик субъектининг келажақдаги хўжалик фаолиятининг натижаси бўлган ва унинг аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган ҳозирги бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган молиявий ҳолатига сезиларли даражада таъсир этувчи ноаниқ суммадаги келгуси давр мажбуриятларнинг кутилиши.

**Боғлиқ томонлар билан операциялар** - Бирор бир баҳо белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигидан катъий назар бир боғлиқ томондан иккинчисига ресурслар ёки мажбуриятларнинг берилиши.

**Аудитдаги йўл қўйилиши мумкин бўлган танлов хатоси** - Аудитор томонидан аудиторлик танлов жараёнида хўжалик субъектининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида аниқлаган, лекин ушбу танлов жараёнида текширилиши лозим бўлган маълумотларнинг тўғрилиги ҳақида аудит хулоса бериши мумкин бўлган даражадаги хатоликларнинг максимал ҳолати.

**Аудитдаги кутилаётган танлов хатоси** - Аудиторнинг танлови жараёни бошланмасидан олдин ушбу танлов жараёнида аудитор томонидан иқтисодий субъект бухгалтерия ҳисоби ва

ҳисоботида аниқлашни мулжалланган хатолар мазмунини тахминий, субъектив равишда баҳолашдир.

**Аудитнинг ташқи сифат назорати** - Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи аудиторлик ташкилотининг аудиторлик фаолияти қондалари (стандартлари) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинаётганлигини текшириш учун давлат органлари ва аудиторлик бирлашмалари томонидан қабул қилинган ташкилий усуллар, услубиятлар ва тадбирлардан иборат.

**Аудиторлик rischi** – бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив аниқланадиган, молиявий ҳисоботда, унинг ишончлилиги тасдиқ-ланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлган-да, унда камчиликлар мавжуд деб тан олиниш эҳтимолидир.

**Аудитнинг муҳимлик даражаси** - Муҳимлик тушунчаси аудитор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатонинг ҳажмини ва ўтказиладиган аудиторлик текширувининг қўламини аниқлаш ҳамда тузиладиган аудиторлик хулосасининг шаклини белгилаш (ижобий ёки салбий) учун бирламчи ва асос бўлувчи манба ҳисобланади.

**Назорат rischi** – бу корхонанинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичдир.

**Тахлилий амаллар** - Аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текшириладиган хўжалик юритувчи

субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

**Аудиторлик рискнинг мақбул тўплами** - Аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай ҳатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

**Аудиторлик рискнинг мақбул тўплами** - Ўтказилган аудиторлик текширувлари натижасида янглиш мулоҳазага келиш ва натижада нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш эҳтимоли(хавфи) тушунилади.

**Аудиторлик текширувининг ҳажми** - Тўлақонли аудиторлик текширувини ўтказиш ва аудиторнинг асосли хулосасини тайёрлаш учун зарур бўлган аудиторлик текширувлари миқдори ва уларни ўтказиш кўлами аудиторлик текширувини ўтказиш учун сарфланадиган вақт, унда иштирок этадиган мутахассислар таркиби ва сонининг аудитор (аудиторлик фирмаси) томонидан баҳоланишдир.

**Бухгалтерия ҳисобидаги товламачилик** - Бухгалтерия ҳисоботини бузиб кўрсатилишига қаратилган онгли равишдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги. Агар иқтисодий субъектнинг мансабдор шахслари ғаразли мақсадларда алдов уюштирадилар ёки бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар ишончини суистеъмол қилсалар, лекин уларнинг айблари суд томонидан исботланмаган ҳолатида аудитор уларни топган тақдирда у бухгалтерия ҳисоботини онгли равишда бузилганлиги мавжудлигини кўрсатиши лозим.

**Аҳамиятлилик** - Потенциал ҳамкорнинг қарорларига таъсир қиладиган ва қилиш мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятининг мулкдор ўлчови ёки сифат баҳоси.

**Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги ҳатолик** - Ҳисоб ёзувларидаги арифметик ёки мантикий ҳатоликлар ҳисоб маълумотларига эътиборсизлик ёки хўжалик фаолияти фактларини,

мулкнинг ҳолати ва мавжудлигини мажбуриятлар ва ҳисоблаш ишларини нотўғри тасаввур этиш орқали ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг кўзда тутилмаган ҳолатдаги бузилиши.

**Бухгалтерия ҳисоботининг жиддий равишда бузиб кўрсатилиши** - Бухгалтерия ҳисоботининг ишончлигига сезарли даражада таъсир кўрсатувчи жиддий характердаги бухгалтерия ҳисоботини бузилиши.

## **ТЕСТЛАР**

**1. Россияда амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун қачон ишлаб чиқилган?**

- A. 2001
- Б. 1996
- В. 1998
- Г. 1994

**2. Россияда амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун неча моддадан иборат?**

- A. 24
- Б. 36
- В. 38
- Г. 40

**3. Украинада амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун қачон ишлаб чиқилган?**

- A. 1993
- Б. 1992
- В. 1994
- Г. 1995

**4. Беларус Республикасида аудитор малака сертификатини олишга даъвогарларнинг амалий иш стажини неча йилдан кам бўлмаслиги керак?**

- A. 3
- Б. 2
- В. 4
- Г. 5

**5. Беларус Республикаси қонунчилигига кўра агарда аудиторлик ташкилоти бошқарувчиси хорижий фуқаро бўлган**



**холларда аудиторлик ташкилотининг неча фоииз ходимлари Беларус Республикасида доимий яшаётган республика фуқароларидан ташкил топиши керак?**

- A. 75
- B. 66
- B. 50
- Г. 80

**6. Беларус Республикасида аудиторлик фаолияти устидан назоратни қайси ташкилот амалга оширади?**

- A. Молия вазирлиги
- B. Адлия вазирлиги
- B. Иктисодиёт вазирлиги
- Г. Савдо вазирлиги

**7. Озарбайжонда амалдаги “Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги Қонун қачон ишлаб чиқилган?**

- A. 1994
- B. 1993
- B. 1992
- Г. 1995

**8. Озарбайжонда Аудиторлик хизмати фаолияти бўйича давлат бошқарувини қайси ташкилот амалга оширади?**

- A. Аудиторлар Палатаси
- B. Марказий банк
- B. Аудиторлар Уюшмаси
- Г. Аудиторлар Кенгаши

**9. Озарбайжонда “Ички аудит тўғрисида”ги Қонун қачон қабул чиқилган?**

- A. 2007
- B. 2005
- B. 2002
- Г. 2009

**10. Қозоғистон Республикаси аудиторлар этикаси кодекси қачон қабул қилинган?**

- A. 1995

Б. 1994

В. 1993

Г. 1996

**11. Озарбайжонда аудит стандартлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?**

А. Аудиторлар палатаси

Б. Аудиторлар федерацияси

В. Аудиторлар кенгаши

Г. Парламент

**12. Қирғизистонда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?**

А. 1998 йил 3 июн

Б. 1994 йил 21 сентябр

В. 1996 йил 8 август

Г. 1993 йил 6 март

**13. Қозоғистонда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?**

А. 1993 йил 18 октябр

Б. 1994 йил 3 май

В. 1996 йил 3 май

Г. 1998 йил 24 январ

**14. Қозоғистонда аудиторларга малакавий маълумотнома неча йилга берилади?**

А. 5 йилга

Б. 3 йилга

В. 6 йилга

Г. 8 йилга

**15. Беларусда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?**

А. 1994 йил

Б. 1995 йил

В. 1996 йил

Г. 1997 йил

## **7-БОБ. ҲИСОБНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

### **7.1. Пул маблағлари билан боғлиқ муомалаларни ички аудитдан ўтказиш**

Корхонада нақд пул маблағлари бўйича муомалаларни ҳисобга олиш методикасини меъёрий ҳужжатларга нисбатан мослигини аниқлаш, шунингдек, нақд пул оқимлари самарадорлигига оид хулосаларни шакллантириш касса муомалаларини ички аудитдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

Касса муомалалари ички аудитининг мазмуни пул маблағлари ҳаракатини корхона ички меъёрларига мослиги ва пул оқимларини самарали шакллантиришдан иборат.

Текшириш учун маълумотлар манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- касса кирим ва чиқим ордерлари;
- касса ордерларини рўйхатга олиш журнали;
- касса китоби;
- бўнақ ҳисоботлари;
- тўлов қайдномалари;
- тўлов қайдномаларини рўйхатга олиш журнали;
- берилган ишончномаларни рўйхатга олиш журнали;
- депонентларни ҳисобга олиш журнали;
- 1-журнал ордер;
- 1-қайднома;
- Бош китоб, ҳисобот.

Касса муомалаларини ички назоратдан ўтказганда, уларни ёппасига текшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Касса муомалаларининг ички аудитини ўтказиш қуйидаги кетма-кетликда ташкил этилади:

1) кассани инвентаризация қилиш ва пул маблағларининг сақланиш шароитини текшириш;

2) муомалаларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлигини текшириш;

3) пул маблағларини тўлик ва ўз вақтида кирим қилинганлигини текшириш;

4) пул маблағларини харажатларга ҳисобдан чиқарилишини аудит текширувидан ўтказиш;

5) касса ва молиявий интизомга риоя этилишини текшириш;

6) пул маблағларига оид муомалаларнинг бухгалтерия счётларида тўғри акс этирилишини текшириш;

7) текшириш натижаларини расмийлаштириш.

Шунингдек, ички аудитор касса-назорат машинасини (КНМ) тўғри қўлланилиши тартибини ҳам текшириши лозим.

Барча КНМлари корхона жойлашган худудидаги солиқ органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ушбу КНМларни солиқ органлари томонидан рўйхатга олинганлигини текшириш ички аудиторнинг вазифасига киради.

Тушумни ҳисоблаш учун КНМни қўллаётган корхона ҳисобчи-кассир тегишли китобни юритиши лозим. Унда КНМда мавжуд бўлган кун бошидаги ва кун охиридаги кўрсаткичлар ҳамда кун давомида тушган сумма этирилади. Агар корхона бир нечта КНМни ишлатаётган бўлса, унда уларнинг ҳар бирида алоҳида ҳисобчи-кассирга тегишли китоб бўлиши лозим.

Аудитор касса ордерларидаги, ҳисобчи-кассир тегишли китобдаги ва касса китобидаги суммаларни бир бирига солиштириш орқали тушумнинг тўлик кайд этилишини аниқлайди.

Шунингдек, маҳсулот сотишдан олинган суммаларнинг бухгалтерия счётларида акс этирилиши текширилиши лозим.

касса муомалаларини текшириш вақтида аниқланган кўп учрайдиган хатолар куйидагилардан иборат:

- бирламчи касса ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги;
- белгиланган тартибда касса ҳужжатларининг тўлдирилмаслиги;
- белгиланган нақд пул лимитларининг бузилиш ҳолатлари;
- касса муомалаларининг ҳисоб регистрларида нотўғри акс этирилиши;
- айланма ва қолдик пулларни ҳисоблашда арифметик хатолар;

- ноодатий бухгалтерия ўтказмаларининг мавжудлиги;
- кассада нақд пулларнинг етишмаслиги (камайтириб кўрсатилиши);

- турли жисмоний шахслардан келиб тушган пул маблағларини киримга олинмаслиги ва ноқонуний ўзлаштирилиши;

- асоссиз равишда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш;

- бир ҳужжатни қайта ишлатиш ёки касса ҳужжатларида ва ҳисоботларида натижаларни ногўғри ҳисоблаш орқали ортиқча пулни ҳисобдан чиқариш, ёхуд асоссиз равишда, шунингдек қалбаки ҳужжатлар орқали пул маблағларини ҳисобдан чиқариш;

- бошқа шахслар учун қонуний ҳисобланган суммаларни ўзлаштириб олиш;

- НКМни ишлатмасдан ёки НКМни солиқ органларида рўйхатдан ўтказмасдан тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун аҳоли билан нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- кассадан олинган маблағларни ишлатишдаги қонунбузарлик ҳолатлар ва ҳоказо.

Банкдаги ҳисоб-китоб счётини ички аудитдан ўтказишдан мақсад нақд пулсиз ва валюта муомалаларининг тўғри ва қонунга мувофиқлигини текширишдан иборатдир.

Текширувнинг амалга ошириш манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг ҳисоб сисёати;

- банк хизмати бўйича шартномалар;

- банк кўчирмалари;

- тўлов талабнома ва тўлов топширикномалари, инкасса топширикномалари ва бошқалар;

- чек дафтарчалари, аккредитивлар бўйича реестрлар;

- кредит шартномалари;

- 5110, 5210, 5510 – счётлар бўйича ҳисоб регистрлари;

- тўлов топширикномаларини рўйхатга олиш журнали

- солиқ ҳисоботлари;

- Бош китоб;

- Бухгалтерия баланси (Шакл №1);
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (Шакл №4).

Банқдаги сётлар бўйича муомалаларнинг ички аудитида қуйидаги амаллар бажарилади:

1) амалга оширилган операцияларнинг мамлакат ҳудудида амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар ва қонунчилик ҳужжатларига мослигини текшириш;

2)Банқ кўчирмалари ва у илова қилинган муомалаларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

3)банқдаги пул маблағларини ҳисобга олиш регистрлари ва банқ кўчирмаларидаги маблағлари қирими ва чикими бўйича айланмалар ҳамда қун охиридаги қолдиқнинг арифметик тўғрилигини текшириш,

4) банқ кўчирмаларидаги ва бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги, бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги ва Бош қитобдаги ёзувларнинг бир бирига тўғрилигини, шунингдек Бош қитоб ва баланс моддаларидаги қолдиқларнинг бир бирига мос қелишини текшириш;

Ички назорат жараёнида аниқланадиган одатдаги хатоларга қуйидагилар қиради:

-Муомалаларни асословчи тўлов ҳужжатлари иловаларининг йўқлиги;

-банқ кўчирмалари ёзувларининг ўчириб тўғирланганлиги;  
 -қайта ишлаш учун қабул қилинган ҳужжатларда банқ муҳрининг йўқлиги;

-тўлов ҳужжатларга ўзгартириш қиритилиши;

-валюта курсини нотўғри қайта ҳисоблаш;

-пул маблағлари ҳаракатини ақс эттирувчи сётлар қорреспонденциясининг нотўғрилиги;

-ҳисоблашишнинг аккредитив шаклидаги бузилишлар.

## **7.2. Молиявий қўйилмаларни аудиторлик текширувидаги аудит амаллари**

Қимматли қоғозлар аудити қимматли қоғозларга таалукли бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларининг ҳаққонийлигини текширишдан бошланади.

Бундай текширув корхонанинг нақд пулларини текширишдаги каби инвентаризация (ашёвий рўйхат) ўтказиш йўли амалга оширилади. (№19-БҲМС 3. 30-3. 36 бандлари)

Қимматли қоғозларни инвентаризация (ашёвий рўйхат) қилиш куйидаги вазифаларни ҳал этади: уларнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини аниқлаш; ҳақиқатда мавжуд қолдиқларини бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали уларнинг сақланиши устидан назорат ўрнатиш; қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини текшириш; уларнинг сақланиши учун зарур шарт шароитлар яратилганлигини текшириш (корхонада сақланганида); қимматли қоғозлар билан боғлиқ даромадлар ва йўқотишларни ҳисобда акс эттиришнинг ҳаққонийлигини аниқлаш.

Аудитор инвентаризацияни бошлашдан олдин қимматли қоғозлар бўйича ички аудитнинг аҳволи билан танишиши зарур. Чунончи, корхонанинг пул маблағлари бўйича махсус комиссияси ҳар ойда камида бир марта пул маблағлари каби қимматли қоғозларни ҳам инвентаризация (ашёвий рўйхат)дан ўтказиши лозим. Бундан ташқари, йиллик бухгалтерлик ҳисоботини тузишдан олдин, моддий жавобгар шахслар алмашиш ҳолларида, ўтрилик, ўмариб кетиш, ўзлаштириш ёки суистеъмол қилиш ҳолларида, ёнғин ёки табиий офатдан сўнг инвентаризация (ашёвий рўйхат) ўтказилиши шарт. (№19-БҲМС 1. 5 банди)

Агар қимматли қоғозлар корхонанинг ўзида сақланса, уларни инвентаризациядан ўтказиш пул маблағларини инвентаризациядан ўтказиш билан бир пайтда амалга оширилади.

Корхона кассасида сақланаётган қимматли қоғозларни инвентаризация (ашёвий рўйхат) қилиш уларни варақма-варақ санаш йўли билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир қимматли

қоғозларнинг номинал қиймати, ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги аниқланади. Текширув алоҳида ҳар бир элемент бўйича далолатномада серияси, рақами ва умумий суммаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади. Ҳар бир қимматли қоғознинг реквизитлари бухгалтерияда юритиладиган рўйхатлар, реестрлар ёки дафтарларнинг маълумотлари билан солиштирилади.

Қимматли қоғозлар махсус ташкилотларда сақланганида (банкларда, депозитарияларда, махсус жойларда) инвентаризация корхонанинг тегишли бухгалтерия ҳисоби счётларидаги қолдиқлар кўчирмаси маълумотлари билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Масалан, депозитарийда сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар инвентаризацияси 0610-«Қимматли қоғозлар» ва 5810-«Қимматли қоғозлар» счётларидаги қолдиқ суммалари депозитарийлар маълумотлари билан таққослаш орқали амалга оширилади. Депозитарийлар маълумотлари инвентаризация ўтказилаётган пайтда депозитарийга юборилган сўров натижасида олинishi мумкин. (№19-БҲМС 3. 35 банд)

Корхонага тегишли қимматли қоғозларни инвентаризация қилишда улар сотиб олиш қийматининг ҳаққонийлигини баҳолашга махсус эътибор берилиши лозим. Бунинг учун акциядорлик жамиятларининг чоп этиладиган бухгалтерлик ҳисоботларини олиш, шунингдек, бошқа қизиқтирган ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга эканлигига эътибор бериш зарур.

Инвентаризация рўйхатида қимматли қоғоз эмитенти, номи, серияси, номери, номинал ва ҳақиқий қиймати, қайтариш муддатлари ва умумий суммаси кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар аудитининг кейинги босқичида ҳақиқатда мавжуд қимматли қоғозлар бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади. Бунда аудитор қимматли қоғозларнинг ошиқ чиққанларини ҳам, кам чиққанларини ҳам ўзининг ишчи ҳужжатларида акс эттириши ва булар ҳақида корхона раҳбариятига билдириши лозим. Ўз навбатида корхона раҳбарияти бундай камомадларнинг вужудга келиш сабаблари ва бунга жавобгар



шахсларни аниқлаш, ҳамда камомадларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим; ошиқча чиққан қимматли қоғозларни кирим қилиш, етишмаган қимматли қоғозлар қиймати айбдор шахслар томонидан қопланиши ёки корхонанинг молиявий натижаларига олиб борилиши мумкин.

Молиявий кўйилмаларни инвентаризациядан ўтказишнинг хусусияти нафақат қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, балки қимматли қоғозларни баҳолаш яъни уларнинг қийматини шакллантирувчи ҳақиқий харажатлар тўғрилигини аниқлашдан ҳам иборатдир. Аудитор қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлигини текширишда инвентаризация маълумотларидан ҳам фойдаланади.

### **7.3. Ҳисоб-китоб муомалаларининг ички аудити**

Текширишни қуйидаги кетма-кетликда олиб бориш лозим:

- 1) харидор ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар ички аудити;
- 2) буюртмачи ва харидорлар билан бўлган ҳисоб-китобларни текшириш;
- 3) ҳисобдор шахслар билан бўлган ҳисоб-китоблар ички аудити;
- 4) таъсисчилар билан бўлган ҳисоб-китобларнинг ички аудити;
- 5) ходимлар билан бошқа муомалар бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни текшириш;
- 6) банк кредитлари ва қарзларини текшириш;
- 7) солиқ ва тўловлар бўйича бюджет билан бўлган ҳисоб-китобларни текшириш;
- 8) давлат максадли фондлари билан бўлган ҳисоб-китобларни текшириш;
- 9) мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китобларнинг ички аудити;
- 10) бошқа дебитор ва кредиторлар билан бўлган ҳисоб-китобларнинг ички аудити.

Ҳисоб-китобларни ички аудитининг бир қанча босқичларини батафсил кўриб чиқамиз.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан бўлган ҳисоб-китобларни текшириш. Текшириш мақсади бўлиб кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишларни қабул қилиш ва етказиб берилган ёки қабул қилинган товар-моддий бойликлар бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан бўладиган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини таъминлаш ҳисобланади.

Ички аудитор текширув вақтида қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- Товар-моддий захираларини шартномага асосан олиб келиниши ва хужжатлаштиришнинг тўғрилигини;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлиш сабаблари ва санасини аниқлаш;

- муддати ўтган қарзларнинг мавжудлигини текшириш;

- махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушумдан ҚҚСнинг тўланганлиги;

- бўнақлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг тўланганлигини текшириш;

- 6000-счёт бўйича бухгалтерия проводкаларининг тўғрилиги ва аналитик ҳисобларнинг тўғри юритилишини текшириш;

- Бош китоб ва бухгалтерия балансидаги кўрсаткичлар билан журнал-ордерлардаги аналитик ҳисоб маълумотларининг мос келишини текшириш;

- чет эл валютасида олинган бўнақлар ҳисобининг тўғрилигини текшириш;

- шартномадаги нархлар билан қабул қилинган товар моддий бойликлар нархларини текшириш;

- келиб тушган товар-моддий захиралар) тўловини текшириш;

- ҳисоблашишлар бўйича инвентаризация натижаларини текшириш.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан бўлган ҳисоблашишлар ҳисобидаги одатдаги хатолар:

- мол етказиб берувчилар билан бўлган шартномаларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларни нотўғри расмийлаштирилганлиги;
- хужжатларни қалбакилаштириш;
- ҳисобни тартибсиз юритиш;
- шартномалар бўйича шикоятларни хато хужжатлаштириш ва нотўғри тақдим қилиш;
- ҳақиқатга яқин бўлмаган дебитор ва кредиторлик қарзлари ҳисобини бухгалтерия счётларида акс эттириш;
- мол етказиб берувчи ташкилот маълумотларининг корхона ҳисоби маълумотларига тўғри келмаслиги;
- қўшилган қиймат солиғини бухгалтерия проводкаларда нотўғри акс эттирилиши;
- бухгалтерия счётларининг нотўғри корреспонденцияланганлиги;
- мол етказиб берувчилардан олинган товар-моддий бойликларни кирим қилинмаслиги ва кассадан пул олиш мақсадида қалбаки хужжатларни тақдим этиш ҳолатлари;
- архивда хужжатлар сақланиши муддатларидаги қонунбузарлик ҳолатлар ва бошқалар;

Харидор ва буюртмачилар билан бўлган ҳисоб-китобларнинг ички аудити. Текширишнинг асосий мақсади – харидорлар ва буюртмачилар билан бўлган ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилишини аниқлаш ва тегишли натижавий хулосалар чиқариш бўлиб ҳисобланади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан бўлган ҳисоб-китобларни ички аудитдан ўтказишда аудитор қуйидагиларни аниқлаб олиши лозим:

1. Маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича шартномаларнинг мавжудлиги.
2. Шартномаларнинг тўғри тузилганлиги.
3. Харидорлар қарзларининг ҳақонийлиги.
4. Маҳсулотларни сотишда хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.
5. Келиб тушган пул маблағларининг бирламчи хужжатлари расмийлаштирилганлиги;

6. Сотилган маҳсулот (иш ва хизматлар)нинг нархи тўғри шаклланганлиги.

7. Чиқиб кетган маҳсулотларнинг сотиш счётларида акс эттирилиши.

8. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини шаклланиши.

9. Олинган бўнақларнинг тўғри ҳисобланганлиги.

10. Товарлар айланиши муомалаларининг тўғри расмийлаштирилиши.

Одатдаги хатолар:

- маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномаларнинг, бошланғич ҳисоб-китоб қайдномалар мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги;

- фойдадан солиқ, ҚҚС бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлашдаги хатоликлар;

- бухгалтерия проводкаларининг нотўғри акс эттирилганлиги ва аналитик ҳисоб маълумотларининг етарли эмаслиги.

Ҳисобдор шахслар билан бўлган ҳисоб-китобларнинг ички аудити. Текширишнинг мақсади – ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар бўйича бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва амалдаги меъёрий ҳужжатларги риоя этилишини текширишдан иборат.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар корхона ҳодимлари хизмат сафарига ёки ташкилий харажатларни амалга оширганда ҳамда маҳсулот сотиб олиш учун нақд пуллар берилганда юзага келади.

Бу ҳолларда аудитор баъзи харажатлар қонунчиликда чегараланганлигини ҳисобга олиб, уларнинг меъёрдан ортиғи қайси солиқ солиш базаларига киритилганлигини текшириши лозим.

Одатдаги хатолар:

- ҳисобдор шахсларга пул беришда амалдаги қонуннинг бузилиши;

- ҳисобдор шахслар томонидан ҳисобот бериш муддатининг бузилиши;

- кассадан пул чиқиб кетиши ҳамда ноаниқ шахсларга берилганлиги ҳисоботда ёзилиши;

- бирламчи ҳужжатларнинг хато расмийлаштирилиши ҳамда уларда арифметик хатолар мавжудлиги;

- нақд пуллар ва корпоратив пластик карточканинг бир ҳисобдор шахс томонидан иккинчисига берилиши.

#### **7.4. Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар ички аудити**

Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа муомалалар бўйича ички аудит хизмати қуйидаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- корхонада меҳнат конунчилигига риоя қилинишини, иш ҳақидан даромад солиқларини тўғри ушлаб қолиниши ва бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши:

- ойлик ҳисоблашда ходимларнинг разрядини ҳисобга олган ҳолда ойлик берилганлигининг назорат қилинишини;

- бошқарув ва ишчи ходимларга маслаҳатлар ва тушунтириш ишларининг олиб борилишини;

- мавжуд ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, янги ғоялар бериш масалаларини;

- корхонада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини.

Ички аудит вазифаси ходимларнинг лавозимларидан келиб чиққан ҳолда штат жадвали асосида ходимларга ойлик ҳисобланишини текширишдан иборат.

Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар ички аудитда ҳал этилиши керак бўлган тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Дастлабки ҳисоб ҳужжатларини, шу жумладан уларнинг шакли ва мазмуни жиҳатдан тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

2. Мехнат шартномасининг мавжудлигини ва унга корхонада рия қилинишини текшириш;

3. Корхона ишчи ходимларига ҳисобланган иш ҳақи харажатларини маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тўғри олиб берилганлигини таъминлаш;

4. Ижтимоий суғурта ажратмаларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш.

5. Даромад солиғининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

6. Солиқ базасини ҳисоблаганда ишчи ходимларга берилган моддий ёрдам ва бошқа рағбатлантиришларни тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш.

7. Иш ҳақи бўйича имтиёزلарни ва ҳисобланган иш ҳақи суммаларининг тўғрилигини текшириш.

Ички аудитда мехнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар аудитида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- корхонанинг мақсадсиз сарф харажатлари олди олинади;
- солиқдан қочиш ва бухгалтерия қонунбузарликларини уз вақтида олдини олишга эришилади, ҳар қандай санкцияларни қўллашнинг олди олинади ва молиявий ҳисоботни ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига эришилади.

- мехнат ресурсидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилади.

Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ички аудитининг мақсади мехнат муносабатларига тегишли бўлган амалдаги қонунчиликка рия қилиниши, иш ҳақи ва турли хил қўшимча тўловлар ва мукофотлар, шунингдек, иш ҳақидан солиқлар ва ижтимоий эҳтиёжлар учун тўловлар тўғри ҳисобланишини назорат қилишдан иборат.

Аудиторлик текширувининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мехнат қонунчилиги тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига рия қилиниши ва мехнат муносабатларига оид ички назоратни текшириш;

- дастлабки ҳужжатлар асосида иш ҳақи ва турли хил мукофотлар ва ҳамда тўловлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- иш ҳақи ва бошқа тўловлардан даромад солиғи ва турли чегирмалар тўғри ушлаб қолinganлигини текшириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан бўлган ҳисоб-китобларга оид счётларнинг тўғри корреспонденцияланганлигини текшириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан бўлган ҳисоб-китобларни текшириш учун қуйидагилар маълумот манбаси ҳисобланади: корхона раҳбарининг ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш тўғрисидаги буйруқлари ва фармойишлари; ходимлар штати, ҳуқуқий-фуқаролик тавсифдаги шартномалар, меҳнат шартномаларининг бошқа шакллари; иш ҳақи, мукофотлар ва рағбатлантиришларни ҳисоблашга асос бўлган дастлабки ҳужжатлар (шахсий варақалар, иш вақтидан фойдаланилганлигини ҳисобга олиш табеллари, нарядлар, билдиришномалар, маршрут варақалари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар, тўлов қайдномалари, йўл варақалари, вақтинчалик меҳнатга лаёқатизилиги тўғрисидаги варақалари, қўшимча ҳақ тўлаш варақалари, ижро варақалари, ҳисоб-китоб ва ҳисоб-китоб тўлов қайдномалари ва бошқалар) ҳамда бухгалтерия ҳисобининг регистрлари, иш ҳақи турлари ва йиғма қайдномалар, 8, 10-сонли журнал-ордерлар, машинограммалар, Бош китоб, баланс ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари.

Ишбай ишчиларнинг ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш бўйича аудит ўтказганда аудитор дастлабки ҳужжатларни, яъни: нарядларни, маршрут варақаларини, иш сифатига оид қайдномаларни, бажарилган ишлар бўйича далолатномаларни, шунингдек корхонада иш сифати ва ишбай ҳақлар ишлаб чиқилганлигини ва тасдиқланганлигини, дастлабки ҳужжатларда барча тегишли реквизитлар мавжуд эканлигини текшириши лозим.

Вақтбай меҳнатга ҳақ тўлашда тариф ставкалар ва шартномалар шarti тўғри қўлланилганлиги текширилади. Иш вақтидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги табеллар, нарядлар ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича бошқа ҳужжатларни текширганда уларга “ўлик жонлар”ни киритиш ҳоллари мавжудлиги аниқланади. Бунинг учун нарядларни берилган санаси бўйича таҳлил қилиш, наряддаги ва иш вақтини ҳисобга олиш табеллардаги ишчилар фамилияларини ходимлар бўлимидаги шахсий таркибни ҳисобга олиш маълумотлари билан солиштириш лозим. Дастлабки ҳужжатлар бўйича аввал тўланган суммалар қайта ҳисобланганлиги, айнан бир шахслар фамилиялари бир неча маротаба турли ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаларига киритилганлиги ҳолатлари текширилади.

Корхона ходимларининг шахсий таркибида бўлмаган ва қисқа муддат ишлаган шахсларга ёзилган нарядлар ҳамда брак (яроқсиз) маҳсулотларни тузатиш бўйича нарядлар алоҳида диққат билан текширилади. Дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб-китоб қайдномаларини текширганда арифметик ҳисоб-китоблар тўғрилигига катта эътибор қаратилади.

Аудиторлик текшируви вақтида ходимларни рағбатлантиришга қаратилган турли тўловлар: маълум бир даврда ишлаганлиги натижасига кўра мукофотлар, товон тавсифидаги иш вақтидан ташқари ёки тунда ишлаганлиги учун қўшимча тўлов ва устама ҳақлар, ишламаган вақт, меҳнат таътили, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик ва бошқалар учун тўловлар ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бунда аудитор ҳар бир корхонада ички моддий рағбатлантириш ва турли қўшимча тўловлар ва мукофотларни ҳисоблаш тўғрисида ички Низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши кераклигини унутмаслиги зарур. Мукофотларни ҳисоблаш раҳбар буйруғи билан расмийлаштирилиши ва мукофотлаш тўғрисидаги ички Низомнинг тамойилларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўртача иш ҳақиға асосланган ҳисоб-китоблар тўғрилигини текширганда ўртача иш ҳақи тўғри белгиланганлигини аниқлаш, ундан кейин эса турли тўловлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш



керак. Аниқланган камчилик ва хатоликлар бўйича бухгалтер тегишли тузатишларни киритиши лозим.

Иш ҳақидан даромад солиғи тўғри ушлаб қолинганлиги, ижро варақалари бўйича чегирмалар, пенсия жамғармасига ажратмалар, ҳисобдор суммалар бўйича қарзлар, моддий зарарни қоплаш бўйича тўловлар, олинган ссудалар бўйича тўловлар, кредитга олинган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари, шахсий суғурта шартномалари бўйича тўловлар, ходимнинг аризасига мувофиқ депозит учун банкларга ўтказиладиган суммалар ва бошқалар текширилади.

Иш ҳақидан ушлаб қолинган ушланмаларнинг тўғрилиги текширилганда, улар ҳужжатли равишда асосланганлиги ва қонунийлиги, ушлаб қолинган суммалар эса ўз вақтида мақсадга мувофиқ ўтказилганлиги аниқланади.

Шунингдек, депонентланган иш ҳақи ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги текширилади. Ходимнинг ўз вақтида олмаган иш ҳақи депонентга ўтказилади. Бундай муомалаларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлиб, ходимнинг бетоблиги ёки у хизмат сафарида бўлганлиги ҳисобланади. Депонент қарзлари ҳақиқатда вужудга келганлиги ва қонуний равишда ҳисобдан чиқарилганлигини текшириш учун депонентланган суммаларни тегишли давр бўйича ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари билан солиштириш, турли ҳужжатлардаги (касса чиким ордерлари, тўлов қайдномалари, аризалар ва бошқалар) депонентнинг имзоларини бир-бирига солиштириш лозим. Депонентланган иш ҳақи ҳисоб-китоб счётидан ўтказилганда эса, олувчиларнинг манзиллари тўғри кўрсатилганлигини аниқлаш керак.

Амалиётда депонент суммасини олувчиларнинг уй манзиллари атайлаб нотўғри кўрсатилиши, бунинг натижасида қайтарилган ўтказмалар корхона кассасига қирим қилинмаганлиги, шунингдек, ходимларга бажарилмаган ишлар учун иш ҳақи ҳисоблаб уларни, депонентлаш йўли билан кассир томонидан ўзлаштириш ҳоллари ҳам учрайди.

Аудиторлик текшируви жараёнида иш ҳақи ҳисобланиши ва ҳисоб регистрларида кўрсатилган иш ҳақидан ушланмалар бўйича счётлар тўғри корреспонденцияланганлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун ходимларнинг иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётлари маълумотлари асосида иш ҳақи бўйича йиғма ҳисоботлар текширилади. Ҳисоб журнал-ордер шаклида олиб борилганда ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётларининг кредит бўйича обороти 10 ва 10/1-сонли журнал-ордер маълумотлари билан, ушбу счёт бўйича дебет маълумотлари эса - 1, 2, 8-сонли журнал-ордер маълумотлари билан солиштирилади.

Маълум бир санага иш ҳақи бўйича тахлилий ҳисоб маълумотлари Бош китоб ва бухгалтерия балансидаги ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётининг синтетик ҳисоби маълумотларига мос келиши аниқланади. Бунинг учун ойнинг 1-санасига ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётининг қолдиғи ҳисоб-китоб-тўлов қайдномасининг якуний суммалари билан солиштирилади.

Тафовутлар пайдо бўлса, уларнинг сабаблари аниқланади. Иш ҳақи жамғармасидан турли тўловлар ва чегирмаларни чиқариб ташлаш йўли билан пул харажатларини яшириб кўрсатиш, бўнақларни тўлиқ ушлаб қолмаслик, пул ҳужжатларини қайтадан ҳисобдан чиқариш ва улар бўйича тўловларни ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётининг дебетиға ўтказиш, бир ҳисоб-китоб қайдномасидан қолдикни иккинчисига чиқаришда дебиторлик қарзини камайтириб ёки кредиторлик қарзни кўпайтириб кўрсатиш, ҳисоб қаровсиз қолдирилганлиги юқорида қайд этилганларнинг асосий сабабларидир.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хато ва камчиликлар, талабларга риоя қилинмаган меъёрий ҳужжатларнинг ҳисобот кўрсаткичларига миқдорий таъсири аниқланганда у аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд этилади.

Корхонада аниқ меҳнат меъёрларини қўллашнинг мажбурий шарти уларнинг техника-технологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан асосланганлигидир.

Корхоналардаги қилинган ишнинг ҳисоби ишлаб чиқариш тусига, ташкилот тизимига ва иш ҳақига, маҳсулот сифатини назорат қилиш усулига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш тусига кўра маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳисоби учун турли бирламчи ҳужжатлар (масалан, ишбай иш учун топширик, маршрут варақаси, қилинган иш ҳақидаги билдиришнома ва бошқалар) қўлланилади. Ҳисобга олишни осонроқ қилиш мақсадида кўп кунлик бирламчи ҳужжатлар (масалан, қилинган иш ҳақидаги билдиришнома, қайдномалар, ҳафталик, ўн кунлик бўйича, ойлик, иш тцикли бўйича топшириқлар) қўлланилиши мумкин.

Хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби учун амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик муомалалари амалга ошириладиган вақтда ёки муомалалар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик муомалалари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Меҳнат ва иш ҳақи бўйича бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- хўжалик муомаласининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

Бошланғич ҳисоб хужжатларига хўжалик муомала катнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва кассалар хужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Вақт ва қилинган ишни ҳисобга олиш бўйича бирламчи хужжатлардаги кўшимча бандлар қуйидагилар, яъни:

- табел рақами;
- ишчининг разряди;
- ишни тугаллаш муддатлари;
- сарф-харажат ҳисоби объектнинг коди (маҳсулот, буюртма, сарф-харажатлар моддаси);
- ишнинг номи ва разряди;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва яроқсиз маҳсулотнинг сони;
- вақт меъёри ва маҳсулот бирлиги ёки ишнинг баҳоси;
- иш ҳақининг миқдори ва меъёр бўйича ишга сарфланган соатлар сони бўлиши мумкин.

Бирламчи хужжатлар расмийлаштирилиши бухгалтерия томонидан текширилади ва кейинчалик ҳисоб-китоб учун қўлланилади.

Тўлик тўлдирилмаган ёки талабга жавоб бермайдиган хужжатлар тўловга қабул қилинмайди, тегишли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиш учун қайтарилди.

Ишбай иш ҳақи оладиган ишчиларга ҳисобланаётган ой учун иш ҳақи бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича бирламчи хужжатларнинг маълумотлари, тўлов варақалари ва бошқа хужжатлар асосида ёзилади.

Вақтбай иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳақиқатда ишланган иш вақти ҳисоби, ишдан ташқари ишларга тўланган тўловлар, мукофотлар ва бошқа тўловлар натижалари бўйича тўланади.

Ходимга маълум бир давр учун берилиши керак бўлган иш ҳақининг таркибий қисмлари, олинган солиқлар миқдори ва асосланомалари ҳамда берилиши керак бўлган тўловнинг умумий миқдори ҳақидаги маълумотлар мулкчилик шаклидан қатъи назар,

корхонанинг ҳар бир ходимига иш ҳақи берилаётганда тақдим қилиниши шарт.

### **7.5. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ички аудит ўтказиш**

Асосий воситалар ва номоддий активлар ички аудитининг ўтказишдан мақсади корхонада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда фойдаланиш учун ҳисоб муомалалари, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича корхонада аудит тамойилларига асосланган ҳолда асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблашни ва уларни таъмирлаш харажатларини акс эттиришни тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Асосий воситаларни аудит қилишда ички аудитор қуйидагиларни аниқлаши зарур бўлади:

1) асосий воситалар ҳисобини юритишда 5-сон БҲМС ва активларни бухгалтерия ҳисобида юритишда ҳисоб сиёсати талабларига риоя қилинганлигини;

2) асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тўғри амалга оширилганлигини;

3) асосий воситалар сақланиши бўйича назоратнинг йўлга қўйилганлигини;

4) асосий воситалар қайта баҳоланиши бўйича бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилганлигини;

5) асосий воситаларнинг қирим қилиниши ва чиқиб кетиши бўйича ҳисоб-китобларни тўғри юритилишини;

6) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида асосий воситалар ҳаракатининг тўғри акс этирилганлигини;

7) асосий воситаларнинг сақланиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлигини (корхона раҳбари томонидан ҳар бир асосий воситага жавобгар шахснинг буйруқ асосида бириктирилганлиги);

8) корхонада ишловчи ходимнинг лавозими корхонадаги жавобгар шахснинг лавозими билан мос келишини;

9)асосий воситалар бўйича инвентаризациянинг ўтказилганлигини.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида юритилишидаги одатий хато ва камчиликлар куйидагилардан иборат:

- асосий воситаларни ўз вақтида кирим қилинмаганлиги;
- асосий воситани кирим қилинганида бошланғич қийматини нотўғри ҳисобланганлиги ва шу асосда уларга эскириш ва мол-мулк солиғининг нотўғри ҳисобланиши;
- асосий воситалар таъмирининг сифаиз амалга охирилганлиги;
- асосий воситалар билан боғлиқ хўжалик муомалаларининг ҳужжатлаштириш тартибига риоя қилинмаганлиги;
- асосий воситалар кирими ва чикими бўйича счётлар корреспонденциясининг тўғри юритилмаслиги;
- асосий воситаларни сотганда фойда солиғининг нотўғри ҳисобланиши;
- асосий воситалар бўйича инвентаризациянинг ўз вақтида ўтказилмаганлиги;
- асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда моддий зарарларнинг кирим қилинмаганлиги.

Номоддий активларни аудитида ички аудитор куйидагиларга эътибор қаратиши керак:

- номоддий активлар ўз кучи билан яратилганлигига;
- номоддий активларнинг ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлигига;
- номоддий активлар бошланғич қийматининг тўғри ҳисобланганлигига;
- номоддий активларни ҳисобдан чиқариш қоидаларига тўғри амал қилинганлигига;
- номоддий активлар аналитик ва синтетик ҳисобининг тўғри юритилганлигига;
- номоддий активларга эскиришнинг тўғри ҳисобланганлигига;

- номоддий активлар бўйича бухгалтерия проводкаларини тўғри берилганлигига;
- номоддий активларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг Бош китоб ва бухгалтерия баланси кўрсаткичлари билан мос келишига.

## **7.6. Товар-моддий захиралар сақланиши ва улар ҳисобининг ички аудити**

Товар-моддий захираларининг (ТМЗ) ички аудитини ўтказишдан мақсад корхонада товар-моддий захиралар ҳаракати, сақланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини таъминлаш ва улар бўйича молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ишончлилигини баҳолашдан иборатдир.

ТМЗ ички аудитини амалга ошириш жараёнида ички аудитор қуйидагиларни аниқлаши керак:

- ТМЗларнинг мавжудлиги ва сақлаш ҳолатини ўрганиш;
- ТМЗлар ҳаракати бўйича амалга оширилган муомалаларни бухгалтерия счётларида тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида акс эттирилганлигини текшириш;
- корхонада мавжуд ТМЗлар корхона мулки эканлиги, яъни уларда мулкый ҳуқуқ борлиги, қарз ҳисобига олинган ТМЗларни мажбуриятлар сифатида акс этирилганлиги;
- ТМЗларга боғлиқ мажбуриятларнинг тўғри ва қонуний баҳоланганлиги;
- ТМЗларнинг бухгалтерияда ҳисобга олиш тамойиллари тўғри танланганлиги ва қўлланилганлиги.

ТМЗ билан муомалаларнинг аудиторлик текшируви қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ТМЗ бўйича ҳисоб сиёсати қоидаларини ўрганиш;
- ТМЗлар бўйича ички назорат тизими ишончлилиқ даражасини ўрганиш ва баҳолаш керак бўнинг учун эса:
- омбор ҳўжалигини ва омбор биноси ҳолатини текширувдан ўтказиш;

- ТМЗларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича моддий жавобгарлик ҳолатини ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини ўрганиш;

- текширилаётган ҳисобот санасига ТМЗ таркибини таҳлил қилиш;

- ТМЗ кирими ва чиқими ҳолати таҳлилинини ўтказиш;

- ТМЗларни тўғри ва қонуний баҳоланганлигини текшириш;

- ТМЗлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг тўғри ташкил этилганлиги ўрганиш;

- ТМЗлар бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги ёки ҳақиқатга мослигини ўрганиш.

Қуйидаги ҳолларда товар-моддий заҳиралар аудити жараёнида аудиторлик rischi ортиши мумкин:

- товар – моддий қимматликларни ўғирлаш эҳтимолларининг юқорилиги;

- аниқланган камчиликларни исботловчи далилларнинг етарли эмаслиги;

- ТМЗларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатларда мажбурий реквизитларнинг акс этирилмаганлиги ва тасдиқланмаганлиги;

- ТМЗлар бўйича ҳужжатларнинг йўқолганлиги;

- ТМЗларнинг мавжуд бўлмаган буюртмалар ва асоссиз ҳисобдан чиқарилиши эҳтимоли. Бундан кўзланган мақсад – ишлаб чиқариш таннархини ошириш ва фойда ҳамда мулклар бўйича солиқлар учун тўловларни камайтириш бўлиши мумкин (ушбу ҳолатда мансабдор шахслар орасидаги келишув ўз ўрнига эга бўлиши мумкин).

- аудиторлик текшируви натижасида тегишли далилларни тўплаш, умумлаштириш ва ТМЗлар ҳисоби бўйича аниқланган камчиликларни баҳолаш.



### **7.7. Молиявий натижалар ҳисобининг ички аудити**

Молиявий натижалар ҳисобининг ички аудитини ўтказишдан асосий мақсад – корхона молиявий натижаларининг тўғри ва қонуний шаклланганлиги, улар бўйича ҳисоб сиёсати қоидаларига тўлиқ амал қилинганлиги ҳамда молиявий натижалар бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва ишончлилигини баҳолашдан иборатдир. Бунинг учун, молиявий ҳисоботларда корхона фойда (зарар)нинг тўғри ва тўлиқ акс этирилганлиги ва аниқлигини ўрганиш; даромад ва харажатларни умумлаштириш ҳамда баҳолаш услубиятини амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослиги устидан самарали назоратни амалга ошириш зарур.

Молиявий натижалар ҳисобининг ички аудити жараёнида қуйидаги жиҳатларга асосий эътиборни қаратиш зарур:

1) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослигини баҳолаш;

2) молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича корхонада амалга оширилган муомалаларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ равишда расмийлаштирилганлигини тасдиқлаш;

3) молиявий натижаларининг қонуний шакллантирилганлиги ва сотишдан кўрилган фойда ёки зарарни тўғри бухгалтерияда тўғри акс этирилганлигини текшириш;

4) фаолиятнинг бошқа турларидан кўрилган фойда (зарар)нинг тўғри шакллантирилганлиги ва ҳисобга олинганлигини текшириш;

5) фойданинг солиққа тортилиши тўғрилигини текшириш;

6) жорий даврда фойдадан фойдаланишнинг тўғрилиги, унинг тўғри тақсимланганлиги, шунингдек, корхона ихтиёрида қолган фойда, резервларнинг тўғри ва қонуний шакллантирилганлиги ва ҳисобда акс этирилганлигини текшириш;

7) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тайёрланганлигини текшириш ва тасдиқлаш.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ички аудитининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- молиявий натижалар шаклланиши ва фойдаланилиши бўйича муомалаларнинг бухгалтерия хужжатлари ва сётларида тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлигини текшириш;

- шакллантирилган даромадлар ва харажатлар ҳақиқатан ҳам корхонанинг хўжалик муомалаларига тегишли эканлигини аниқлаш;

- баҳолашнинг тўғрилигини текшириш: даромадлар ва харажатлар қийматининг ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мослигини текшириш;

- баҳолашдан мақбуллик асосида фойдаланиш;

- молиявий ҳисоботларда даромадлар ва харажатлар акс эттирилиши тўғрилигини аниқлаш;

- даромадлар, харажатлар ва фаолият натижалари таснифланиши тўғрилигини текшириш;

- корхона фаолиятида амалга оширилган хўжалик муомалаларини дастлабки хужжатларда тўғри ва қонуний расмийлаштирилганлиги аниқлаш ва уларни синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилган маълумотлар билан солиштириб кўриш;

- молиявий натижаларни бухгалтерия сётларида тўғри, тўлиқ ва ўз муддатида акс эттирилганлигини аниқлаш;

- ҳисобот даврида соф фойданинг шаклланиши, унинг тақсимланиши ва фойдаланилиши тўғрилигини текшириш;

- бюджетга ҳисобланган тўловларни тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини текшириш.

Шу тарика асосий мақсадга эришиш учун ички аудитор ҳисобот маълумотларининг умумий мақбуллигига (улар умумий ҳолда қўйилган ҳамма талабларга мос келадими), асосланганлик (ҳисоботларга у ерда кўрсатилган суммаларни қўйиш учун асос борми), амалга оширилган ҳисоб-китоблар, ахборотларнинг таснифланиши ва тўлиқлигининг баҳоси ҳамда тўғрилигига нисбатан ўз фикрларини шакллантириши зарур.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойдаланилишини текширишда аудит дастурига қуйидаги асосий йўналишларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

1) бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ўзаро мос(бир хил)лигини текшириш;

2) дастлабки ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини назорат қилиш;

3) маҳсулот (иш, хизмат) сотилишидан кўрилган фойда (зарар) шакллантирилиши жараёни тўғрилигини текшириш;

4) бухгалтерия ҳисобида бошқа даромадлар ва харажатлар, 9710-ҳисобварақда фавқулодда фойда, 8890-ҳисобварақда бошқа мақсадли тушумлар ва улардан фойдаланишни тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

5) корхона солиққа тортилгунга қадар фойда (зарар)лар, фойдага ва бошқа мажбурий тўловларга солиқлар, ҳамда корхона фойдасининг барча турларини тўғри ва қонуний ҳисобланганлигини текшириш;

б) ҳисобда соф фойда ёки зарарнинг – ҳисобот даврида ҳисобланиши ва ҳисобда акс этирилиши тўғрилигини назорат қилиш.

Ички аудитор қуйидагиларни текшириши зарур:

- ҳисоб сийёсати ва унга риоя қилиниши бўйича буйруқнинг мавжудлиги;

- товарлар сотишдан кўрилган ҳақиқий фойданинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида тўғри ва қонуний акс эттирилганлигини текшириш.

Текширув давомида қуйидагилар тасдиқланиши зарур:

- сотиш бўйича муомалалар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилганлиги;

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида сотиш бўйича ҳақиқатда бажарилган ҳамма битимлар акс эттирилганлиги;

- сотишдан кўрилган молиявий натижани ҳисобнинг мос келувчи ҳисобварақларида ўз вақтида акс эттирилганлиги;

- савдо бўйича муомалаларнинг қийматига мувофиқ белгиланганлиги;

- маҳсулотлар (ишлар хизматлар) учун ҳисоблашишлар бўйича дебиторлик қарзлари суммаси мос келувчи ҳисобварақларда тўғри акс эттирилганлиги.

Ички аудитор корхонанинг бухгалтерия регистрларида акс эттирилган маълумотларни дастлабки маълумотлар билан ўзаро таққослаб, солиш бўйича муомалалар акс эттирилиши тўғрилигини текширади.

Солиш бўйича муомалалар зарур тарзда санкцияланган бўлиши лозим. Текшириш давомида корхонанинг нарх сиёсати ўрганилади. Маҳсулотларнинг турли ассортиментлари бўйича ҳақиқий нархлар ва етказиб бериш бўйича транспорт тўловлари шартлари счё-фактураларда кўрсатилган раҳбарият томонидан тасдиқланган ҳужжатлар билан мослиги таққосланади. Мазкур жараёнда аудитор учун ахборот манбалари сифатида счё-фактуралар, бажарилган ишларнинг далолатномалари, тасдиқланган нархномалар, прејскурант ва солиш тартибини ҳамда шартини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобланади. Текширув жараёнида аудитор ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича маълумотларни тегишли шартномалар шартларига мос ҳолда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ички аудитор маҳсулотларни ўз вақтида солишга чиқарилганлигини, яъни мос келувчи даврга олиб бориш билан муомалалар бажарилганлигини текшириши керак. Бу эса ҳисоб маълумотларида тасодифий ўтказиб юборишлар рискиннинг олдини олади. Ҳисобнинг ўз вақтида амалга оширилганлигини текширишда бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилган солиш санасига мос келувчи счё-фактуралар санаси, солиш ва дебиторлик қарзлари ҳисоби ҳисобварақлари бўйича ёзувлар санаси билан таққосланади. Саналардаги сезиларли фарқлар маҳсулот солишнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги бўйича муаммолар мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Аудитор солишдан кўрилган молиявий натижани баҳолашнинг тўғрилигини ҳисоб маълумотларини эҳтимолий хатоларни аниқлаш учун қайта ҳисоблаш орқали текшириши зарур. Агар солиш

суммалари чет эл валютасида ифодаланган бўлса, унда валюта курсларининг тўғри қўлланилишини текшириш зарур.

Бошқа даромадлар ва харажатларни текширишни қуйидаги босқичлар бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

1) бошқа корхоналар устав капитали билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни текшириб кўриш (қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва бошқа даромадларни ҳам кўшган ҳолда);

2) асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни танлаб текшириш;

3) корхоналарга вақтинча фойдаланишга берилган асосий воситалардан тушумлар ва олинган фоизларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилиши тўғрилигини текшириш;

4) резерв фондларига ажратмаларни тўғри ҳисобланганлигини ўрганиш;

5) даъво муддати ўтган кредиторлик ёки дебиторлик қарзлари бўйича суммаларни бошқариш (тартибга солиш) тартибини текшириш;

6) бошқа даромад ва харажат турларини танлаб текшириш.

Молиявий ҳисоботларни текшириш амалларини яқунлаб, ички аудитор бухгалтерия ҳисоботларига тушунтиришларда жиддий ҳолатларнинг аниқланганлигини текшириб кўриши лозим. Шунингдек, БҲМСларга мос равишда ҳисоботларга тушунтиришларда корхона фаолиятининг молиявий ҳолати ва молиявий натижалари ҳақида фойдаланувчилар фикрларига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган, ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ходисалар мазмуни тўлиқ очиқ берилиши керак.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Пул маблағлари билан боғлиқ муомалаларни ички аудитдан ўтказиш тартиби қандай?

2. Молиявий қўйилмаларни аудиторлик текширувидаги аудит амаллари нималардан иборат?

3. Ҳисоб-китоб муомалаларининг ички аудити тартиби қандай?

4. Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар ички аудити тартиби қандай?

5. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ички аудит ўтказиш тартиби қандай?

6. Товар-моддий захиралар сақланиши ва улар ҳисобининг ички аудити тартиби қандай?

7. Молиявий натижалар ҳисобининг ички аудити тартиби қандай?

## ГЛОССАРИЙ

**Асосий воситалар** – ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига босқичма-босқич ўтказиб боровчи ва бир йилдан ортиқ муддат хизмат қилувчи моддий кўринишга эга бўлган воситалардир.

**Номоддий активлар** – ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига босқичма-босқич ўтказиб боровчи ва ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилувчи номоддий кўринишга эга бўлган воситалардир.

**Патент** - бу юридик жиҳатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мутлақ ҳуқуқдир.

**Савдо маркалари** - компанияларга, маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар.

**Товар белгилари** - Товар белгилари бирорта корхона товар (хизмат)ларини бошқа корхоналар товарлари ёки хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир.

**Товар белгиси гувоҳномаси** - товар белгисидан фойдаланадиган шахснинг ҳуқуқини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати.

**Франшизалар** - одатда ҳуқумат органлари томонидан давлат мол-мулкидан (масалан, кабел телевидениеси компанияси) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш (электр энергияси), шунингдек хўжалик юритувчи

субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи.

**Муаллифлик ҳуқуқлари** - бу фан, адабиёт ёки санъат асарларини нашр қилиш, оммавий ижро этиш ёки бошқача тарзда фойдаланиш учун махсус бериладиган ҳуқуқдир.

**Саноат намуналари учун ҳуқуқ** - халқ истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш техник мўлжалдаги буюмларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган, бадий конструкторлик эчимлардан фойдаланиш ҳуқуқи.

**Комплекс аудит** – хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви.

**Ташаббус тарзидаги аудит** - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, инвесторлар, таъсисчилар, акционерлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари -прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш депортаментлари буюртмалари асосида ўтказилади.

**Тематик аудит** – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу жараёнлар ва операцияларни, ҳисобот кўрсаткичлари ёки моддаларини, айрим олинган бўлимлар фаолияти, ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишдир.

**Аудиторлик фаолияти** - аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

**Аудиторнинг малака сертификати** - аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**Аудиторнинг ёрдамчиси** - аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик ҳулосасида аудиторнинг эксперт ҳулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир.

**Аудиторлик текшируви** - молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Мажбурий аудиторлик текшируви** - Хўжалик юритувчи субъектларда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган катъий муддат ва тартиб асосида махсус малака сертификати ва лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган текширув тушунилади.

**Аудиторлик текшируви** - ўтказишдаги чекловлар Аудиторлик текширувини ташкил этиш, ўтказиш ва яқунлаш босқичларидаги чекловлар ёки таъқиқлар.

**Пул маблағлари** – хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, операцион ва инвестицион фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган нақд ва нақдсиз шакллардаги маблағлардир. Ташқи аудит –бу аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномаларга асосан корхона фаолиятида республикадаги қонун ҳужжатларига амал қилиш ҳолатини текшириш ва унинг фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида четдан жалб қилинган аудиторлар томонидан ўтказиладиган назорат туридир.

**Ички аудит** - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ақс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти Аудиторлик ҳисоботи - аудиторлик



текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қойида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат.

**Аудитор фикри** - Аудитор ўзининг хулосасида келтириш лозим бўлган, тўлиқ ёки қисман текширилаётган иқтисодий субъект бухгалтерия ҳисоботининг ишончлиги (ишончли эмаслиги, ишончлилиги шарҳлар билан) ҳақидаги белгиланган шаклда ифодаланган аудитор (аудиторлик ташкилоти) ни ҳамда аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун йиғилган далилларнинг етарлилиги ҳақидаги натижавий хулосасидир.

## ТЕСТЛАР

### 1. Аудит стандартлари?

А. Ўзининг профессионал фаолияти давомида ҳамма аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган ягона асос тамойиллардир

Б. Ўзининг профессионал фаолияти давомида ҳамма аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган асос усуллардир

В. Ўзининг профессионал фаолияти давомида ҳамма аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган ягона асос усуллардир

Г. Ўзининг профессионал фаолияти давомида ҳамма аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган асос қоидалардир

**2. «Умумлаштирилган аудит стандартлари» қачон ишлаб чиқилган?**

А. 1948 йилда

Б. 1952 йилда

В. 1960 йилда

Г. 1964 йилда

**3. «Умумлаштирилган аудит стандартлари» қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилган?**

А. АИСПА

- Б. IASC
- В. IAPS
- Г. FASB

**4. «Ахборот тизими бўйича умумий қабул қилинган аудит стандартлари» қачон ишлаб чиқилган?**

- А. 1987 йилда
- Б. 1984 йилда
- В. 1980 йилда
- Г. 1989 йилда

**5. Ҳозирги кунда халқаро аудит стандартлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?**

- А. Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитаси
- Б. Халқаро бухгалтерлар қўмитаси
- В. Халқаро аудиторлар федерацияси
- Г. Халқаро аудиторлар Кенгаши

**6. Аудит стандартларининг концептуал асоси ўзида нимани акс этади?**

- А. Аудит ва касбга доир хизматлар ўртасидаги фарқларни белгилаб беради
- Б. Аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқларни белгилаб беради
- В. Тафтиш ва касбга доир хизматлар ўртасидаги фарқларни белгилаб беради
- Г. Аудит ва солиқ назорати ўртасидаги фарқларни белгилаб беради

**7. “Аудитни ҳужжатлаштириш” қайси туркумдаги стандартларга киради?**

- А. Ишчи стандартлар
- Б. Умумий стандартлар
- В. Ҳисобот стандартлари
- Г. Махсус стандартлар

**8. “Аудитни ўтказишга розилик ҳақида аудиторлик ташкилотининг хат мажбурияти” қайси туркумдаги стандартларга киради?**

- А. Умумий стандартлар

- Б. Ишчи стандартлар
- В. Ҳисобот стандартлари
- Г. Махсус стандартлар

**9. “Аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ва бухгалтерия хисоботи тузилган ва тақдим қилингандан кейинги санадан юз берадиган воқеаларни ақс эттириш” қайси туркумдаги стандартларга киради?**

- А. Ҳисобот стандартлари
- Б. Ишчи стандартлар
- В. Умумий стандартлар
- Г. Махсус стандартлар

**10. “Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув” қайси туркумдаги стандартларга киради?**

- А. Махсус стандартлар
- Б. Ишчи стандартлар
- В. Ҳисобот стандартлари
- Г. Умумий стандартлар

**11. Халқаро аудит стандартларининг асосий турларини кўрсатинг?**

- А. Умумий стандартлар, ишчи стандартлар, ҳисобот стандартлари, махсус стандартлар
- Б. Умумий коидалар, ишчи стандартлар, ҳисобот стандартлари, махсус стандартлар
- В. Умумий стандартлар, ишчи стандартлар, ҳисобот стандартлари, ахлоқ коидалари
- Г. Умумий стандартлар, ишчи стандартлар, ҳисобот стандартлари, махсус стандартлар

**12. Аудитнинг умумий стандартларига қуйидагилардан қайси бири киради?**

- А. Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва ҳажми
- Б. Эксперт хизматидан фойдаланиш
- В. Аудитни ҳужжатлаштириш
- Г. Бухгалтерия хисоботи тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш тартиби

**13. Аудитнинг ишчи стандартларига қуйдагилардан қайси бири киради?**

А. Аудитни хужжатлаштириш

Б. Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш тартиби

В. Банк аудити бўйича махсус стандартлар

Г. Божхона аудити бўйича махсус стандартлар

**14. Аудитнинг ҳисобот стандартларига қуйдагилардан қайси бири қирмайди?**

А. Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва ҳажми

Б. Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш тартиби

В. Молиявий ҳисоботни текширганлиги хусусида аудиторлик ҳисоботи

Г. Аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ва бухгалтерия ҳисоботи тузилган ҳамда тақдим қилингандан кейинги санадан юз берадиган воқеаларни акс эттириш.

**15. Аудитнинг ҳисобот стандартларига қуйдагилардан қайси бири киради?**

А. Аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ва бухгалтерия ҳисоботи тузилган ҳамда тақдим қилингандан кейинги санадан юз берадиган воқеаларни акс эттириш

Б. Аудиторлик исботлаш

В. Аудиторлик танлаш

Г. Аудитни режалаштириш

**16. «Бухгалтерия ҳисоботида ўзгаришлар бўлганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати» аудит стандартларининг қайси турига киради?**

А. Ишчи стандартлар

Б. Умумий стандартлар

В. Ҳисобот стандартлари

Г. Махсус стандартлар

**17. «Аудит ўтказиш натижалари бўйича иқтисодий субъект раҳбарига аудиторнинг ёзма ахбороти» аудит стандартларининг қайси турига қиради?**

- А. Ишчи стандартлар
- Б. Умумий стандартлар
- В. Ҳисобот стандартлари
- Г. Махсус стандартлар

**18. «Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва ҳажми» аудит стандартларининг қайси турига қиради?**

- А. Умумий стандартлар
- Б. Ишчи стандартлар
- В. Ҳисобот стандартлари
- Г. Махсус стандартлар

**19. Аудит стандартларининг таркибий қисмларини кўрсатинг?**

А. Умумий қоидалар, асосий тушунча ва қоидалар, стандартнинг моҳияти, амалий илова

Б. Умумий қоидалар, асосий тушунча ва қоидалар, стандартнинг моҳияти

В. Умумий қоидалар, асосий тушунча ва қоидалар, стандартнинг моҳияти, амалий илова, очиб бериш

Г. Асосий тушунча ва қоидалар, стандартнинг моҳияти, амалий илова

**20. Халқаро аудит стандарти лойиҳасининг муҳокамаси қанча муддатда олиб борилади?**

- А. 3 йил
- Б. 2 йил
- В. 1 йил
- Г. 10 йил

## **8-БОБ. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ**

### **ВА БАҲОЛАШ**

#### **8.1. Ички аудит текшируви бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби**

Ички аудит хизмати ҳисоботларининг турлари корхоналарда ички аудит хизмати ҳақидаги Низомда белгилаб қўйилган. Масалан, ўтказилган текширув натижалари бўйича айнан уни ўтказган ходим(лар) томонидан имзоланадиган мос келувчи ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режанинг бажарилишини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- уни бажарилишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

- бизнес режанинг бажарилиши таъминланмаган ҳолатларда айбдор шахсни кўрсатиш орқали, аниқланган сабабларни таърифлаш;

б) корпоратив бошқарув тамойилларига амал қилинишини текшириш натижалари ҳақида ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- корхона бошқарув органи томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг натижавийлиги ва унинг иштирокчилари (муассислари)нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари сақланишининг таҳлили;

- корпоратив бошқарув соҳасида қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари (таъсис ҳужжатларини сақлаш, корхона бошқарув органларининг умумий йиғилишларини ўтказиш, дивидендларнинг тўғри ажратилиши ва тўловларнинг ўз вақтидалиги кабилар) таҳлили;

в) корхонанинг молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари ҳақида ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг ўрнатилган қоидаларга амал қилинганлигини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда аниқланган қоидаларни бузиш ҳолатларини тавсифлаш;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджет ва давлат мақсадли фондларига ўз вақтида тўланганлиги ва уларга тегишли ҳисоботларни ўз муддатида тақдим этилганлигини баҳолаш;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишнинг ўрнатилган қоидаларини бузиш ва солиққа тортиладиган базани белгилашда йўл қўйилган камчиликлар мазмунини тавсифлаш;

д) корхона томонидан молия-хўжалик муомалаларини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик муомалари қонунчиликка мослигини баҳолаш;

- ички аудит натижасида аниқланган корхона томонидан амалга оширилган муомалаларнинг қонунчиликка мослигини тавсифлаш;

с) ички назорат ҳолатини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими бўйича мавжуд камчиликларни тавсифлаш;

- корхонанинг таркибий бўлинмаларида ижрочилик интизомининг ҳолати ва унинг муайян ходимлар ишидаги мавжуд камчиликлар бўйича маълумотлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари бўйича якуний маълумотлар активлар инвентаризациясига асосланиши ва уларнинг ҳаракати, мавжудлиги ҳамда бутлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, текширув якунида текширув натижалари оралик ва умумий аудиторлик ҳисоботларида умумлаштирилиб, уларда хато ва камчиликларнинг мазмуни ва пайдо бўлиш сабаблари таҳлили ҳамда уларни келгусида такрорланмаслиги юзасидан амалий тавсиялар жамланма ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Текширув натижалари бўйича жамланма ҳисобот куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- таҳлилий қисм;
- якуний қисм;
- тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

Жамланма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари бўйича умумлаштирилган ахборотларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳисоботнинг якуний қисмида куйидагилар акс эттирилади:

- корхонанинг ижро органи ва тузилмавий бўлинмалари фаолияти натижалари таҳлили, шунингдек, унинг ликвидлик бўйича умумий баҳоси;

- ички аудит хизматининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялари, шунингдек, корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни мукаммаллаштириш бўйича умумлаштирилган ахборотларини ўз ичига олиши керак.

Ҳисоботнинг якуний қисми:

- корхонанинг ижро органи ва таркибий бўлинмалари фаолияти ҳамда унинг ликвидлилиги таҳлили;

- ички аудит хизматининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялари, шунингдек, корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини ошириш ва корпоратив бошқарувни мукаммаллаштириш бўйича умумлаштирилган тақлифларини ўз ичига олиши зарур.

Жамланма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун ичида тайёрланиши керак. Ҳисобот матнига қўшимча равишда бўлимлар ва бандларни қўшиш тавсия этилади:

Ички аудит ҳисоботининг кириш қисми куйидаги реқвизит ва маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳисоботнинг рақами;
- бўлим, филиал ва корхона номи;
- ўтказилган текширув ҳудудининг манзили ва номи;
- ҳисобот ёзилган сана;



- ички аудит ўтказишнинг умумий режаси ёки режа-графикка мос ҳолда текширувни ўтказиш муддати;
- текширув саволларига кўрсатмалар (режалаштирилмаган текширув ҳолатида);
- текширув ўтказилганда корхона фаолияти даври;
- текширувнинг бошланиш ва якунланиш саналари;
- текширув ўтказадиган ва унда иштирок этадиган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- текширилаётган бўлим, филиал, корхона раҳбарларининг исми, фамилияси ва отасининг исми;
- бошқа зарур маълумотлар.

Ички аудит ҳисоботини тузишда ички аудит ҳужжатларида келтирилган ҳисоботлардаги жиддий бузилишлар ҳақидаги маълумотлар олинади, ҳисоботнинг ишончилигини пасайтирувчи ёки шубҳа остида қолдирувчи бузилишлар даражаси кўрсатилган ҳолда ҳисоботнинг умумий хулосаси акс эттирилади. Ички аудиторнинг фикрлари тегишли асословчи далиллар ва қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланган бўлиши лозим.

Ички аудиторнинг ҳисоботида корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги таҳлили, шунингдек, келгусидаги молиявий ҳолати бўйича фикр ва хулосалар акс эттирилган бўлиши керак.

Ички аудиторнинг ҳисоботи икки нусхада тўлдирилади, биттаси кузатув кенгашига, унинг нусхаси ва кузатув кенгаши тасдиқлагандан кейин, корхона ижрочилик органи раҳбариятига берилади. Иккинчи нусхаси ички аудит архивига топширилади.

Ҳисобот ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланади. Ҳисоботнинг барча нусхалари асосий ҳужжат ҳисобланади. Филиалларнинг қўшма текшируви натижалари бўйича ҳисоботларни аудиторлик гуруҳининг раҳбари тузади.

Филиаллар ва бутун корхонанинг молия-хўжалик фаолияти натижалари якуни бўйича таҳлилий ҳисоботлар ички аудитор томонидан текширув давомида тузилган чорак ва йиллик ҳисоботлар маълумотлари ва аудиторлик далолатномалари асосида тузилади. Корхонани бошқариш давомида юзага келадиган алоҳида масалалар

бўйича таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботлар ички аудит хизмати штатидаги ҳар қандай ходим томонидан тайёрланиши мумкин.

Ўтказилган текширишлар натижалар бўйича якуний ҳужжат ички аудит хизмати раҳбари томонидан тузилиб, имзоланади ва бу текширув натижалари бўйича энг асосий ҳисобот ҳисобланади.

## **8.2 Аудитор томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари ва уларни қабул қилиш тартиби**

Текширилаётган бўлинмаларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳисоби баҳосидаги камчиликлар бартараф этилганда ва моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилиш таъминланганда, текширув якунланган ҳисобланади.

Текширувнинг бориши давомида аниқланган ва бўлинмалар фаолиятида жиддий ўзгаришларни талаб қилмайдиган ва бўлинма раҳбари ваколатига кирувчи ўзгаришларни текширув давомида бартараф этиш зарур. Текширув жараёнида уларнинг бартараф этилганлиги ҳақида ҳисоботда тегишли ёзувлар қилинади.

Агар текширувда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корхонанинг ички ҳужжатларидаги хатоликлар, камомадлар, пул маблағлари ёки моддий бойликларнинг ўғирланиши каби ҳолатлар корхона бухгалтерия ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилишини ва йўқотишларни қоплашни талаб қилувчи солиқ қонунчилигининг бузилиши аниқланса (яъни айбдор шахсларни ишдан четлаштириш ва улардан келтирилган зарарни қоплатиш учун асос бўлса), текширув материаллари корхона раҳбариятига берилади. У ҳужжатларни текширув маълумотларига ҳуқуқий баҳо берувчи ва моддий зарарни қоплаш мақсадида судга даъво ҳужжатларини тайёрлаш учун корхона юридик хизматига тақдим этилади.

Корхонанинг юридик хизмати бўлими ўз навбатида текширув натижаларига асосан қуйидаги ҳужжатларни ўрганиши лозим:

- текширув далолатномаси ва унда келтирилган зарарларни тасдиқловчи ҳужжатлар иловалари;
- келтирилган зарарлар бўйича мансабдор шахснинг тушунтириш хатлари;

- текширув материалларидаги ёзувларнинг тўғрилиги ва келтирилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- корхона раҳбари ва бош бухгалтери руҳсати билан амалга оширилган муомалалар бўйича камчиликларни ҳисоблаш;
- моддий жавобгар шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси ва уларни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлар.

Келтирилган моддий зарарлар миқдори бозор нархлари бўйича белгиланади. Текширув ҳужжатларида инвентаризация ёки бошқа усуллар билан аниқланган зарар миқдори келтирилиб, уни қоплаш бўйича чоралар зудлик билан кўрилиши зарур.

Корхона мансабдор шахслари ички аудит жараёнида аниқланган камомадлар бўйича масъул шахсларни ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Корхонага нисбатан мулкӣ тажовузлардан муҳофаза қилишнинг қонунчиликда ўрта ҳуқуқий шакли белгиланган: фуқаролик, маъмурий ва жиноий.

Текширув натижасида аниқланган камомадлар айбдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда қопланиши ҳам мумкин. Агарда, рад этилган тақдирда қарзни ундириш фуқаролик даъвоси бериш йўли билан суд тартибида бажарилади. Мулк эгаси манфаатларига у ёки бу даражада зарар етказиш ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади. Шунингдек, жамият учун хавфли хатти-ҳаракатларни бажарганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Бу борада, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориладиган аризаларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ҳуқуқбузарлик ёки камомаднинг мазмун-моҳияти;
- етказилган зарар ёки камомад суммаси;
- ҳуқуқбузарлик ёки камомад содир этилган вазият, вақт ва жой бўйича маълумотлар;
- камомад ёки етказилган зарарни тасдиқловчи гувоҳлар (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ёки иш жойи бўйича манзили).

Зарарни ва унинг миқдорини тасдиқлаш учун аризага (баённомага) қуйидагилар қўшимча қилиниши керак: аудиторлик текшируви ёки инвентаризация далолатномалари, солиштириш-таққослаш кайдномалари, юк хатлари, счёт-фактуралар моддий қимматликларнинг бузилганлиги бўйича тўпланган далиллар, бухгалтериянинг этказилган зарар миқдори ҳақидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари, моддий жавобгар шахслар билан тузилган шартнома нусхалари, иш даври ҳақида маълумотнома, тушунтиришлар, қарзни ихтиёрий қопланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар.

Бузилишлар ва суистеъмолчиликлар акс эттирилган ҳужжатларнинг сақланиши бўйича зарур чоралар кўрилиши лозим. Бунинг учун, улар текширув жараёнида ҳам, унинг тугаши жараёнида ҳам олиб қўйилиши мумкин.

Биринчи навбатда, тузатишга уриниш излари бўлган рақам ва матн ўзгартирилган ҳамда нотўғри ва (ёки) сохта маълумотлар акс эттирилган ҳужжатлар далил сифатида олиб қўйилади. Бу ҳужжатларга бирон-бир белги қўйиш мумкин эмас.

Корхонага келтирилган моддий зарарни қоплаш бўйича ҳам чоралар кўрилиши лозим. Бу ишлар, улар аниқланиши биланок, корхонанинг юридик хизмати бўлими томонидан амалга оширилиши керак. Моддий зарарни қоплаш учун қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилиши зарур: бевосита ҳақиқий зарарларнинг мавжудлиги, ходимнинг айбини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва ходимни моддий жавобгарликка тортиш муддатларига амал қилинганлиги ва жавобгарлик турининг тўғри танланганлиги (тўлиқ ёки чекланган).

Моддий зарарни қоплаш барча тўланган жарималар, неустойкалар ва бошқа чекловлар бўйича амалга оширилади. Бунда маъмурият мулкий жавобгарликни қонунчиликка мос равишда аниқ айбдор шахсга юклаши лозим.

Текширувлар самарасини ошириш мақсадида унинг натижаларини корхонанинг муассислари, раҳбарият ва жавобгар ходимлари билан муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Зарурат туғилганда корхона мулканинг бутлиги ҳақидаги масалалар корхона

ходимлари билан муҳокама қилинади, уларнинг таклифлари ташкилий-техник тадбирлар режасига киритилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари тасдиқланади.

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳужжатлари, текширишни ташкил этиш бўйича корхона раҳбари буйруғи, иловалар, текшириш бўйича бошқа ҳужжатлар ва кўрилган чоралар рўйхати аудиторлик текширувини тайинлаган мансабдор шахсга кўриб чиқиш учун берилади.

Буйруқ лойиҳасининг қайд этиладиган қисмида маълумотлар куйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- молия - ҳўжалик фаолияти натижалари ва текширилган бўлим фаолиятини яхшилаш бўйича ўтказилган тадбирлар қисқача санаб ўтилади;
- текширилган бўлим фаолияти бўйича маълум чоралар кўрмаслик оқибатида юзага келган камчиликлар кўрсатилади;
- қандай қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги, қандай камчиликларга, ўғирликларга йўл қўйилганлиги, аниқланган камчиликлар ва этказилган зарарлар санаб ўтилади;
- текширув давомида аниқланган ва текширув маълумотномасида кўрсатилган жиддий бузилиш фактлари санаб ўтилади.

Буйруқ лойиҳасининг қарор қисмида:

- бўлим (филиал) ва унинг раҳбари фаолиятини баҳолаш;
- моддий жавобгар шахсга нисбатан улар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликларни келгусида такрорланмаслиги юзасидан таклифларни баён қилиш;
- аниқланган камчиликларни баратараф этиш ва текширилган бўлим фаолиятини яхшилашга йўналтирилган таклифлар. Таклифлар аниқ, асосланган, моҳияти ва муддатига кўра реал бўлиши лозим;
- аниқланган бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш учун масъул мансабдор шахсларни ва уларни бартараф этиш муддатларини аниқ кўрсатиш лозим.

Ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар самарадорлиги таъминланиши лозим. Буйруқнинг бажарилиши юзасидан назорат текширилган бўлим раҳбарининг ҳисоботлари таҳлили ва ҳужжатли текширувлар ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ва унинг ижроси назоратини таъминлаш мақсадида корхоналарда ички аудиторлик хизмати бўйича қабул қилинган чоралар китобини юритилади.

Китобга қуйидаги графалар киритилади:

- текширув ўтказилган бўлимнинг номи;
- текширувнинг ташкилий методлари;
- текширув ҳақидаги ҳисобот ҳужжатининг санаси;
- текширув натижалари бўйича буйруқ санаси;
- буйруқ рақами;
- текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот бериш муддатлари;
- буйруқ бажарилганлиги ҳақидаги ҳисобот санаси;
- моддий қимматликларга етказилган зарар миқдори;
- тикланган пул маблағлари ва моддий қимматликлар миқдори;
- айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилган зарар миқдори;
- кўшимча ажратилган ва бюджетга киритилган тўловлар суммаси.

### **8.3. Кейинги аудиторлик назоратини ташкил этиш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш**

Ички аудит хизмати кейинги аудиторлик назоратида қуйидаги тадбирларни амалга оширишлари лозим:

- алоҳида бўлимларда услубий қўллаб-қувватлашларни амалга ошириш (ҳисобни юритиш, солиққа тортиш бўйича тавсиялар бериш);

- бўлимлар, корхона бухгалтерлари ва иктисодчилар малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича семинарлар ташкил этиш;
- жорий масалалар бўйича маслаҳатлар (консультациялар) ўтказиш;
- таҳлилий-ҳисоб ишларини автоматлаштириш бўйича маслаҳатлар бериш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими устидан смарали назоратни амалга ошириш;
- қонун ҳужжатлари ва ҳисоб сиёсати талабларига риоя қилинишини устидан назорат олиб бориш;
- корхона мулкларининг сақланиши ва ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;
- суистеъмолларни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, моддий жавобгар ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича махсус суриштирувлар ўтказиш.

Ички аудит хизмати ташкил этилган ёки бундай бўлими ташкил қилишни режалаштираётган ҳар бир корхонада “бундай бўлим ўзини оклайдими?” деган савол юзага келади. Ички аудитнинг самарадорлигини қандай баҳолаш лозим? Бу масала ўта мураккаб масаладир. Гап шундаки, биринчидан, натижани ҳамиша ҳам миқдор билан ўлчаб бўлмайди. Иккинчидан, самарадорлик фақат аудиторнинг ўзига эмас, маълум даражада буюртмачилар: муассислар, акционерлар ва корхона раҳбарларининг кейинги хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Учинчидан, буюртмачиларнинг субъектив ёндашуви ҳам таъсир этади.

Ички аудитнинг самарадорлигини таҳлил қилиш учун сифат ва миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим. Улар ички аудит бўйича йиллик режа бажарилиши динамикасини ва ички назорат тизими бўйича лойиҳаларга харажатларни аниқлаши лозим. Бундан ташқари, кўрсаткичлар тизими буюртмачиларнинг аудитор бажарган ишидан қоникқанлик даражасини баҳолашга ҳам имкон бериши лозим. Ҳар бир корхона ички назорат тизими фаолияти самарадорлиги мезонларини ўзи белгилайди. Кўрсаткичларнинг таркиби ва мақсадли аҳамиятини қузатув кенгаши билан қилишган

ҳолда ички назорат тизими раҳбари белгилайди. Бунда асосий буюртмачилар (кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва юкори ижрочилик раҳбарияти) ички назорат тизими фаолиятини уч-беш кўрсаткичлар билан баҳолашлари мумкин. Бошқа томондан, ички назорат тизими раҳбари бошқараётган хизмати фаолиятини кўрсаткичларнинг катта миқдори бўйича баҳолаши мумкин. Ички аудит хизматининг самарадорлик кўрсаткичларига қуйдагилар киради:

- корхона кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилган аудиторлик текширувлари сони ва унинг бажарилиши;

- белгиланган даврда бир аудиторнинг ўтказилган аудиторлик текширувларида қатнашганлик даражаси;

- аудиторлик тавсияларининг бажарилганлик фоизи;

- такрорий аудиторлик тавсиялари сони;

- аудитнинг тавсиялари бажарилиши ҳисобидан харажатларнинг тежалиши;

- буюртмачи (мижоз)ларнинг ўтказилган текширувлардан қониққанлиги.

Ички аудит хизмати самарадорлигини доимий баҳолаш жараёни билан бир қаторда унинг иш сифатини ошириш дастури ҳам бўлиши керак. Ушбу дастур доирасида ўтказиладиган тадбирларга қуйдагилар киради:

- ички аудит сифатининг жорий назорати (мониторинги). Уни ички аудит хизматининг раҳбар ва менежерлари аудитни ўтказиш давомида ўтказадилар. Мониторинг ички аудиторлар фаолияти компания ва аудиторлик текшируви амаллари ва регламентларига мос келиши лозим. Шунингдек, у ички назорат тизими раҳбарига аудиторларни берилган топшириқларни зарур профессионал даражада бажараётганлигига ишонч ҳосил қилишига имкон беради;

- ички аудит хизмати раҳбари ва менежерлари томонидан бир йилда камида бир марта ўтказиладиган ички баҳолаш жараёни. Унинг мақсади - ўз кучи билан ҳар бир ички аудиторни ва умуман,



бутун хизматнинг фаолиятини мукамаллаштириш учун мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир;

5 йилда камида бир марта ўтказиладиган ташки баҳолаш жараёни. Уни ички аудит хизмати учун бегона бўлган ташкилотлар амалга оширади. Бу вазифани одатда обрўли ташки коньсултантлар ва аудиторлар бажаради. Ташки баҳолар, айниқса, шуниси билан кадрлики, улар ички аудит иш сифатига “ташқаридан назар ташлаш” имконини беради. Ички аудит сифатини оширишга ёндашув комплекс амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаш жоиз. Юқорида санаб ўтилган барча тадбирларни амалга ошириш ички аудит хизмати фаолиятини кенг миқёсда мукамаллаштиришга ёрдам беради.

#### **8.4. Кенгаш ва раҳбариятга ҳисобот бериш**

АХР “ички аудит фаолияти мақсадлари, обрўси, маъсулияти ва режага боғлиқ бўлган ижро тўғрисида юқори ҳокимиятга ва кенгашга тез-тез ҳисобот бериб туриш”га жавобгар. Ҳисобот ўз ичига муҳим риск ва бошқарув масалалари, шунингдек юқори ҳокимият ва кенгаш директорлар маҳкамаси томонидан сўраладиган бошқа саволларни олиши керак. (ИАИ Стандарт 2060: Кенгаш ва юқори раҳбариятга ҳисобот бериш)

АХР ушбу профессионал мажбуриятларнинг тугалланганлигини йил давомида ички аудит фаолияти натижаларини юқори раҳбариятга ва комитетга ҳисобот бериш орқали тасдиқлайди.” Тасдиқланган иш жадвалларидан, кадрлар жадвали ва молиявий бюджетдан бўлган муҳим оғишлар; ушбу оғишлар сабаби, ва кўрилган ёки керак бўлган чоралар “тўғрисида ҳисобот берилиши керак (Амалий маслаҳат 2060-1: Юқори Раҳбарият ва кенгашига ҳисобот). Юқори раҳбарият ва ёки директорлар кенгаши ўзаро ҳаракат (мажбурият)лар кузатувларини тўғриламаслик рискинни ўз бўйнига олганида, БАР жорий шароитга қараб кенгашларга ҳисобот бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шу билан бирга, бошқарув ва БАР Кенгаш ва аудит қўмитаси томонидан мажбуриятларига мувофиқ бўлган риск одатда ўз ичига қуйидагиларни қамраб олувчи ҳисоботларни олади:

- Бизнес бирликлари мониторинг (назорати) ва хавф монитори ҳисоботи.

- Мустақил ташқи аудитор фаолияти ҳисоботи

- Асосан молиявий фаолият ҳисоботи

- Риск бошқаруви фаолияти ҳисоботи

Қонуний ва мувофиқлик мониторинг ҳисоботи

Ушбу маълумотга қўшимча қилган ҳолда, одатда ҳисобот аудит бўйича қўмигага ёки АХР га ташкилотнинг ички назорати системаси самарадорлигинининг раҳбарият томонидан берилган натижалари баёноти билан бирга берилади.

Камида, Ички аудит функцияси мустақил равишда бошқарув ўзининг хулосаларига эришиш учун босиб ўтган жараёнларни баҳолаши зарур. Бироқ, кўп АХР лари ўз бўйнига ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тузиш системаси бўйича мустақил фикр-мулоҳазаларини билдириш вазифасини олади.

Бундай фикр-мулоҳазалар аудит бўйича қўмигага раҳбариятнинг ички назорат системаси тўғрисидаги мулоҳазалар билан бирга етиб боради.

Камроқ ҳолларда, АХРнинг фикри операциялар бўйича ички назоратга, молиявий бўлмаган ҳисобот вазифаларига тарқалади.

Улар буни ички аудитнинг йиллик режасининг тугалланиши давоми сифатида кўришади, унда ички аудит функцияси аллақачон ташкилотнинг ички назорат системаси ички аудит режасида назарда тутилганидек баҳолайди.

Бошқа АХРлар ушбу ёндашув билан рози эмас, ва таъкидлашлари бўйича,бу уларнинг мустақил бўлиш маъсулияти конфликтлар келтириб чиқаради. Ташкилот томонидан қабул қилинган ёндашув кўп жиҳатдан унинг маданияти натижасидир.

Бироқ, АХР қарама-қарши тахминлари бор бўлган ташкилотлар билан (масалан, аудит бўйича қўмига,юқори раҳбарият, шунингдек, турли хил бошқа манфаатдор учинчи шахслар-регуляторлар ва

бошқа мустақил ташки аудиторлар) муносабатларни сақлаш учун жавобгар бўлганлиги учун,бу ҳодиса туюлганидек осон эмас.

Агар ички аудит ҳисоботи ҳеч қандай кузатишларни ўз ичига олмаса,ва ички назорат самарали ва яхши ишлаб чиқилган деб топилса,одатда томонлар ўртасида ҳсч қандай норозилик бўлмайди.Аммо, агар ички аудит функцияси ички назорат етарлича яхши ишлаб чиқилмаган ва/ёки етарлича самарали ишламаябди деган хулосага келса ва бунинг натижасида бошқарув ва бир ва ундан кўп томонлар (партиялар) ўртасида норозилик келиб чиқса,бунда вазият анча мураккаблашади.

Бу АХР учун бундай норозилик тўғрисида директорлар кенгаши ва юқори раҳбариятга ҳисобот бериш учун етарли эмас. АХР, шунингдек, кузатув резолюциясини мувофиқлаштириши ва бунинг қандай қилиб тўғирланиши тўғрисида директорлар кенгашига ва юқори раҳбариятга ҳисобот бериши керак.

Жудаям кам ҳолларда, қачонки АХР ва бошқарув резолюция ва/ёки кузатувлар бўйича қандайдир розиликка эриша олмаса, АХР резолюциясиз бўлган ўзининг кузатувлари ҳисоботини беради.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ички аудит текшируви бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби?
2. Аудитор томонидан аниқланган хато ва камчиликларни баргараф этиш чоралари ва уларни кабул қилиш тартиби?
3. Кейинги аудиторлик назоратини ташкил этиш?
4. Ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби?
5. Кенгаш ва раҳбариятга ҳисобот бериш тартиби?

### **ГЛОССАРИЙ**

**Текширувнинг якуний босқичи** - Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш, баҳолаш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш ҳамда тақдим этиш жараёни.

**Аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги** - бу ҳўжалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахсларнинг,

бошлаб қўйилган аудиторлик текширувини, аудитор аудиторлик хулосаси тайёрлаш учун этарли деб ҳисоблайдиган ҳажмда ўтказишга тўсқинлик қилишга қаратилган очикдан-очик кўрсатадиган ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳарақаизлигидир.

**Ички аудит** - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сакланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти.

**Аудиторлик ҳисоботи** - аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юриштишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қойида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат.

**Аудиторлик текшируви** - молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Таҳлилий амаллар** - Аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи

субектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

## ТЕСТЛАР

### 1. Аудитор касбининг мақсади нимада намоён бўлади?

А. Асосан жамият эҳтиёжларини қондириш учун, энг юқори самарадорликка эришиш учун олий даражадаги профессионализм меъёрларига мос ишлашдан иборат

Б. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш

В. Корхона молиявий маълумотлари тўғрисида тегишли юқори ташкилотларга ахборот бериш

Г. Корхонанинг молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш

2. Аудиторлар нотўғри ахборотни факт сифатида ошқор қилмаслиги лозимлиги Ахлоқ кодексининг қайси тамойилига мос келади?

А. Обьективлик

Б. Зийраклик

В. Мустақиллик

Г. Махфийлик

3. Аудиторлар қўл остидаги мутахассисларни мунтазам текшириб бориши зарурлиги Ахлоқ кодексининг қайси тамойилида белгиланган?

А. Зийраклик

Б. Мустақиллик

В. Обьективлик

Г. Махфийлик

4. Аудиторлар билим даражасини доимий равишда мустаҳкамлаб бориши зарурлиги Ахлоқ кодексининг қайси тамойилида белгиланган?

А. Профессинал компетентлик

Б. Мустақиллик

В. Обьективлик

Г. Махфийлик

**5. Ахлоқ кодексига кўра касбий маҳоратга эришиш неча босқичдан иборат?**

А. 2

Б. 3

В. 4

Г. 5

**6. Ахлоқ кодексига кўра қуйидагилардан қайси бирида миждознинг махфий ахборотини ошкор қилиш қонунга зид ҳисобланади?**

А. Комиссион тўловни олиш орқали

Б. Суд органлари қарори ёки қонун чиқарувчи органлар ҳужжатларига биноан кўриб чиқилса

В. Миждоз профессионал меъёрларига қарама-қарши равишда аудиторга нисбатан ҳаракатда бўлса

Г. Миждознинг рухсати билан

**7. Қуйидагилардан қайси бири Ахлоқ кодексининг асосий тамойиллари қаторига қирмайди?**

А. Нашр қилинадиган ахборот ва реклама

Б. Профессинал компетентлик

В. Мустақиллик

Г. Махфийлик

**8. Қайси ҳолатларда мустақиллик тамойили бузилади?**

А. Миждоз ташкилот директори дўсти бўлса

Б. Миждоз ташкилотда ўғли ишлаётган бўлса

В. Миждоз ташкилотда қўшниси иш лавозимида ишлаётган бўлса

Г. Миждоз ташкилот уйига яқин ҳудудда бўлса

## **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонуллари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент: “Ўзбекистон” 2016 (янги тахрири).
2. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. (янги тахир) - Т., 2000 й. 26 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия хисоби тўғрисида"ги Қонуни. –Тошкент, 2016 й. 13 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоялаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонуллари. №14. –Т.: Адолат, 1996.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари**

1. Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида ракамли иктисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 03.07.2018 й. ПҚ-3832 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ги 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010 йилдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорхона ва ташкилот раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун жавобгарликларини ошириш борасида чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 12 майдаги ПФ- 1154-сон Фармони. 1999 йил 19 июль.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**қарорлари ва вазирликларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари**

12. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” низом.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом.

15. Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 декабрда 3105 – сон билан рўйхатдан ўтказилган).

16. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

17. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

18. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

19. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

20. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

## **V. Дарсликлар**

21. Тулаходжаева М. М. ва Ш. И. Илхомовларнинг умумий таҳрири остида. Т.: ТДИУ, 2010. Аудит. Дарслик.

22. Аҳмаджонов К.Б., Яқубов И. И. Аудит асослари. Дарслик Т.: «Иқтисод-молия», 2009 – 286 б.

23. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Уч. пособие. М.: ИНФРА-М, 2017 – 717с.

24. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Аҳмаджонов К.Б. ва бошқ. Аудит. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2018.

25. Каримов А. А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: Шарк, 2004. – 235 б.

26. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. - Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2003. - 612 б.

27. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. - Т., «Молия», 2003. - 220 б.

28. Аудит: учебник /под ред. Бульги Р.П.-2-е изд., перераб. и доп. – М.: «ЮНИТИ – ДАНА», - 2011. – 431 стр.

29. Подольский В.И. Аудит. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 583 с.

30. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.: ИНФРА-М, 2008. – 548с.

## **VI. Ўқув –услугий қўлланмалар, мақолалар**

31. Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I. Ichki audit. O‘quv qo‘llanma-T.: «Iqtisod-moliya», 2015. – 220 b.

32. К.Б. Аҳмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Монография. «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016 йил июнь.

33. Хайдаров Р., Файзиев Ш. Внутренний аудит. Учебное пособие. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013. -212 с.

34. Дьяконова О.С., Рогуленко Т.М., Гузь В.А., Пономарёва С.В., Бодяко А.В.; под общ. ред. Т.М. Рогуленко. Внутренний аудит. Учебник. – М.: КноРус, 2014. – 184 с.

35. Макальская А.К. Внутренний аудит: Учеб.-практ.пособие. – М.: Дело и Сервис, 2017. – 96, 101с.

36. Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учеб. пособие, 2017 г., М.: Финансы и статистика.
37. Кузиев И., Авлокулов А., Шеримбетов И. Внутренний аудит. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 120 с.
38. Аудит: учебник /под ред. Булыги Р.П.-2-е изд., перераб. и доп. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2011. – 431 стр.
39. Крышкин О. Настольная книга по внутреннему аудиту: Риски и бизнес-процессы. Москва. 2013–80 с. <https://www.litres.ru/oleg-kryshkin/nastolnaya-kniga-po-vnutrennemu-auditu-riski-i-biznes-processy/>
40. Пугачев В.В., Внутренний аудит и контроль. Учебник. – М.: Дело и Сервис, 2010.-224с.
41. Рогуленко Т.М. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. М.: Юрайт, 2017. – 310 с. <https://biblio-online.ru/viewer/mezhdunarodnye-standarty-audita-413011#page/1>
42. Сиротенко Э.А. Внутрифирменные стандарты аудита. Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2007. – 240 с.
43. Аль-Дарабсе Е.В. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. Ульяновск. УлГТУ, 2018. – 123 с.
44. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса. – М: Дело и Сервис, 2016. – 86 с.
45. Аудиторлар учун кўлланма. и.ф.д., проф. М.М. Тулаходжаеванинг умумий тахрири остида. - Т., ЎБАМА, 2007. – 196 б.
46. Tulaxodjayeva M.M., Iltamov SH.I. Audit. O`quv qo`llanma. – Т.: Иктисодиёт, 2012. – 184 б.
47. Пугачев В.В. Международные стандарты аудита. Учебно-справочное пособие. М.: Дело и Сервис, 2006. – 272 с.
48. Хайдаров Р., Машарипов О. А., Кузиев И. Н. Внутренний аудит. Уч. Пособие. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 212 с.
49. Вахрушина М.А., Мельникова Л.А., Пласкова Н.С. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебное пособие. М.: Вузовский учебник, 2008. – 320 с.

50. Панкова С.В. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. М.: Экономист, 2003. – 158 с.

51. Сиротенко Э.А. Внутрифирменные стандарты аудита. Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2007. – 240 с.

52. К.Б. Ахмеджанов. Рискларни корпоратив бошқаришда ички аудит. Ўзбекистон Республикаси Банк–Молия академияси. «Молия ва банк иши» электрон илмий журнали, 2018 йил № 10, ноябрь.

53. К.Б. Ахмеджанов. Современное состояние службы внутреннего аудита: проблемы и пути их решения. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2017 йил № 4, июль-август.

54. К.Б. Ахмеджанов. Ички аудитни тартибга солишда халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. Бизнес эксперт журнали. 2016 йил № 1, январь.

55. К.Б. Ахмеджанов. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида ички аудит текшируви технологиясини тайёрлаш, режалаштириш ва ўтказишни такомиллаштириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2015 йил № 6, ноябрь-декабрь.

56. К.Б. Ахмеджанов. Normative and methodological regulation of internal audit in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Advance Research and Innovative Ideas in Education, 2016.

57. Ў.Т. Эшбоев, Calculation of the capital sensitivity invested in the financial stability process, Indo Asian Journal multi disciplinary research 2019. [www.jpsscscientificpublications.com/journals/browser.php](http://www.jpsscscientificpublications.com/journals/browser.php)

58. М.Х. Ходжаева, Audit report: national standards of Uzbekistan and International practice, East European Scientific Journal (Warsaw, Poland), Poland 2019. [https://eesa-journal.com/wp-content/uploads/EESA\\_journal\\_6\\_part\\_0-1.pdf](https://eesa-journal.com/wp-content/uploads/EESA_journal_6_part_0-1.pdf)

59. О.А. Нопбоев, Development of ownership relations, International Journal of Research in Social Sciences, Vol. 8 Issue 10, October 2018, ISSN: 2249-2496 Impact Factor: 7.081. [http://www.ijmra.us/2018ijrss\\_october.php](http://www.ijmra.us/2018ijrss_october.php)

60. Камышанов П.И. Практическое пособие бухгалтерскому учёту. М.: Омега-Л, 2008.– 488

61. Ковалёв В.В. Бухгалтерский учет. Учебник. М.: Дело и сервис, 2008. – 359с.

62. “Deloitte Monthly Journal”, Moscow, September 2018.

## **VII. Интернет сайтлари**

63. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);

64. [www.audit.ru](http://www.audit.ru);

65. [www.aicpa.org](http://www.aicpa.org);

66. [www.accountingweb.com](http://www.accountingweb.com);

67. [www.gaap.ru](http://www.gaap.ru);

68. [www.auditinfo.ru](http://www.auditinfo.ru);

69. [www.gov.uz](http://www.gov.uz);

70. [www.mf.uz](http://www.mf.uz).

71. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

72. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
<b>1-БОБ. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ЎРНИ</b>	
1.1. Корхонани бошқариш тизимида молиявий назоратнинг ўрни.....	10
1.2. Ички аудитга кириш.....	15
1.3. Ички аудит тушунчаси, мақсади ва вазифалари.....	17
1.4. Ички аудитнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
1.5. Ички аудитнинг тавсифи ва унинг функциялари.....	26
<b>2-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
2.1. Ички назоратни ташкил қилишга халқаро талаблар.....	34
2.2. Ўзбекистон Республикасида ички аудитни тартибга солиш.....	43
<b>3-БОБ. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	
3.1. Ички назорат тизими ва ички аудитга қўйилган талаблар.....	54
3.2. Ички назоратнинг турлари.....	61
3.3. Корхонада ички аудитни ташкил қилиш босқичлари.....	64
3.4. Ички аудит бўлимининг ташкилий тузилмаси тўғрисида низом.....	67
3.5. Ички аудит бўлимининг корхонанинг бошқа бўлимлари билан ўзаро алоқадорлиги.....	72
<b>4-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ</b>	
4.1. Ички аудитни ўтказиш босқичлари.....	79
4.2. Ички аудит хизмати ишларини режалаштириш.....	80
4.3. Аудит текширувини ўтказиш кетма-кетлиги.....	83

4.4. Корхонада ички аудитни ўтказиш тартиби.....	85
4.5. Ички аудитни ўтказиш бошқичлари ва ички аудит хизмати ишларини режалаштиришнинг хориж тажрибаси.....	88

**5-БОБ. ИЧКИ АУДИТ УСУЛЛАРИ**

5.1. Ички аудит методикаси хусусиятлари.....	98
5.2. Мулк ва мажбуриятлар инвентаризацияси.....	98
5.3. Кўрик, текширув, назорат ўлчаш.....	104
5.4. Алоҳида олинган ҳужжатларни ва уларнинг жамланмаларини бир турдаги ва ўзаро боғлиқ муомалалар ёрдамида текшириш усули.....	109
5.5. Таҳлилий амаллар.....	119
5.6. Аудиторлик танлаш.....	124
5.7. Ички аудитнинг бошқа усуллари.....	128

**6-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ**

6.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини баҳолаш.....	138
6.2. Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш.....	145
6.3. Аудит далилларни олиш учун аудитролик амаллар кетма кетлиги.....	148
6.4. Кичик бизнес ташкилотларда ички аудити хусусиятлари .....	152
6.5. Компютер муҳити тизимида ички аудитни ўтказиш...	155
6.6. Алоҳида филиалларни текширувдан ўтказиш.....	168

**7-БОБ. ҲИСОБНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

7.1. Пул маблағлари билан боғлиқ муомалаларни ички аудитдан ўтказиш.....	178
--	-----

7.2. Молиявий кўйилмаларни аудиторлик текширувидаги аудит амаллари.....	182
7.3. Ҳисоб-китоб муомалаларининг ички аудити.....	184
7.4. Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар ички аудити.....	188
7.5. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ички аудит ўтказиш.....	196
7.6. Товар-моддий захиралар сақланиши ва улар ҳисобининг ички аудити.....	198
7.7. Молиявий натижалар ҳисобининг ички аудити.....	200

**8-БОБ.                    ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ  
                                  УМУМЛАШТИРИШ ВА БАҲОЛАШ**

8.1. Ички аудит текшируви бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби.....	213
8.2. Аудитор томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари ва уларни қабул қилиш тартиби.....	217
8.3. Кейинги аудиторлик назоратини ташкил этиш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш.....	221
8.4. Кенгаш ва раҳбариятга ҳисобот бериш.....	224
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	230



**К.Б. АХМЕДЖАНОВ**

**ИЧКИ АУДИТ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**“ИҚТИСОДИЁТ” – 2019**

Мухаррир  
Мирхидоятова Д.  
Мусаххих  
Ходжаев И.

Лицензия АІ № 240 04.07.2013. Теришга берилди 10.07.2019 й.  
Босишга рухсат этилди 29.07.2019 й. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times  
гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табағи 15.

Нашр босма табағи 9,6. Адади 50 нусха.

Буюртма № 074

“ИҚТИСОДИЁТ” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100003. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49 уй.